

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УО'К: 811.512.133'374:398.22(=512.133)

ХАМДАМОВА ХАНИФАХОН ШУКУРИЛЛАЕВНА

**“РУСТАМХОН” ДОСТОНИ СЎЗ БОЙЛИГИ (лексикографик,
функционал-семантик ва лингвостилистик таҳлил**

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Г.У.Жуманазарова,
филология фанлари доктори (Dsc), профессор в.б.

Жиззах 2022

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
I БОБ. “Рустамхон” достонининг лексикографик ва статистик тадқиқи	12
1.1§. Ўзбек тилшунослигида халқ достонлари тилининг ўрганилиши.....	12
1.2§.“Рустамхон” достони матнининг лингвостатистик ва лексикографик тадқиқи.....	32
Боб бўйича хулосалар.....	61
II БОБ. “Рустамхон” достони сўз бойлигининг лексик-семантик тадқиқи	63
2.1§. Ўз қатлам бирликларида кўп маънолилиқ.....	63
2.2§. Ўзлашма қатлам бирликларида кўпмаънолилиқ.....	83
2.3§. Достон лексикасида метафора ва метафоралашув ҳодисаси.....	96
Боб бўйича хулосалар.....	128
III БОБ. Достондаги фразеологик ва паремиологик бирликлар тадқиқи	129
3.1§.Достондаги фразеологик бирликларнинг структурал-семантик хусусиятлари.....	129
3.2§.Паремиологик бирликлар ва уларнинг стилистик имкониятлари.....	149
Боб бўйича хулосалар	165
Умумий хулосалар.....	166
Фойдаланилган адабиётлар.....	169

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида эпос тилидаги лексик бирликларнинг маъно табиатини очиб бериш, лексикографик манбаларни яратиш, лингвопоэтик ва лингвостатистик таҳлилларни амалга ошириш тилшуносларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу борада муайян қонуниятларни тўлақонли аниқлаш, улар ҳақида мукамал ва аниқ хулосалар чиқариш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Дунё тилшунослигида эпос тилидаги сўзларни лексик-семантик гуруҳларга ажратиб ўрганиш, уларнинг муайян тилга кириб келиш манбаларини аниқлаш ва кўпмаънолилиқ хусусиятларини белгилаш бўйича салмоқли илмий тажрибалар тўпланган. Бугунги глобаллашув жараёнида халқ дostonларидаги лексик бирликларнинг услубий-маънавий табиати, лингвомаданий ва лингвопоэтик хусусиятларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда аждодларимизнинг кўп асрлар мобайнида яратган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросини тиклаш, уларни кенг миқёсда оммалаштириш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. «...тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлининг эзгу бурчидир»¹. Ҳозирги кунда халқ ижодининг барча жанрларидаги ноёб намуналарини ўрганиш, шу асосда, “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари”нинг 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва чоп эттириш, уларнинг матнларини текстологик, лингвистик ва қиёсий-типологик ўрганиш муаммоларига эътибор кучайтирилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, “Рустамхон” достони сўз

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019, 7 апрель.

бойлигини аниқлаш, лексикографик манбаларни яратиш, лексемаларнинг функционал-семантик тадқиқини амалга ошириш, шунингдек, лексик-стилистик табиатини таҳлил қилиш орқали халқ бахшисининг сўз санъатидан қай даражада фойдалана олганлигини илмий жиҳатдан баҳолаш ва ўз навбатида бундан дунё илм-фанини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилиши билан долзарбдир.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда ўзбек халқ дostonларининг лисоний, типологик, матний ва бадий-эстетик хусусиятлари хорижлик мутахассис олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган. Жумладан, россиялик Л.М.Пеньковский², франциялик Реми Дор³; олмониялик К.Райхл⁴, корейлик О.Ингён⁵ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари шулар жумласига киради.

Ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тилига бағишланган фундаментал тадқиқотлар салмоқли даражада яратилган. Бу борада Ш.Шоабдурахмонов, С.Турсунов, З.Холманова, Ж.Холмуротова, А.Раҳимов, Х.Тошматов, Ш.Маҳмадиев, Х.С.Рўзимбоев, С.М.Сариев, А.А.Холиқов, Г.Жуманазарова, Д.Ўринбоева, Қ.М.Оллоёров, И.Умаров, Н.Хаджимусаева, А.Эшмуродов, Д.Ашуров, Ю.Ходжиев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари⁶ характерлидир. Лекин “Рустамхон” дostonи сўз

² Қаранг: Мирзаев Т. Дostonлар гулгожи // Ўзбек халқ ёдгорликлари. 1-жилд, –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 28.

³ Dor Remy. Nourali ou les aventures lyriques d'un heros epique. – Paris, 1991; Dor Remy. Nourali le Preux et Marghoumon Peri. Bilingue ouzbek-francais. IFEAC. – Paris, 2005. – P. 23-25.

⁴ Karl Rechl. Rawsan. Ein uzbekisches mundliches Epos. Otto Harrassowitz. Wiesbaden, 1985; Райхл Карл.

Тюркский эпос. – М.Вост. литер., 2008. – С. 211.

⁵ Ингён О. “Алпомиш” ва “Жумўнг” дostonларининг қиёсий-типологик таҳлили. ДД. – Тошкент, 2014. – Б. 128.

⁶ Шоабдурахманов Ш. О художественных средствах языка поэмы “Равшан»: АКД.– Тошкент, 1949, – С. 28.; Турсунов С.Лексические особенности дастана “Алпамыш”: АКД. – Ташкент, 1990, – Б. 33.; Холманова З. “Шайбонийхон” дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): НДА. – Тошкент, 1998, – Б. 39; Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: НД. – Тошкент, 2000, – Б. 28; Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маънавий таҳлили (“Шахриёр” ва “Маликаи Завриё” дostonлари мисолида) НДА. – Тошкент, 2000, – Б. 32; Сариев С.М. Хоразм “Тўрўғли” дostonларининг қўлёзма вариантлари. НД, Тошкент, 2007, – Б. 108.; Раҳимов А.С. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида): НДА. – Самарқанд, 2002, – Б. 28.; Халиков А.А. “Тўрўғлининг туғилиши” дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари: НДА. – Тошкент., 2009, – Б. 48.; Жуманазарова Г. “Ширин билан шакар” дostonининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли варианты асосида): НДА, – Тошкент, 2008, – Б. 21.; Шу муаллиф. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). ДД. Тошкент, 2017 йил, – Б. 145; Ўринбоева Д. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари, ДД, Самарқанд 2019, – Б. 128.; Оллоёров Қ.М. Хоразм дostonлари ономастикаси (“Тўрўғли” ва “Ошиқнома” туркум дostonлари асосида). Филол. фан. фалсафа д-ри... (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд., 2018, – Б. 46.; Умаров И. Фозил Йўлдош ўғлининг “Малика айёр” дostonи лексикаси (тарихий-этимологик, функционал-семантик ва стилистик таҳлил). – Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Фарғона, 2020. – 7 б.; Хаджимусаева Н. “Орзигул” дostonининг статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Жиззах, 2020; Эшмуратов А.М. “Холдорхон” дostonининг лингвостилистик хусусиятлари (Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты асосида). – Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Жиззах, 2021. –180 б.; Ашуров Д.А. “Алпомиш” дostonининг лингвокультурологик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Наманган, 2021. – 7-8 б.; Ходжиев Ю.Н. “Алпомиш” дostonидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятлари. –Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент, 2020. –Б. 121.

бойлиги, жумладан, унинг лексикографик манбаларини, статистик таҳлилини, функционал-семантик ва услубий хусусиятларини тадқиқ этиш каби долзарб масалалар ўзбек тилшунослигида ўз ечимини кутаётган масалалардан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах политехника институти тадқиқот ишлари режасининг 6-сон “Филология фанларини ўқитишнинг педагогик технологиялари” (2020-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Рустамхон” достони сўз бойлигининг лексикографик манбалари, лингвостатистик таҳлили, функционал-семантик ва стилистик жиҳатларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий тилшуносликда амалга оширилган ўзбек халқ достонларининг тили хусусиятларига оид илмий тадқиқотларни ўрганиш;

достон матнининг лексикографик манбалари (сўзлик, алфавитли, частотали, терс луғатлари)ни яратиш ва уларнинг лингвостатистик жиҳатдан илмий таҳлилини амалга ошириш;

достон сўз бойлигининг лексик-семантик тадқиқига дахлдор муаммоларни, хусусан, ўз ва ўзлашган қатлам бирликларидаги кўп маънолилиқ, метафора ва метафоралашув ҳодисаларининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

достон тилидаги фразеологик ва паремеологик бирликларнинг структурал-семантик ҳамда услубий имкониятларини очиб бериш орқали бахшининг сўз санъатидан фойдаланиш даражасини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фозил Йўлдош ўғли куйлаган “Рустамхон” достонининг 1988 йилдаги нашри танланган.

Тадқиқотнинг предметини “Рустамхон” достони матнининг лисоний хусусиятларини очиб бериш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда

тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш ва танлама усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

паремиологик бирликлар (мақол-матал-нақл)нинг эпик қаҳрамонлар характер-хусусиятларини очиб берувчи услубий имкониятларга эгаллиги ва уларнинг функционал-семантик табиати, ушбу бирликларнинг шахслараро ва гуруҳлараро миллий-маънавий, тарихий-ижтимоий, ассоциатив-психологик муносабатларнинг ҳосиласи эканлиги далилланган;

“Рустамхон” достонида *той, бўта, булбул, қўзи* каби жониворлар номларини билдирадиган лексемаларнинг эпик қаҳрамонларнинг ўз фарзанди, яқин инсонлари, қавм-қариндошлари билан ўзаро муносабатларини ифодалашида кўчма маъно касб этганлиги аниқланган;

достонда қўлланилган гул, лола каби ўсимликларни, боғ, гулзор, адир, тоғ каби ўрин-жойларни, ой, офтоб, юлдуз каби осмон жисмларини, эрта, шом, баҳор, куз, қиш каби фасл ва пайт маъноларини, пари, чўри, хур, фаришта каби эпик қаҳрамонлар номларини ифодаловчи метафоралар матннинг образлилиги, ифодалилиги, таъсирчанлиги, жозибадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этганлиги исботланган;

достон матнидаги бош узвли фразеологик бирликларнинг “қаттиқ жазоламоқ” “руҳий эзилмоқ”, “уялмоқ” сингари, “кулоқ” узвли фразеологик бирликларнинг “амал қилмоқ”, “ҳеч кимга маълум бўлмаган”, “гап уқмайдиган” сингари инсон руҳий ҳолати, ички ҳис-туйғулари ва кечинмаларини ифодаловчи коннотатив маънолари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Рустамхон” достонининг лисоний хусусиятлари билан боғлиқ тўпланган материаллар, қўйилган масалаларни тадқиқ этиш натижасида келинган хулосалар ҳозирги тилшунослигимиз учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши кўрсатиб берилган;

ўрта мактаб, академик лицей адабиёт дарсларида халқ достончилиги билан боғлиқ мавзуларни мукаммалаштиришда, олий

ўқув юртларида “Лексикология”, “Матн лингвистикаси”, “Диалектология”, “Стилистика”, “Ўзбек тили тарихи” каби фанлардан яратиладиган янги дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган лексикографик манбаларнинг она тили таълимида, оғзаки сўзлаш нутқида ўқувчи-талабаларнинг филологик билим ва малакаларини оширишдаги амалий аҳамияти аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тилшуносликда қўлланилаётган тадқиқ усуллари асосида тадқиқот мақсадига мос илмий асосланган назарий хулосалар чиқарилганлиги, лексик бирликларнинг этимологик таҳлилларида ўзбек адабий тили тарихи ва нуфузли луғатлардаги маълумотларга таянилганлиги, мисоллар сўнгги йилларда чоп этилаётган 100 жилдлик “Ўзбек халқ оғзаки ёдгорликлари”дан олинганлиги, фикрлар тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, танлама ва таҳлил усулларига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, умумжаҳон лингвофольклористикасининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилшунослигида лингвофольклористик тадқиқотлар яратишда, шу жумладан, халқ дostonларининг тили ва услуби, лексик-семантик хусусиятлари, тарихий қатламларини тилнинг ички қонуниятлари билан бевосита боғлиқликда тадқиқ этишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Лексикология”, “Ўзбек тили диалектологияси” бўйича дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар яратиш, халқ дostonларининг

лексикографик манбалари бўйича хилма-хил луғатлар яратиш, янгидан яратиладиган изоҳли луғатларни тўлдириш ва мукаммаллаштириш, шунингдек, олий ўқув юрталарининг филология факультетлари талабаларига лексикология, бадиий асар матни, тили ва услуби бўйича махсус курслар, ўқув ва семинар машғулотларини ташкил этиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Рустамхон» достони сўз бойлиги (лексикографик, функционал-семантик ва лингвостилистик таҳлил) бўйича олинган илмий натижалари асосида:

паремиологик birlikлар (мақол-матал-нақл)нинг эпик қаҳрамонлар характер-хусусиятларини очиқ берувчи услубий имкониятларга эгаллиги ва уларнинг функционал-семантик табиати, ушбу birlikларнинг шахслараро ва гуруҳлараро миллий-маънавий, тарихий-ижтимоий, ассоциатив-психологик муносабатларнинг ҳосиласи эканлиги исботланган илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган *ФА-А1-Г007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик объект сифатида”* мавзусидаги илмий-амалий лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлари илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 18 августдаги 295/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг илмий-назарий асосланишига ҳамда қиёсий-типологик илмий материаллар билан таъминланишига эришилган;

“Рустамхон” достонида *той, бўта, булбул, қўзи* каби жониворлар номларини билдирадиган лексемаларнинг эпик қаҳрамонларнинг ўз фарзанди, яқин инсонлари, қавм-қариндошлари билан ўзаро муносабатларини ифодалашида кўчма маъно касб этганлиги ҳақидаги фикрларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган *Ф1-ФА-0-43429 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий*

масалаларини тадқиқ этиши” номли фундаментал лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлари илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 18 августдаги 296/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида “Рустамхон” достони қорақалпоқ версияси жилдини нашрга тайёрлашга, матн юзасидан луғат тузиш ва илмий изоҳлар ёзишга, мазкур достоннинг ўзбек варианты бўйича тузилган лексикографик манбаларни қийслашга эришилган;

достонда қўлланилган гул, лола каби ўсимликларни, боғ, гулзор, адир, тоғ каби ўрин-жойларни, ой, офтоб, юлдуз каби осмон жисмларини, эрта, шом, баҳор, куз, қиш каби фасл ва пайт маъноларини, пари, чўри, хур, фаришта каби эпик қаҳрамонлар номларини ифодаловчи метафоралар матннинг образлиги, ифодалиги, таъсирчанлиги, жозибadorлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этганлиги ҳақидаги хулосалардан Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг “Ижоднинг сеҳрли олами” кўрсатуви ҳамда “Ассалом, Жиззах!” тонги дастури сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 23 августдаги 10-12/589-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатув орқали томошабинларнинг халқ достонлари тилида учрайдиган кўчма маъноли birlikлар ва улар англатган маънолар ҳақидаги билимларининг кенгайига олиб келган;

достон матнидаги бош узвли фразеологик birlikларнинг “қаттиқ жазоламоқ” “руҳий эзилмоқ”, “уялмоқ” сингари, “кулоқ” узвли фразеологик birlikларнинг “амал қилмоқ”, “ҳеч кимга маълум бўлмаган”, “гап уқмайдиган” сингари инсон руҳий ҳолати, ички ҳис-туйғулари ва кечинмаларини ифодаловчи коннотатив маънолари тўғрисидаги хулосалардан Жиззах давлат педагогика университетидан бажарилган *MUZ-2015-0725140051 “Бошланғич синф ўқувчилари нутқини бойитишда инглизча-русча-ўзбекча фраземалар луғатини яратиш ва амалиётга татбиқ этиши*” мавзусидаги лойиҳасида муҳим манба

сифатида фойдаланилган. (Жиззах давлат педагогика университетининг 2022 йил 19 сентябрдаги 04-804-сон маълумотномаси) Натижада лойиҳанинг ўзбек тилида энг кўп қўлланадиган ибораларни изоҳлаш жараёнига, фразеологик бирликларнинг услубий маъноларини очиқ беришга ва тавсифлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий иш нашрида, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та луғат (сўзлик, алфавитли, частотали, терс-чаппа луғатлар жамламаси), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 168 саҳифадан иборат.

I БОБ. “РУСТАМХОН” ДОСТОНИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ВА СТАТИСТИК ТАДҚИҚИ

1.1.§. Ўзбек тилшунослигида халқ достонлари тилининг ўрганилиши

Халқ достонлари тилимизнинг ҳақиқий кўзгуси. *Биринчидан*, фольклор жанрлари орасида ҳажм жиҳатидан энг йириги, айти пайтда, бадий ва лисоний-структурал хусусиятлари билан бошқа жанр намуналаридан кескин ажралиб турадиган бундай эпик асарлар “ҳақиқий ва идеал тарих бирлашиб, чатишиб кетган оламшумул воқеаларни тасвирлаган, халқимизнинг ахлоқий, фалсафий, диний қарашларини, турмуш тарзи, урф-одатлари ва маиший ҳаётини қомусий бир тарзда ифодалаган ўтмиш ёдномалари”⁷ ҳам ҳисобланади. *Иккинчидан*, уларда ўзбек тилининг лексик қурилиши, сўз ва ибораларнинг семантик кирралари ўз ифодасини тўлиғича намоён этган. *Учинчидан*, бу асарлар тилида ҳатто шундай сўз ва иборалар қўлланганки, улар ҳозирги ўзбек адабий тилида ва шеваларида турли хил даражада ишлатилади, баъзилари эса умумистеъмолда мутлоқо қўлланилмайди.

Яна бир омилни таъкидлаш лозимки, ўзбек халқ достонларидаги айрим ҳудудий-махаллий шевага хос бўлган жуда кўплаб қочирик, ўхшатиш, сифатлаш каби лисоний усуллар ва лингвомаданий бирликлар борки, уларнинг ҳаммаси ҳам адабий тил меъёрларига тўғри келмайди ёки матн мазмунига унчалик ҳам мос тушавермайди. Айрим ўринлардаги кинояли сўзлар ёки поэтик кўчимлар эса муайян достоннинг ички сюжетини яққол очишда асосий бирламчи воситалардан бири сифатида роль ўйнаши мумкин. Лекин уларни тўғри маънода қўлласа, достон куйчиси – бахшининг ижро услубини бироз бузиб юборишга олиб келиши ҳам мумкин. Бундай ва бошқа лисоний ҳолатларнинг достонлар матнида қўлланилишини айрим олимлар ўзларининг

⁷ Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фанлари д-ри. дис. ... автореф.–Тошкент,1993.–228 б

кузатишларида ҳам қайд этганлар⁸.

Ўзбек тилшунослигида халқ достонлари тилини ўрганишга бағишланган 30 га яқин диссертацион тадқиқотлар мавжуд бўлиб, уларда луғавий қатламнинг тарихий-этимологик, лексик-семантик, стилистик ва лингвопоэтик жиҳатлари анъанавий-тавсифий нуқтаи назардан ўрганилган. Ҳозиргача амалга оширилган тадқиқотларнинг ҳаммаси ўз мавзуларининг долзарблиги билангина эмас, балки миллий-маънавий меросимизда муносиб ўрин эгаллаган халқ достонлари тилини ва бахши-шоирларнинг ижодкорлик бобидаги индивидуал маҳорати ҳам ёритиб берилганлиги билан ҳам илмий аҳамият касб этган.

Тилшунослигимизда халқ достонларининг тилига, умуман, фольклор асарларининг тилига, уларни ёзиб олиш жараёнига дахлдор лисоний омилларга оид илк илмий кузатишлар асосида билдирилган мулоҳазалар XX асрнинг 20-йилларининг иккинчи ярмидан бошланган. Хусусан, фольклор текстологияси масалаларини тадқиқ этишда Ходи Зарифовнинг бу йўналишда амалга оширган ишлар таҳсинга лойиқ. Олимнинг 1930 йиллар илмий фаолиятида фольклор намуналарни, шу жумладан, халқ достонларини тўплаш асносида уларни ёзиб олишнинг методларини ишлаб чиққанлиги, бахши-шоирлар ижросидаги кенг қамровли халқ ижоди намуналари талаффузини ёзувда акс эттиришнинг аниқ бир тизимининг яратганлиги асосий ўрин тутди. “Фольклор намуналарини ёзиб олишда Ходи Зарифовни текстнинг фақат мундарижасигина эмас, балки унинг талаффуз жиҳати ҳам қизиқтиради. Бу хоҳишни амалга ошириш учун у ўзи ёзиб олган бахшилар ижодини, мансуб бўлган ўзбек-қипчоқ лаҳжаси талаффуз хусусиятларига мос фонетик ёзув системасини – араб ёзуви ва кейинчалик лотин ёзуви

⁸ Дониёров Х. Халқ достонлари тили ва қипчоқ шеваларининг адабий тилимизга муносабати // СамДУ профессор-ўқитувчиларининг XXIV илмий-назарий конференцияси материаллари. Филология серияси. Самарқанд: СамДУ нашри, 1969. – Б. 14-19; Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси – Тошкент: Фан, 1979. 243 б.; Дониёров Х. Қипчоқ шеваларини ўрганишда халқ достонларининг роли // Ўзбек халқ ижоди. Тошкент: Фан, 1967. – Б.162-166.; Холмуротова Ж. “Қирқ минглар” достони лексикасининг адабий тилга муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. - № 4. - Б. 64-66; Холмуротова Ж. Шимолий Хоразмдostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ...дис. – Тошкент, 2000. – 160 б.

асосида транскрипция ишлаб чиқди. Ҳали ўзбек диалектографияси ўз фонетик транскрипциясини белгилаб олмаган бир пайтда Ходи Зарифов томонидан 1928 йилда тавсия этилган фонетик транскрипция кейинчалик ўзбек диалектографиясида кенг қўлланиб, ҳозирда эса диалектологик тадқиқотлар амалиётида кундалик амалий восита бўлиб қолди”⁹. Умуман, фольклор асарларини ёзиб олиш йўллари, туркий халқлар оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш учун XIX асрнинг иккинчи ярмида академик В.В.Радлов яратган латин ёзуви асосидаги транскрипция¹⁰ ва унга асосланиб, 20-йилларнинг иккинчи ярмида араб ёзуви асосидаги ўзбек фольклори материалларини ёзиб олишга мўлжалланган транскрипцияни Ходи Зарифов ишлаб чиқди¹¹.

Бу ўринда, филологиямизнинг тарихидан муносиб жой олган проф. Х.Т.Зарифовнинг “Тўрўғли” туркуми дostonлари бўйича олиб борган мўъжазгина тадқиқотлари ва кузатишлари, кенг қамровли тўпловчилик ишларини алоҳида таъкидлаш зарур. Унинг академик В.М.Жирмунский билан ҳамкорликда яратган рус тилидаги “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси”¹² номли фундаментал монографиясидаги халқ дostonлари тили бўйича йўл-йўлакай билдирган фикр-мулоҳазалари ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий-назарий аҳамиятини мутлақо йўқотмаган. Бу асар жуда юксак савияда ёзилганлигини сўзбоши, кириш, тўрт асосий боб, хулоса ва изоҳлардан кўриш мумкин. Ушбу тадқиқот фақат ўзбек, балки жаҳон ва туркий халқлар филологиясида ҳам юқори баҳоланган. Бу ўринда иккита далил келтириш билан чегараланамиз: биринчиси, ўзбек халқ дostonларининг таржимони ва тадқиқотчиси германиялик Карл Райх мазкур тадқиқотга 35 марта ҳаволалар берганлиги¹³ ҳамда иккинчиси россиялик этнограф ва

⁹ Шоабдурахмонов Ш., Мирзаев Т. Улкан олим // ЎТА – 1985. – 4-сон. – Б.30.

¹⁰ Қаранг: Радлов В.В. Образцы народной литературы тюркских племен, живущих в Южной Сибири и Дзунгарской степи Наречия османские. Ч.8. – СПб., 1899; <https://elibrary.ru/handle/123456789/218012>

¹¹ Мирзаева Б.Т. Ўзбек фольклоршунослиги шаклланиши ва тараққиётида Ходи Зарифовнинг ўрни: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Т. –2022.

¹²Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – 520 с.

¹³ Reichl Karl. Turkic oral epic poetry: tradition, forms, poetic structure. – New York & London, 1992. – 395 p.;

фольклоршунос олим Б.Н.Путилов ўзининг илмий монографиясида “Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси” монографиясидан 26 та хаволалар келтирганлиги¹⁴ таъкидланаётган фикрларнинг ёрқин тасдиғи бўла олади. Аслини олганда, Ходи Зарифов томонидан тадқиқ қилинаётган ҳар бир дostonнинг сўзбошилари олимнинг илк эпосшуносликдаги кичик тадқиқотлари саналади. Хусусан, Ходи Зарифовнинг “Қундуз билан Юлдуз” дostonи устида олиб борган изланишлари, дoston матни тўғрисидаги турли-туман қайдлари олимнинг эпосшунослик назариясининг ва бирламчи манбалар тилининг чуқур билимдони эканини кўрсатиб туради. Ходи Зарифов “Қундуз билан Юлдуз” дostonи матнига алоҳида эътибор қаратади, дoston нашрида махсус изоҳ беради ва луғат мақолаларини киритади. 1963 йилда нашрга тайёрлаган¹⁵ ва “Булбул тароналари” беш жилдлигининг учинчи жилдида қайта нашр этилган “Қундуз билан Юлдуз” дostonидаги маълумотлар асосида унинг матнга берган изоҳлари катта илмий қимматга эга. Б.Мирзаева таъкидлаганидек, китоб аннотацияси, дostonнинг мазмунини қисқача тасвирлаб берган баёнида Ходи Зарифовга хос илмий аниқлик, бир-икки жумлада асар моҳиятини тўла ифодалай олиш салоҳияти яққол кўриниб турибди. Атиги иккита ёйиқ гапдан иборат бўлган аннотацияда а) “Қундуз билан Юлдуз” дostonининг “Тўрўғли” туркумига кириши; б) туркумнинг қирқдан ортиқ дostonлардан иборатлиги; в) унинг яратилиш даври; г) номлари бизга номаълум бахшилар томонидан ижод қилинганлиги; д) халқ ўртасида кенг тарқалиб, куйлаб келинганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳамда дostonнинг мазмуний ифодаси аниқ кўрсатилган. Бундай аниқлик ва теранлик Ходи Зарифов илмий услубига хос фазилатлардан биридир¹⁶.

Путилов Б.Н. Эпическое сказительство: Типология и этническая специфика. – М.: Издательская фирма “Восточная литература” РАН, 1997. – 295 с.

¹⁴ Путилов Б.Н. Эпическое сказительство: Типология и этническая специфика. – М.: Издательская фирма “Восточная литература” РАН, 1997. – 295 с.

¹⁵ Қаранг: Қундуз билан Юлдуз. Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли, нашрга тайёрловчи Ходи Зариф. – Тошкент, 1963. – Б. 275 б.

¹⁶ Мирзаева Б.Т. Ўзбек фольклоршунослиги шаклланиши ва таракқиётида Ходи Зарифовнинг ўрни:

Китоб нашрига олим тўрт юзга яқин сўз ва тушунчаларнинг дostonдаги маъноларини изоҳловчи махсус бир луғатчани ҳам илова қилган. “Қундуз билан Юлдуз” дostonи матнида “Майи антахур” (“Антахур майи”) ибораси қўлланилган ва дostonнинг 262-саҳифасида буни Ходи Зарифов қуйидагича изоҳлаган: “Антахур – мусаффо. Антахур майи – илоҳий май, мажозан ишқ- муҳаббат уйғотувчи май. Аслида сўфийлик талқини бўлса ҳам, фольклорда реал ҳаётни севиш кайфиятини ифодалаш учун ишлатилади”. Мазкур иборанинг ва у ифодалаган тушунчанинг кейинги даврларда яратилган нуфузли луғатларда, хусусан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Навоий асарлари луғати”, “Ислом энциклопедияси” ва бошқаларга киритилмаганлиги дostonлар тили бўйича Ходи Зарифов изоҳи – илк кузатишларининг бугунги кун учун ниҳоятда зарурлигини тасдиқлай олади.

Ўзбек тилшунослиги тарихида халқ дostonлари тилини ўрганиш бўйича махсус илмий тадқиқотларни яратиш, диссертация ёзиш ва ҳимоя қилиш ишларини диалектолог олим, академик Ш.Ш.Шоабдурахмонов бошлаб берган эди. Унинг Эргаш Жуманбулбул ўғли қуйлаган “Равшан” дostonи тилига бағишлаган номзодлик диссертацияси¹⁷ шулар жумласидандир. Мазкур олимнинг бошқа халқ дostonлари тилига оид ўндан ортиқ илмий-назарий мақолалари¹⁸ эълон қилинган. Бу ишларнинг ҳаммаси ўзининг оригиналлиги, илмийлиги, поэтик тадқиқининг кенг қамровда эканлиги ва энг муҳими, бирламчи лисоний материаллар таҳлиliga бойлиги билан тилшунослигимизда алоҳида ажралиб туради. Хусусан, “Равшан” дostonининг тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т., – 2022.

¹⁷ Шоабдурахмонов Ш. О художественных средствах язык поэмы “Равшан”: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1949. – С 8.

¹⁸ Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” дostonининг тили ҳақида // “Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни” тўплами. – Тошкент, 1971. – 2-китоб. –Б. 146-172; Шоабдурахмонов Ш. О поэтических особенностях языка поэмы “Равшан” Эргаша Джуманбулбул оглы // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1970. – № 10. – С. 24-27; Шоабдурахмонов Ш. Эргаш Жуманбулбул дostonларида ифода ва тасвирийлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. - № 5. – Б. 43-50; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари.–Тошкент: ЎзРФА нашриёти, 1962. – Б. 371; Шу муаллиф: Ўзбек шеваларидаги мосликлар ва уларнинг адабий тилга муносабати // Ўзбек шевалари лексикаси.–Тошкент, 1966. –Б.17-18; Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиёв А., Расулов И, Дониёров Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I-қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 448.

ҳақида”¹⁹ номли мақоласида мазкур дostonнинг ҳижолари тузилиши, кофиялар тизими, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг сифатлаш, ўхшатиш, метафора, метонимия, киноя, муболаға каби бадий-тасвирий воситалардан моҳирона фойдаланиш маҳорати таҳлил этилган. Шунингдек, олимнинг бошқа ишларида Эргаш шоирнинг синтактик поэтик кўчимларни қўллашдаги такрорланмас ўзига хос индивидуал услуби ҳақида кенг қамровли маълумотлар берилган. Муаллиф “Равшан” дostonининг лексик, фонетик ва грамматик хусусиятлари ҳақидаги ўз кузатишларини қисқача баён қилган бўлса-да, мазкур илмий мақолалар²⁰ шу кунгача халқ дostonлари тилига оид бажарилган тадқиқотлар орасида ўз нуфузига эга.

Дostonлар лексик материалнинг шева ва адабий тилга муносабатини, ономастика ва бадииятини очишга бағишланган тадқиқотлар гуруҳидаги ишлар ичида Х.Дониёров, А.Ишаев, Б.Тўйчибоев, Д.Абдурахмонов, Ҳ.Бектемиров ва бошқаларнинг айрим илмий мақолалари ва монографик тадқиқотлари²¹ лисоний далилларга бойлиги, илмий-назарийлиги билан муҳим ўрин тутди. Бу ўринда шуни таъкидламоқчимизки, халқ дostonлари тилининг кенг қамровли лисоний хусусиятларига бағишланган илмий мақолалар сони ҳозирги кунда 350-400 тадан, монографик тадқиқотлар эса 30 тадан ошиб кетди. Биз уларнинг ҳаммасига бирма-бир тўхталиш имкониятидан чекланганмиз. Бундан

¹⁹ Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” дostonининг тили ҳақида // “Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни” тўплами. – Тошкент, 1971. – 2-китоб. – Б. 146-172.

²⁰ Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” дostonида бадий фонетика элементлари // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 23-30; Шоабдурахмонов Ш.О. Поэтических особенностях языка поэмы “Равшан” Эргаша Джуманбулбул оглы // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1970. – № 10. – С. 24-27; Шоабдурахмонов Ш. Эргаш Жуманбулбул дostonларида ифода ва тасвирийлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – № 5. – Б. 43-50.

²¹ Қаранг: Данияров Х. Халқ дostonлари тили ва қипчоқ шеваларининг адабий тилимизга муносабати // СамДУ профессор-ўқитувчиларининг XXIV илмий-назарий конференцияси материаллари. Филология серияси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1969. – Б. 14-19; Шу муаллиф. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 243; Шу муаллиф: Қипчоқ шеваларини ўрганишда халқ дostonларининг роли. // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 162-166; Ишаев А. Халқ дostonлари лексикасидан // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 167-177; Шу муаллиф: А. Халқ дostonлари лексикасига оид кузатишлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – № 5. – Б. 56-63; Шу муаллиф: Дostonлар тилининг баъзи бир хусусиятлари // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 173-179; Тўйчибоев Б. “Алпомиш” ва халқ тили. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. – Б. 160; Абдурахмонов Д., Бектемиров Ҳ. Ўзбек халқ дostonлари ономастикаси // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 186-191.

кейинги ўринларда фақатгина бажарилган ва ҳимоя қилинган диссертация ишларига қисқача тўхталишни лозим топдик.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг эпик репертуаридаги “Тўрўғли” туркумига мансуб “Хуш келди”, “Қундуз билан Юлдуз” каби ўзбек халқ достонлари тилига бағишланган А.Раҳимовнинг номзодлик диссертациясида²² масалага тил тарихининг ёзув шакллангунга қадар бўлган фольклор босқичида лингвистик тизимнинг вазифавий кенгайиши, услубий тармоқланиши, адабийлик мақомига эга бўлиши ва миллий тилнинг юзага келиш жараёнига алоқадор муаммолар нуқтаи назаридан ёндашилганлиги илмий-методик жиҳатдан тўғри бўлган. Муаллифнинг тил тизимида тарихий жиҳатдан жонли тилга нисбатан оғзаки уст диалектнинг устуворлиги, фольклор тили ана шу диалектлар замирида ривожланганлиги, бу эса оғзаки тил тизимида поэтик уст диалектнинг, айти пайтда, унинг ёзма тилнинг вужудга келишига асос бўлганлиги ҳақида тўғри хулосалар чиқарган.

Мазкур диссертацион тадқиқотда мавжуд материалларни таҳлил қилиш ва тавсифлаш жараёнида бир қатор муҳим илмий янгиликларга эришилган: тарихий тил тизимининг илк функционал кенгайиши, услубий тармоқланиши ва адабийлик мақомига эга бўлиши ўзаро оппозитивлик ҳолатда бўлган оғзаки ва оғзаки поэтик уст диалектал сатҳлар тадрижий тараққиёти билан боғлиқ эканлиги илмий асосланган ва адабий тилнинг вужудга келишида ёзувнинг устувор эмаслиги қайд этилган; достонларда сақланган катта ҳажмдаги тарихий ва эскирган сўзлар жамланган ва шу асосда фольклор манбаларининг тарихий сўзлари изоҳли луғатини яратиш учун замин ҳозирлаган; ўзбек халқ достонларининг қадимги туркий эпик жилд асосида шаклланган оғзаки поэтик уст диалект билан алоқадорлиги ҳозирги туркий тиллар достонлари ва қадимги туркий ёзма манбаларга хос анъанавий лингвофольклористик унсурларнинг стилистик қиёси, семантик-стилистик ва қиёсий-типологик таҳлили асосида очиб

²² Раҳимов А.С. Ўзбек халқ достонлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида): Филол. фанлари ном.дис. автореф. – Самарқанд, 2002. – Б. 27.

берилган; ўзбек халқ дostonларини кенг миқёсда қиёсий, тарихий ва типологик тадқиқотларга жалб этиш асосида умумтуркий, миллий адабий тил босқичларини янада чуқурроқ тадқиқ этиш учун замин ҳозирлаган²³.

Муайян бир дoston лексикасига кенг қамровда ёндашилган ишлар орасида С.Турсуновнинг диссертацион тадқиқоти²⁴ Фозил Йўлдош ўғли куйлаган машҳур “Алпомиш” дostonига бағишланган бўлиб, унда фольклор лексикаси ва фразеологиясининг ўзига хослиги, умумхалқ тилининг шу мазмундаги бирликларидан фарқли равишда таҳлил этилганлиги билан илмий-амалий қимматга эга. Муаллиф биринчи бўлиб “Алпомиш”нинг диалектал лексикасини монографик тарзда ўрганган. Асосий эътибор лексик, грамматик, фразеологик диалектизмларнинг таҳлиliga қаратилганлиги, уларнинг ўзбек адабий тилида эквивалентларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги нуқтаи назаридан таҳлил этилганлиги, қолаверса, ишда китобий-поэтик ва халқ-поэтик лексикасининг ўрганилганлиги ҳам дoston тилини текширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилган. Диссертацияда “Алпомиш”даги мавжуд касбий лексиканинг қатламлари йилқичилик, қўйчилик, туячилик, чорвачилик учун умумий бўлган 4 мавзуий гуруҳга ажратилган; ҳар бир гуруҳга кирувчи сўзларнинг маънолари таҳлил қилинган; дostonда иштирок этган ёки бевосита қўйилган эпик қаҳрамон номларига изоҳлар берилган; дoston тилидаги синонимларнинг маъновий ва вазилавий жиҳатлари тадқиқ этилган.

З.Т.Холманова диссертацион тадқиқотида²⁵ “Шайбонийхон” дostonи тилидаги сўзлар лексик жиҳатдан махсус ўрганилган; қўлланиш миқдорига кўра алоҳида кичик гуруҳларга ажратилган; бир асар матнида қўлланган сўзлар лексик-генетик жиҳатдан аниқланган, мавзуий ва семантик гуруҳлар асосида таснифланган, шева вариантларига

²³ Раҳимов А.С. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли жиҳоди мисолида): Филол. фанлари ном.дис. автореф. – Самарқанд, 2002. – Б. 4-5.

²⁴ Турсунов С. Лексические особенности дастана “Алпамыш”: Автореф. дис.канд. филол. наук. –Ташкент, 1990. – С. 19.

²⁵ Холманова З. “Шайбонийхон” дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): Филол. фанлари ном...дис. автореф. – Тошкент, 1998. – Б. 25.

қиёсланган, қўлланиш меъёрлари ва матннинг тарихий манбалари белгиланган. Унда ўз қатламнинг миқдорий жиҳатдан кўплиги матнда сўзлашув тилига хос элементларнинг фаоллиги, уларнинг асосий қисми туркий сўзлар эканлиги билан изоҳланган. Ишнинг илмий қиммати шундан иборатки, унда Пўлкан шоир куйлаган дoston тили Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” дostonи ва ҳозирги ўзбек адабий тилига қиёсланган ҳолда ўрганилган ва тил бирликларининг қўлланиш қонуниятларини очиб беришда қиёсий-тарихий ва статистик методлардан фойдаланган. Диссертацияда сўзларнинг ўттиздан ортиқ мавзуй гуруҳлари антропонимлар, топонимлар, этнонимлар, астронимлар, харбий атамалар, маиший турмуш тарзи билан боғлиқ сўзлар, касб-хунарга оид бирликлар мисолида таҳлил этилган. Булардан ташқари, мазкур тадқиқот “Шайбонийхон” дostonи лексикасининг шакл ва мазмун муносабатлари таҳлилига, полисемантик, синоним, антоним, омоним сўзлар тадқиқига бағишланган, унда статистик маълумотлар ҳам кенг ўрин олган. Дoston лексикасининг адабий тил, шевалар, ёзма тарихий ёдгорликлар тилига муносабатини кўрсатиши нуқтаи назаридан мазкур диссертация илмда муҳим аҳамиятга эга. Фикримизча, З.Т.Холманова “Шайбонийхон” дostonи лексикасини вазилавий жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадини ўз олдига қўймаганлиги сабабли унда лексик бирликларнинг номинатив-тавсифий ҳамда бадий-услубий вазилави етарли даражада ёритилмаган. Ушбу фикр ва бошқа мулоҳазалар баъзи тадқиқотчиларнинг ишларида²⁶ ҳам таъкидланган.

Ж.Холмуротованинг диссертацион тадқиқотида²⁷ худудий дostonлар, жумладан, шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг номинатив-тавсифий вазилави сифатида ёзма бадий нутқ ва дoston тили, адабий тил ва дoston тили, шу дostonлар лексикасидаги сўзларнинг мавзуй гуруҳлари, ономастик лексиканинг ўрни, дostonлар тилидаги сўз ва

²⁶ Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари... ном.дис. –Тошкент, 2000. – Б. 19.

²⁷ Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари... ном.дис. –Тошкент, 2000. – Б.160.

фразеологизмларнинг ўзаро муносабати каби масалалар махсус ўрганилган. Бундан ташқари, дostonлар тилидаги эпитетлар, ўхшатишлар, метафора ва метонимиялар, эвфемизмлар ва саяжлар Хоразм дostonлари лексикасининг бадий-услубий вазифаси сифатида текширилган. Айни пайтда, лексемаларнинг адабий тил ҳамда диалектал фразеологик бирликларга муносабати, кўчимга юз тутган лексик бирликларнинг асар сюжет чизиғи ва ғоявий мазмунига алоқадорлик томонлари ўрганилганлиги билан илмий-амалий аҳамият касб этади. Ж.Холмуротованинг дoston тилидаги лексик бирликларнинг номинатив-тавсифий ва бадий-услубий вазифаларда қўлланиши, уларни кузатиш орқали анъанавийлик ва дoston ижрочиси баёнидаги индивидуалликни аниқлаш мумкинлиги ҳақидаги хулосалари назарий жиҳатдан асослидир.

Г.У.Жуманазарованинг номзодлик диссертациясида²⁸ “Ширин билан Шакар” дostonи лексикасининг луғавий қатламлари, лингвостатистик частотаси, ўз ва ўзлашган қатламга хосланганлиги тадқиқ қилинган; дoston тилидаги лексик бирликларнинг номинатив-тавсифий ва бадий-тасвирий вазифаси тингловчиларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши ишонарли далиллар таҳлили орқали исботланган; тадқиқ этилган дoston лексикаси мавзуй жиҳатдан тасниф этилган ва ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос лексик-семантик хусусиятлари ёритилган; дoston тилида қўлланган поэтик кўчимларнинг тутган мавқеи, миқёс ва даражаси аниқланган, уларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ва бадий-услубий табиати илк бор тадқиқ этилган. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, тилшунослигимизда “Ширин билан Шакар” дostonи лексикаси бўйича илк бор қисқача изоҳли луғат тузилганлиги, дostonнинг электрон матни асосида алфавитли-частотали луғатларнинг бир неча хил вариантлари тузиб чиқилганлиги, лексик ва морфологик бирликларнинг аниқ ҳажми белгиланганлиги диссертантнинг қўлга киритган ютуқларидан биридир.

²⁸ Жуманазарова Г.У. “Ширин билан Шакар” дostonининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари... ном. дис. – Тошкент, 2008. – Б. 97.

А.Холиқов ўзининг номзодлик диссертациясида²⁹ Пўлкан шоир куйлаган “Тўрўғлининг туғилиши” достони лексикасининг тарихий-этимологик қатламларини тадқиқ этиш йўли билан ўзлашма сўзларнинг қўлланиш доираси ҳамда ишлатилиш меъёрини аниқлашга, асар лексикасини шакл ва маъно муносабатига кўра тавсифлашга ҳаракат қилган. Шунингдек, достон лексикасининг услубий хусусиятларини, достонда қўлланган турғун иборалар ва мақолларни таҳлил қилишга, синоним, омоним ва антонимларнинг бадииятни таъминлашдаги ўрнини белгилашга эътиборни қаратган. Мазкур тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади: Пўлкан шоирнинг “Тўрўғлининг туғилиши” достони тили биринчи бор лексикологик, стилистик ва статистик жиҳатига кўра тадқиқ қилинган; достон тилининг луғавий бойлиги аниқланган ва уни ташкил этган сўзларнинг мавзуй гуруҳлари белгиланган; достон тилидаги турғун бирикмалар, фразеологик бирикларнинг услубий вазифалари ўрганилган; достон лексикасининг луғавий қатламлари аниқланиб, уларнинг асар матни бадииятини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган; достон тилининг лингвопоэтикаси ва услубиятини рўёбга чиқаришда диалектал ҳамда умумадабий лексиканинг роли кузатишга, Пўлкан шоирнинг сўзлардан фойдаланишдаги маҳорати кўрсатиб берилган³⁰.

Жанубий Хоразм достончилиги мактабига тегишли “Шаҳриёр” ва “Малика Завриё” достонларининг луғавий-маъновий таҳлиliga бағишланган С.С.Рўзиевнинг номзодлик диссертациясида³¹ қўлланилган сўзларнинг генеологик жиҳатдан тавсифи, лексемаларнинг шаклий ва маъновий муносабатлари, уларнинг бадиий-эстетик вазифалари тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидаги ҳолатлар билан белгиланган: Достонлар тилидаги

²⁹ Холиқов А.А. “Тўрўғлининг туғилиши” достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари.. ном.дис. – Тошкент, 2009. – Б. 152.

³⁰ Холиқов А.А. “Тўрўғлининг туғилиши” достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари ном...дис автореф. – Тошкент, 2009. – Б. 6.

³¹ Рўзиев С.С. Жанубий Хоразм достонлари тилининг луғавий -маъновий таҳлили: Филол. фанлари... ном.дис. –Тошкент, 2001. – Б. 137.

Ўғиз ва қипчоқ лаҳжасига тааллуқли диалектизмларнинг ўзаро фарқлари аниқланган; муайян маълумотлар Хоразм воҳасидаги ўғиз ва қипчоқ лаҳжалари юзасидан қилинган тадқиқотлардаги материаллар билан таққосланган; достонлар тилидаги лексик бирликларнинг ўрни ва роли уларнинг матндаги бадиий-эстетик функцияси орқали ёритиб берилган. Достонлар луғавий таркибида ўз ва ўзлашма қатлам лексемаларининг ўрни, уларнинг достонлар бадиияти, услубияти ва поэтик хусусиятларини таъминлашдаги аҳамияти таҳлил этилган. Достонлар тилидаги жуфт, такрорий ва қўшма сўзлар, омоним, синоним ва антонимлар ҳамда кўп маъноли сўзларнинг асар бадииятидаги маъноси кўрсатиб берилган. Шунингдек, достонлар тилидаги диалектизмлар, архаизмлар ва историзмларнинг иштироки таҳлил этилган, достонлар лексикасининг адабий тил ва диалектал лексикасига бўлган муносабати очиқ берилган³².

Энг сўнгги даврларда халқ бахши-шоирларининг эпик репертуаридаги индивидуал услубини аниқлашни кўзда тутадиган, қувваи ҳофизасидаги сўзларнинг бойлигини ва миқдорини аниқлаб, умумлаштириб берадиган статистик, стилистик ва лингвопоэтик тадқиқотлар яратила бошланди. Бу борада Г.Жуманазарова, Д.Ўринбоева, Н.Хаджимусаева, Қ.М.Оллоёров, И.Умаров, А.Эшмуродов, Д.Ашуров, Ю.Ходжиев ва бошқаларнинг халқ достонлари тили ва лексикографик манбаларига бағишланган тадқиқот-луғатларини қайд этиш ўринли.

Г.У.Жуманазарованинг докторлик диссертациясида³³ Фозил Йўлдош ўғли қуйлаган “Балогардон”, “Баҳром ва Гуландом”, “Зевархон”, “Лайли ва Мажнун”, “Малика айёр”, “Нурали”, “Рустамхон”, “Фарҳод ва Ширин”, “Ширин билан Шакар” каби достонлар лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик жиҳатдан таҳлил этилган.

³² Рўзиев С.С. Жанубий Хоразм достонлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили: Филол. фанлари ном...дис. автореф. –Тошкент, 2001. – Б. 5.

³³ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлар тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филология фанлари... д-ри. дис. Тошкент, 2017 йил. – Б. 98.

Муаллифнинг эълон қилган асосий ишларида³⁴ қўйилган вазифалар тўла-тўқис амалга оширилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги сифатида қуйидагиларни таъкидлаш лозим: дostonлар тилидаги сўзларнинг тарихий-этимологик ва функционал-мазмуний хусусиятлари очиб берилган; дostonларнинг электрон матни асосида лекскографик манбалари (сўзлик, алфавитли, частотали, терс (чаппа) ва изоҳли луғатлар) яратилган; дostonлар матнидаги фонетик, лексик-грамматик курилишидаги бирликларнинг қўлланилиш миқдори аниқланган; дostonлар тили лингвопоэтикасини аниқлаш орқали услубий формулаларнинг тузилмавий-поэтик табиати ва лексик-стилистик қатламларнинг семантикаси асосланган, ибораларнинг тузилмавий-семантик ва коннотатив маъноларидаги ўзига хосликлар очиб берилган. Шунингдек, Г.Жуманазарованинг диссертациясида таҳлилга жалб этилган дostonлар қаҳрамонлари нутқидаги норасмий, халқчил унсурлар (сўкиш, қарғиш ва ҳақоратли сўзлар)нинг матндаги лингвопоэтик хусусиятлари асослаб берилган. Энг муҳими, дostonлар тилидаги ўхшатишларнинг тузилмавий-семантик ва поэтик табиати, сифатлаш, метафора, метонимия ва ибораларнинг лингвопоэтик имкониятлари аниқлаб берилган, бадий-эстетик қиммати лисоний далиллар асосида очиб берилган. Д.Ўринбоеванинг докторлик диссертацияси ва эълон қилган асосий илмий ишларида³⁵ “Алпомиш”, “Рустамхон” ва “Равшан” дostonлари, мақол, топишмоқ, эртақ, қўшиқ жанрларининг алфавитли, частотали, терс ва изоҳли луғатлари тузилганлигини, танланган

³⁴ Жуманазарова Г.У. Ўзбек халқ дostonлари матнининг лингвостатистик таҳлили, Тошкент: Тафаккур, 2011, – Б. 72; Шу муаллиф: Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. Б. – 291; Шу муаллиф: Халқ дostonларида ўхшатишнинг лингвопоэтик имкониятлари. Тошкент: Тафаккур, 2011. – Б. 56; Шу муаллиф: Халқ дostonларида саъж ва такрорнинг лингвопоэтик имкониятлари. Тошкент: Тафаккур, 2011. – Б. 36; Шу муаллиф: Фозил шоир дostonлари тилининг лексик-стилистик қатламлари. Тошкент: Тафаккур, 2012. – Б. 109.

³⁵ Ўринбоева Д. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: Филология фанлари доктори (DSe) диссертацияси. Самарқанд; 2019. – Б. 73; Шу муаллиф: Ўзбек халқ оғзаки дostonлари тилининг лингвостатистик таҳлили. Самарқанд; 2009. – Б. 136; Шу муаллиф: Ўзбек фольклор матнларининг лингвостатистик тадқиқи. Тошкент: Фан, 2010. – Б. 125; Шу муаллиф: O‘zbek xalq dostonlari tilining chastotali lug‘ati. – Toshkent, 2006. – B. 244; O‘rinboyeva D., Umurzoqov U. O‘zbek xalq dostonlari tilining alfavit-chastotali lug‘ati. – Toshkent, 2006. – B 395; Yo‘ldoshev B., O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlarining chastotali izohli fraziologik lug‘ati. – Toshkent; O‘ME, 2008. – B. 98.

материалларда қўлланган барча сўзшакллар қўлланилиш миқдори аниқланганлигини ва статистик ахборот талабларига кўра очиб берилганлигини кузатамиз. Булардан ташқари олиманинг эълон қилган ишларида танлама материаллардаги сўз туркумлари ва уларнинг грамматик кўрсаткичлари квантитатив таҳлил этилиб, ўзига хос типологик табиати, жанрий хусусиятлари ёритилган; дoston, мақол, топишмоқ, эртак ва кўшиқлар матнлардаги сўзшакллариининг лингвопоэтик имкониятлари аниқланиб, бадий-эстетик қиммати исботланган; энг муҳими, электрон ҳамда дастурий таъминот учун лингвистик таъминот, яъни фонетик, лексик, грамматик базани яратиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ва асослаб берилган.

Қ.М.Оллоёровнинг диссертацияси³⁶ “Тўрўғли” ва “Ошиқнома” туркуми дostonларидаги ономастика масаласига бағишланган, унда Хоразм дostonлари тилида қўлланилган атоқли отларнинг лингвистик хусусиятлари ўрганилган. Диссертацияда мазкур дostonлар лексикасидаги бадий қаҳрамонлар номлари, реал тарихий ҳамда ўйлаб топилган (нореал) номлар аниқланган, номларнинг таркибий жиҳатлари, содда, кўшма, мураккаб ва гибрид шаклдаги номлар, ономастик индикаторларнинг лингвистик хусусиятлари фактик материаллар асосида далиллаб берилган. Халқ дostonларидаги ономастик бирликлар тасниф қилиниб, улар жой номлари, киши номлари, тарихий шахслар, дostonлардаги лақаблар каби мавзуй-семантик гуруҳларга ажратилган ва қардош халқлар тилига оид дostonдаги номлар билан ўзаро муносабатлари очиб берилган. Шунингдек, Хоразм дostonларида тўпланган ономастик бирликларнинг мифонимлар, теонимлар ва бошқа турдаги номлар тарзида тарихий-қиёсий, тавсифий ва этник-этимологик хусусиятлари асосланган; ишда Хоразм дostonларида учрайдиган ономастик бирликларнинг статистикаси келтирилган, уларнинг таркибида содир бўлган фонетик ва морфологик ўзгаришлар аниқланган.

³⁶ Оллоёров Қ.М. Хоразм дostonлари ономастикаси (“Тўрўғли” ва “Ошиқнома” туркум дostonлари асосида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2018. – Б. 46.

Тадқиқотчи Н.Хаджимусаеванинг диссертацияси ва монографик тадқиқоти³⁷ “Орзигул” достони тилини лексик-семантик, лингвостатистик ва лингвостилистик усулда тадқиқ этишга ҳамда халқ бахшисининг сўз қўллаш маҳоратини очиб беришга бағишланган. Муаллиф қуйидаги вазифаларни бажаришга эътибор қилган: дostonнинг электрон матнини яратиш ва матн асосида алфавитли, частотали ва терс луғатлар тузиш; яратилган луғатлар ёрдамида дoston матнидаги лексик ва морфологик бирликлар частотасини белгилаш; дoston фонетик, лексик ва грамматик бирликларни лингвостатистик ва лингвостилистик таҳлил этиш; таҳлил натижасига кўра, дoston куйловчисининг ўзига хос индивидуал поэтик усулини аниқлаш ҳамда ўзбек тилининг лексик-грамматик, семантик-стилистик ва бадий-поэтик тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида муайян хулосага келиш. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, тадқиқотчи ўз олдига қўйган вазифаларни тўла-тўқис даражада бажара олган.

Мазкур диссертациянинг илмий янгилиги қуйидаги натижаларда кўзга ташланади: “Орзигул” достонидаги ўз ва ўзлашма қатлам тавсифий, қиёсий-тарихий таҳлил усуллари асосида аниқланган; матннинг фонетик, лексик, семантик-стилистик хусусиятлари очиб берилган; дostonдаги тил бирликларининг қўлланилиш миқдори, троплар тизими, поэтик синтаксиси ва стилистик формуллари ўрганилган; сўзлашув нутқида хос лингвистик ва экстралингвистик мезонларнинг дoston тилига таъсири, адабий тил меъёрларидан чекиниш ҳолатлари лисоний далиллар асосида ёритилган; Ислom шоир Назар ўғлининг поэтик индивидуаллиги, дoston куйлаш ва тилдан фойдаланишдаги маҳорати илмий асосланган³⁸.

Тилшунослигимизда муайян бахши-шоирнинг сўз бойлигини

³⁷ Хаджимусаева Н. “Орзигул” дostonининг статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Жиззах, 2020, – Б. 45; Ислom шоирнинг “Орзигул” дostonининг лисоний тадқиқи. – Т.: “Innovatsiya-ziyo”, 2019. – Б. 112.

³⁸ Хаджимусаева Н. “Орзигул” дostonининг статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Жиззах, 2020. – Б. 8.

белгилаш билан боғлиқ илмий-назарий масалалар ҳанузгача долзарб бўлиб қолмоқда. Шу маънода, И.Умаровнинг «Малика айёр» достони тилига бағишланган диссертациясида қўйилган масалалар ҳам анчайин янги, десак бўлади. Унда тадқиқотчи қуйидаги вазифаларнинг ечимини аниқлашга ҳаракат қилган: ўзбек тилшунослигидаги халқ достонларининг луғавий қатламлари муаммоларига оид амалга оширилган илмий тадқиқотларни ўрганиш; достондаги сўзларни мавзуй гуруҳларга ажратиш ва лексик-семантик табиатини очиб бериш, ижтимоий-сиёсий лексиканинг функционал таҳлилини амалга ошириш; антропоним ва топонимларни этимологик жиҳатдан таҳлил қилиш, маъмурий-ҳудудий бўлиниш ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни ифодаловчи лексемаларнинг лисоний табиатини тадқиқ қилиш; зоонимларнинг этимологик, функционал ва семантик тадқиқини амалга ошириш; достондаги кўп маъноли сўзларнинг семантик, лексик-грамматик ва генеологик тадқиқини тавсифлаш, ибораларнинг услубий хусусиятларини ёритиш.

Ушбу диссертацион тадқиқотнинг тилшунослик илмига қўшган янгилигини қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин: достоннинг лексик қатламлари тизими тарихий-генетик омиллар асосида таркиб топганлиги аниқлаб берилган; ижтимоий-сиёсий лексиканинг функционал, услубий, коммуникатив, коннотатив хусусиятлари ёритилган; антропоним ҳамда топонимларни тарихий-этимологик жиҳатдан таснифлаш орқали тарихий қатлам, ўзлашма, ибора кабиларнинг ўзига хос номловчи, таъсир этувчи, ифодаловчи этнолингвистик мезонлари кўрсатиб берилган; достондаги зоонимик ва орнитонимик лексик бирликларнинг функционал-семантик табиати аниқланган³⁹.

“Холдорхон” достонининг лингвостилистик хусусиятларига

³⁹ Умаров И. Фозил Йўлдош ўғлининг “Малика айёр” достони лексикаси (тарихий-этимологик, функционалсемантик ва стилистик таҳлил): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Фарғона, 2020. – Б. 7.

бағишланган А.Эшмуратовнинг диссертацияси⁴⁰ фонетик, лексик-фразеологик бирликларнинг лисоний табиати, синтактик курилишдаги стилистик фигураларнинг қўлланилиш хусусиятлари очиб беришга қаратилган. Тадқиқотчи ўз олдига қуйидаги вазифаларнинг ечимини топишга ҳаракат қилган: “Холдорхон” достонидаги ўз ва ўзлашма қатламни тавсифий, қиёсий- тарихий таҳлил усуллари асосида ўрганиш; матннинг фонетик, лексик- грамматик ва синтактик хусусиятларини очиб бериш; “Холдорхон” достонидаги тил бирликларининг қўлланиш миқдорини аниқлаш; алфавитли, частотали ва терс луғатлари асосидаги материалларнинг лингвостилистик хусусиятларини ўрганиш; грамматик воситаларнинг дostonдаги функционал- стилистик имкониятлари, ёзма ва сўзлашув нутқиға хос лингвистик ҳамда экстралингвистик мезонларнинг дoston тилиға таъсирини лисоний далиллар асосида ёритиш; дoston матнида лингвостилистик хусусиятларға хос бўлган махсус лингвомаданий бирликларнинг қўлланилиш ҳолатлари, уларнинг бахши ғоявий-эстетик ниятининг юзаға келишидаги ўрнини исботлаш; Қўрғон дostonчилик мактаби ва Эргаш Жуманбулбул ўғлининг услубиға хос жиҳатларини аниқлаш; ижодкорнинг поэтик индивидуаллиги, дoston қуйлаш ва тилдан фойдаланишдаги маҳоратини илмий асослаш.

Мазкур диссертацион тадқиқотнинг тилшунослик илмидаги янгилиги қуйидаги жиҳатларда кўринади. Дoston эпик матнидаги *аёл, тоза, қобирға, қават, ангишламоқ-кишнамоқ, жайнамоқ-яйрамоқ* каби лексик-грамматик ҳамда *уюшиқ, бўлақлар, кириш сўзлар ва ундалмалар* каби синтактик хусусиятлари очиб берилган ҳамда бахшининг бадихағўйлик иқтидори сўзларнинг семантик қамровини кенгайтирувчи етакчи восита эканлиги аниқланган; “Холдорхон” дostonи тилидаги сўзларда товушлар алмашиш, орттирилиш, тушиш

⁴⁰ Эшмуратов А.М. “Холдорхон” дostonининг лингвостилистик хусусиятлари (Эргаш Жуманбулбул ўғли варианти асосида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Жиззах, 2021.– Б. 180.

ва ўзгартирилиш каби фонопоэтика элементлари мавжудлигига асосланган ҳолда бахши эпик репертуаридаги *же*-ловчи қипчоқ тип шеваларига хос фонологик хусусиятлар сақланиб қолганлиги далилланган; экстралингвистик мезонлар асосида дostonдаги грамматик воситаларнинг функционал-стилистик, ёзма ва сўзлашув нутқига хос стилистик хусусиятлари эпик матннинг семантик табиатига таъсир қилиши асосланган; дoston матнидаги ўхшатиш, эпитет, муболаға, такрор ва стилистик формулалар бахшининг бадий-эстетик қарашларини ифода этувчи лингвомаданий бирлик вазифасини бажарганлиги исботланган; “Холдорхон” дostonи тилидаги лексик қатламнинг функционал-семантик хусусиятларини бошқа дostonчилик мактабига мансуб ижодкорлар асарлари тилининг лингвопоэтик талқинлари билан қиёслаш натижасида ҳар бир эпик анъанага мансуб бахшиларнинг бадий тили ўша ҳудуддаги лингвомаданий муҳитни ўзида мужассамлаштирганлиги аниқланган⁴¹.

Энг охири вақтларда, аниқроғи, 2-3 йил ичида тилшунослигимизда нафақат муайян бир эпик дostonнинг лисоний хусусиятлари, балки хилма-хил вариантларга эга бўлган дostonлардаги лисоний бирлик ва услубий воситаларнинг лингвомаданий, семантик-структур ҳамда лексикографик хусусиятларининг илмий таҳлилларига дахлдор бўлган бир қатор диссертациялар бажарилди ва ҳимоя қилинди. Шу ўринда, биргина “Алпомиш” дostonининг версия ва вариантларидаги ҳозирги тилшуносликнинг энг долзарб муаммолари ўрганилган Ю.Ходжиев ва Д.Ашуровларнинг ишларини таъкидлаш ўринли.

Ю.Н.Ходжиевнинг диссертациясида шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятларини ёритиш мақсад қилиб олинганки, унинг ечимини топишда муаллиф қуйидаги вазифаларни ўз олдига

⁴¹ Эшмуратов А.М. “Холдорхон” дostonининг лингвостилистик хусусиятлари (Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты асосида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Жиззах, 2021. – Б. 7-8.

қўйган: “Алпомиш” достонида “маънавият” умумий маъноли атов бирликларни аниқлаш ҳамда мавзу жиҳатидан таснифлаш; шахс маънавий сифатларини аниқловчи атов бирликларнинг концептуал хусусиятарини ёритиш; достонда қўлланган шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларни семантик жиҳатдан таҳлил қилиш, структуравий кўринишини аниқлаш ҳамда генетик хусусиятларни очиб бериш; шахс маънавий хусусиятларини ифодаловчи атов бирликларнинг луғатларда берилиши масаласини ўрганиш⁴².

Мазкур тадқиқотнинг фандаги илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: “Алпомиш” достонида қўлланган “маънавият” умумий маъноли атов бирликлар аниқланиб, тавсифланган; “маънавият” умумий маъноли бирликлар тизимида шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларнинг концептуал хусусиятлари асосланган; “Алпомиш” достонида қўлланган шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларнинг семантик-структур ва генетик хусусиятлари очиб берилган; шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларнинг лексикографик талқини масаласига ойдинлик киритилган; достонда қўлланган шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларни замонавий луғатларда бериш муаммоларига доир тавсиялар ишлаб чиқилган⁴³. “Алпомиш” достони лингвомаданий хусусиятларига бағишланган Д.Ашуровнинг диссертациясида⁴⁴ эса мазкур достоннинг бошқа қуйловчи-ижодкорларининг эпик репертуаридаги намуналар, хусусан, Фозил Йўлдош ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли ва Эгамберди Олломурод ўғли вариантларидаги лингвомаданий бирликлар танланган. Мазкур диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: “Алпомиш” достонидаги лингвомаданий бирликлар семантикаси тил ва

⁴² Ходжиев Ю.Н. “Алпомиш” достонидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятлари: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент, 2020. – Б. 121.

⁴³ Ходжиев Ю.Н. “Алпомиш” достонидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятлари: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020. – Б. 7-8.

⁴⁴ Ашуров Д.А. “Алпомиш” достонининг лингвокультурологик хусусиятлари: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Наманган, 2021. – Б 7-8.

маданият уйғунлиги асосида амалга оширилган; дoston матнидаги замон, макон, ранг билан боғлиқ бирликларнинг, этнографизмларнинг воқеаланиш, шаклланиш ва қўлланилишининг психоллингвистик, лингвокультурологик ҳамда социоллингвистик омиллари далилланган; анъанавий, турғун ва индивидуал ўхшатишлар лингвомаданий бирлик сифатида миллий менталликни ифодалаш билан бадий-услубий, лисоний-маданий мақсадлар учун хизмат қилиши асосланган; соматик фразеологизмлар, мақол ва маталларнинг семантик, услубий хусусиятлари миллатнинг шахслар ва гуруҳлараро миллий-маданий, тарихий- ижтимоий, ассоциатив-психологик муносабатлари ҳосиласи эканлиги исботланган.

Хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаймиз:

а) ҳозирги кунгача ҳимоя қилинган диссертацион тадқиқотларга қисқача тўхталиб ўтишдан кўзланган мақсад халқ дostonлари лексик материалининг шева ва адабий тилга муносабатини очишга бағишланган, лексик материал таҳлиliga кенг қамровда ёндашилган тадқиқотларнинг таҳлилини ёритишдан иборат;

б) оғзаки миллий бадий меросимиз, она тилимизнинг бой бадий-эстетик имкониятлари ҳақида тўлақонли тасаввурга эга бўлишда бизнинг камтарона диссертацион ишимиз Фозил шоир “Рустамхон” дostonининг мутлақ ўрганилмаган лисоний жиҳатларига бирмунча ойдинлик киритади, деб ҳисоблаймиз.

1.2.§. “Рустамхон” дostonи матнининг лингвостатистик ва лексикографик тадқиқи

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида халқ оғзаки ижоди намуналарига бағишланган қатор статистик лексикографик кузатишлар ва лингвофольклористик тадқиқотлар яратилди. Хусусан, Т.Мирзаев, Ж.Эшонқул, С.Фидокорларнинг “Алпомиш” дostonининг изоҳли луғати⁴⁵,

⁴⁵ Мирзаев Т., Эшонқул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” дostonининг изоҳли луғати. – Тошкент: ELMUS-

Д.Ўринбоевнинг “Ўзбек халқ дostonлари тилининг частотали луғати”⁴⁶, Д.Ўринбоева ва У.Умурзоқовнинг “Ўзбек халқ дostonлари тилининг алфавит-частотали луғати”⁴⁷, Б.Йўлдошев, Д.Ўринбоевнинг “Ўзбек халқ дostonларининг частотали-изоҳли фразеологик луғати”⁴⁸, Б.Ўринбоев, К.Бозорбоевнинг “Алпомиш” дostonи фразеологизмларининг таъбири”⁴⁹, Г.Жуманазарованинг “Фозил Йўлдош ўғли “Ширин билан Шакар” дostonининг изоҳли луғати”⁵⁰, яна шу муаллифнинг ўндан ортиқ дostonларнинг электрон матни асосида яратилган ва эълон қилган лексикографик манбалар (сўзлик, алфавитли, частотали, терс (чаппа) ва изоҳли луғатлари)⁵¹, шунингдек, Н.Хаджимусаеванинг “Орзигул” дostonи тилининг луғати”⁵² каби ишларини тилга олиш мумкин.

Т.Мирзаев, Ж.Эшонқул, С.Фидокорларнинг “Алпомиш” дostonлари асосида тузган луғатида, хусусан, Фозил Йўлдош ўғли ва бошқа халқ бахшилари томонидан куйлаган версияларида қўлланилган, аммо адабий тилимизда кам учрайдиган ёки умуман учрамайдиган, айрим маънолари унутилган лисоний бирликларнинг изоҳи келтирилганлиги билан илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган лексикографик тадқиқот бўлиб, унда 1157 та сўзнинг изоҳи берилган.

Худди ана шу тартибдаги изоҳли луғатлар ўзбек халқ дostonларининг

PRESSMEDIA, 2007. – Б. 162.

⁴⁶ O‘rinboyeva D. O‘zdek xalq dostonlari tilining chactotali lug‘ati.–Toshkent, 2006. – B. 244.

⁴⁷ O‘rinboyeva D., Umurzoqov U. O‘zdek xalq dostonlari tilining alfavit-chactotali lug‘ati. –Toshkent, 2006. – B. 395.

⁴⁸ O‘rinboyeva D., Umurzoqov U. O‘zdek xalq dostonlari tilining alfavit-chactotali lug‘ati. –Toshkent, 2006. – B. 395.

⁴⁹ Ўринбоев Б.,Бозорбоев К. “Алпомиш” дostonи фразеологизмларининг таъбири. – Самарқанд: СамДУ, 1998. – Б. 40.

⁵⁰ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли “Ширин билан Шакар” дostonининг изоҳли луғати. – Жиззах : Сангзор, 2007.

⁵¹ Жуманазарова Г.У. “Малика айёр” дostonининг лексикографик манбалари. – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2009. – Б. 494; “Рустамхон” дostonининг лексикографик манбалари. – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2009. . – Б. 330; “Зевархон” дostonининг лексикографик манбалари.– Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2010. – Б. 270; “Баҳром ва Гуландон” дostonининг лексикографик манбалари. – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2010. – Б. 308; “Балогардон” дostonининг лексикографик манбалари – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2010. . – Б. 330; “Лайли ва Мажнун” дostonининг лексикографик манбалари – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2011. . – Б. 256; “Нурали” дostonининг лексикографик манбалари манбалари - Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2011. – Б. 276; “Фарход ва Ширин” дostonининг лексикографик манбалари – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2011. – Б. 264; “Ширин билан Шакар” дostonининг лексикографик манбалари – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2011. – Б.338.

⁵² Хаджимусаева Н. “Орзигул” дostonи тилининг луғати (сўзлик, алфавитли луғат, частотали луғат, терс луғат). – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2012. – Б. 387.

хар бири асосида яратилиши лозим, деган фикрда бўлган Г.Жуманазарова ҳам Фозил Йўлдош ўғли “Ширин билан Шакар” достонининг изоҳли луғати”ни тузган ва бу луғат 311 та сўзнинг изоҳини ўз ичига олади.

Сўнги йилларда ўзбек лингвофольклористик луғатчилигида замонавий компьютер дастурларидан самарали фойдаланиш борасида Д.Ўринбоева, Г.Жуманазарова, Н.Хаджимусаева, А.Эшмуродовлар томонидан салмоқли ишлар амалга оширилган. Д.Ўринбоева халқ достонлари матнини лингвостатистик таҳлил этиш ва шу асосда луғатларга муайян даражада тартиб бериш ишини биринчи бўлиб амалга оширди, қилган ишларнинг амалий натижаси сифатида иккита луғат нашр этди⁵³. Биринчи луғат, яъни “Ўзбек халқ достонлари тилининг частотали луғати” учун “Алпомиш”, “Равшан”, “Рустамхон” достонлари матни материал вазифасини ўтаган. Ушбу матнлар асосида замонавий компьютер дастурлари ёрдамида 28499 марта қўлланган 19274 та луғавий бирликни қамраб олган сўзшакллардан иборат ҳар бир достоннинг алоҳида частотали ва алфавитли-частотали луғатлари тузилган. Луғат маълумотига кўра “Алпомиш” 14029, “Равшан” 7059, “Рустамхон” 7411 сўзшакллардан ташкил топган. Д.Ўринбоеванинг У.Умурзоқов билан ҳамкорликда тузган “Ўзбек халқ достонлари тилининг алфавит-частотали луғати” аввалги тузган луғатидан фарқли ўлароқ бирмунча сўзшакллар частота тартибида, яъни аввал энг кўп қўлланган элементлар, давомида ундан кам қўлланганларини келтириш тартибида эмас, балки ҳар уч достондаги сўзшакллар алфавит тартибида ва бир вақтнинг ўзида частотаси кўрсатилган ҳолда берилган. Эълон қилинган луғатда сўзшаклларнинг бу тартибда келтирилиши ва таҳлил қилиниши тадқиқотчи учун докторлик диссертациясини ёзишда маълум даражада қулайлик туғдиради ва уларнинг статистикасини уч достон мисолида қиёслаш имконини беради. Ушбу луғатнинг яна бир илмий жиҳати “Алпомиш” ва “Равшан” достонларида

⁵³ O‘rinboyeva D. O‘zdek xalq dostonlari tilining chactotali lug‘ati.–Toshkent, 2006. – B. 244; O‘rinboyeva D., Umurzoqov U. O‘zdek xalq dostonlari tilining alfavit-chactotali lug‘ati. – Toshkent, 2006. – B. 395.

қўлланилган сўзшаклларнинг сўз туркумлари кесимида берилганлигидир. Масалан, уларда от: 1597 (11,4%), 1359 (19,2%); сифат 425 (3,02%), 245 (3,4%), сон 54 (0,4%), 28 (0,4%), олмош 17 (0,1%), 20 (0,28 %), равиш 266 (1,9%), 238 (3,3%), феъл 1399 (9,9%), 1100 (15,5%) нисбатда қўлланилганлиги аниқланган. Ушбу рақамлар мустақил сўзларнинг “Равшан” достонида қўлланиши “Алпомиш” матнидагига қараганда фаол эканлиги ҳақидаги хулосага олиб келган. Г.Жуманазарованинг таъкидлашича, халқ достонлари тилида от ва феълнинг қўлланиш частотаси устуворлиги, қўлланиш коэффиценти нуқтаи назаридан эса олмош энг юқори ўринда “Алпомиш”да бу– 1069, шу – 182, мен – 425, менинг – 243; “Равшан”да бу – 139, шу – 137, мен – 108, менинг – 69) туриши, ўз навбатида, бу коэффицентга кўра феъл лексемалар (бўлиб – 524 ва 118, олиб – 176 ва 108, келиб – 224 ва 57, айтди – 158 ва 56, бўлса – 249 ва 77, бўлади – 243 ва 76) ва атоқли отлар (Қоражон- 289, Алпомиш – 264, Равшанбек – 104, Ҳасан – 211, Зулхумор - 83) иккинчи ва учинчи ўринларни ишғол қилиши аниқланган⁵⁴.

Достонлар матнида бир марта қўлланган сўзлар частотаси юқори кўрсаткични ташкил этади. Масалан, “Алпомиш”да – 7476 ва 53,3%, “Равшан”да – 4303 ва 60,9%. Шунингдек, 1дан 10 гача бўлган сўзлар – 5262 (37,5%) ва 2388 (33,8%); 10 дан 90 гача – 1179 (8,4%) ва 319 (4,5%); 90 дан 1000 гача – 112 (0,79%) ва 14 (0,19) ни ташкил этиши маълум бўлган. Бир мартадан қўлланган сўзларнинг асосий қисмини от ва феъллар ташкил этган. Б.Йўлдошев, Д.Ўринбоеванинг “Ўзбек халқ достонларининг частотали изоҳли фразеологик луғати”⁵⁵ ўзбек тилшунослигида яратилган фольклор асарлари тилининг, хусусан, фразеологик луғатининг дастлабки тажрибадаги илк намунаси дейиш мумкин. Луғатни яратишда муаллифлар Фозил шоирнинг “Алпомиш”, “Рустамхон” ва Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Равшан”

⁵⁴ Жуманазарова Г.У. Ўзбек халқ достонлари матнининг лингвостатистик таҳлили, Тошкент: Тафаккур, 2011, – Б. 72.

⁵⁵ Yo‘ldoshev B., O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug‘ati. – T:O‘zME, 2008. – Б. 100.

достонлари матнини (жами: 28499 та сўзшакли) асос қилиб олган. Ҳар бир достоннинг умумий матн ҳажми хилма-хил: “Алпомиш”да – 14029, яъни 49,2% ни; “Равшан” достони – 7059, яъни 24,7% ни; “Рустамхон” достони – 7411 сўзшакли 26,2 % ни ташкил этади. Матнларни қайта текшириш жараёнида муаллифлар мазкур матнларда жами 1041та фразеологик бирликлар қўлланганлигини, аниқлаганлар. Муаллифлардан Д.Ўринбоевнинг ахборот беришича, “Алпомиш” достонида қайталаниш частотаси 2007 сўзшаклида бўлиб, умумий танлама ҳажмининг 14% ни, “Равшан” достонида 534 сўзшакли умумий танлама ҳажмининг 7,5% ни, “Рустам” достонида 647 сўз шакли умумий танлама ҳажмининг 8,7% ни ташкил этган⁵⁶. Мазкур луғат муаллифларининг улкан ютуғи шундаки, объект сифатида танланган достонлардаги фразеологик бирликларнинг натижаларини Ш.Раҳматуллаевнинг тилшунослигимизда машҳур бўлган луғати⁵⁷ билан солиштирилган, фақат учта достон матнида қўлланилган 189 та ибораларнинг таъкидланган луғатда учрамаганлигини аниқлаган. Тузилишига кўра икки қисмдан иборат бўлган бу луғатнинг дастлабки қисмида ўзбек халқ достонлари матнида фразеологизмларнинг қўлланиш частотаси қиёсий йўналишда алифбо тартибда берилган бўлса, кейинги қисмида достонлар матнидаги фразеологизмларнинг қисқача изоҳли луғати ўрин олган. Табиийки, фразеологик бирликларнинг лингвостатистик аспектда бундай тартибда тадқиқ этилиши тилшунослигимизда фольклор тили билан боғлиқ бўлган барча назарий ва амалий масалаларни ҳал этишдаги илмий-амалий аҳамияти жуда катта.

Д.Ўринбоевнинг докторлик диссертацияси ва эълон қилган асосий илмий ишларида⁵⁸ ўзбек халқ оғзаки ижодининг жанрий-

⁵⁶ Ўринбоева Д. Достонлар тилида фразеологик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2007, №6. – Б. 87-90.

⁵⁷ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.:Ўқитувчи, 1978. – Б. 408.

⁵⁸ Ўринбоева Д. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: Филология фанлари доктори (DSe) диссертацияси. Самарқанд; 2019. – Б. 73; Шу муаллиф: Ўзбек халқ оғзаки достонлари тилининг лингвостатистик таҳлили. Самарқанд; 2009. – Б. 136; Шу муаллиф: Ўзбек фольклор матнларининг лингвостатистик тадқиқи. Тошкент: Фан, – Б. 210-125; Шу муаллиф: O‘zbek xalq dostonlari

лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари ҳақида сўз юритилган. Хусусан, “Алпомиш”, “Рустамхон” ва “Равшан” дostonлари, мақол, топишмоқ, эртак, кўшиқ жанрларининг алфавитли, частотали, терс ва изоҳли луғатлари тузилган, компьютер ёрдамида тузилган луғатларнинг ўзбек луғатшунослиги тизимидаги ўрни ва афзалликлари далилланган; танланган материалларда қўлланган барча сўзшакллар қўлланилиш миқдори аниқланган ва статистик ахборот талабларига кўра очиб берилган. Шунингдек, фольклор асарлар тилини компьютер ёрдамида статистик қайта ишлаш натижасида частотали луғатнинг турли зоналарида эҳтимолий ва кам қўлланган сўз шакллари асосида матнни тўлдириш йўллари, сўз шаклларининг ўртача қайталаниши ва синтетизм коэффициентлари асосида матнда ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати, матнни лингвистик индивидуаллиги аниқланган. Булардан ташқари, олиманинг эълон қилган ишларида танлама материаллардаги сўз туркумлари ва уларнинг грамматик кўрсаткичлари квантитатив таҳлил этилиб, ўзига хос типологик табиати, жанрий хусусиятлари ёритилган; дoston, мақол, топишмоқ, эртак ва кўшиқлар матнлардаги сўзшаклларининг лингвопоэтик имкониятлари аниқланиб, бадий-эстетик қиммати исботланган; энг муҳими, электрон ҳамда дастурий таъминот учун лингвистик таъминот, яъни фонетик, лексик, грамматик базани яратиш бўйича тавсиялар асослаб берилган. Г.У.Жуманазарованинг докторлик диссертациясида⁵⁹ Фозил Йўлдош ўғли куйлаган “Балогардон”, “Баҳром ва Гуландом”, “Зевархон”, “Лайли ва Мажнун”, “Малика айёр”, “Нурали”, “Рустамхон”, “Фарҳод ва Ширин”, “Ширин билан Шакар” каби дostonлар лингвостатистик жиҳатдан таҳлил этилган. Муаллифнинг эълон қилган баъзи ишларида⁶⁰

tilining chastotali lug'ati. – Toshkent, 2006. – B. 244; O'rinboyeva D., Umurzoqov U. O'zbek xalq dostonlari tilining alfavit-chastotali lug'ati. – Toshkent, 2006. – B. 395; Yo'ldoshev B., O'rinboyeva D. O'zbek xalq dostonlarining chastotali izohli fraziologik lug'ati. – Toshkent; O'ME, 2008. – B. 98.

⁵⁹ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлар тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филология фанлари... д-ри дис. Тошкент, 2017 йил.

⁶⁰ Жуманазарова Г.У. Ўзбек халқ дostonлари матнининг лингвостатистик таҳлили, Тошкент: Тафаккур, 2011, – Б. 72; Шу муаллиф: Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Тошкент: Алишер

достонларнинг электрон матни асосида лекскографик манбалари (сўзлик, алфавитли, частотали, терс (чаппа) ва изоҳли луғатлар) яратилганлигини; достонлар матнидаги фонетик, лексик-грамматик қурилишидаги бирликларнинг қўлланилиш миқдори аниқланганлигини кузатамиз. Энг муҳими, ҳар бир достон тилидаги лисоний бирликлар асосида тўққизта лекскографик манбалар⁶¹ яратилганлиги ва эълон қилинганлиги илмий жамоатчилик томонидан хайрихоҳлик билан маъқулланди.

Тадқиқотчи Н.Хаджимусаеванинг Ислом шоир Назар ўғли қуйлаган “Орзигул” достони тилига бағишланган луғатида⁶² муаллиф ўз олдига қуйидаги вазифаларни бажаришни мақсад қилиб қўйган: достоннинг электрон матнини яратиш ва матн асосида алфавитли, частотали ва терс луғатлар тузиш; яратилган луғатлар ёрдамида достон матнидаги лексик ва морфологик бирликлар частотасини белгилаш; достон фонетик, лексик ва грамматик бирликларни лингвостатистик таҳлил этиш. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, тадқиқотчи ўз олдига қўйган вазифаларни муайян даражада бажарган. Бинобарин, тилшунослигимизда муайян бахши-шоирнинг сўз бойлигини белгилаш билан боғлиқ илмий-назарий масалалар ҳанузгача долзарб бўлиб қолмоқда. Жумладан, Фозил Йўлдош ўғлининг эпик репертуаридан муносиб ўрин олган “Рустамхон” достони ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбек халқ достонларининг матни бошқа матнларга қараганда бир

Навой номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – Б. 291; Шу муаллиф: Халқ достонларида ўхшатишнинг лингвопоэтик имкониятлари. Тошкент: Тафаккур, 2011. – Б. 56; Шу муаллиф: Халқ достонларида саъж ва такрорнинг лингвопоэтик имкониятлари. Тошкент: Тафаккур, 2011. – Б. 36; Шу муаллиф: Фозил шоир достонлари тилининг лексик-стилистик қатламлари. Тошкент: Тафаккур, 2012. – Б. 109.

⁶¹ Жуманазарова Г.У. “Малика айёр” достонининг лекскографик манбалари.– Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2009. – Б. 494; “Рустамхон” достонининг лекскографик манбалари. – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2009. – Б. 330; “Зевархон” достонининг лекскографик манбалари. – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2010. – Б. 270; “Баҳром ва Гуландон” достонининг лекскографик манбалари. – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2010. – Б. 308; “Балогардон” достонининг лекскографик манбалари – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2010. – Б. 330; “Лайли ва Мажнун” достонининг лекскографик манбалари – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2011. – Б. 256; “Нурали” достонининг лекскографик манбалари манбалари - Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2011. – Б. 276; “Фарҳод ва Ширин” достонининг лекскографик манбалари – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2011. – Б. 264; “Ширин билан Шакар” достонининг лекскографик манбалари – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2011. – Б. 338.

⁶² Хаджимусаева Н. Ислом шоирнинг “Орзигул” достонининг лисоний тадқиқи. – Т.: “Innovatsiya-ziyo”, 2019. – Б. 112.

катор ўзига хосликларга эга ва улар статистик-лексикогафик кузатишларни амалга оширишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаришини таъкидлаш лозим. Бу қийинчиликлар, аввало, дostonларини ёзиб олишнинг аниқ тамойил-мезонларининг йўқлиги билан изоҳланади. Бунинг натижасида мутахассис олимлар ёки фольклор ихлосмандлари дostonларни бахшилар тилидан ёзиб олишда бир катор объектив-субъектив хатоликларга йўл қўйганлар.

Дostonлар тилини ўрганган олима Г.Жуманазарова бунинг маълум сабабларини қуйидагича кўрсатади: биринчидан, дostonни ёзиб олган кишилар у қандай айтилса, шу ҳолича ёзиб олиш принципига амал қилинмаган, асар муаллифининг қипчоқ ёки ўғиз диалекти вакили эканлигига эътибор берилмаган ва матнни мумкин қадар ўзбек адабий тилига яқинлаштиришга уринилган. Натижада дoston айтиш услубига хос бўлган орфографик меъёрлар бузилган. Иккинчидан, ўзбек халқ дostonларининг барчаси бир киши томонидан эмас, балки бир неча кишилар томонидан ёзиб олинган. Уларнинг маълум қисми дostonни қандай эшитган ва қабул қилган бўлса, шу ҳолича қоғозга туширишга уринган. Бу эса матнни ёзиб олишда орфографик меъёрларнинг бузилишига олиб келган. Учунчидан, бу борада бир неча фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган бўлса ҳам, дostonларнинг аниқ бир транскрипция асосида ёзиб олинмаганлиги камчиликларга йўл қўйилишига сабаб бўлган.

Кўринадикки, халқ дostonларини ёзиб олувчилар ниҳоятда қийин шароитда иш олиб боришган. Уларнинг ўзига боғлиқ бўлган ва бўлмаган сабабларга кўра ёзма матнларда ноқисликлар юзага келган.

Хуллас, ҳали-ҳанузгача дostonларни ёзиб олишнинг ягона тамойили – мезонлари принципи йўқлиги, табиий равишда, дostonлар ёзма матнини лексикографик-статистик таҳлил қилишни қийинлаштиради, матн вариантларида ҳар хилликлар пайдо қилади⁶³.

⁶³ Жуманазарова Г.У. Ўзбек халқ дostonлари матнининг лингвостатистик таҳлили, Тошкент: Тафаккур,

Бу муаммоларга биз ҳам тадқиқотни олиб бориш жараёнида, яъни “Рустамхон” матнини статистик ва лексикографик жиҳатдан таҳлил этаётганимизда дуч келдик.

Достон матнини статистик ва лексикографик тадқиқ этишга киришишдан аввал бизнинг олдимизда ундаги айрим элементларнинг ёзилишида бир хилликка эришиш масаласини ҳал қилиш керакми? Уларни ёзиб олинган шеваларга мослаш, бутун бир достон матнини қайтадан таҳрир қилишга ҳожат борми? деган қатор саволлар пайдо бўлди. Бу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, гап бу масалани ҳал этишнинг, матнни қайта таҳрир этишнинг қийинчилигида эмас. Агар иш шу тартибда қайта амалга оширилса, вазият яна ҳам чигаллашади, матндаги сунъийликлар яна ҳам кўпаяди, деган мулоҳазага келдик.

Г.Жуманазарованинг таъкидлаганидек, агар маълум бир тил бирлигининг достон куйловчиси талаффузига мос бўлмаган, бузилган ҳолда қайд этилгани сўзнинг мазмунига жиддий путур етказган бўлса, бу бошқа гап. Бундай бўлмаган тақдирда сўз шаклларига ўзбошимчалик билан ўзгартишлар киритишга ҳожат йўқ, деган фикрдамиз. Вазиятдан чиқишнинг бошқа йўли бор. Маълум бир сўз турли шаклларда ифодаланган бўлса, уларнинг барчаси луғатларда шу ҳолича акс эттирилаверади. Тадқиқотчи уларни бир сўзнинг турли кўринишлари ва вариантлари сифатида қараб, танқидий муносабатда бўлиб, ўз кузатишларини олиб бораверади⁶⁴. Мазкур мулоҳазага асосланиб, биз ҳам Фозил Йўлдош ўғлидан “Рустамхон” қандай ёзиб олинган бўлса, шу ҳолича замонавий компьютер хотирасига киритиш ва тегишли дастурлар асосида тегишли луғатлар тартиб беришни маъқул, деб ҳисобладик. Шундай қилиб, дастлаб, нашр этилган нусха асосида “Рустамхон” достонининг электрон варианты яратилди ва ҳеч бир ўзгаришларсиз компьютер хотирасига киритилди. Сўнгра эса лингвостатистикада «ҳарфий

2011, – 72 б

⁶⁴ Жуманазарова Г.У. Ўзбек халқ достонлари матнининг лингвостатистик таҳлили, Тошкент: Тафаккур, 2011, – Б. 72.

занжир» термини билан номланадиган икки бўшлиқ («Δ») орасидаги бир бутунлик дастурлашда асос қилиб олинди. Бошқача айтганда, матндаги ҳар қандай икки бўшлиқ орасида жойлашган тил элементи бир сўз сифатида эътироф этилди. Улар қандай шаклда мавжуд бўлса, шу ҳолича, ўзгартирилмасдан қайд қилиниши белгилаб қўйилди.

Достон матнидаги тил birlikларини бу тарзда қайд этишнинг ўз қулайликлари ва нотугал жиҳатлари бор, албатта. Қулайлиги шундаки, матнга ўзбошимчалик билан ўзгартиришлар киритилмайди, асл ҳолат сақланиб қолади. Бунинг натижасида мазкур матнда адабий меъёрга амал қилинганлик даражасини ёки диалектал хусусиятларнинг сақлаб қолинганлигини, шунингдек, айнан шу матн учун характерли бўлган тил элементларини аниқлаш мумкин бўлади. Шунинг баробарида, ҳар бир достон услубига хос бўлган ҳолатларни белгилаш, бир сўзнинг турли шакллари қиёслаш имкони туғилади. Лекин жуфт сўзларни бемалол қайд этиш мумкин бўлгани ҳолда, ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни яхлит birlik сифатида олиш имконининг йўқлиги бу жараённинг жиддий камчиликларидан бири бўлиб қолмоқда. Омоним вазиятидаги элементларни фарқлаш ва ажратиш ҳам тадқиқотчининг зиммасида туради.

Энди бу ўринда, бизнинг олдимизда матн таҳлилида статистик усулни қўллаш ёки матн асосида тузилган турли характердаги луғатлардан фойдаланишнинг афзаллик томонларига аниқлик киритишимизга тўғри келди.

Ҳар қандай лингвистик тадқиқотда мазмун талқини бирламчи ҳисобланар экан, статистик таҳлиллар ҳеч қачон етакчилик қила олмайди. Аммо тажриба бу усулсиз амалга оширилган тадқиқотларнинг бир томонламалигини, хулосаларнинг асосли бўлмаётганлигини кўрсатмоқда.

Хўш, унда статистик методнинг афзаллиги нимада кўринади? Матн статистикаси таҳлиliga бугун компьютер технологияларининг кириб келганлиги лингвистик тадқиқотларда ўзига хос инқилоб дейиш мумкин. Бу эса матн таҳлилида жуда катта қулайликлар туғдирмоқда.

Муайян тил бирлигининг матнда учраш частотаси ҳақида фактларни келтириш ва уларни қиёсий таҳлил этиш масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томондан, таҳлил объекти қилиб олинган тил бирлигининг яхлит матнда қўлланиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини бермоқда. Исталган бир сўз, масалан, *бош* сўзининг “Рустамхон” достонида қўлланиш хусусиятларини ўрганишга зарурат туғилди, дейлик. Компьютер бу сўзнинг дoston матнида 40 сўзшакли ҳолатида 121 марта учрашини аниқлаб беради: *бош, бош-оёқ, бошдан-оёғигача, бошди, боши, бошига, бошидан, бошим, бошима, бошимга, бошимда, бошимдан, бошимизга, бошимни, бошин, бошинг, бошингда, бошингдан, бошингни, бошида, бошини, бошла, бошлаб, бошладим, бошласин, бошқар, бошқарар, бошқаргин, бошқариб, бошчи, бошчимиз, бошчим, бошчимисан, бошчиси* каби⁶⁵. Шу тарзда у сўз, бирикма ёки қўшимчали элемент таркибида бўлишидан қатъи назар, муайян бир тил бирлигининг шу матндаги қўлланиш частотаси ҳақида аниқ тасаввур беради ва бошқа тил элементларининг қўлланиш частотаси тизимда тутган ўрнини ҳам белгилашга кўмаклашади. Лекин биз учун муҳими бу эмас.

Компьютер *бош* сўзи қўлланган 123 ҳолатни микроматн шаклида бир жойга тўплаб беради. Масалан, *Кундуз мен тураман шоҳлик шавкатда, / Оқшом гам тортаман, бошим кулфатда / Вафоси йўқ бундай шоҳлик давлатдан / Бошим олиб кетай бундан, албатта (352); Гуноҳкорни мен айтаман сизларга, / Ҳаялламай тандан бошин юлинглар! (365); Ҳайдаб бориб, Хуройимнинг бошини кесиб, Мансурнинг дорига тортинглар; подшонинг хотини деб андиша қилманглар! - деди (365-366); Билмам қаерларга олиб боради, / Бошинг кесиб сени нобуд қилади (367); Ҳайдаб бориб бизлар Мансур дорига, / Бошин кесиб ани, дорга тортамиз (368); Насиб этса жаллодларга борарман, / Уларнинг бошини боғдай чоларман... (374); Рустам бу сўзни эшитиб, ўзини ростлаб, бошини кўтариб, тиклаб / [Султонхоннинг] бетига қаради (379); Энамни*

⁶⁵ Рустамхон. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони // Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи: Маҳмуд Зарифов. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 345.

излаб Мансур дорга бораман, / Етишсам жаллоднинг бошин оламан, / Қонхўрларга қора кунни соламан! (380); Султонхон отнинг бошини буриб, оғзи анграйиб, бурни танграйиб, Рустамнинг кейинидан қараб турди (380); Келгин бери энди дорнинг остига, / Кесиб бошинг дорга тортмоқлик даркор! (385); Подшолар гуноҳкорнинг бошини кесиб дорга тортса, ҳаммасида ҳам ўзининг сурилган дори бор (386); Олиб қўлига пўлатди, / Жаллоднинг бошини кесди (387), Аждаҳарга кўрсатайин ишимни: / Йўлингда берайин азиз бошимни (399); Тортинмайин аждаҳарга борайин, / Аждаҳарнинг тандан бошин юлайин! (399); Бошдан-оёғигача кўкмак, қўлидаги таёғигача кўкмак (402) каби.

Шундай қилиб, бош сўзи иштирок этган микроматнлар бир жойга тўплангач, “Рустамхон” матнидаги бу сўз юзасидан амалга оширилган ҳар қандай лингвистик таҳлил тўлақонли ва ишонарли чиқади. Сўзнинг мисра таркиби ва қофия тизимидаги ўрни, сўзнинг товуш таркиби ва оҳангдорликни таъминлашдаги вазифаси, микроматнда англаган семантик-стилистик оттенкалари, денотатив ва коннотатив маънолари хусусида батафсил таҳлилларни амалга ошириш мумкин бўлади.

С.Ризаев ўзининг бир илмий мақоласида А.Қахҳорнинг “Синчалак” асари матни частотали луғатини тузиш жараёнида бир мартадан қўлланган сўзлар миқдор жиҳатдан кўплигини аниқлайди ва “ҳар қандай частотали луғатда бир мартадан учраган сўзлар (сўзшакллар) кўп учраганлиги билан характерланади”, деган хулосани баён этади⁶⁶. Шунга яқин фикрлар олимнинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий “Девон”и тили лексикасининг статистик тузилиши юзасидан олиб борган кузатишларида ҳам айтилган⁶⁷. Бу ҳолатни тадқиқотимиз таҳлилига жалб этилган “Рустамхон” достони матни учун ҳам хос эканлигини таъкидлаймиз.

⁶⁶ Ризаев С. Ўзбек тили машина фондининг яратилишига доир / Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. IV. – Тошкент: ЎзМУ нашри, 2008, –Б. 94.

⁶⁷ Ризаев С. Статистическая структура лексики языка «Дивана» Хамзы Хаким-заде Ниязи (частотный словарь и конкорданс). – Ташкент: Фан, 1989. – С. 102.

Шунингдек, С.Ризаевнинг “�збек тилининг лингвостатистик тадқиқи”⁶⁸ мавзусида ёзган докторлик диссертациясидан ҳам фойдали мулоҳазаларни олишимиз мумкин. Масалан, тадқиқотнинг “Лексик статистика” деб номланган бешинчи бобида сўз ва сўзшаклларнинг морфематик структураси, морфемаларнинг ўринлашуви ва фонологик структураси борасида келажакда амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ўртага ташланган. Унда шартли равишда сўз (сўзшакл) ларнинг морфематик тузилиши лингвостатистик тадқиқ этилган. Турли жанрларда яратилган бадиий матнларнинг лексикаси, лексик статистикага хос бўлган хусусиятлар, турли қатламга оид сўзларнинг қўлланиш частотаси борасида мулоҳазалар баён этилган. Лингвистик аспектда сўзларнинг функционал услублараро қўлланиш частотаси нуқтаи назаридан морфем статистика яратилиши масаласи ўртага қўйилган. Сўзшакллар таркибидаги морфемаларнинг умумий статистик тузилиши ҳалигача махсус тадқиқ этилмаганига ишора қилиб ўтилган. Бу каби фикрлар бизнинг тадқиқотимиз учун ҳам йўл-йўриқ бўладиган даражада муҳимдир. Демак, келажакда сўзларни морфемаларга ажратиш имкониятга эга бўлган махсус компьютер дастурлари яратилишига умид боғласа бўлади.

С.Ризаев худди мана шу тартибда бадиий матнларнинг лингвостатистик манзарасини яратиш, шу матнлар асосида турли характердаги луғатлар яратишгина бадиий асар тили ва услуби борасида олиб борилаётган тадқиқотларни бир томонламаликдан қутқаради, кузатишларни мукамал асосга қўяди ва пираворд натижада она тилимизнинг бойлиги кўламини белгишда муҳим восита вазифасини ўтайди, деб ҳисоблайди.

С.Ризаевнинг мулоҳазаларидан шу нарса англашиладики, келажакда барча функционал услублар ва уларнинг жанрлари йўналишларида электрон матнлар ва улар асосида частотали луғатларнинг яратилиши ўзбек лингвистик банкининг яратилишига, лингвистик

⁶⁸ Ризаев С.А. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Филол.фанлари... д-ри дис. – Тошкент, 2008. –Б. 50

тадқиқотларнинг янги методик асосларга қўйилишига, лексикографик ишларнинг жадаллашишига ва мукамаллашишига, қиёсий, квантатив-типологик, ахборот-статистик ҳамда стилистик тадқиқотларнинг кенг кулоч ёйишига олиб келади. Замонавий техник воситаларнинг, хусусан, компьютернинг лингвистик тадқиқотлар жараёнидаги оламшумул имкониятлари кўрсатиб берилган, тил материални таҳлил этишнинг замонавий методлари ўртага ташланган, илк бор ўзбек матнларида ҳарфларнинг қўлланиш частотаси ва энтропияси ишлаб чиқилган мазкур диссертацион иш эса бу борада бизнинг тадқиқотимиздаги иккинчи бобга, унда қўйилган масалаларнинг ечимига, ушбу рисолада кўтарилаётган мулоҳазалар ва вазифаларга илмий-назарий асос ва амалий манба бўлиб хизмат қила олади. Ўзбек лингвостатистикасига доир бу каби ишларда яна бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

С.Ризаев ўзининг докторлик диссертациясида⁶⁹ тил ва нутқ бирликларининг қўлланиш частоталарига бўлган ишончлиликни баҳолаш мақсадида математик статистика ва эҳтимоллар назариясидаги “Ишончлилик баҳоси” (“Оценка достоверности”), “Ишончлилик оралиғи” (“Доверительный интервал”) каби формулалардан фойдаланган. Г.Жуманазарова ҳам ўз докторлик диссертациясида шу усулдан фойдаланган⁷⁰.

Ушбу мулоҳазаларни методологик асос қилиб олган ҳолда, биз ҳам “Рустамхон” достони матнининг лингвостатистик ва лексикографик таҳлилида амалга оширадиган вазифаларни белгилаб оламиз ва уларнинг ечимини топишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек ливостатистикасида қўплаб тадқиқотлар олиб борган тилшунос олим С.Ризаевнинг қарашларига, унинг “Лингвистик тадқиқотларда танлама ҳажми (N) қанчалик кўп бўлса, кутилган натижа шунчалик ишончли ва

⁶⁹ Ризаев С.А. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи. Филол.фанлари... д-ри дис. – Тошкент, 2008. –Б. 59

⁷⁰ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлар тилининг лингвопoэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). Филолог.фан..д-ри диссертацияси. Тошкент, 2017 йил. –Б. 98

самарали бўлади”⁷¹, деган фикрига асосланиб, лингвостатистиканинг текшириш методларидан бири бўлган *танлама методига* таянган ҳолда бу дostonларнинг электрон нусхалари шакллантирилди.

Тадқиқотимизни олиб боришда мазкур дostonнинг электрон матни замонавий компьютер хотирасига киритилгач, 103 саҳифалик матнда берилган рақамлар умумлаштирилганда 22056 луғавий бирлик қўлланганлиги махсус дастур орқали аниқланди. Қўлланилган сўзларнинг 22000 дан ортиқлиги шоир куйлаган дoston матнининг статистик структураси ва лексикографик манбалари ҳақида муайян илмий-амалий хулосалар чиқаришимизга асос бўла олади.

Шу тарзда Фозил шоир куйлаган дoston матнининг электрон матни яратилиши билан биринчи ва энг асосий вазифа амалга оширилди. Бу иш бажарилиши билан тадқиқотлар жараёнида замонавий компьютер техникаси дастурларининг имкониятларидан фойдаланишга йўл очилганига шубҳа қолмайди.

Тадқиқотни олиб боришнинг кейинги босқичида иккинчи вазифа – матннинг электрон нусхаларига таянган ҳолда *алфавитли, частотали ва терс луғатлар* тузиш ишлари амалга оширилди. Замонавий компьютер дастурлари асосида дастлаб куйидаги натижалар олинди: дostonдаги сўзларнинг миқдори: сўзшакллар 6337 тани, жами қўлланилиш ҳолати 21672 тани ташкил этди. Тузилган луғатлар ёрдамида қўлланилган сўзшакл ва уларнинг қўлланиш частотаси аниқланди. Демак, Фозил шоир “Рустамхон” дostonида жами 6337 та сўзшаклни 21672 марта қўллаган. Бу рақамларда баъзи бир фарқлар борлиги кўзга ташланади. Дастлабки маълумотномада луғавий бирликлар сони 6337 та деб берилган. Бу компьютер кўрсаткичи. Луғатларда эса матнда 21672 сўзшакл мавжудлиги қайд этилган.

Дoston матни асосида тузилган алфавитли луғатдаги сўзшакллар ва уларнинг қўлланиш частотаси ўртасидаги фарқлар миқдор ва фоизлар

⁷¹ Ризаев С. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари. – Тошкент: «ФАН», 2006, –Б. 21.

ҳисобида қуйидаги ҳолатни ташкил этди: жами қўлланиши: матнда 22056, *луғатда* 21672 та; уларнинг фарқи қуйидагича: *сонда* 384, фоиз ҳисобида: 0,01741%. Ушбу статистик маълумотдан аён бўладики, дoston матнининг электрон матни очилганда компьютер кўрсатадиган рақам луғатлар тузилгандан кейинги рақамларга қараганда бироз кўпдир. Аммо бу фарқ 0,01741% дан ошмайди. Бошқача айтганда, улар ўртасидаги фарқ ҳар 100 та сўзга 1 фарқ тўғри келиши мумкин. Демак, бу ерда *нисбий хато* $\delta = 0,01-0,02$ га тенг.

Бу нисбий хатоликларнинг муайян сабаби бор. Компьютер электрон матндаги рақамларни ҳам бир луғавий бирлик сифатида қайд этади, луғатларда эса ҳарф (сўз) билан ёзилмаган сон ҳисобга олинмайди. Шу боис бу номувофиқликка жиддий камчилик сифатида қаралмаса ҳам бўлади.

Дoston матни юзасидан алоҳида-алоҳида алфавитли, частотали ва терс луғатлар тузилди. Ҳар бир луғат ўзига хос хусусиятларига эга, матн таҳлилида алоҳида вазифаларни бажаришга хизмат қилди. Масалан, мазкур дostonнинг тузилган *алфавитли-частотали луғатини* олайлик. Унда сўзлар алфавит тартибида келтирилди. Айни пайтда, муайян сўзшаклнинг неча марта ва матннинг қайси саҳифаларида учрашлиги маълум бўлиб туради, янада аниқроқ қилиб айтганда, луғат, дастлаб сўзшаклни, сўзшаклдан кейинги рақам– сўзшаклнинг дoston матнида умумий тарзда неча марта қўлланганлигини, кейинги рақам –дoston саҳифасининг рақамини, қавс ичидаги рақамлар эса саҳифада қўлланиш даражасини ифодалайди.

А	абзаллаб 2 411(1) 442(1)
а 1 409(1)	аввал 3 374(2) 417(1)
абгашта 1 382(1)	аввалдан 1 410(1)
абгор 6 364(1) 382(1) 434(1) 435(1) 436(1)	аввали 3 381(1) 392(1) 404(1)
443(1)	авлодингни 1 378(1)
абгори 1 436(1)	авраб 2 415(2)
абжирлик 1 440(1)	авраган 1 415(1)

аврашига 1 415(1)
агар 19 360(1) 375(1) 381(2) 394(1) 408(6)
412(1) 424(1) 428(1) 429(3) 440(2)
ададсиз 3 355(1) 356(1) 442(1)
адашганлар 1 441(1)
адашганнинг 2 391(1) 440(1)
адашиб 3 382(1) 413(1) 440(1)
адо 6 385(1) 408(1) 435(3) 436(1)
адрас 2 377(1) 402(1)
аё 1 364(1)
аёл 1 369(1)
аёлингиз 1 381(1)
аёлингизга 1 381(1)
аёллик 2 354(1) 392(1)
аёлнинг 1 369(1)
ажаб 8 377(1) 382(1) 394(1) 396(1) 408(1)
411(2) 433(1)
ажал 3 365(1) 397(2)
ажали 1 414(1)
ажалим 2 391(1) 415(1)
ажалинг 1 399(1)
аждар 6 401(1) 405(1) 414(1) 416(2) 417(1)
аждарга 4 400(1) 405(1) 412(1) 416(1)
аждардан 2 412(2)
аждарни 2 408(1) 415(1)
аждарҳардан 1 406(1)
аждахар 62 397(1) 398(5) 399(8) 400(9) 401(3)
404(5) 405(2) 406(1) 408(2) 410(1) 412(3) 413(2)
414(7) 415(9) 416(1) 417(1) 418(1) 420(1)
аждахарга 27 398(1) 399(3) 406(2) 407(1)
408(2) 409(6) 410(3) 411(2) 412(1) 413(4) 414(1)
417(1)
аждахарда 1 411(1)
аждахардан 8 398(1) 399(1) 400(1) 401(2)
405(1) 406(1) 415(1)
аждахарни 14 399(2) 400(3) 401(1) 406(1)
408(1) 409(1) 413(1) 416(1) 420(1) 423(1) 424(1)
аждахарни 1 408(1)
аждахарнинг 17 398(3) 399(4) 400(1) 408(1)
409(1) 412(1) 415(4) 416(1) 417(1)
аждахарни 1 414(1)
аждахор 1 386(1)

ажойиб 3 366(1) 393(1) 405(1)
ажратиб 1 381(1)
азали 2 402(1) 405(1)
азамат 3 375(1) 406(1) 409(1)
азасин 1 405(1)
азиз 7 374(1) 382(3) 399(1) 404(1) 430(1)
азоб 4 358(1) 373(1) 390(1) 391(1)
азобда 1 373(1)
азоблари 1 442(1)
азобларнинг 1 437(1)
айби 1 351(1)
айвон 3 394(1) 395(1) 429(1)
айёр 12 359(1) 362(2) 363(1) 365(1) 422(2)
424(1) 425(2) 426(1) 434(1)
айёрлигим 1 360(1)
айла 2 377(1) 397(1)
айлаб 2 378(1) 412(1)
айлабсан 1 414(1)
айлагин 1 397(1)
айлади 1 372(1)
айладим 1 435(1)
айладинг 1 403(1)
айлайсан 1 383(1)
айланди 1 425(1)
айланиб 13 363(1) 369(1) 372(1) 381(1) 387(1)
394(1) 416(1) 423(1) 426(1) 428(1) 429(2) 437(1)
айланма 2 397(2)
айлансин 1 389(1)
айлантириб 1 375(1)
айласини 1 420(1)
айилди 1 10(1)
айирганди 1 14(1)
айирма 1 83(1)
айирмагин 1 82(1)
айиқдай 1 38(1)
айла 1 50(1)
айлаб 1 23(1)
айлаган 1 85(1)
айлагин 4 31(1) 32(1) 68(1)
94(1)
айлади 1 55(1)
айладинг 2 22(1) 59(1)

айлайн 5 37(1) 49(2) 53(1) 59(1)
айланиб 2 66(1) 67(1)
айлансин 2 57(1) 87(1)
айлантириб 1 75(1)
айласанг 1 61(1)
айри 1 15(1)
айрилдинг 5 13(2) 14(2) 26(1)
айрилиқ 3 59(1) 82(1) 88(1)
айт 1 36(1)
айта 1 39(1)
айтади 2 81(1) 86(1)

айтаётибсан 1 63(1)
айтаётир 4 55(1) 71(1) 82(1) 86(1)
айтай 3 16(1) 25(2)
айтайик 1 74(1)
айтаман 1 78(1)
айтар 6 7(1) 14(1) 19(1) 47(1) 59(1) 62(1)
айтасан 1 92(1)
айтган 23 12(1) 13(1) 14(1) 15(1) 16(1) 17(1)
19(1) 39(1) 42(1) 46(3) 48(1) 50(1) 52(1) 57(1)
64(1)
80(2) 82(1) 88(1) 92(1) 97(1)

Луғат мақолаларининг берилишида матнни ҳеч қандай ўзгаришларсиз олиш принципига амал қилинди. Масалан, ҳаракатнинг бир турини ифодаловчи бирлик инфинитив –*айламоқ* шаклида эмас, балки матнда қандай учраса шу кўринишда – *айла, айлаб, айлабсан, айлагин, айлади, айладинг, айлайсан, айланиб, айланма, айлансин, айлантириб, айласини* тарзида берилди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, компьютер ўзакдош сўзларни умумлаштириб бериш имкониятига эга эмас, у фақат тил бирлиги қандай шаклда бўлса, ўшандайлигича келтиради ва умумлаштира олади. Иккинчидан, тил элементларининг ўзгаришсиз ҳолатда берилиши тадқиқотларда аниқликка хизмат қилади. Асосий тил бирлиги саналадиган сўз, унинг турли шакллари семаantik ва грамматик таҳлил учун қулай имкониятлар яратади. Бу луғат ёрдамида ҳар бир ҳарф доирасидаги сўзларни ҳам белгилаш имконияти мавжуд бўлади. Луғат охирида умумлаштирилган ҳолда сўз шакллари ва уларнинг умумий қўлланиш миқдори берилади. Бу луғат конкорданс дейилади.

Частотали луғат деб номланган иккинчи лексикографик манбанинг алфавитли луғатдан муайян фарқлари бор. Бир сўз шаклнинг неча марта ва матннинг қайси саҳифаларида учрашлигини кўрсатиши жиҳатидан алфавитли луғатларнинг айнан ўзига ўхшайди. Аммо луғатнинг бу типидан сўзларга алфавит тартибидан эмас, балки

сўзшаклларнинг қўлланиш даражасига қараб, кўпдан камайишга, юқоридан пастга қараб тартиб берилади. Бошқача айтганимизда, бу луғатда дастлаб энг кўп частотали сўзлардан бошланиб, энг кам частотали сўзлар томон камайиб борадиган сўзларни, шу сўзлардан кейинги рақам – дoston матнида умумий тарзда неча марта қўлланганлигини, кейинги рақам – дoston саҳифасининг рақамини, қавс ичидаги рақамлар эса саҳифада қўлланиш даражаларини ифодалайди.

бу 362 351(4) 352(2) 353(2) 354(1) 355(3)
356(6) 358(3) 359(2) 360(2) 361(3) 362(7) 363(1)
364(4) 365(6) 366(3) 367(5) 368(4) 369(6) 370(1)
371(2) 372(1) 373(4) 374(2) 375(2) 376(3) 377(4)
378(3) 379(2) 380(2) 381(7) 382(7) 383(4) 384(6)
385(5) 386(5) 387(4) 388(3) 389(3) 390(6) 391(2)
392(10) 393(7) 394(2) 395(10) 396(5) 397(3)
398(2)

400(1) 401(2) 402(4) 403(3) 404(3) 405(5) 406(4)
407(2) 408(3) 409(7) 410(5) 411(8) 412(2) 413(8)
414(6) 415(7) 416(5) 417(5) 418(3) 419(3) 420(2)
421(3) 422(3) 423(5) 424(3) 425(6) 426(4) 427(3)
428(3) 429(3) 430(5) 431(4) 432(6) 433(2) 434(8)
436(2) 437(11) 438(3) 439(4) 440(6) 441(2) 442(4)
443(1) 444(1) 445(1)

бир 297 351(4) 352(6) 353(4) 354(2) 355(1)
356(7) 357(1) 358(4) 359(3) 360(3) 363(5) 364(3)
366(5) 367(3) 368(2) 369(5) 370(1) 371(1) 372(2)
373(3) 374(1) 375(3) 377(1) 379(5) 380(2) 381(4)
382(5) 383(3) 385(2) 386(2) 388(3) 389(1) 391(4)
392(3) 393(4) 394(4) 395(5) 396(6) 397(3) 398(4)
399(2) 400(5) 401(3) 402(3) 403(2) 404(3) 405(5)
406(2) 407(9) 408(6) 409(2) 411(10) 412(5) 413(2)
414(5) 415(7) 416(2) 417(4) 418(2) 419(3) 420(3)
421(4) 422(2) 423(2) 424(2) 425(7) 426(6) 427(5)
428(3) 429(4) 430(2) 431(3) 432(2) 433(7) 434(4)
435(7) 436(2) 437(2) 438(1) 439(6) 440(6) 443(3)
445(2)

деб 251 351(2) 352(3) 353(1) 354(1) 355(3)
356(5) 358(4) 359(1) 360(3) 361(2) 362(2) 363(2)
364(3) 365(4) 366(3) 367(6) 368(1) 369(4) 370(2)

371(6) 372(2) 373(3) 374(3) 375(3) 376(2) 377(3)
379(1) 380(1) 381(1) 384(2) 385(4) 386(5) 387(1)
388(2) 389(4) 390(4) 391(1) 393(5) 394(7) 395(3)
396(5) 397(1) 398(2) 399(5) 400(2) 401(1) 402(1)
403(3) 404(4) 405(2) 406(1) 407(10) 408(3) 409(6)
411(2) 413(4) 414(3) 415(3) 416(3) 417(1) 418(2)
419(1) 420(3) 421(5) 422(3) 423(4) 424(1) 425(2)
426(3) 428(2) 429(4) 430(4) 431(1) 432(1) 433(7)
434(2) 435(2) 436(1) 437(5) 438(3) 439(1) 440(6)
441(3) 443(1) 444(6) 445(1)

Рустам 180 356(3) 366(1) 367(1) 371(2)
372(1) 375(2) 376(12) 377(5) 378(1) 379(1) 380(2)
381(2) 382(2) 385(3) 386(3) 387(4) 388(3) 389(5)
390(8) 391(2) 392(4) 393(2) 394(7) 395(5) 396(11)
397(1) 398(1) 399(2) 400(10) 402(6) 405(2) 419(1)
420(3) 421(3) 422(5) 423(1) 424(3) 425(1) 426(2)
427(7) 428(2) 429(3) 431(2) 432(2) 433(2) 434(5)
435(1) 436(2) 437(2) 438(1) 439(1) 440(5) 441(2)
443(3) 444(5) 445(2)

бўлиб 171 351(1) 352(4) 353(2) 354(2) 355(2)
356(2) 357(1) 358(2) 360(1) 361(1) 362(4) 363(2)
364(2) 365(1) 366(1) 368(1) 369(1) 371(1) 372(2)
376(1) 380(1) 382(4) 383(1) 384(5) 385(2) 386(1)
387(1) 388(3) 389(2) 390(2) 391(2) 392(1) 393(1)
394(1) 395(2) 397(3) 401(1) 402(3) 403(2) 404(1)
405(2) 406(3) 407(1) 408(4) 409(1) 411(3) 412(2)
413(3) 414(1) 415(1) 416(2) 418(3) 419(5) 420(3)
421(3) 422(4) 423(4) 424(3) 426(1) 427(2) 428(4)
429(2) 430(2) 431(6) 432(3) 433(1) 434(6) 435(9)
436(1) 437(2) 439(1) 440(5) 441(2) 442(1) 443(2)

ҳам 168 352(1) 353(4) 355(2) 356(3) 357(3)

358(1) 359(1) 360(2) 361(2) 364(1) 365(1) 366(1)
 367(3) 368(1) 369(5) 370(1) 371(1) 372(1) 375(1)
 376(1) 377(4) 379(1) 380(1) 381(4) 382(2) 384(7)
 385(2) 386(4) 387(8) 388(2) 389(1) 390(1) 391(4)
 392(1) 393(1) 394(7) 395(2) 396(1) 397(3) 398(1)
 399(2) 400(1) 401(2) 402(2) 405(3) 406(1) 407(4)
 408(6) 409(3) 410(1) 411(5) 412(1) 413(2) 414(3)
 415(2) 416(1) 417(1) 418(1) 419(1) 420(1) 421(4)
 422(1) 423(2) 424(1) 425(1) 426(3) 429(1) 430(3)
 432(2) 435(3) 436(1) 437(3) 439(1) 440(3) 441(2)
 442(1)
билан 149 351(2) 356(2) 359(1) 360(3) 361(2)
 363(1) 365(1) 366(1) 368(2) 369(1) 370(2) 372(1)
 373(2) 377(1) 383(2) 385(2) 386(2) 387(1) 388(2)
 391(1) 394(3) 395(4) 396(2) 397(1) 399(2) 400(1)

401(2) 402(3) 404(3) 405(3) 407(7) 408(10) 409(1)
 411(2) 413(1) 414(2) 415(5) 416(4) 417(3) 418(4)
 419(2) 420(1) 421(4) 422(3) 423(1) 424(1) 425(6)
 426(4) 427(1) 430(3) 432(1) 433(2) 434(9) 435(1)
 436(2) 438(2) 439(1) 440(2) 441(1) 442(1) 443(4)
 445(2)
мен 128 351(1) 352(6) 353(3) 354(4) 355(2)
 357(1) 359(1) 361(2) 364(2) 365(2) 367(1) 368(1)
 369(1) 370(1) 372(4) 373(2) 378(1) 379(2) 380(3)
 382(3) 385(1) 386(1) 387(2) 390(2) 391(2) 395(1)
 396(1) 398(2) 401(3) 402(1) 404(3) 406(1) 407(3)
 408(2) 409(3) 410(1) 412(4) 413(3) 415(1) 416(2)
 417(3) 418(1) 419(2) 421(3) 422(2) 423(2) 426(3)
 427(2) 428(2) 429(1) 430(4)

Терс луғат ҳам ўзининг алоҳида хусусиятлари эга. Бу луғатда луғавий бирликларнинг қўлланиш частотаси эмас, балки тескари томондан – сўзнинг охиридан бошланишига қараб алфавитлаштириш эътиборга олинади. Бундай луғатда дастлаб ички алфавит тартибидаги сўзлар, бундай сўзлардан кейинги рақам – дoston матнида умумий тарзда неча марта қўлланганлигини, кейинги рақам – дoston саҳифасининг рақамини, қавс ичидаги рақамлар эса саҳифада қўлланиш даражасини ифодалайди.

туман-а 1 354 (1)

жон-а 1 384 (1)

замон-а 1 354 (1)

тавба 6 424 (1) 435 (1) 440 (1) 441 (1) 442 (1)
 443 (1)

кулба 1 370 (1)

ҳарба 1 415 (1)

каъба 5 352 (1) 438 (4)

ва 1 409 (1)

хева 1 355 (1)

48

жилва 1 383 (1)

каъбага 1 438 (1)

аравага 1 418 (1)

қоягага 1 415 (1)

жирандага 1 363 (1)

ўрдага 1 368 (1)

дарвозага 5 369 (3) 370 (1) 371 (1)

арзага 1 361 (1)

чошкага 1 376 (1)

далага 2 373 (1) 434 (1)

таблага 1 356 (1)

қиблага 1 385 (1)

тиллага 1 358 (1)

муллага 1 360 (1)

мамлага 1 404 (1)

болага 1 373 (1)

нимага 8 361 (1) 369 (1) 372 (1) 395 (1) 409
 (1) 421 (1) 426 (1) 440 (1)

ҳаммага 1 407 (1)

тасмага 1 402 (1)

остонага 1 368 (1)

газзахонага 2 360 (1) 372 (1)
арнага 1 421 (1)
теппага 1 375 (1)
шосупага 2 360 (1) 394 (1)
нарсага 3 394 (1) 408 (1) 413 (1)
ўртага 3 407 (1) 409 (2)
эртага 1 372 (1)
кўрпачага 1 440 (1)
нечага 1 443 (1)
бирнечага 1 402 (1)
химчага 2 371 (1) 373 (1)
қанчага 1 375 (1)
шунчага 1 375 (1)
девга 2 426 (2)
овга 1 435 (1)
бедовга 2 376 (1) 396 (1)
ўтовга 3 396 (2) 418 (1)
сувга 2 399 (1) 439 (1)
боланга 3 381 (1) 424 (1) 425 (1)
отанга 1 416 (1)
айтувинга 1 370 (1)
етагинга 1 422 (1)
фарзандинга 1 354 (1)
тарзинга 3 353 (1) 379 (1) 405 (1)
ўзинга 3 379 (1) 416 (1) 441 (1)
оғзинга 1 414 (1)
кўнглинга 1 370 (1)
белинга 2 389 (1) 409 (1)
аҳволинга 1 364 (1)
ҳолинга 1 364 (1)
улинга 1 381 (1)
йўлинга 5 353 (2) 368 (1) 427 (2)
сўлинга 1 378 (1)
кўлинга 1 371 (1)
элинга 3 364 (1) 378 (1) 381 (1)
кетганинга 1 422 (1)
душманинга 1 360 (1)
шанинга 1 375 (1)
қонинга 1 398 (1)
шаънинга 1 368 (1)
гапинга 3 383 (1) 404 (1) 422 (1)
эсинга 1 442 (1)

мамлакатинга 1 352 (1)
хизматинга 2 357 (1) 417 (1)
ғайратинга 1 416 (1)
остинга 2 374 (1) 379 (1)
устинга 2 398 (1) 425 (1)
қолишинга 1 423 (1)
қошинга 1 366 (1)
тушинга 1 366 (1)
ҳақинга 1 382 (1)
ҳаққинга 1 412 (1)
подшонга 1 404 (1)
фарзандга 2 356 (1) 425 (1)
жаллодга 2 386 (1) 388 (1)
номардга 1 359 (1)
нега 5 373 (1) 391 (1) 397 (1) 423 (1) 433 (1)
дунёга 6 352 (1) 389 (1) 411 (1) 418 (1) 431 (2)
мол-дунёга 1 407 (1)
кажга 1 371 (1)
бизга 17 352 (1) 353 (1) 357 (1) 358 (1) 360 (1)
361 (1) 363 (2) 364 (1) 395 (2) 406 (1) 417 (1) 420
(1)
434 (1) 436 (1) 437 (1)
энангизга 1 432 (1)
олдингизга 1 372 (1)
кўзингизга 1 372 (1)
кўнглингизга 1 438 (1)
аёлингизга 1 381 (1)
остингизга 1 412 (1)
хаммамизга 1 358 (1)
кетганимизга 2 365 (1) 377 (1)
бир-биримизга 1 434 (1)
устимизга 1 356 (1)
ишимизга 1 412 (1)
бошимизга 1 421 (1)
сизга 10 357 (2) 359 (1) 364 (2) 365 (1) 367 (1)
412 (1) 417 (1) 432 (1)
қизга 3 398 (1) 400 (1) 402 (1)
ҳовузга 1 439 (1)
ўзга 11 365 (1) 369 (2) 377 (1) 388 (1) 395 (1)
398 (1) 408 (1) 421 (1) 437 (1) 441 (1)
кўзга 3 362 (1) 377 (1) 408 (1)
сўзга 4 403 (1) 407 (1) 425 (1) 439 (1)

бировига 1 402 (1)
тутувиги 1 356 (1)
эшшагига 1 438 (1)
узангига 1 353 (1)
чангига 1 434 (1)
суягига 1 424 (1)
жасадига 1 381 (1)

қадди-жасадига 2 399 (1) 426 (1)
мурод-максадига 1 445 (1)
ҳаддига 1 418 (1)
олдига 9 363 (2) 383 (1) 400 (1) 411 (1) 426 (1)
427 (1) 429 (1) 440 (1)
фарзандига 1 373 (1)
қасдига 2 410 (1) 417 (1)

Мана шу тартибда тузилган луғатлар дostonлар матнини илмий асосда тадқиқ этиш учун ишончли манба бўлиб ҳисобланади. Таҳлил объекти қилиб олинган ҳар қандай лингвистик бирлик ўзини барча шакллари билан микроқуршовда намоён эта олади. Масалан, юқоридаги *хуш* сўзини олиб кўрайлик. Луғатдан унинг матнда 7 марта қўлланганлиги кўришиб турибди, ҳатто унинг “Рустамхон”даги қўлланган саҳифалари ҳам маълум: 361, 372, 405, 410, 420, 431, 444-бетларда 1 мартадан, жами 7 марта қўлланган. Аммо бу кузатишлардаги охириги натижа эмас. Компьютер ушбу сўз қўлланган 7 та гапни *Муллалар вақти хуш бўлиб, кампирдан сўради: – Момо, бу пулни нимага бердингиз бизга? (361); Мулла вақти хуш бўлиб, Рустамни жўнатди (372); Бу тушимда бир ажойиб иш кўрдим, / Ғариб бўлган кўнглимни хуш кўрдим (405); Бундай сўзни Хисрав подшо эшитди, / Хисрав шоҳнинг жуда вақти хуш бўпти (410); Ғайратингдан нобуд бўпти аждаҳар, / Вақти хуш бўп қолди қанча одамлар (420); Вақтинг хуш қип яхши кунни кўрабер, / Кетабер, дилбарим, сендан розиман (431); Вақти хуш бўп Оқтош элда Султонхон, / Ўғли учун элу халққа тўй берди (444)* тарзида бир жойга тўплаб беради. Аслида 7 рақами *хуш* сўзининг алоҳида қўлланган ҳолатини ифодалайди. Компьютер ёрдамида улар бир жойга тўплангандан кейин *хуш* бирлигини исталган йўналишда – фонетик, лексик-семантик, грамматик ва стилистик жиҳатдан таҳлил қилиш мумкин бўлади ва бу таҳлилнинг тўлақонли ва батафсил бўлганлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Олиб борилган тадқиқотимиздаги кузатишларнинг натижалари ушбу тузилган луғатлар асосида ташкил этиш бизга дoston матни

тадқиқига янгича ёндашиш имкониятини берди, лингвостатистик ва лексикографик методларга таянган ҳолда олиб бориш бу жараёнда амалга оширилаётган ишларни навбатдаги босқичга олиб чиқди. Шундай қилиб, кўлимизда Фозил Йўлдош ўғли куйлаган “Рустамхон” достонининг электрон матнлари, улар асосида тузилган сўзлик ҳамда алфавитли, частотали, терс луғатлари мавжуд бўлдики, оқибатда бу тўпланган материал бахшининг ижодий ва дoston айтиш манераси, шунингдек, тилдан фойдаланиш маҳорати ҳақида муайян илмий хулосалар чиқаришга тўла асос бўла олди.

Дастлаб бу борада Фозил шоир ишлатган сўзларнинг фонетик таркиби ҳақида мулоҳаза юритишга ҳаракат қиламиз ва бунда С.Ризаевнинг куйидаги фикрларини методологик асос сифатида қабул қиламиз: “Ҳозирги ўзбек тилининг бадиий прозаик матнлари бўйича энг кўп қўлланган – юқори частотали ҳарфлар: *а, и, н, р, л, о, д, б, т, з, м, у, к* (камайиш тартибида) кабилар. Шулардан *а, и, н, р, л, з, м* ҳарфлари сўз бошидагига нисбатан сўз охирида; *о, д, б, т, ў, к* ҳарфлари эса сўз охиридагига нисбатан сўз бошида кўп қўлланган... Поэтик матнлар бўйича энг кўп қўлланган – юқори частотали ҳарфлар *а, и, н, р, л, о, д, т, б, з, у, м, к* кабилар. Шулардан *а, и, н, р, л, з* ҳарфлари сўз бошидагига нисбатан сўз охирида; *о, д, б, т, м, у, к* ҳарфлари эса сўз охиридагига нисбатан сўз бошида кўп қўлланган”⁷².

Ушбу мулоҳазаларга суянган ҳолда, замонавий компьютер хотирасидаги дoston матнлари махсус дастур асосида ўрганилди ва таҳлил этилди. “Рустамхон” достонидаги қўлланилган сўзшаклнинг қўлланиш частотаси ҳарфлар кесимида куйидагича: **А** – 266, **Б** – 724, **В** – 45, **Г** – 117, **Д** – 229, **Е** – 75, **Ё** – 124, **Ж** – 144, **З** – 66, **И** – 135, **Й** – 105, **К** – 552, **Л** – 21, **М** – 263, **Н** – 96, **О** – 335, **П** – 92, **Р** – 62, **С** – 353, **Т** – 517, **У** – 136, **Ф** – 33, **Х** – 148, **Ц** – 0, **Ч** – 139, **Ш** – 123, **Э** – 186, **Ю** – 135, **Я** – 50, **Ў** – 279, **Қ** – 574, **Ғ** – 63, **Ҳ** – 150 каби. **Жами: 6337.**

⁷² Ризаев С. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари. – Тошкент: «ФАН», 2006, – Б. 40.

Тилшунослигимизда С.Ризаев прозаик ва поэтик матнларни алоҳида- алоҳида таҳлил этганлиги боис, бу матнларда қўлланган маълум товуш билан бошланувчи юқори частотали сўзларнинг фаоллик даражасини бир-биридан фарқлаган: прозаик матнда - *о, ɔ, б, т, ў, к* ва поэтик матнда эса *о, ɔ, б, т, м, у, к* тартибида ўринлашган. Булар харфларнинг жойлашувидан ҳам маълум бўлиб турибди. Лекин бу ўринда шу ҳолатни ҳисобга олиш зарурки, эпик жанр доирасига кирадиган анъанавий дostonлар матни эса ҳам прозаик, ҳам поэтик матнларни ўзида мужассам қилганлиги боис дostonлар матнининг аралаш характерини ҳисобга олиш керак бўлади. “Рустамхон” дostonидаги сўзшаклларнинг қайси товушлар билан бошланишига кўра жойлашиш тартиби умумий ҳолатда қуйидагича бўлди: *б, қ, к, т, с, о, ў, а, м, ɔ, э, у, ч, ж, и, х, ш, ҳ, ю, ё, г, н, н, й, е, з, г, я, в, р, л, ф* каби.

С.Ризаевнинг кузатишлари бўйича маълум товушлар билан бошланувчи сўзларнинг юқоридан пастга қараб қўлланиш фаоллиги қуйидагича: 1-*о*, 2-*ɔ*, 3- *б*, 4-*т*, 5-*ў*, 6-*к*. Поэтик матнларда бу рўйхатга *м* ва *у* ҳам қўшилади.

Энг фаоллик даражасига кўра олинган бу етти товуш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, биз ҳам “Рустамхон” дostonидан юқоридан пастга қараб шунча миқдордаги товушлар билан бошланувчи сўзларни белгилаб олдик ва натижаси қуйидагича бўлди: *б* - 724; *қ* - 574; *к* - 552; *т* - 517; *с* - 353; *о* - 335; *ў* - 279; *а* – 266.

Уларни бир-бирига қиёслаймиз:

С.Ризаевда	<i>о</i>	<i>ɔ</i>	<i>Б</i>	<i>т</i>	<i>ў</i>	<i>К</i>	<i>м</i>	<i>у</i>
“Рустамхон” да	<i>б</i>	<i>қ</i>	<i>К</i>	<i>т</i>	<i>с</i>	<i>О</i>	<i>ў</i>	<i>а</i>

С.Ризаев келтирган товушларнинг сўз бошида фаоллик даражасини ҳисобга олган ҳолда тартиблаштирганини инобатга олганимизда, прозаик ва поэтик матнларда баб-баравар тарзда *о, ɔ, б, т,*

билан бошланувчи сўзлар фаоллигини англаймиз. Достон матнида эса бошқача манзаранинг гувоҳи бўламиз. Бу ерда фаоллик даражасининг **б, қ, к, т** тартибида эканлиги маълум бўлади. Фақатгина **т** билан бошланувчи сўзларнинг жойлашиш тартиби бир-бирга мос келмоқда, холос. Ана шу тўртликдан **б** билан бошланувчи сўзлар борлигини ҳам қайд этамиз. Қолганларида бу мувофиқликни кўрмаймиз. Шунга қарамасдан, ушбу таҳлиллар билан С.Ризаев қарашлари ўртасида мувофиқлик мавжуд, деб айта оламиз. Чунки олим ўзбек тилидаги ҳарфлар статистикасига оид қарашлари якунида қуйидаги хулосага келган: “Ҳозирги ўзбек тилидаги ҳарфларнинг сўздаги ўрнига кўра қўлланиши (камайиш тартибида) қуйидагича: сўз бошида энг кўп ва тез-тез учраб турадиган ҳарфлар: **б, қ, т, қ, м, ҳ, с, о, у** кабилар; сўз ўртасида: **а, и, л, н, р, о, д, т, з, у, м, е, ё** кабилар; сўз охирида **и, а, н, р, з, б** кабилар”⁷³.

Ушбу товушлар билан бошланувчи сўзлар ва сўзшаклларнинг фаоллиги сабабини аниқлаш мақсадида достон матнлари бўйича тузилган луғатларга мурожаат қилиб, таҳлилни давом эттирамиз. **Б** билан боғлиқ биргина ҳолатни таҳлил қилиб кўрамиз. Масалан, “Рустамхон” достонида ушбу товуш билан бошланадиган сўзшакллар жуда фаол қўлланган. Улар орасида 10 тадан 400 гача бўлган сўзлар қуйидагилар: *бу* – 362, *бир* – 297, *бўлиб* – 177, *билан* – 149, *бўлди* – 64, *бор* – 87, *бўлса* – 84, *бунда* – 73, *бориб* – 63, *болам* – 77, *берди* – 23, *бирга* – 24, *боради* – 34, *бори*, *бағрим*, *бергин* – 10, *баҳра*, *бери*, *билади*, *бойловли*, *бугун*, *бўлмайди* – 12, *бек*, *бериб*, *беҳабар*, *бойлаб* – 17, *берган*, *билмай*, *бораётир*, *бораман*, *борасан*, *бошига*, *бунга*, *бунинг*, *бўлади*, *бўлдим* – 13, *берди* – 23, *биз*, *билиб*, *бобо* – 21, *бизнинг*, *бўлмади*, *бўп* – 15, *боради* – 34, *борди* – 20, *бориб* – 63, *бошини*, *бўлмаса* – 19, *бужул* – 20, *булар* – 22 *бунда* – 73, *бундай* – 27, *бундан* – 22, *бўлак* – 16, *бўлар* – 25, *бўласан* – 11, *бўлган* – 49, *бўлди* – 64, *бўлиб* – 171 тадан қўлланилган.

Ҳарқалай, С.Ризаев таҳлил қилган прозаик ва поэтик

⁷³ Ризаев С. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари. – Тошкент: «ФАН», 2006, – 78 б.

мазмундаги матнларда *о, ۋ, б, т* билан бошланадиган сўзларнинг фаоллиги ўзининг мантикий асосларига эга. Бу матнларнинг китобий характердалиги, тасвир кўламининг кенглиги ана шундай асослардан бўлиб ҳисобланади. Шу маънода, гарчи бадий асар сифатида қаралса ҳам, Фозил Йўлдош дostonлари тили сўзлашув услуби, хусусан, желанувчи кипчоқ шевалари хусусиятларини ўзида тўла акс эттирганлиги, куйланган дostonларнинг эса маиший, қаҳрамонлик эпоси услуби уларни куйлашдаги ўзига хос поэтик йўли бўлганлиги⁷⁴ билан изоҳланади. “Рустамхон” дostonи матнида учрайдиган *б* билан бошланувчи сўзшакллар таҳлили ҳам буни яққол кўрсатиб бера олади.

Биз ўрганган ва тадқиқ қилган мазкур дoston матни асосида тузилган частотали луғатлар нафақат айрим товушлар билан бошланадиган сўзлар, балки умуман дostonлар матнига хос бўлган алоҳида фаол сўзларни белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Олинган натижаларга кўра, дoston матнида сўзшаклларнинг кўлланиш частотаси 50 тадан юқори бўлган бирликлар матнлар кесимида куйидагича бўлди: *бу* -362, *бир* -297, *деб* -251, *бўлиб* -171, *ҳам* -168, *билан* -149; *мен*, *энди* -128, *эди* -126, *қилиб* -112, *айтди* -110, *шу* -108, *экан* -106; *нима*, *сўзни* -92, *сен* -90, *неча* -88, *бор* -87; *менинг*, *қараб* -86, *айтиб* -85; *бўлса*, *шундай* -84, *болам* -77, *сўз* -76, *олиб* -74, *бунда* -73, *келиб* -72, *одам* -71; *кетди*, *кўп* -68, *турган* -64; *бориб*, *у* -63; *аждаҳар*, *хабар*, *эшитиб* -62, *кўриб* -60, *йўқ* -59, *икки* -58, *йўл* -56, *подшо* -54, *кун* -53, *шунда* -50.

Кўлланиш частотасига кўра “Рустамхон” дostonида мутлақ устунликни эгаллайдиган сўзлар мавжуд. Мазкур дostonлар матнида учрайдиган, кўлланиш частотаси 100 дан юқори бўлган бирликларни куйидагича кўрсатиш мумкин: ***Б ҳарфи*** – 724 марта, ***қ ҳарфи*** – 574 марта, ***к ҳарфи*** – 552 марта, ***т ҳарфи*** – 517 марта. Шундай қилиб, жами 2367 марта кўлланилган.

Жами кўлланган бирликларнинг 37 фоизи ($P=20008:53840=0,3716$) ана

⁷⁴ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –Б. 236.

шу товушлар билан бошланган сўзлар ёки сўзшаклларга тўғри келади.

Матнда сўз қўлланишининг иккинчи қутбида кам қўлланилган элементлар туради. “Рустамхон” достонида 1 мартадан қўлланган сўзшаклларнинг частотаси 3833 тадан иборат.

Энди эътиборимизни сўзшаклларнинг охириги товушлар таҳлилларига қаратамиз. С.Ризаевнинг таҳлилларига кўра *а, и, н, р, л, з, м* товушлари билан тугайдиган сўзларнинг қўлланиши бадий матнларда фаол. Биз бу хулосани ҳам Фозил шоирнинг “Рустамхон” достони мисолида кўриб чиқдик ва бунда дoston матни юзасидан тузилган терс луғатдан фойдаландик. Замонавий компьютернинг махсус дастурига асосланган натижаларга кўра, бу дostonда сўзларнинг қайси товушлар билан тугаганлигини қуйидаги лингвостатистик маълумотлар орқали аниқлаш имконияти туғилди: **А – 1158, Б – 420, В – 19, Г – 458, Д – 27, Е – 2, Ё – 2, Ж – 2, З – 114, И – 1512, Й – 189, К – 116, Л – 74, М – 309, Н – 1139, О – 36, П – 16, Р – 421, С – 32, Т – 82, У – 42, Ф – 2, Х – -, Ц – -, Ч – 14, Ш – 28, Э – 1, Ю – 2, Я – 1, Ў – -, Қ – -, Ғ – -, Ҳ – -**. Жами: **6218**.

Лингвостатистик маълумотда терс луғатни тузиш мақсадида яратилган компьютер дастури билан боғлиқ ҳолда айрим камчиликлар борлиги кўзга ташланади. Охири *ў, қ, з, ҳ* товушлари билан тугайдиган сўзшакллари бериш имкони мукамал ўйланмаганлиги ва бизга маълум бўлмаган камчиликларга кўра алфавитли-частотали луғатлар якунида берилган рақамлар терс луғатлар таркибидаги сўзшакллар сони билан мос келмаган. Ана шу ҳарфлар ҳисобидан дoston бўйича тузилган терс луғатларда сўзлар миқдори кам чиқмоқда. Бу кўрсаткич “Рустамхон”да 119 та.

Тадқиқотимизнинг ушбу қисмини якунлаш арафасида “Рустамхон” дostonи матнида қўлланган бирликлар частотасининг сўз туркумлари бўйича фаоллик даражасига эътибор қилдик ва яна бир бор дoston матнидаги қўлланиши 50 дан кам бўлган сўзшакллар қайтадан ўрганиб чиқилди. Бундай сўзшаклларнинг умумий натижаси қуйидагича бўлди: сўзшакллар

– 49 та, уларнинг абсолют частотаси – 4801 та.

Ушбу лингвостатистик маълумотларнинг мутлақ тўғрилигига яна бир ишонч ҳосил қилиш учун дostonда қўлланилган сўзларнинг сўз туркумлари кесимида ифодалашни лозим топдик:

1. *От сўз туркуми*: сўз шакллар сони 13 та, частотаси 905 та;
2. *Сон сўз туркуми*: сўз шакллар сони 2 та, частотаси 355 та;
3. *Олмош сўз туркуми*: сўз шакллар сони 8 та, частотаси 1017 та;
4. *Феъл сўз туркуми*: сўз шакллар сони 18 та, частотаси 1786 та;
5. *Равиш сўз туркуми*: сўз шакллар сони 4 та, частотаси 275 та;
6. *Кўмакчи*: сўз шакллар сони 2 та, частотаси 317 та;
7. *Алоҳида сўзлар*: сўз шакллар сони 2 та, частотаси 146 та.

Демак, тадқиқ этилган дoston матнида 50 мартадан юқори қўлланилган фаол сўз туркумларининг абсолют частотаси 4801 бўлиб, у 49 сўзшаклни қамраб олган, деган яхлит хулосага келдик.

Луғатни тузишда дostonнинг матни эълон қилинган нашрда қандай бўлса, шундай ҳолича, ҳеч бир ўзгартирмасдан замонавий компьютер хотирасига киритишни дастлабки вазифамиз сифатида белгиладик. “Конкорданс тузишда энг қийин ва масъулиятли вазифа – компьютерга киритиладиган матннинг беҳато бўлишини таъминлашдан иборат. Нуқсонли нашр, матн асосида конкорданс тузиш муаллиф тили ҳақида хато тасаввур пайдо қилиш, нотўғри хулосага келиш демакдир”⁷⁵ – деган мулоҳазани инобатга олиб, дostonлар матнининг имкон қадар тўғри бўлишига ҳаракат қилдик. Амалиётда фойдаланишга қулай бўлиши учун қўлланилган сўзнинг миқдори ва қавс ичида нашрдаги саҳифа рақамларини биз томонимиздан тузилган луғатда ҳам сақлаб қолдик.

Ўзбек тилидаги муайян асар ёки шоир, адиб тили лексикасига бағишланган тадқиқотларда муаллиф сўз бойлигини белгилаш масаласида ягона принцип ишлаб чиқилмаганлигини, айрим

⁷⁵ Иброҳимов А. Бобур “Девон”и тилидаги ўзлашма лексика. – Т., 2006. – Б. 13.

ҳолларда имлониинг турғун эмаслиги, қўшма сўзлар имлосидаги ҳар хиллик шоир-адиб сўз бойлигини аниқлашда қийинчилик келтириб чиқаришини, масалан, *қоракўз – қора кўз, парипайкар – пари пайкар каби*⁷⁶ ҳолатларни ҳисобга олиб, Фозил шоирнинг “Рустамхон” достонида ишлатилган сўзлар сонини, яъни унинг сўз бойлигини аниқлашда қуйидаги тамойилларга суяндик:

а) сўзнинг фонетик вариатлари алоҳида-алоҳида сўз ҳисобланди – *тов – тоғ, гаҳ-гоҳ, подшо – подшоҳ-пошишо; зўрабор-зўравон ва ҳ.к.*;

б) барча сўз туркумларига оид сўзлар алоҳида сўз ҳисобланди;

в) лексемаларнинг шакллари (шахс-сон, келишиқ кўшимчалари билан, феълнинг замон, шахс-сон, нисбат, турли майллардаги шакллари) сўзлик луғатида битта сўз ҳисобланади. Масалан, *гул, гули, гулдай, гулнинг, гулдайин* кабилар битта сўз (*гул*); *дарё, дарёдай, дарёдайин* кабилар битта сўз (*дарё*); *бўта, бўтадай, бўтадайин* кабилар битта сўз (*бўта*); *олма, олмадай, олмадайин* кабилар битта сўз (*олма*) ҳисобланди;

г) бирикмалардаги сўзлар алоҳида луғат бирлиги сифатида олинди. Масалан, *очилган гулдай* бирикмасидаги *очилган* ва *гулдай* сўзлари алоҳида олинди;

д) *ва* боғловчиси (-у, -ю) билан келган жуфт сўзлар алоҳида сўз деб олинди;

е) боғловчи, кўмакчи, модал сўзлар ҳам алоҳида сўз ҳисобланди;

ё) сўзларнинг алфавитлаштирилишида компьютерда криллча-ўзбекча ҳарфларни кодлаштириш билан боғлиқ бўлган камчиликлар ҳам инобатга олинди. Ў, Қ, Ғ, Ҳ ҳарфлари компьютерда худди у, қ, ғ, ҳ тарзида ўқилиши сўз ичидаги алфавитлаштириш жараёнига салбий таъсир кўрсатганлигини таъкидлаш лозим. Уларни амалдаги тартибда алфавитлаштириш катта қўл меҳнاتини талаб қилишини ва луғат матнига компьютер ёрдамида қайта ишлов берилганида бу тартибнинг яна

⁷⁶ Иброҳимов А. Бобур “Девон”и тилидаги ўзлашма лексика. – Т., 2006. –Б. 22.

Ўзгариб кетаверишини инобатга олиб, компьютер қандай алфавитлаштирилган бўлса, шу тартиб нашрда ҳам сақлаб қолинди. Натижада, мазкур тамойиллар асосида Фозил шоирнинг “Рустамхон” достонида 21672 та сўз (6337 та сўзшакл) ишлатилганлигини аниқладик. Лекин, шундай бўлса-да, биз дастлабки уриниш сифатида Фозил шоирнинг мазкур достони бўйича сўзлик, алфавитли, частотали ва терс (чаппа) луғатларини туздик. Частотали луғатининг бир неча вариантлари ҳам яратилди. Улар: 1) алфавитли-частотали луғат, 2) энг кўп частотали сўзлардан бошланиб энг кам частотали сўзлар томон камайиб борадиган луғат, 3) энг кам частотали сўзлардан бошланиб энг кўп частотали сўзлар томон кўпайиб борадиган луғат. Таъкидлаш лозимки, дostonлар тили устида кузатишлар олиб бормоқчи бўлган барча тилшунос-мутахассислар ва тадқиқотчилар биз томондан тузилган ушбу лексикографик манбалар ёрдамида Фозил шоир қўллаган сўз, сўзшакл, бу сўзшаклларнинг алфавит ёки терс (чаппа) тартибда қўлланиш частотаси ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўла олади.

Хулоса сифатида қуйидагиларни таъкидламоқчимиз:

1. Ҳар қандай матннинг, хусусан, дostonлар матнининг ахборот-статистик таҳлили матн лингвистикасининг назарий ва амалий масалаларини объектив ҳал этишга кўмаклашади.

2. Дostonлар матнига лексикографик ишлов беришда компьютер дастурларини тузиш ва амалиётда қўллаш жараёнида айрим камчиликлар бўлишига қарамасдан, ушбу типдаги матнларнинг лингвистик таҳлилини олиб бориш олдинга қўйилган қадамдир. Ушбу юмушлар келажакда такомиллаштириб борилиши ва бу усулларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан методик ишлар яратилиши лозим.

3. Дostonлар тили бўйича тузилган луғатларнинг афзаллик томони шундаки, унда бошқа типдаги луғатларнинг бирортасида, ҳатто диалектал луғатларда ҳам акс этмаган луғавий бирликларга дуч келдик. Ана шу жиҳати билан у бошқа типдаги анъанавий луғатлардан фарқ

қилади. Аслида бу элементлар ҳам умумхалқ тилининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Боб бўйича хулосалар

1. Ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тили бўйича тадқиқотчилар томонидан билдирилган барча фикр-мулоҳазаларнинг ўзиёқ мазкур асарларни лисоний жиҳатдан кенг қамров билан таҳлил этганлиги, энг долзарб муаммоларни ҳал этганлиги, уларнинг кўлами ҳамда келажакда бажариладиган, амалга оширилиши мумкин бўлган янги-янги вазифалар ҳақида тасаввур бера олади.

2. Биз томонимиздан тузилган луғатлардаги лисоний материаллар ўзбек тили ва қипчоқ шеваларининг изоҳли луғатларини яратишда, профессионал халқ бахшиларининг эпик репертуаридаги анъанавий дostonлар тилини ўрганиш ва бир-бирига қиёслашда, хусусан, Фозил шоир дostonлари тилининг ўзига хос хусусиятлари, юқори ва кам частотали сўзларнинг нисбати, халқ бахшисининг сўз қўллашдаги маҳоратини белгилашда, асарлари тилининг изоҳли луғатини яратишда ишончли манба бўлиб хизмат қила олади.

3. Дostonдаги луғавий бирликларнинг лексикографик ва лингвостатистик методларга таянган ҳолда тадқиқ этилиши фольклор поэтикаси ва лингвофольклористикаси билан боғлиқ масалаларни ўрганишда, хусусан, дostonни куйлаган бахшининг тилдан фойдаланишдаги маҳорати ва индивидуал услубини белгилашда муҳим омил бўла олади.

II БОБ. “РУСТАМХОН” ДОСТОНИ СЎЗ БОЙЛИГИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ

2.1. §. Ўз қатлам бирликларида кўпмаънолилиқ

“Рустамхон” достонининг луғат бойлиги истеъмом доирасига кўра хилма-хил. Айни пайтда, унинг асосий қатламини умумистеъмом лексика ва қипчоқ шевасига хос диалектал бирликлар ташкил этади. Бир тадқиқот доирасида уларнинг ҳаммасини алоҳида-алоҳида текшириш ва тегишли илмий-амалий хулосалар чиқариш анча мушкул иш. Шу сабабдан, биз ишимизда даставвал, ўз қатлам бирликлари ва ўзлашма қатлам бирликлари, шунингдек, диалектизмларнинг лисоний табиати, бахшининг сўз танлашдаги услубий маҳорати мисолида таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

“Рустамхон” достони матнида айрим тоифага хосланган шундай сўзлар мавжудки, улар Фозил шоирнинг достон куйлаш иқтидорини, тилимизнинг олтин фондидан самарали фойдаланганлигини, энг муҳими, халқ тилидаги беҳисоб сўзлардан хабардорлик даражаси юқори эканлигини яққол кўрсатиб туради. Қуйида уларнинг айримларига эътибор қаратдик.

Бағир. III шахс биргалиқда қўлланадиган *бағир*, *бағри* лексемаси достон матнида жуда фаол учрайди. Унинг муқобил шаклларида *бағри*, *бағрига*, *бағрим*, *бағримдан*, *бағримни*, *бағринг*, *бағрини* кабиларга нисбатан ҳам шу фикрни айтиш мумкин. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да берилишича, *бағри (бағир)* лексемаларининг генетик асослари семемасидаги қурилиши куйидагилардан иборат: 1) жигар; 2) тананинг бўйиндан қорингача бўлган олд қисми; кўкрак, кўкс, тўш; 3) қучоқ; ҳимоя, паноҳ, ён; 4) юрак, қалб, дил; 5) жуғрофий ҳудуднинг ён, нишаб томони; 6) улкан, чўзилган ҳудудли макон, фазо; қўйин, қучоқ⁷⁷. *Бағир* лексемаси достон матнида, асосан, феъл сўз туркумига мансуб сўзлар билан

⁷⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006.- 190-191-б.

бир қатор коннотатив маъноларни ифодалаган:

– “Хафа бўлмоқ”: *Бу сўзни эшитиб, Химчаойим кўнгли бузилиб, бағри эзилиб бир сўз айтиб турган экан (366); Подшо бўлиб менинг бағрим эзилди, // Даркори йўқ бизга бепоён элди (352);*

– “Қучоқламоқ”: *Инграниб ўрнидан туриб шу замон - // Болам, деб бағрига босди Султонхон (441);*

– *Алам, ҳасрат, фалокат, жудоликка гирифтор бўлиб қийналмоқ”: Бу мени ўлимга элтар, // Ўлимнинг шароби яқин, // Юрагим ҳам бағрим доғлар (384); Жафо тиги бу жонимдан ўтибди, // Айрилиқ ханжари бағрим йиртибди (422);*

– “Афсусланмоқ, норозилик”: *Нега бу бойланди, эна тозилар? // Тозини бойлабсан, бағрим эзилар... (423);*

– “Қийналмоқ”: *Бағримдан ўт чиқиб таним туташди, // этим эзиб суягимга етишди, // Тавба қилдим, эна ечгин қўлимни (424);*

– “Ғам, ҳасрат билан бағри эзилмоқ, куймоқ”: *Хуройим кўриб Қаландар билан юрган Султонхонни таниб илгари шоҳлик шавкатда, подшолик давлатда қандай роҳатда бирга юрган кунлари эсига тушиб кўнгли бузилиб, бағри эзилиб, Рустамга қараб бир сўз айтиб турган экан (436);*

– “Ачиниш”: *Кўриб аҳволини кўнглим бузилди, // Тарзига қарадим, бағрим эзилди (437).*

Ушбу таҳлиллардан айён бўладики, дostonда бағир сўзи эпик қахрамонларнинг руҳий ҳолатини ифодалашда кенг қўлланилган, уларнинг аксарияти “тушкунлик” маъносини ифодалайди. Матннинг ичида бағри эзилмоқ фраземаси анча фаол, тўрт марта такрорланган. Ушбу фраземанинг таркибидаги эзилмоқ феъли моҳият эътиборига кўра тилимизда яхши пишиб етилган мевага ёки овқатга нисбатан ишлатилади. Мисоллар сифатида берилган матнларда бағри эзилмоқ бирикмаси фразеологик ибора сифатида маъно кучайтириб, “руҳан эзилмоқ”, “қаттиқ қийналмоқ” семаларини ифодалаган. Яна бир лисоний ҳолатни: бағри

эзилмоқ фраземаси қўнгли бузилмоқ билан синоним ҳолатда ишлатилганлигини, матнда “ғам”, “қуймоқ” маъноларини ифодалаб келганлигини кузатдик. Матнинг 2-жумласидаги *бағрига босмоқ* фразеологик бирлигида “кучоқламоқ” семаси етакчилик қилган матндаги *бағрим йиртилмоқ, бағримдан ўт чиқмоқ* каби ибора шакллари *бағир* лексемасининг генетик асосларидаги “юррак”, “қалб”, “дил” каби семемаларга боғланган, улар матнда ўзига хос ва мос тарзда муайян коннотатив маъноларини ифодалашга хизмат қилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўпмаънолилик ҳар қандай тилда салмоқли ўрин тутди. Тил бойлиги фақат сўзлар, иборалар билангина эмас, сўзларнинг лексик маънолари билан ҳам ўлчанади. Сўзларнинг кўп маънолилиги–полисемия ҳодисаси тил бойлигида ўз ўрнига эга⁷⁸. Кўп маъноли сўзнинг алоҳида олинган семалари қанчалар ранг-баранг бўлмасин, улар ҳар доим ягона маъновий асос теварагида гуруҳлашади. Иккиламчи маънолар дастлабки маънонинг кейинги тараққиёти тарзида эътироф этилади⁷⁹. Кўпмаънолилик сўзнинг семантик қурилишига оид лисоний ҳодисалардандир. Бирдан ортиқ маънога эгалик (полисемия) деярли барча сўз туркумларида учрайди⁸⁰. Айни тамойилларга асосланиб “Рустамхон” достони матнида қўлланган кўп маъноли сўзларни лексик-семантик нуқтаи назардан ўрганишга ҳаракат қилдик.

Дастлаб иш-ҳаракат ва ҳолат маъносида қўлланилган сўзлардаги кўп маънолилик масаласига қисқача тўхталамиз. Изланишларимиз кўп маънолиликнинг феъл категориясига оид сўзларда фаол эканлигини кўрсатди. Достон матнида эллиқдан ортиқ соф туркийча кўп маъноли феъллар учради. Қуйида ушбу феълларнинг айримларига тўхталамиз.

“Кўриш қобилиятига эга бўлмоқ” бош маъносини ўзида мужассамлаштирган соф туркийча *кўрмоқ* феъли ҳозирги ўзбек адабий тилида ўн олти маънони ифодалайди (ЎТИЛ, 5, 469-470). “Қадимги туркий

⁷⁸ Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 3.

⁷⁹ Будагов Р.А. Введение в наука о языке. – М.: Учпедгиз, 1958. – С. 39-50

⁸⁰ Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: Фан, 1981. – Б. 209.

луғат”да бу феълнинг олти маънода истеъмолда бўлганлиги эътироф этилган (317). Алишер Навоий асарлари тилида шу феъл лексеманинг ўн маънода қўлланганлиги (АНАТИЛ, II, 153), шунингдек, шоирнинг тарихий асарлари лексикасида ушбу истилоҳ етмиш олти ўринда тўрт хил маънода ишлатилганлиги ҳам аниқланган⁸¹. Халқ достонларида, хусусан, “Малика айёр” достонида “кўрмоқ” феъл лексимаси ўн уч хил маънода қўлланганлигини И.Умаров таъкидлаган⁸². Биз ўрганган достон матнида кўрмоқ феъл лексемаси қуйидаги маъноларда ишлатилганлиги маълум бўлди:

1) “Кўриш қобилиятига эга бўлмоқ, эпик қаҳрамоннинг борлиқнинг кўриниши қандайлигини фарқлай билмоқ”: *Кўнглида сал қувват энгандай бўлиб, кўзини очди. Бояги ўзининг боқиб юрган тозиларини кўрди, Рустамга кўзи тушмай, бу сўзларни айтиб турди: (387); Шу вақтда Хуройим Рустамни кўрди; дунёга қайтадан келгандай бўлди.(389);*

2) “Дуч келмоқ”, “кўрмоқ”, “учратмоқ”: *Бу ерларни Хуройим кўрди, чалдивор, чўлистон бўлиб қолган, Арабнинг қилган иши шу бўлган. (382); Ҳаялламай бери келгин, Рустамжон! // Сени кўрдим, кетди мендан юз армон, (389);*

3) “Бошдан кечирмоқ”: *Ажаб ишлар кўрдим фони дунёда, // Уч кун яёв юрдим пойи пиёда. (382); Жаллодлар зулмида оғир кун кўрдим, // Етмаган ажалим, қутулиб қолдим. (391);*

4) “Кўз билан илғамоқ, кўз воситасида аниқ фарқламоқ, сезмоқ, билмоқ”: *Бир қора кўзига кўринди. Кўрди, тўзон келаяпти. (385); Жаллод, эшит менинг айтган сўзимди, // Мен ҳам кўрдим келаятган кўзимди, (386);*

5) “Бирор нарсани таъкидлаш ва унга диққат-эътиборни жалб этиш”: *Кўрди: бу работ тилланинг сувини югуртириб солган, эшик бўсагаларини ёқут- жавоҳиротлардан ўтқазиб, тилладан сув берган. (394);*

⁸¹ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б. 151.

⁸² Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” достони лексикаси (тарихий-этимологик, функционалсемантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. – Б. 130-131.

Кўрди: ажаб сурадли бир қиз, жамоли кунни хира қилгудай, ҳар ким ҳуснини кўрса, ақли кетиб, отдан йиқилиб қолгудай. (396);

6) “Ҳол-аҳвол сўраб йўқламоқ” ёки “сўраш орқали вазиятни билмоқлик”: *Омон-эсон ўлмай, энажсон, кўрдим, // Эсон-омон кўрдим сенинг давлатинг. (390); Ҳайрон қолиб, аҳволингни сўрайман. // Элингни кўрдиму бўлганман ҳайрон (402);*

7) “Бирор кимса ёки нарсага эга бўлмоқ, эришмоқ, етишмоқ”: *Ётиб эдим тонг олдида туш кўрдим, // Бу тушимда бир ажойиб иш кўрдим, // Ғариб бўлган кўнглимни хуш кўрдим, // Бу тушимда у аждаҳар ўлгандай, (405); Тоғай келиб янги кўрди бекликни, // Шиқирлатиб кийди-ку кўк этикни. (410);*

8) “Юз берган воқеага бошқа киши ёки нарсани сабаб қилиб кўрсатмоқ”: *Неча вақтлар қолдинг хорлик тортиб, // Бу ерда кун кўрдинг кўп гамга ботиб, (416); Аввал қилич уриб сўнгра билдим, // Аждаҳар ўлганин, мен сўнгра кўрдим, // Тирик эмас, ўликка дучор бўлдим; // Шоҳим, бориб Офтоб қизингни кўрдим, (417);*

9) “Кўз билан кўрмоқ, кўз воситасида аниқ фарқламоқ, сезмоқ, билмоқ”: *Зўр аждаҳар армон билан ўлибди, // Санаб кўрди: қирқ бир бўлак бўлибди. (415); Энасини кўрди, икки тозини икки ёққа бойлаб, йўлга тиклаб ўтирибди. (422)*

10) “Пайқаб олмоқ, илғамоқ, туймоқ”: *Рустам шундай қаради. Кўрди: бир дев келаётир. Кўзини олайтиб девга қаттиқ тикилди. (426); - Энам деб ахтариб келдим, // Мен энамдан зулм кўрдим. // Энамнинг жабридан мен ҳам // Кўр бўлиб мозорда қолдим. (432);*

11) “Танишиш, билиш, аниқлаш ва шу каби мақсадда кўздан, назардан кечирмоқ; назар солиб текширмоқ; қарамоқ”: *Шу аҳволда келиб бизларни кўрди. // Қарайман тарзига термулиб турди, // Кўриб аҳволинг кўнглим бузилди, // Тарзига қарадим, бағрим эзилди. (437); Бу қаландарни кўрди: белида камарлари тилладан; қадди-жасади - келбати Рустамча келади. (439);*

12) “Томоша қилмоқ, кузатувчи сифатида қарамоқ”: *Момасининг афти- жасадини кўрди, шундай: манглайлари чўтдай, кўзлари ўтдай, жагининг гўшти қочган, ён ёғидан тарлон очган, яхшиликдан мудом қочган.* (357);

13) “Тақдирдан кўрмоқ”: *Неча кундир гариб бўлиб кун кўрдим, // Бу дунёда кўрган кунларим бекор.* (434);

14) “Тахминламоқ”: *Кампир чўтлаб кўрди. Агар тортса, ҳар қопи ботмон даҳсари, ботмон понсари чиқаберадигандай. Зиёд чиқишини билиб, кампир айтди: -Болам, тортиб, тарозини шақиллатиб, галвани кўпайтиб юрамизми, чўт, чўтдан зиёд кетарми?!* (360).

Достонда кўрмоқ феъл лексемаси кўмакчи феъл вазифасида “муайян ҳаракатнинг синаш учун бажарилиш натижасини, хоҳиш-истагини ёки бажарилмаслик ҳақидаги огоҳлантириш, умидсизлик” маъносини ифодалайдиган матнлар ҳам учрайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида “Бирор нарса ичига ёки устига жойламоқ, қўймоқ, ташламоқ” (ЎТИЛ, 3, 548) каби бош маънони ифодалайдиган **солмоқ** феъли ўн саккиз маънони ифодалаши қайд этилган. Эски туркий тилда ҳам фаол қўлланган ушбу феълнинг Навоий асарлари тилида ўн икки маънода қўлланганлиги эътироф этилган. (АНАТИЛ, III, 101-102). Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасида **солмоқ** феълнинг ўндан ортиқ маъноларда қўлланганлиги ҳақида маълумот берилган⁸³. Мазкур лексиманинг халқ достонлари матнида қанчалик фаол қўлланганлигига назар солсак, биргина Фозил Йўлдош ўғли қуйлаган “Малика айёр” достонида ўн хил маънода қўлланилганлиги аниқланган⁸⁴. Биз ўрганган достонда ушбу истилоҳнинг қуйидаги маъноларда ишлатилганлигини кузатдик:

1) “Бермоқ ёки бермаслик, ташламоқ ёки ташламаслик, бирор ишни бажармаслик”: *Маҳрамнинг сўзига қулоқ солмади, // Кампир,*

⁸³ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлар лексикаси, –Тошкент.: Фан. 2016, – Б. 149.

⁸⁴ Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” достони лексикаси (тарихий-этимологик, функционалсемантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. – Б. 130-131.

маҳрамларни писанд қилмади, (364); Сўз сўзласам, сира қулоқ солмади, (366);

2) “Бирор нарса ёки кимсага йўналтирмақ, қўймоқ”: *Жоним опа, меҳрибонлик қил энди, // Энам кетган ёққа йўлга сол энди. (374); Рустамхон: -Эй опа, беҳуда кўп сўзлаб, мени қийнаб, гапга айлантириб тургунча, агар ундай минадиган отим бўлса, эгарлаб, чоқлаб, мени энамнинг кетган тарафига йўлга солиб юборгин, -деди. (375);*

3) “Бирор ҳолатга туширмақ ёки бирор ҳолатни юзага келтирмақ, пайдо қилмоқ”: *Мен шу ерда юрсам, сен бир кун тузиб соларсан. (352); Султонни узатиб йўлга солибди, // Подшо бўлиб Хуройим турибди. (355);*

4) “Розилик, бажаришлик, хоҳиш ёки истак”: *Кўринган йигитни қайтариб олиб, // Ким бўлса бўйнига қўлини солиб, (361); «Жаллод!» деб шу замон довуш қилади. // Жаллод қулоқ солди бу нолишига, (365);*

5) “Бирор ишга, ҳаракатга туширмақ, йўлламоқ, ташламоқ”: *Хуройим устидан додқа бўлинглар, // Шундай қилиб, болам, хатга солинглар (361); Химча, қулоқ солгин айтган нолама, // Жала тушиди менинг кулба хонама, (377);*

6) “Ўрнатмоқ, қўймоқ”: *Кампир бу дунёдан тўрт юз тангани олиб, ёнига солиб, Оқтош шаҳрини оралаб чиқиб кетди. (360); Шунда жаллодлар нима бўларини билмай, Хуройимнинг бўйнига пичоқ солмай, «Барибир, ўлим-да, икки бошдан унда ҳам ўлади, бунда ҳам ўлади» деб бўйнига сиртмоқ солиб дорга арқоннинг учини отди. (387);*

7) “Бирор иш-ҳаракатни қилишга ундамоқ”: *Саллангизни бўйнингизга солиб турсангиз. (352); Химчойим, қулоқ сол менинг тилима, // Ҳали жавоб йўқдир Рустам улингга; (371);*

8) “Қарамоқ, боқмоқ”: *Тилга энгандан мадрасадан бир муллани олиб келди, мулла билан Рустамхонни таги заминга солиб, ўқитиб ётаберди. (356); «Бу боламнинг оти» деб таблага торттириб, бир сайис солиб боқтириб ётди. (356);*

9) “Ҳозирланмоқ, тайёрланмоқ; қурмоқ”: *Кампир тўрт эшакнинг*

устига тўрт қопни солиб, ойимларга қўшиб ҳайдатиб юборди. (360);
Шосупанинг пастига эшакларни қўйиб, шосупанинг устида қопларнинг
огзини очиб, бели оғримай топган пул танга-тиллани қопга солди. (360);

10) “Мурожаат қилмоқ, эътиборни тортмоқ”: Қулоқ солиб яхши
тингла арзимди, // Қанча бўлса дунё бермоқ лозимди(р), (358); Болам
қулоқ солгин айтган сўзима, // Кўп қайшидим сендай икки қизима, (360) каби.

Достонда фаол ишлатилган **ўтмоқ** феъли ҳам бир неча
маънони ифодалаши билан диққатимизни тортди. Ҳозирги ўзбек тилида
бу сўзнинг йигирма беш маъноси аниқланган (ЎТИЛ, 5, 181-183). Ушбу
феълнинг эски туркий тилда фаол қўлланганлиги (ДТС, 391), Навоий
асарлари тилида ўн маънода ишлатилганлиги (АНАТИЛ, II, 614-615),
хусусан, шоир тарихий асарлари лексикасида саккиз маънода
қўлланганлиги⁸⁵ аниқланган. И.Умаровнинг “Малика айёр” достони
тили бўйича амалга оширган тадқиқотида мазкур феъл лексимаси
тўққиз хил маънода қўлланилганлиги таъкидланган⁸⁶. Биз ўрганган достон
тилида ушбу феъл лексеманинг қуйидаги маъноларда қўллангани кўзга
ташланди:

1) “Муайян йўналишда ҳаракатда бўлмоқ (юрмоқ, учмоқ, оқмоқ ва
х.к)”: Ўтар дунё ўтарини ўйладинг, // Қиёмат деб, ширин жонинг
қийнадинг, (423); Гаму кулфат кетиб, эна, бошингдан, // Кўрмагандай
бўлиб бунда юрарсан. (423);

2) “Бирор маконда, маълум бир йўналишдаги ҳаракатни
таъминлайдиган нарсага йўналмоқ”: Тогнинг тоши зингиллашиб ўтади. //
Аждаҳар дамига тошлар кетади. (400);

3) “Маълум жой, сатҳ ва шу каби оралиғида (бирор томонга
қараб) ҳаракатланмоқ, шундай ҳаракат билан уни орқада қолдириб, ундан
кейинги жойда мавжуд бўлмоқ”: Шундай қилиб қирқ кечаю қирқ кундуз
орадан ўтди; ё дев, ё одамзод: “бу жой бизники эди”, деб келмади. (395);

⁸⁵ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлар лексикаси, –Тошкент.: Фан. 2016. – Б. 149-150.

⁸⁶ Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” достони лексикаси (тарихий-этимологик, функционалсемантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. – Б. 132-134.

4) “Эгалик, тасарруф ўрни ўзгармоқ”: *Жосус деган сўзинг менга ўтади, // Баччагар, жосус деб кимни айтади?! (403); Баҳра тоғдан ўтиб йўл юриб кетди, // Ададсиз чўлларни кўп босиб ўтди. (442);*

5) “Кейинда қолмоқ; кечирмоқ (гуноҳ ҳақида)”: *Шу оқшом Оқсаройда ўтди. (405); Кунин бориб, келаман деб эди, уч ярим ой ўтди, ҳали дараги йўқ. (422);*

6) “Бир хил йўналишдаги ҳаракатда (юриш ва б.) ортда қолдирмоқ, ундан узоқлашиб кетмоқ: *Юрт топириб келган Хуройим ёринг, // Неча йиллар ўтди, йўқдир хабаринг, (364); Шунда Султонхон: – Биз Оқтошдан чиқиб кетганимизга неча замон ўтди, балки ўн тўрт йилга яқинлаб етди. (365);*

7) “Ўз бермоқ, бўлиб ўтмоқ (жабрланиш)”: *Рустамхон айтди: – Мен энадан бино бўлгандан бери умрим тағизаминда [ўқишда] ўтди.(372); Рустамнинг зарбидан аждаҳар ўтди, // Тоғнинг жондорига емиш бўп ётди (400);*

8) “Жондан ўтмоқ – азоб берадиган даражада қаттиқ таъсир қилмоқ”: *Жафо тизги букун жондан ўтади, // Мени тақдир шу кулфатга элтади, (431);*

9. “Кун ўтмоқ – муайян муддат (вақт)”: *Шундай гаплар кириб сенинг тушингга: // Кун ўтмайди жаллод келар қошингга. (366); Ҳаял ўтмай келиб қолар устингга, // Тортганда дамига дучор бўласан! (398).*

Таъкидлаш лозимки, “Қадимги туркий луғат”да қайд этилишича, **ўтмоқ** сўзининг қадимги ва эски туркий тил ёзма ёдгорликларида икки маъноси, яъни “ичига кирмоқ, суқилиб кирмоқ” ва “адо бўлмоқ, тугамоқ” маъноларида қўлланилган (391). Биз ўрганган дoston матнида ушбу феъл лексеманинг тўққиз маъноси қўлланилини кўрсатди. Бу ўз навбатида **ўтмоқ** феъли лексемасининг кўп маънолилиқ табиати хилма-хил эканлигини кўрсатса, айти пайтда, халқ бахшисининг дoston куйлаш жараёнидаги ноёб иқтидори юксаклигини тасдиқлай олади.

“Бирор еридан ушлаб, тутиб, ўзига томон сурмоқ ёки суришга

ҳаракат қилмоқ” маъносидаги *тортмоқ* истилоҳининг ҳозирги ўзбек адабий тилида йигирма бир маънода қўлланганлиги тилшуносликда аниқланган (ЎТИЛ, 4, 154-156). Ушбу феъл лексеманинг кўп маънолилиқ табиати қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам мавжудлиги маълум (ДТС, 538). Навоий тарихий асарлари лексикасида ўн уч маънода ишлатилганлиги ҳам аниқланган⁸⁷. Халқ дostonларининг нодир намуналаридан бири “Малика айёр”да мазкур феъл лексемаси саккиз хил маънода қўлланилганлиги аниқланган⁸⁸. Биз ўрганган дoston матни ҳам ушбу лексеманинг матн таркибидаги маънолари хилма-хил эканлиги маълум бўлди:

1) “Далда бермоқлик ёки бирор насиҳат қилмоқлик”: *Кўринмаган йўлбарсдан кўрқиб, бундай хафалиқ тортма. (392); Ёлғиз қолиб кўздан ёшин тўкмасин, // Мотам тутиб яна афсус тортмасин. (406);*

2) “Муайян ҳаракатни тезлаштирмақ, тезлик билан йўл юрмақ ёки йўл юрмақ, йўлда давом этмоқ”: *Рустам бу сўзни айтиб туриб эди, тозилар йўл тортиб, чап қўлдаги йўлга тушиб жўнай берди. (382); Неча кундан бери йўл тортиб Хуройим бечора абгор, абгашта бўлиб келган. (382);*

3) “Бирор еридан ўзига томон тортмоқ ёки тортишга ҳаракат қилмоқ”: *У бир катта илон; қора кўрингандан дамига тортади, одам дамига тортади, одам боруви билан от-поти билан ичига уриб кетади; (407); Анча ўтиб отнинг бошини тортди, // Аждаҳар қояга эр Тоғай етди. (415);*

4) “Овозни баландламақ, юқори кўтармақ ёки кучли овоз чиқармақ”: *Форда ётар эди, хурракни баланд тортар эди, ботмон носвойни тўрт бўлиб отар эди, (356); Хуройим бирга отланиб, тозиларини ияртиб, Баҳра тоғига қараб йўл тортди. (394);*

5) “Ҳаракат қилмақ, машаққат тортмақ”: *Қистаб юрар энди остида отди, // Чўлу кўлда неча вақтлар йўл тортди. (392); Бизлар хафа бўлдик*

⁸⁷ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлар лексикаси, –Тошкент.: Фан. 2016. – Б. 150.

⁸⁸ Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” дostonи лексикаси (тарихий-этимологик, функционалсемантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. – Б. 134-135.

сенинг ҳолингга, // Пиёдалаб йўл тортган аҳволингга, (364);

6) “Хурсандлик билан қатор турмоқ ёки кетма-кет жойлашмоқ”:
*Буёқда кейинида жаллодлар сарбоз назмаси қилиб, сибизиқ, сурнай тортиб
боряпти. (369); Келса мамлакатни тўзон қилади, // Ишқириб дамига
тортиб олади, (398);*

7) “Юзига тортмоқ ёки жалб қилмоқ, муносабат билдирмоқ”:
*Энди бўлмади, Рустамдан ҳеч хабар келмади, вақти-замони менинг куним битди,
деб фотиҳани юзига тортиб, жондан умидини узиб, тағи кўз тутиб,
қибла бетга қаради. (385); Менинг меҳрим тортиб, шу зайрат билан
Рустам келса, менинг бу аҳволимни кўрса, бу жаллодларни омон қўймайди.
(385);*

8) Дорга тортмоқ – “дорга осмоқ”:
*Ҳайдаб бориб бизлар Мансур дорига, // Бошин кесиби ани, дорга тортамиз. (368); Гапингга жаллодлар
қулоқ солмайди, // Кел, шаллақи, чолиб дорга тортайин! (383);*

9) Лашкар тортмоқ – “Қўшин билан юриш қилмоқ, босиб бормоқ”:
*Қанча сипойи ҳам ададсиз лашкар, // Шавкати оламини босиб боради. (355);
Оқтош тарафига қараб қўшинини ияртиб кетди (382) каби.*

Келтирилган мисоллар *тортмоқ* сўзининг нафақат мустақил, балки бошқа лексик бирликлар билан синтагматик муносабатга киришиб, ёрдамчи феъл вазифасини ўтаганини ҳам тасдиқлайди. “Рустамхон” достони матнида бу сўз ўттиздан ортиқ ўринда юқорида келтирилган тўққиз маънода қўлланганлиги аниқланди.

Хуллас, биз тадқиқотнинг ҳажми имкониятидан келиб чиқиб, юқорида фақатгина *солмоқ, ўтмоқ, тортмоқ, кўрмоқ* каби феъл лексемаларининг матндаги маъно қирраларини кўриб чиқиш билан чекландик. Бу борадаги кенг қамровли муайян кузатишларимизни монографик тадқиқотда беришни маъқул топдик.

“Қуёшдан кейинги учинчи планета” (ЎТИЛ, 2, 14) бош семасини англатувчи *ер* астрономи қадимги ёзма ёдгорликларда тўрт маънода қўлланган (ДТС, 257). Навоий асарлари тилида ушбу от лексема

олти маънода ишлатилган (АНАТИЛ, I, 524-525). Шоирнинг тарихий асарлари лексикасида бу истилоҳ бир юзи ўн саккиз ўринда тўрт маънони ифодалаш учун хизмат қилганлиги эътироф этилган⁸⁹. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *ер* лексемасининг ўн бир маънода воқеаланганлиги аниқланган (ЎТИЛ, 2, 14). Халқ достонларидан “Малика айёр”да мазкур от лексимаси ўн икки хил маънода қўлланганлиги таъкидланган⁹⁰. Биз тадқиқ қилган достонда ҳам мазкур лексеманинг қўлланилиш фаолияти анча юқори ва асосан қуйидаги маъноларни ифодалаган: 1) “Нарсалар турган, тирик организмлар ҳаёт кечираётган юза, сатҳ (шахс ёки бошқа нарсаларга нисбатан)”: *Шу ерга олиб келиб берсанг, ўз тош-тарозим билан тортиб оламан, зиёд чиқса, ҳақингни бераман, ўз ҳақимни оламан, –деди. (360); Хуройимнинг айтиб ўтган сўзини (Химча) бойловли ётган ерида эшитган эди. (367);*

2) “Ер сатҳининг муайян бир қисми; жой, худуд”: *Мен шу ерда юрсам, сен бир кунни туғиб соларсан. (352); Шу замонда кўриб қолди, // У Султонхон ётган ерни. // Мурватини чапга бураб, // Айланиб бир ерга қўнди. (363);*

3) “Чўл, биёбон, ҳеч нарса ўсмайдиган жой, куруқлик”: *Дашт ер, пана қиладиган нарса йўқ. (363); Бу ерларни Хуройим кўрди, чалдивор, чўлистон бўлиб қолган, Арабнинг⁹¹ қилган иши шу бўлган. (382);*

4) “Эпик қахрамоннинг турган жойи, макони”: *Тирик бўлсак, бир тепада, ўлик бўлсак бир чуқурда; энди секин хаёлинг қаерда бўлса, менинг ҳам хаёлим шу ерда, деди. (391); Шу ерда ўлган жаллодларнинг отидан бир семиз отга энасини миндириб олди. (391);*

5) “Номаълум жой, ўрин ёки макон”: *Эна, – дейди, – на ерларга борамиз, Ҳали бетайинмиз, одам бўлармиз, Дунёнинг даврини ахир кўрармиз. (391); Энаси айтди: – Болам, у одам эмас; одам кўп юрмаган*

⁸⁹ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлар лексикаси, –Тошкент.: Фан. 2016. – Б. 153.

⁹⁰ Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” достони лексикаси (тарихий-этимологик, функционалсемантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. – Б. 136-137.

⁹¹ Босқинчи араб қўшини назарда тутиляпти

ерларда бўлади, (394);

6) “Эпик қаҳрамоннинг муайян ўрин-жойдан ёки маконнинг аҳволидан норозилиги, унга хайрихоҳ бўлмаслиги, безовталиги”: *Халқнинг ўртасида тухматга учраб, Қандай азоб билан бу ерга келдим. (391); Қўнмоққа излама бу манзил жойди, // Бу ерда ётганинг сира бўлмайди, // Ўйласам, юрагим ўтдай ёнади. // Бу ерлар, жон болам, йўлбарсхонади(р), (392);*

7) “Муайян асос, сўз берганлик, бирор ваъда қилганлик”: *Таги бир гапириб кўрайик, бир қоп тилланг чой пули бўлмайди, деган ери бор эди, пича ошиб кўрайик, деб яна бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан: (358);*

8) “Хавф-хатарли макон, бирор ўрин-жой”: *Йўлинг бўлмасин-да бу ерда хатар, // Сўйлагин, ойимлар сенга кўз тутар, (359); Бобонг қурсин, билгин, одати ёмон, // Юрган ери ҳамшиша қайғули туман, (358);*

9) “Ер ости, тупроқ таги”: *Оқтош элда Хуройими қурисин, Тул бадани қора ерда чирисин, (361);*

10) “Муайян мамлакат ёки давлатга қарашли ҳудуд, жой”: *Оқтошда ҳам қайси гўрдан шумликни сен топдинг, бу ерда ҳам шумликдан чиқмай ётдинг. (384); Сен билан мендан бўлак кишининг ҳақи йўқ бу ерда, – деб отдан туша берди. Ҳеч нимага зарил эмас, бу ерда ҳамма нарса бор. (395);*

11) “Муайян захли ўрин, сувли жой” маъносида: *Ҳаво ёғиб, ҳалқоб ерлар лойлансин, // Ҳар ерда душманнинг қўли бойлансин, (389);*

12) “Қаерда бўлса ҳам”: *Эрисин тоғларнинг қори, эрисин, // Ер остида золим тани чирисин: (391).*

Юқорида таъкидланган лексик-семантик хусусиятлардан маълум бўладики, “Рустамхон” достонида *ер* лексемаси ўн иккита маънода қўлланилган. Булардан ташқари, мазкур лексеманинг дoston матнида жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш, қаратқич келишиги шаклида кўмакчи вазифасини бажарганда пайт, ўрин, сабаб каби муносабатларни билдириб келганлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Кўп маънолилиқ лексемалардан яна бири “организмнинг юрак ва

қон томирлардан иборат ёпиқ система ичида тўхтовсиз ҳаракатланиб турувчи суяқ тўқимаси” маъносини англатувчи қон лексемаси ҳам дoston матнида фаол қўлланган. Навоий асарлари тилида бу истилоҳнинг икки маънода қўлланганлиги (АНАТИЛ, IV, 63), шунингдек, шоирнинг тарихий асарлари лексикасида “қон”, “хун, қон қасоси” маъноларида⁹² ишлатилганлиги тилшуносликда эътироф этилган. Фозил шоир қўйлаган “Малика айёр” дostonида беш хил маънода қўлланганлигини И.Умаров қайд этади⁹³. Биз ўрганган дostonда ушбу лексеманинг қўйидаги маъноларда қўлланганлигини аниқланган:

1) “Қаттиқ, эзилиб-қуйиб йиғламоқ, қаттиқ азобли ҳолатда йиғламоқ”: *Қон йиғлайман мен ҳам сочимни ёйиб, // Бўлиб қолсин Оқтош шаҳри бесоҳиб, (357); Дарди ёмон, ҳайрон бўлдим қон йиғлаб, // Шўйтиб келдим бек Рустамни сўроглаб. (371);*

2) “Қурбон бериладиган уруш, жанг қилмоқ; шу йўл билан киши(лар)ни қурбон қилмоқ”: *Оқ юзума қирмиз қонлар қуюлди, // Қора сочим ҳар тарафга ёйилди, (366); Агар шу ерда бўлса, бу жасадига уни жўнатмас эди, жаллоддан (ҳеч бири) омон қолмас эди, қанча душман бўлса, қон қуйиб тиги дамдан ўтказиб юборар эди. (381);*

3) “Қаттиқ қайғу-азобда қолмоқ; бағри қон бўлмоқ”: *Ёмон одам қону зардоб ичирар, // Бир гуноҳни яратган ҳақ кечирар; (359); Нима гуноҳ қилди мендай муштипар? // Гуноҳимни айтиб ургин, қонхўрлар! (370).*

Кўрамизки, қон лексемаси тадқиқ қилинган дoston матнида мазкур истилоҳ учта семани ифодалаш учун хизмат қилган.

Абгор. “Яраланган, мажруҳ, толиққан” маъноларидаги форсча *абгор* сўзига -лик қўшимчасининг қўшилишидан ҳосил бўлган *абгорлик* лексемаси “абгор ҳолат, ночор аҳвол, қийин вазият” маъноларини ифодалайди. Қўлланишига кўра ўз сўзига айланиб, асосан, сўзлашув нутқида ва қипчоқ шеvasида, шунингдек, халқ дostonлари тилида

⁹² Абдувалиева Д.Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б. 153.

⁹³ Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” дostonи лексикаси (тарихий-этимологик, функционал-семантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. – Б. 137-138.

анча фаол ишлатилади. “Рустамхон” достони матнида *абгор* 6 марта, *абгори* шакли 1 марта қўлланган. Бу сўзларнинг англлатган маънолари асосан кўйидагилардан иборат:

1) “Сарсон-саргардонлик”: *Неча кундан бери йўл тортиб Хуройим бечора абгор-абгашта бўлиб келган* (382).

2) “Тинимсиз, узлуксиз”: *Биз сўраймиз унда қолган элатди, // Абгор бўлиб йизлайверма, уятдир, // Сено дам билиб маҳрам сўз қотди* (367).

3) “Жабр тортмоқ, зулм қилмоқ”: *Бир кампир келиб, мени кўр қилиб, энамни бу аҳволларга солиб, шунча абгор қилибди* (434); “*Абгор бўлган қаландарман* (456); *Буни ҳам абгор қилган душмани*”, *Сабил бўпти бунинг шоҳлик шавкати* (436).

4) “Пушаймонлик”: *Билмасликдан кўп хато қилибман, // Пушаймон қип абгор бўлиб юрибман, // Ўтган ишларимга тавба қилибман* (443).

Достонда *ўтирик* (424), *ўтуригинг* (424), *ўтрикнинг* (421) сўзлари бир мартадан қўлланган, уларнинг ҳаммаси адабий тилимизда “*ёлгончи*” шаклида фаол қўлланилади. Қипчоқ шеваларида, шунингдек, “Рустамхон”да ҳам “*алдовчи*”, “*алдоқчи*”, “*ёлгончи*” маъноларини ифодалашга хизмат қилади. Бунда бош эпик қаҳрамон Рустамхонга унинг энаси (онаси) айтган гапида кузатамиз: “*Хисрав шоҳнинг қизини олдим, дейсан: уч ярим ой юриб менга топиб келган ўтуригинг шу-да. Мени шундай қилиб алдайман дейсан-да, аммо алдасанг бундан бошқа ўтирик қурибдимми? Сенинг отангни Султонхон дер эди.* (424)”

Шунингдек, сўзлашув нутқида “*ёлгоннинг миси чиқади*”, “*ўтирик гапнинг миси чиқади*” шакллари фаол қўлланади. Масалан, Оқтошда Хуройимга душманлик қилган икки кундош ҳар куни ғордаги Мاستон кампирнинг олдига келганидаги қилган мулоқотида таъкидланган сўзлар ишлатилган: “*Хуройимни, Рустамни ўлдирдим, дер эдинг: ўлдирганинг ёлгон экан, биз одамлардан миш-миш эштамиз, қайси бир мамлакатларда юрт оғишиб юрган экан. Бир кунлари келади, бошимизга бало бўлади. Ўтрикнинг чини чиқиб қолади*” (421). Кўрамызки, достондан олинган

матнларда *ўтирик* лексемасининг ўрнида ёлғон сўзи қўлланган ва ҳар иккаласи ҳам “*Ҳақиқий, чин эмас, сохта, қалбаки*” маъноларини ифодалашга хизмат қилган, холос.

Достондан олинган қуйидаги матнда *дўғилиб* лексемаси “тушунарли, бир-бирига мос” маънода қўлланган: “*Гапирганинг арза қиласан, шундай қилиб ёзасан: ўқиса хатинг дўғулиб*” бир-бирига тўғри келгудай, ўқиган одам маъносини билгудай, битган арзанг Султонхоннинг қошига мўътабар бўлгудай (361). Матндаги бу лексема оғзаки нутқда *дўғилиб-дўғилиб* ёки *дўғ уриб* тарзида эшитилиши ҳам мумкин. Лекин уларнинг ҳар иккаласи бошқа-бошқа лексик маъноларга эга. Хусусан, *дўғ урмоқ* ёки *дўқ урмоқ* шакли “*қўрқитмоқ, дўгламоқ, дўқ-пўписа қилмоқ*” маъноларини англатади ва улар матннинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайди. Матндаги арабча *мўътабар* лексемаси “ҳурматли, эътиборли” маъноларини ифодалаб келса-да, ушбу жумлада бу лексема “эътибор топган, ишонарли, ишонч қозонган” каби маъноларда қўлланган.

Қуйидаги матнларга эътибор қиламиз: “*Дарвозани илм билан қовширган, // Шоҳ келгунча очилмайди дарвоза! (368); Рустам айтди: Эрта-мертан жўнаб кетсам, говгум-ётарларда келиб қоларман (396); Борса энаси бўйнида гул, оёғида кунда, ўлиб қолибди. (433)*”. Матннинг дастлабки жумласидаги *қовширган* лексемаси “*ёпиқ, сеҳрланган*” маъноларини ифодалаяпти, унинг генетик асосларидаги семемалар нуфузли луғатларнинг бирортасида изоҳланмаган. Иккинчи жумладаги *говгум* лексемаси муайян вақтни, яъни “*кечаси, оқшом пайти*” маъносида қўлланган, лекин бу сўзнинг асос семаларини ҳам изоҳларини луғатларда учратмадик. Охириги жумладаги “темир бўйинбоғ, занжир, кишан” маъноларини ифодаловчи арабча *гул* лексемаси матнда “айбдорнинг бўйнига кийгизиб қўйиладиган жазолаш асбоби; кишан” маъносида қўлланган. Ушбу жумлада достон куйловчиси томонидан яна битта сўз: “*дарахтнинг ост қисми; тўнка; тахта кишан*” маъноларини ифодаловчи арабча *гул* сўзи ҳам қўллаганки, у матн мазмунига тўлиқ мос ва

ижро жараёнига хос бўлган “тахта кишан” маъноларини ифодалашга хизмат қилган.

Намуна сифатида келтирилган қисқача таҳлиллардан шу нарса аён бўладики, халқ бахшиси дoston куйлаш жараёнида ўз сўзларининг маъно-мазмунини тингловчиларга янада ёрқинроқ тасвирлашда баъзи ҳолатда, импровизация туфайли ўзлашган сўзлардан самарали ва унумли фойдалана олган. Буларнинг ҳаммаси ижодкорнинг сўз танлаш маҳоратининг юқори даражада бўлганлигини кўрсатади. Ушбу мулоҳазаларимизни янада далиллаш учун бахшининг қипчоқ шевасига хос ва мос диалектал сўзлар (диалектизмлар)дан фойдаланиш ҳолатини кузатамиз. Лекин дoston диалектал лексемасининг барчасини таҳлил этишга диссертация ҳажми имкон бермайди. Айни ҳолни инобатга олиб фақат адабий тилимизда муқобили бўлмаган айрим элементлар ҳақидагина мулоҳаза юритамиз.

Айгон. Хуройимнинг Рустам келаётган йўлга чиқиб, айтган мурожаатидаги “*Ҳаққа етгай айгон нолам, // Менда кўндир доғи алам, // Бехабар қолдимми болам?!*” матнида қипчоқ шевасига хос *айгон* лексемаси адабий ва сўзлашув нутқимизда *айтган* маъносини ифодалаган. Лекин бу сўзнинг изоҳли луғатларда маъноси изоҳланмаган.

Чўнтоқ. Бу сўз кўпинча оғзаки сўзлашув нутқида, халқ дostonлари тилида, жумладан, “Рустамхон” дostonида ҳам анча фаол қўлланган. Бирорта луғатларимизда ҳалигача изоҳи берилмаган ушбу лексема қипчоқ шевасида “нуқсонли, жисмонан айбдор” маъноларини ифодалаб, биз ўрганган дoston тилида “*Чўнтоқ жаллод*” бирикмаси сифатида қўлланган: *Жаллодларнинг ичида Чўнтоқ жаллод деган бир киши бор эди (269); Номоз ўқиган киши бўлиб, жон ширинлик қилиб, ҳаяллаб, тайсаллаб турган вақтинда Чўнтоқ жаллод Хуройимга бир сўз айтди (385).*

Достондан олинган матнда ушбу бирикманинг бир қисми - *чўнтоқ* лексемасининг ўзи алоҳида қўлланган бўлса-да, матнда барибир

жаллодга нисбат берилганлиги кўзга ташланган: “Жаллодларнинг баридан жавоб бўлганидан кейин, **Чўнтоқнинг гапи кор топмай қолди** (384)”. Бу лексема ҳам “*Айгон*” лексемаси каби нуфузли луғатларда изоҳланмаган.

Бехбудчилик. “Бу тушимда шундай бўлиб билинди, // Мамлакатлар **бехбудчилик бўлгандай**, // Ҳамма ўз ишида тинчиб қолгандай, // У душман – аждаҳар нобуд бўлгандай” (405); Офтобойнинг энаси (онаси) Оксаройда Хисрав подшонинг олдига келаётган эпизодида Хисрав шоҳга қараб унинг хотини бир сўз билан мурожаат қилганда қўлланилган, ушбу матндаги *бехбудчилик* лексемаси “*яхшилик, рўшнолик; хушҳоллик*” маъноларини ифодалаб дoston матнидаги кейинги маъноларни кучайтиришга хизмат қилган.

Халқ тилидан олинган ушбу *бехбудчилик* сўзи шеваларда ҳам фаол қўлланади: Аҳволимиз *бехбудчиликда* бўлиб турибди; ҳаммамиз *бехбудчилик, рўшнолик* кўриб турибмиз каби. Дoston тилидаги бу лексема айни таъкидланган маънони ифодалаб келиши бахшининг сўз танлашдаги маҳоратини, халқ тили билан баҳрамандлигини кўрсатувчи омилдир.

Маҳтал (маътал). “Бекорчи; бекор қолган; муддати ўтган” маъноларини ифодаловчи арабча маътал сўзини кундалик сўзлашув нутқида ҳам, адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шаклида ҳам, халқ дostonларида ҳам жуда фаол қўлланади. Биз ўрганган дoston тилида маътал лексемаси оммавийлашган *маҳтал* вариантнинг *маҳтал бўлмоқ* шакли “*мунтазир ҳолатда бўлмоқ*” маъносида қўлланилган: “*Подшонинг олдида бўлса тўртта чопарчи маҳрами бордир-да; тагин подшо келиб, маҳтал бўлиб, менинг хонумонимга ўт қўйиб юбормасин деб дарвозани очиб юборди* (269); *Ўқиганман сира адо бўлмайди, // Кўп экан-ку, шаллақининг номози, маҳтал бўлиб турадимиз жаллодлар*” (385) матнида ҳам *маҳтал* лексемаси куттирмоқ маъносини ифодалаган (385). Дoston матнида унинг яна бир шакли “*маҳтал қилмоқ*” бирикмаси ҳам мавжуд бўлиб, у “*мунтазир қилмоқ; куттирмоқ*” маъноларида қўлланилган:

“Жаллодлар аччиги келиб, Химчаойни ушлаб олиб, бизни шунча маҳтал қилдинг, деб кулабанд қилиб дарвозага бойлаб ташлади (389)”.

Фозил шоир дoston куйлаш жараёнида сюжетга бевосита дахлдор эпик воқеа-ҳодисаларнинг бориши, тингловчиларга айтаётган фикрлар оқимининг интенсивлиги туфайли баъзи фаол қўлланадиган сўзларнинг ҳам адабий, ҳам диалектал вариантини қўллашни маъқул кўрган. Масалан, *манзил* сўзини 8 марта ва унинг турли хил шаклларини 14 марта, шунингдек, *манзил-жой* шаклларини 10 марта қўлаган. Дostonда мазкур лексеманинг диалектал шакли бўлган *мазгил* сўзини ҳам икки марта ишлатган: *“Бедов минган сағрисини тошириб, // Мазгилга етказар қирдан ошириб (374); уч юз олтмиш мастоннинг бошлигини Момогул мастон дер эди. Мазгили шаҳардан ташқари бир горда эди (356)”*. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “мазгил” лексемаси *манзил* шаклида қўлланилиши қайд этилган [II жилд, Т. 2006, 525-бет]. Мазкур луғатда марказ; тураржой; уй, хонадон маъноларини ифодаловчи арабча *манзил* мазкур сўзнинг генетик асосларидаги семемалар куйидагилардан иборат эканлиги ҳам қайд қилинган: 1) Сафарда, йўлда тўхтаб ўтириладиган, кўниб туриладиган ёки етиб бориш мўлжалланган жой; 2) кураш, ҳаракат натижасида эришилиши мўлжалланган марра; 3) йўлнинг тўхташ жойидан иккинчи бир тўхташ жойигача бўлган масофа; 4) тураржой, истиқомат каби [II жилд Т.2006, 537- бет].

Кўрамизки, юқоридаги келтирилган матннинг биринчи жумласидаги *мазгилга* лексемаси 1-семемасига, иккинчи жумладаги лексема эса 4-семемасига, яъни тураржой, истиқоматгоҳ маъноларига мос ва хос келади. Биз бу ерда яна бошқа бир мулоҳазани таъкидлашни лозим топдик. Биринчидан, адабий тилимиздаги *манзил* лексемасининг диалектал варианты бўлмиш *мазгил* шакли қипчоқ шеvasида фаол қўлланганлиги боис Фозил шоир шу диалект вакили сифатида “Рустамхон” ни бошидан охиригача куйлаш жараёнида шевага хос шакли *мазгилни* қўлаганлиги табиий бир ҳол. Иккинчидан, юқоридаги келтирилган мисолдаги *мазгил*

сўзига дostonнинг матнини ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи профессор Х.Зарифов куйидагича изоҳ берган: Манзили: бундан кейин ҳамма ерда шу адабий шакл олинди (356). Демак, профессор Х.Зарифовнинг ушбу мулоҳазаларидан шундай хулосага келиш зарурияти туғилди: Фозил шоир кипчоқ шеvasи вакили бўлганлиги сабаб “Рустамхон” дostonида жуда кўплаб диалектал сўзлардан самарали фойдаланган. Лекин уларнинг айримлари (*манзил* каби) дoston чоп этилаётган давр ва нашриётнинг муайян талаблари (тилимизни адабийлаштириш мақсадида) асосида махсус таҳрир қилинган ва нашр этилган. Бизнинг назаримизда, юқорида таъкидланган *манзил* сўзи ва *манзил-жой* бирикмаларининг хилма-хил вариантлари ва шакллари ҳам “мажбурий таҳрир”дан ўтказилган. Аслида фольклор намуналари қандай шевада ёзиб куйланса (ижро этилса), ўшандай шаклда чоп этиш ва китобхонларга етказиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса сифатида куйидагиларни таъкидлаймиз:

а) Фозил шоир анъанавий дostonни куйлаш баробарида импровизация асосида қўллаган диалектал сўзларнинг асосий қисми маиший лексикага оид ва улар эпик қаҳрамонларнинг турмуш тарзи, ўзаро мулоқоти, руҳияти, хатти- ҳаракати билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланди;

б) таҳлил қилинган баъзи сўзларнинг муқобили йўқлиги, фақатгина шевага хос ва мослиги, уларнинг шу ҳолича адабий тилга олиб кирганлиги кипчоқ шеvasининг адабий тил меъёрларини юзага келтиришда ва бойитишда асосий манба сифатида хизмат қилган;

в) қўлланиш доираси чегараланган бўлишига қарамасдан, биз қисқача таҳлил қилган ва назардан ўтказган диалектал бирликлар дoston матнида муайян образли ифодани юзага келтирганки, буларнинг ҳаммаси Фозил шоир поэтик мушоҳадаси кенглиги ва юксак маҳоратли эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

2.2 §. Ўзлашма қатлам бирликларида кўпмаънолилик

Муайян тилнинг тарихи, эволюцияси ҳамда луғат бойлигига эътибор қилинса, бирор тилга иккинчи тилдан сўз ўзлаштиришнинг қатор лисоний, тарихий ва ҳаётий омиллари мавжудлиги маълум бўлади. Лисоний омилларга, биринчидан, тил луғат бойлигида пайдо бўлган муайян бир янги тушунча ва нарса-ҳодисани ифодалайдиган лексик бирлигининг бўлмаслиги; иккинчидан, аниқ бир тилга ўз муқобили бўлишига қарамай, амалда янги кириб келган ўзлашма сўзни қўллашга имконият берилиши ёки шароит шуни тақозо қилиши асосий сабаб бўлади. Туб аҳоли томонидан бундай сўзлар муқобили мавжуд сўзларга нисбатан янги, бир қатор образли, тасвирий имконияти кенгроқ деб қабул қилинади. Улар бир муддат амалиётда сўзлашув нутқ намунаси сифатида қўлланади ва ниҳоят ўзлашма сўз сифатида фаоллашиб кетади, тил луғат бойлиги қатламларига сингиб кетади.

Шу маънода, адабий тил билан халқ достонлари тили катта даражада фарқ қилганидек, достонлар тили матни билан адабий тил матни ҳам лисоний хусусиятларига кўра бир-биридан жиддий ва ўзига хослиги билан фарқланади. Айни ҳолат ҳақида Н.Хаджимусаева қуйидагиларни таъкидлайди: “Достон тили бошқа матнлар тилидан фарқланади. Чунки достон дейилиши билан унинг ёддан айтилиши кўз ўнгимизга келади. Бундай ҳолатда матнга янги, кўпчилик учун тушунарли бўлмаган сўзларни олиб кириш қийин. Унинг кутилмаганда бахши тилига келиб қолиши ҳам амалда осон эмас. Бинобарин, достон куйлашда асосан, халқ тилига илгаридан қабул қилинган, фаолиятда бўлган сўз ёки иборалардан фойдаланилади. Аммо бу фойдаланиш достон айтувчи маҳоратини ҳеч қачон инкор этмайди”⁹⁴. Мазкур олима яна бир ўринда “Орзигул” достонининг тилига бағишланган диссертациясида ўзлашган сўзларни қўллаш достон тили учун нима беради, деган саволга қуйидаги илмий-амалий хулосани тавсия этганлигини таъкидлаймиз ва уни биз ҳам

⁹⁴ Хаджимусаева Н. “Орзигул” достонининг статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Жиззах, 2020. – Б. 53.

маъқуллаймиз: “Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, тилимизда доимий равишда қўлланиб келинаётган ва кулоқ ўрганиб қолган сўздан кўра унинг амалда кам ишлатиладиган ўзлашган муқобили образлилик учун хизмат қилиши мумкин. Иккинчидан, сўз ўзлашгани боис тилда сўзлараро синонимия вужудга келиб, уларнинг ҳар бирининг маъносида стилистик оттенкалар рўёбга чиқиши ва уларни ўзаро фарқлашга эҳтиёж сезилади. Учинчидан, дoston матнида келтирилган ҳар бир ўзлашган сўз уни мумкин қадар адабийлаштириб бориши мумкин. Айтилганларнинг барчаси она тилимизнинг амалда бўлиш тамойилларига мос келади”⁹⁵.

Мазкур мулоҳазаларнинг илмий асосларини биз ҳам тўғри ва асосли, улар амалиётда халқ дostonлари тилига нисбатан ўзини мутлак оқлайди, деган фикрдамиз. Шу маънода, бизнинг “Рустамхон” дostonи матнидаги қўлланган ўзлашма сўзларнинг ҳаммасига ўзимизнинг муносабатимизни билдиришнинг тўлиқ имконияти йўқ. Шундай бўлса-да, дostonда энг фаол қўлланган санокли сўзларнинг айримларини назардан ўтказиш, уларнинг лексик-семантик хусусиятларини баҳоли кудрат ёритиб бериш мазкур дoston бадииятига доир муайян илмий-амалий хулосаларни чиқаришга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Абгаишта. Биз томонимиздан тузилган “Рустамхон” дostonининг сўзлик луғатида **а** ҳарфи билан бошланадиган *абгаишта* лексемасидан тортиб то охирги бирлик – *аямаслик* лексемасигача бўлган 103 та сўзнинг қанча миқдори ўзлашган сўзларга хошлигини аниқладик: арабча сўзлар 40%, форсча сўзлар 4%. Бундай ҳисоб-китоблар орқали, яъни муайян фоиз кўрсаткичида дostonдаги барча ҳарфлар нисбатида шу тарзда сақланган, деган ғайриоддий хулоса чиқармаслик зарур. Яна бир лисоний далил: дoston сўзлигида **б** ҳарфи билан бошланган *бадавлат* лексемасидан бошлаб охирги лексема –*бўямоқ*гача (жами 195 та сўз) бўлган ҳолатни ўрганганимизда, унинг тўртдан бир қисми (26%) ўзлашма сўзлар

⁹⁵ Хаджимусаева Н. “Орзигул” дostonининг статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Жиззах, 2020. – Б. 54.

эканлиги аниқланди. Достоннинг сўзлик луғатида бошқа ҳарфлар мисолида ўрганилганида бу кўрсаткичлар сони бутунлай ўзгариб кетди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу ўринда бизни достон матнидаги ўзлашган лексемаларнинг қай даражада қўлланилиши, яъни частотасининг миқдорини эмас, балки асосий мақсадимиз уларнинг достон матнида хосланганлигини, бадиият учун хизмат қилиш даражасини белгилаш, ижрода бахшининг сўз танлаш маҳоратини кузатиш, кўпмаънолилик хусусиятининг фаол қўлланган лексемаларда қай тарзда ифодаланиб келганлигини аниқлашга қаратилади. Қўйилган айни мақсадни амалга ошириш учун яна айрим лексемаларнинг лексик-семантик хусусиятларига қисқача тўхталамиз.

Аввал. Арабча бу лексема тилимизга ўзлашма сифатида кириб келган бўлиб, асосан 1-шахс эгаллик ва ўрин-пайт келишиги шаклида фаол қўлланади. Бу лексема “Рустамхон” достонида ҳаммаси бўлиб икки марта қўлланган: *“Аввал гайратингни айтгин, Рустамжон, // Пиёдадан мурод ҳосил бўлмайди (374); Душмандан ўчингни олсанг йиғлатиб, // Аввал гайратингни айтгин, Рустамжон (374)”*. Мазкур сўз матнда “бошида, бошланишида” маъноларини ифодалаб келяпти, унинг муқобили бўлган *илгари* сўзи 9 марта, *илгаридан* сўзи 6 марта, шунингдек, *илгариги, бурун, бурунги, бурунгидай* сўзлари бир мартадан достонда ишлатилган. *Аввал* сўзига синоним бўлган *қадим* сўзи эса умуман ишлатилмаган. Кўринадики, *аввал* ўзлашмасининг *илгариги* синоним (муқобил) варианты адабий тилимизда ҳам, достонда ҳам қўлланилиш мавқеи баланд эканлигидан далолат беради.

Ахир лексемаси арабча бўлиб, тилимизга ўзлашма сифатида кириб келган достон матнларида равиш сифатида “охири, пировардида, ниҳоят” маъноларини ифодалайди; юклама сифатида маънони кучайтиришга, таъкидлашга, муайян ифодага китобийлик тусини беришга хизмат қилган: *Ҳали бетайинмиз: одам бўлармиз, // дунёнинг даврини ахир кўрармиз (391); Маҳрамлар айтди: Ҳеч гуноҳ қилганинг йўқ. Сен*

ахир, аждаҳарга бораман деясан-ку! (409). Нуфузли луғатларда алоҳида бирлик сифатида берилган *охир* аслида *ахирнинг* тилимизда талаффуз меъёрларига мослашган шакли⁹⁶ эканлиги қайд этилади. Шунинг учун ҳам дoston матнида *охирнинг* қўлланиши сон жиҳатдан *ахирга* нисбатан қўпчиликни ташкил этади (4 марта): *Тог-тоғнинг бошини чолган туман-а, // Ҳар ким йиғлаб турса охир замон-а* (354); *энди умринг охир бўлган ўхшайди, // Келгин, она, энди бирга йиғлайлик* (370). Сўзнинг аввал-охир тарздаги антонимик жуфтлашуви халқ тилида ва дostonлар тилида турғунлашган ҳолда фаол қўлланса-да, лекин биз ўрганган дoston матнида бирор марта учрамади.

Баён лексемаси арабча сўз бўлиб, тилимизда “аниқлик, равшанлик, тавсифлаш, ифодалаш” маъноларини ифодалайди. Мазкур сўзнинг генетик асосидаги семемалар 1) табиат ва жамият ҳақидаги тушунча ҳамда тасаввур юзасидан инсон фикри ва мулоҳазаларининг оғзаки ёки ёзма ифодаси; 2) адабий асарнинг содир бўлган ёки бўлаётган воқеалар ҳамда воқеаларнинг бориши ҳақида ҳикоя қилинадиган қисми; 3) тавсиф; изоҳ бериш; 4) ўқиб ёки айтиб берилган бирор матн асосида ёзиб чиқилган иш; ёзма иш кабиларга бориб тақалади⁹⁷. *Баён* сўзи *айла* кўмакчи феъли билан биргаликда 3 марта дoston матнида қўлланилган, берилган ифодага китобийлик тусини берган: *Менга баён айла мамлакатингни, // Нима дейди ўйнаб ўсган юртингни?* (377); *Алифдай қоматинг, хипча белингдан, // Менга баён айла ўсган элингдан, // Хабар олмай ҳеч ким сенинг ҳолингдан, // Бу ерларга қандай номард бойлади? // Бойлаганни менга баён айлагин!* (397). Келтирилган ушбу матннинг эпик қаҳрамонларнинг ўзаро мулоқотида, хусусан, 1-жумласидаги Султонхоннинг Рустамхонга қарата айтган гапида; 2-жумласидаги эса Рустамхоннинг “икки қўли орқасига боғланган, сочидан уйнинг керагасига бойловли, ажиб суратли бир қиз (Офтобой)га қилган мурожаатида “бирор хабар, маълумот бер” маъноси

⁹⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – Б. 120.

⁹⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – Б. 120.

ифодаланяпти. Достонда *баён айла* кўмакчи феълнинг синоними бўлган *баён қилмоқ* вариантдан ижодкор бахши бирор марта фойдаланмаган.

Алвон. Араб тилидан ўзлашган бу лексема тилимизда ранглар маъносини ифодалайди, унинг генетик асосидаги семемаларнинг тузилиши: 1) қизил тусли, қип-қизил, қирмиз; 2) қизил рангли мато; 3) хилма-хил, турли-туман⁹⁸. Бу лексема достон матнида 4 марта қўлланган: *Жоним момом, хизмат этай бир алвон, // Олмос нўлат белда, эғнимда қалқон, Сочинг ёйиб сен йиғлайсан, Меҳрибон, Маҳрам алвон сўрар, келгин моможон (363). Хуройимнинг элда нима иши бор?! // Атрофида алвон-алвон йигитлар, // Шундай қилиб элда давронин сура (361)*. Матндаги ҳар икки жумла генетик асосидаги семемаларнинг учинчисига мос келган ва “хизмат қилмоқ” маъносида қўлланган, Фозил шоир достон ижросидаги асосий эпик қаҳрамонлардан Рустамнинг ўз она (эна)сига қилган муурожаатида “ҳар алвонда” бирикмасини ишлатган ва бу бирикма “хилма-хил, турли-туман” маъносини ифодалаган: “*Ҳар алвонда қушлар бунда йиғилган, // Мунаққишли манзил жойлар кимники? (395)*”.

Форсча *баччага зарнинг* қўшилиши натижасида ҳосил бўлган *баччагар* лексемаси достондаги эпик қаҳрамонлар нутқида сўкиш маъносини ифодалайди ва унинг генетик асосидаги семемалар кўйидаги коннотатив маъноларни ифодалашга хизмат қилган: 1) Нафрат, ғазаб билан қаттиқ қойиш: *Сен билмайсан энди қилар ишингни, // баччагар астароқ чиқар товшингни (402); Аждаҳор деб сира оғзингга олма // Қайта бер, ажали етган баччагар (414). Жосус деган сўзинг менга ўтади, // Баччагар, жосус деб кимни айтади?! (402)*.

2) Енгил қойиш, норозилик: *Кўнглида айтади: “Худо урди, Тогай гуноҳкор бўлиб қолди. Оббо баччагар, булар келиб қулоқ солиб турган экан, шунча гапни гапириб юбордик (408); Мирзабош айтди:- Оббо, баччагар Чўнтоқ, сўзлаган сўзингнинг бари аҳмоқ, шу гапнинг бошидан оёғини чўмманглаб сен бузиб келяпсан...(383)*”.

⁹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – Б. 68.

“Рустамхон”да фаол ва самарали қўлланилган лексемалардан яна бири форсча *армон* сўзи ҳисобланадики, бу дostonда 11 марта эпик қаҳрамонлар нуткида учрайди: *армонда*, *армони* вариантлари эса бир мартадан матн таркибида қўлланилган. Аслида “кучли истак, орзу” каби маъноларга эга бўлган мазкур лексема дostonдаги эпик қаҳрамонларнинг бир-бирларига қилган мулоқотларида фаол қўлланган. Масалан:

1) Кўнгилга тугилган, лекин (ҳали) юзага чиқмаган, амалга ошмаган орзу-ният: *Бу сўзни эшитиб менда қуриди дармон, // энамни кўрмасам қолади армон, // Насиб этса жаллодларга берарман, // Уларнинг бошини боздай чопарман (374), Эрам бозда бир йўлиқсанг душманга, // Сен бормасанг, мен ўларман армонда (427).*

2)Амалга ошмаган орзу-истакдан афсусланмоқ, кўнгилга тугилганнинг рўёбга чиқмаслигидан афсус-надомат: *Англамай, бегижон, бунда келарсан, Албатта айланма фалокат жойга, // Бунда турсанг армон билан ўларсан (397); – Армон билан ўлдим, гаминг е, – дейди, // Рустам болам, энди бери ке, – дейди (434). Ўзи қилган ишга ўзи пушаймон, Армон билан бу бойловли қолади, // Дод деганда нима илож қилади (425).*

3)Кўнгилга тугилган, орзу-ниятнинг рўёбга чиққанлик ҳақидаги хулоса, ахборот ёки бирор хабар: *Кечикиб қолдим-да: сўнгра билдим, // Ўлдим деб йиглаб кўп армон қилдим, // энди топилгандир мурод-мақсадим (390); Меҳнат тортиб менинг учун сотиб жон, // Жасадингдан мендай энанг садага, // Ҳаялламай бери келгин, Рустамжон, // Сени кўрдим, кетди мендан юз армон (389). Энди келиб бунда аждарни кўрса, // Зўр аждаҳар армон билан ўлибди (415).*

Қисқача таҳлилларимиздан аён бўлдики, дostonдаги ўзлашган сўзларнинг қўлланилиш қамрови жуда кенг, шуларнинг ўзиёқ Фозил шоирнинг дoston ижросидаги сўзга бўлган масъулияти ва ундан фойдаланиш маҳорати ҳақидаги тасаввурларимизни янада аниқлаштиради. Бахши уларни ижрода ўз ўрнига қўйганлигини, халқона

экспрессивликнинг лисоний имкониятларидан самарали фойдалана олганлигини, энг муҳими, дoston поэтикаси тақозо этадиган барча талабларга тўлиқ риоя қилганлигини кузатдик. Уларнинг ҳаммаси дoston куйловчисининг ижро давомида сўз танлаш маҳорати юқори даражада эканлигини яна бир тасдиқлайди.

“Рустамхон” дostonида от сўз туркумига кирувчи араб тилидан ўзлашган қирқдан ортиқ лексема ўзининг кўп маънолилик хусусиятларини намоён қилганлиги аниқланди. Тилимизга араб тилидан ўзлашган *вақт* лексемаси замон, вақт муддати; он; мавсум каби маъноларни, шунингдек, “юз бериб турувчи воқеа-ходиса, нарсаларнинг асрлар, йиллар, соатлар, минутлар ва ш.к. билан ўлчанадиган давомийлиги, шундай ўлчов белгисига эга бўлган объектив ходиса” маъноларини ифодалаш тилшуносликда эътироф этилган (ЎТИЛ, 1, 448). Мазкур лексема ҳозирги кунда беш маънода (ЎТИЛ, 1, 448) қўлланишда бўлса, қадимги туркий тилда фақатгина биргина маънода ишлатилганлиги нуфузли луғатларда (ДТС, 632) эътироф этилган. Алишер Навоий асарлари тилида олти маънода (АНАТИЛ, I, 367), тарихий асарлари лексикасида эса уч маънода⁹⁹ қўлланганлиги аниқланган. *Вақт* лексемасининг халқ дostonларида қўлланилиш ҳолатини кузатиш натижалари унинг хилма-хил маъноларининг мавжудлигини аниқлайди. И.Умаров “Малика айёр” дostonида мазкур лексиманинг саккиз хил маънода қўлланганли қайд этган¹⁰⁰. Биз ўрганган дoston матнида мазкур лексеманинг қуйидаги маънолари мавжудлигини кузатдик:

1) “Кўтаринки кайфиятли ҳолат; яхши кайфиятли, хурсанд ҳолатни кечирмоқ ёки хурсандчилик қилмоқ”: *Бундай сўзни Хисрав подшо эшитди, // Хисрав шоҳнинг жуда вақти хуш бўпти, // Обод қилсам, дейди, бу манзил- жойди, // Эр Тогайнинг шуйтиб вақтин хушлайди, (410); Бир нечасини вақтин хушлаб, // Ўйнаб-кулар зулфак ташлаб. (419);*

⁹⁹ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б. 154.

¹⁰⁰ Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” дostonи лексикаси (тарихий-этимологик, функционалсемантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. – Б. 139-140.

2) “Вақтнинг бирор нарса, иш-машғулот учун белгиланган, ажратилган бўлаги; муддат”: *Офтобой кўнглида айтди: Менинг тўрам ҳаяллаб кетди, келар вақтидан ўтди, билмадим, бундан бориб ўзидан зўрга дучор бўлиб, гариби гўристон бўлиб –ўлиб, тозилари тентираб қолиб(ми)? (429); Бизлар баркамол қиз вақтимизда қаллиққа борадиган эди. (424);*

3) “Соат, кун, ой, йил ва ш.к.нинг узликсиз изчил алмашувида бирор мақсад учун белгиланган ёки бирор мақсад учун фойдаланилиши муддат оралиғи; фурсат”: *Шу вақти кун етиб қолди пешинга, // Маофада юриб Офтоб қаради, (432) Неча вақтлар қолдинг хорлик тортиб, // Бу ерда кун кўрдинг кўп замга ботиб (416);*

4) “Кўтаринки кайфиятли ҳолат, вақтичоғлик, хурсандчилик”: *Вақтинг хуш қип яхши кунни кўрабер, // Кетабер, дилбарим, сендан розиман. (431) Подшолик шундай хабар қўйди: «Одамлар кўкини ташлаб, вақтини хушлаб, ўз ишида бўлсин, бозорни юргазсин, савдо-сотиқни бошласин!» (418);*

5) “Айни вақтда, ҳозир (да), ҳозирнинг ўзида”: *Шу вақтда Рустам тоғни ошиб, яқинлаб тушиб кета берди, (422); Агар шу ишлар бўлган вақтда ҳам, бизнинг кўкайимиздан камбағал -камчилигимиз кетмайди. (408);*

6) “Объектив тарзда кечувчи даврнинг, киши ҳаётининг маълум, аниқ бир бўлаги, нуқтаси, оралиғи”: *Сен қарибсан, дарвозада турибсан, // Неча вақт подшонга хизмат қилибсан, // Ахмоқ, сўзни ўзинг кўп машқ қилибсан (404); У вақтларда шундай расм бор эди: камбағалнинг бобоси деб бир одамни камбағалга бошчи қилиб қўяр эди. (407);*

7) “Ҳозирнинг ўзида, шу билан бирга”: *Ўғли бўлган вақтда қўли бориб шундай ўғлини ўлдирса, бу кимни билади. (426); Офтобойдай фарзандини берган вақтида ҳам мен сизлар билан бир дам баланд-паст гапиришиб ўтирганимга олмайман. (408);*

8) “Ўйламаган, хаёлга келмаган, билмаган бир вақтда: *Агар шу ишлар бўлган вақтда ҳам, бизнинг кўкайимиздан камбағал –камчилигимиз кетмайди. (408); Агар шу ишлар бўлган вақтда ҳам, бизнинг*

қўқайимиздан камбагал –камчилигимиз кетмайди (408) каби.

“Қадимги туркий луғат”да ва ҳозирги ўзбек адабий тилида вафо лексемаси “ёрга, дўстга, яқин кишиларга садоқат; ўз аҳд-паймони ва муқаддас тутиш; сўзда, ваъдада қатъий туриш” маъноларини ифодалаши аниқланган (ДТС, 632; ЎТИЛ, 1, 445). Алишер Навоийнинг тарихий асарлари лексикасида ушбу лексема уч маънода қўлланганлиги эътироф этилган¹⁰¹. Халқ дostonларидан бири, масалан, “Малика айёр”да мазкур лексема саккиз хил маънода қўлланганлиги аниқланган¹⁰². Биз ўрганган дoston матнида мазкур лексема қуйидаги маъноларда қўлланган:

1) “Яқин, садоқатли уй ҳайвони (този итлар)”: *Икки тозим эди, эна, вафодор, // Душман келса бўлар эди баробар. (423); Вафодорлар, бу сўзимни бил энди, // Олис турмай сен яқинлаб кел энди, // Жониворлар, йўлни бошлаб юр энди. (427);*

2) “Ёрга ёки муайян бирор шахсга ишонч ҳосил қилмаслик”: *Шундай бир ўғилни билмаган менга нима вафо қилади. (426);*

3) “Беҳисоб бойлик, тожу-тахтга эгалик қилишдан воз кечиш”: *Вафоси йўқ бундай шоҳлик давлатдан // Бошим олиб кетай бундан, албатта. (352) каби.*

“Фикр, тафаккур; ғоя; хаёл, ақл” маъноларини ифодаладиган, аслида араб тилидан тилимизга ўзлашган *хотира* лексемаси дoston матнида бирор марта қўлланилмаган. Бу истилоҳ “бирор кимса ёки нарса ҳақидаги ёдда, эсда сақланган таассурот” (ЎТИЛ, 4, 416) маъносини ифодалаб келганлиги илмда аниқланган. “Малика айёр” дostonида *хотира* лексемаси икки хил маънода қўлланганлиги¹⁰³ қайд этилган бўлса-да, бу ҳолни биз ўрганган дoston матнида унга нисбатан анча кенг

¹⁰¹ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б. 154.

¹⁰² Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” дostonи лексикаси (тарихий-этимологик, функционалсемантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. – Б. 140-141.

¹⁰³ Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” дostonи лексикаси (тарихий-этимологик, функционалсемантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. – Б. 141-6

камровда (тўрт хил маънода) ишлатилганлиги маълум бўлди, ушбу лексеманинг қипчоқ шеvasига хос эс (ақл), фаросат, хаёл, ўй каби хилма-хил вариантларининг қўлланилганлиги кузатилди:

1) “Хотирлаш, ёдга олиш ёки уларнинг тескариси”: *Шотутга яқинлаб боргандан кейин, Хуройимнинг кўрган азоблари, жаллоддан кўрган таадди, меҳнатлари эсига тушиб, бу сўзларни айтиб бора берди: (442); Кўзим бошимда бўлмади, // Мени эсига олмади, (385); Тогай айтди: – Ҳали элда сўрамабман, бу йўлнинг бу ердан айрилиб кетиши эсимга келмаяпти. (413);*

2) “Ақлсиз, фаросатсиз”: *Подшо бўлса бўпти-да. У Султонхонда эс нима қилади?! Эси бор киши шу кампирнинг кўтариб борган хатига ишонармиди? (384); У эси йўқ баччагарнинг гапини қайтариб бўлмайди. (384); Ўзинг ўйла, сенинг эсинг бормиди? (414);*

3) “Ақлли, фаросатли, фикр-мулоҳазали”: *Рустам эси кириб қолган, китоб ўқиб ҳар гапнинг маънисига тушунадиган бўлган, серфаҳм, ўйли, ақли кўп эди. (391); Рустам ўйлади: Мен бояги сўзни билмай айтган эканман, бу энам экан. (426);*

4) “Бирор хулоса ёки фикрга келиш”: *Кеча-кундуз яхши сўйлаб ўйладим. // Алдаб-сулдаб тозиларни бойладим; (424); Бизни камбагал деб писанд қилиб эсига олмабди. (407); Ўтар дунё ўтарини ўйладинг, // Қиёмат деб, ширин жонинг қийнадинг (423) каби.*

Араб тилидан тилимизга ўзлашган маъни лексемаси “маъно, мазмун” (ЎТИЛ, 2, 565) ни ифодалайди, дoston тилида ҳам ушбу маънолар қўлланилганлиги кузатилди: *Рустам эси кириб қолган, китоб ўқиб ҳар гапнинг маънисига тушунадиган бўлган, серфаҳм, ўйли, ақли кўп эди. (391); Энасининг сўзларини тинглаб, маънисига тушуниб, отасининг қилган ишларига ошиб-тошиб, отасидан кўнгли қолиб, энасининг гапи маъқул бўлиб: Эна, ундай бўлса ихтиёр сенда-да. (391) каби.*

Лекин унинг инкор (бўлишсизлик) шакли бемаъни, маънисиз лексемаларининг мазмуни юқоридаги тушунчанинг мутлақ

тескарисини ифодалайди. Достонда *бемаъни* лексемаси қипчоқ шеваси ва достон тилига хос “*бетайин*” синоними орқали қўлланганлигини кузатдик: *Ҳали бетайинмиз; одам бўлармиз; // Дунёнинг даврини ахир кўрармиз. (391); Бир юртдан бир юртга оғишиб келган, подшоларнинг наздида бетайин одам бўлса, бўлак ер-жой бермаса, билса ўзи борар эди, билмаса, у камбагалнинг каттаси камбагал бобо, бу бизнинг одамимиз, деб йиғиб олар эди. (407) каби.*

Мазкур достон матнида от сўз туркумига кирувчи араб тилидан ўзлашган кўпмаъноли лексемалар ҳам учрайди. Қуйида уларнинг айрим намуналарини кузатамиз. Тилимиздаги “*бошланиш; биринчи*” маъноларини ифодаловчи арабча *аввал* лексемаси достон матнида анчайин фаол қўлланган. Уларнинг маънолари қуйидаги кўринишларга эга эканлиги аниқланган:

1) “*Муайян ҳаракатнинг бошланишида; бошида*”: *Аввал зайратингни айтгин, Рустамжон, // Пиёдадан мурод ҳосил бўлмайди (374);*

2) “*Биринчи навбатда, биринчи бўлиб; дастлаб*”: *Аввали, менга ким қўйипти шу гапларни, тўғри жавоб айтиб ўтказиб юбора бермакда деб, бобо бир-икки оғиз сўз айтиб турибди, дейди: (404);*

3) *Равиш вазифасида: “ўтган вақтларда, ҳозирга қадар; илгариги”:* *Вазирнинг гапираётгани бир кўрмаган гап, аввали бу гап бўлмаган гап; бўлган вақтда сизнинг ўғлингиз энди ўн тўртга кирар эди.(381);*

4) *Кўмакчи вазифасида: “бирор воқеа, ҳодиса ёки ҳаракатнинг бошқасидан ёки шу ҳақда сўз бораётган вақтдан олдин бўлганлигини билдириш”:* *Аввали ўйлагин, бу тоғда ётма, // Ёлғизсан-да, болам манманлик ётма (392) каби.*

Таъкидлаш лозимки, пайт маъносини ифодаловчи равиш туркумига кирувчи *аввал* лексемаси ҳозирги ўзбек адабий тилида беш маънода (ЎТИЛ, 1, 29-30), Навоий асарларида уч маънода (АНАТИЛ, I, 27) ва шунингдек, шоирнинг тарихий асарлари лексикасида уч маънода

қўлланганлиги аниқланган¹⁰⁴. Биз ўрганган дostonда ушбу истилохнинг тўрт маънода қўлланганлиги маълум бўлди.

Арабча “ҳақиқий билим, қатъий ишонч” маъноларини (ЎТИЛ,5,129) ифодаловчи *яқин* лексемасининг бирламчи маъноси “оралиқ масофа учун катта бўлмаган, узоқ эмас” (ЎТИЛ, 5, 129) дан иборат. Туркийча *яқин* сўзининг қадимги туркий тилда қўлланилгани аниқланган (ДТС, 237). Навоий асарларида бу сўз икки маънода ишлатилганлиги (АНАТИЛ, I, 574), шунингдек, шоирнинг тарихий асарлари лексикасида уч маънода намоён бўлганлиги эътироф қилинган¹⁰⁵. Халқ дostonларидан “Малика айёр”да мазкур лексима беш хил маънода қўлланганлиги айрим тадқиқотларда¹⁰⁶ қайд этилган. Биз ўрганган дoston матнида *яқин* лексемаси қуйидаги маъноларни ифодалаб келганлигини кузатдик:

1) “Оралиқ масофа унча катта бўлмаган, узоқ эмас”:
Қистайди тўбичоқди, // Яқин қирлар йироқди. // Остида минган оти (376); Ойдан ой, кундан кун ўтиб, Хуройимнинг ойи-куни яқин етиб кела берди (352);

2) “Нутқ сўзланаётган пайдан вақт оралиғи унча катта бўлмаган”:
Бир кун энаси айтди: – Болам, сен овда, тоғ-тошда кўп юрасан, Яқин орада, келгудай жой кўринадимми, бориб келсанг (395); Дев айтди: – Э, боланг қурсин! Ҳайбати-сиёсатиға одам яқин бориб бўлмайди. (426); Бу сўзларни бунда Хуройим айтди, // Дор остига бек Рустам яқин етди. (387);

3) “Бирор ҳодиса ёки воқеа юз беришига оз фурсат қолганда, маълум бир вақт келиши олдидан”:
Ўлар вақтинг яқин келади, жаллодлар, // Энди ўлдинг, бошпанангни қила бер! (386); Излаб Рустам йўл тортди. // Кунга Рустам қарабди, // Тушга яқинлаб қопти (396);

4) “Тахминан, қарийб”:
Шунда Султонхон: – Биз Оқтошдан чиқиб кетганимизга неча замон ўтди, балки ўн тўрт йилга яқинлаб

¹⁰⁴ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б. 155.

¹⁰⁵ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б. 156.

¹⁰⁶ Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” дostonи лексикаси (тарихий-этимологик, функционалсемантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. – Б. 143-144.

етди.(365); Бу мени ўлимга чоғлар, // Ўлимнинг шарбати яқин (384);

5) “Шу ердан узоқ бўлмаган жойда, шу атрофда”: *Рустам ҳам шу вақт яқинлашиб етди. (387); Ёнбошимга яқин келган, отининг жиловидан ушлаб, ўсган мамлакатини сўраб қолайин, турган бекнинг ўгли бўлса ҳам билайин». (377) каби.*

Ҳозирги ўзбек адабий тилида “бинонинг, уйнинг томини кўтариб турувчи ёки тик кўтарилган қисми” бош семемасини ифодаловчи *девор* лексемаси тўрт маънода (ЎТИЛ, 1, 588), Навоийнинг тарихий асарлари лексикасида икки маънода (“чегара”, “девор, том”) қўлланганлиги аниқланган¹⁰⁷. Халқ дostonларидан “Малика айёр”да “бир ўринда, яъни бирор ерни, худудни ўраб олган муайян ғов, тўсиқ” маъносида қўлланганлиги таъкидланган¹⁰⁸. Тадқиқ қилинган дostonда бу лексема фақатгина бир ўринда: “*Бирор ерни (хусусан, қўрғонни), худудни ўраб олган муайян ғов, тўсиқ*” маъносида қўлланган: *Офтобойга девлар ошиқ бўлгандир, // Деворига тилладан сув бергандир. (393); Бирор Бужул шаҳри шундай: деворини зокка бўяган, ҳаммаси кийимини кўкка бўяган; биров бировига ёнашмайди, ортиқ-камни ҳисоблашмайди. (402) каби.*

“Эгаллаган ўрни, ҳажми ғоят йирик; жуда катта, улкан, буюк” каби (ЎТИЛ, 4, 280) маъноларни ифодалаган *улуғ* лексемаси дoston матнида қуйидаги маъноларда қўлланганлиги аниқланган:

1) “Салмоғи, кўлами, сони кўп бўлган аҳоли”: *Эл кўчириб Олатоғдан оширдинг, // Улуғ билиб нечовларга бош урдинг. (353);*

2) “Қадр-қиймати, куч-қудрати, имконияти жиҳатдан юқори даражали; буюк”: *Сирин айтмай, бир нечадан яширган // Улуғ деган, остонага бош урган, // Дарвозани ирим билан қувиширган, // Шоҳ келгунча очилмайди дарвоза! (368) каби.*

Хуллас, халқ дostonлари тилидаги иш-ҳаракат ва ҳолат маъносида қўлланилган сўзлардаги, нарса-ҳодисаларни ифодаловчи

¹⁰⁷ Абдувалиева Д Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б. 155.

¹⁰⁸ Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” дostonи лексикаси (тарихий-этимологик, функционалсемантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. – Б. 144.

сўзлардаги ва шунингдек, белги-хусусиятни ифода этувчи сўзлардаги кўпмаънолик масаласи тилшунослигимизда ўрганилаётган энг долзарб масалалардан биридир. Бизнинг қисқача баён этган мулоҳазаларимиз бу борадаги илк кузатишларимизнинг натижаси сифатида қабул қилинмоғи лозим.

2.3§. Достон лексикасида метафора ва метафоралашув ходисаси

Жаҳон тилшунослигида метафоранинг лисоний ва поэтик табиати, бадий асар тилининг образлиги ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи алоҳида восита эканлиги ҳақида кенг камровли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, россиялик А.Реформатский, Н.Шанский, Д.Шмелев, А.Потебня, Э.Кассирер, А.Авеличев, Ю.С.Степанов ва бошқа катор тилшуносларнинг илмий-назарий адабиётларида берилган илмий мулоҳаза ва айрим қайдлари шулар жумласидандир. Бу борада А.А.Потебня метафоранинг поэтик табиати ҳақида қисқагина қилиб: “Метафора қисқарган ўхшатишдир”¹⁰⁹, деган таъриф берган берган бўлса, Э.Кассирер ушбу мулоҳазани тўлдириб “... кўплаб ўхшатишлар метафорадан келиб чиққан”¹¹⁰, деган жўяли ва асосли хулосани берган. Тилшунос А.Авеличев метафоранинг матндаги ўрни ҳақида фикр юритиб: “Метафора–бу сўзни матнда қўллашнинг ўзига хос ҳодисасидир. Матнда шаклланмаган, керакли контекстуал алоқадан маҳрум бўлган метафора йўқ. Шунинг учун ҳам метафорани ҳар қандай ўрганиш, унинг “механизми” ёки “вазифаси”нинг ҳар қандай нуқтаи назардан аниқланиши кенг матннинг чинакам хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим”¹¹¹, – дейди.

Ўзбек тилшунослиги тарихидаги амалга оширилган илмий тадқиқотларга назар ташланса, кўчма маъно синекдоха, вазифадошликнинг лисоний табиати, шунингдек, метафоранинг нутққа образлилик ва муайян ҳиссиёт беришига дахлдор поэтик хусусиятлари, унинг нозик

¹⁰⁹ Кассирер Э. Сила метафоры // Теория метафоры. – М.: – 1990. – С. 33-43.

¹¹⁰ Кассирер Э. Сила метафоры // Теория метафоры. – М.: – 1990. – С. 33-43.

¹¹¹ Авеличев А. К. Метафора внепоэтического контекста: Автореф. дис... канд. филол. наук. – М., 1970. – С. 30.

муомала ва ифода воситаси сифатидаги юксак эстетик лингвистик категория сифатида метафора ҳодисасининг доимо тадқиқотчилар назарида турганлигини кузатамиз. Бу борадаги илмий кузатишлар ва мулоҳазаларни М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расулов, У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаевларнинг дарсликлари¹¹², Р.Қўнғуров, М.Миртожиев, Э.Қиличев, М.Мукаррамов, С.Каримов, М.Йўлдошевларнинг монографик тадқиқотлари¹¹³, шунингдек, С.Усмонов, Т.Алиқулов, З.Тоҳиров ва бошқа олимларнинг¹¹⁴ турли йилларда эълон қилган мақолаларидаги берилган хилма-хил маълумотлар таъкидланган фикримизни тўлиқ тасдиқлайди. Қолаверса, Г.Қобулжонова, С.Ҳожиев, Б.Сулаймонов, А.Ҳасановларнинг диссертацион тадқиқотларида¹¹⁵ берилган баъзи бир илмий хулосалар ҳам қўллаб-қувватлайди. Бу ўринда биз айрим олимларнинг метафоранинг табиати ва ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги айрим мулоҳазаларига мурожаат қилиш билан чегараланамиз.

Тилшунослигимизда амалга оширилган ишларда метафора сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши туфайли юзага келиши, уларнинг соф лингвистик табиати ҳамда бадий турлари мавжудлиги эътироф этилган. Масалан, матннинг мазмуний таркибидаги метафораларнинг илмий-назарий асослари Д.Худойберганова томонидан аниқланган. Хусусан, матн семантикасида мавжуд бўлган когнитив метафораларни

¹¹² Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент, 1962. – Б. 20-25; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. – Б. 126.

¹¹³ Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 15-19; Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. – Т.: Фан, 1979; Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. –Б. 51-75; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 11-15; Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 71-79; Каримов С. Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1994. – Б. 18.

¹¹⁴ Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. – №4. – Б. 34-36; Алиқулов Т. Яна маъно кўчиш усуллари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. - №1. – Б. 76-78; Тоҳиров З. Метафора лексема-семемасининг прагматик семаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – №1.– Б. 74-77.

¹¹⁵ Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол.фан.ном.дис. – Тошкент, 2000; Ҳажиев С. Сўз маъносининг кўчиши билан боглиқ лингвистик ҳодисалар: Филол. фан. ном. дис.автореф. – Тошкент, 2007; Ҳасанов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадийлигини таъминловчи лексик-стилистик воситалар: Филол.фан.ном.дис. – Тошкент, 2010. – Б. 36; Сулаймонов Б. Темирбек Тўрабоевнинг “Теорема” романида “Т” товуши билан бошланувчи сўзларнинг метафоралашуви ва фраземалашуви. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. – Самарқанд– 2020.

тил сатҳига кўра тўрт гуруҳга бўлиб ўрганган: а) сўз шаклидаги метафоралар; б) сўз бирикмаси шаклидаги метафоралар; в) гап шаклидаги метафоралар; г) микроматн шаклидаги метафоралар¹¹⁶. Метафора билан ўхшатиш конструкциясининг ўзаро фарқи ҳақида тилшунос М.Йўлдошев ўз фикрларини айтган ва бу кўпчилик томонидан маъқулланган. Унда асосан қуйидаги фарқлар санаб ўтилади:

1. Ўхшатишда сўзлар ўз маъноси билан иштирок этади. Метафорада сўзлар доимо кўчма маънода бўлади. 2. Ўхшатишда икки узв – ўхшатиловчи объект ва ўхшовчи образ қиёсланади. Метафора эса бир узвли бўлади.

3. Ўхшатишларда кенгайиш имконияти кўп, бир гап ҳатто абзац даражасида кўпайиши мумкин. Метафоралар эса сўз ёки сўз бирикмасидан иборат бўлади. 4. Ўхшатишда махсус кўрсаткичлар бўлади: -дек, -дай, -ларча, каби, сингари, ўхшамоқ ва бошқалар. Метафораларда бундай кўрсаткичлар бўлмади¹¹⁷.

“Метафорани яширин ўхшатиш дейиш ҳам мумкин, деб таъкидлайди Р.Қўнғиров, аммо у оддий қиёсдан фарқ қилади. Агар оддий қиёс ҳар доим асосий икки аъзодан ташкил топса, метафорада фақат иккинчи аъзо – ўхшатирилган аъзо қолади, ўхшаган нарса туширилади, лекин у контекстан очиқ сезилиб туради, демак метафорада тасвирланаётган предмет ана шу иккинчи аъзо орқали чуқур идрок қилинади”¹¹⁸. Ўзбек тилининг семасиологиясини тадқиқ этган тилшунос М.Миртожиев: “Метафора ҳосила маъно юзага келиши ҳодисаларининг энг фаоли ҳисобланади. У тилшуносликда қайд этилишича, ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва маъно реферантлари ўзаро ўхшашлигига асосланади”¹¹⁹, деган мулоҳазани билдиради. Ҳақиқатдан ҳам метафора, шунингдек, метонимия ва синекдоха каби тасвирий

¹¹⁶ Худойберганова Д.С. Матннинг мазмуний таркибида метафоралар // Ўзбек тили ва адабиёти, №1. – Т., 2012 – Б. 35-39.

¹¹⁷ Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлил асослари. – Т.:Фан, 2007. – Б. 78.

¹¹⁸ Қўнғиров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 15

¹¹⁹ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010 – Б. 94.

воситалар муайян тилдаги матнларда кўчма маънолар ҳосил қилади, айти пайтда, бундай сўзлар семантик моҳиятига кўра қўлланилган матнда коннотатив – ифода семалар ҳосил қилишга хизмат қилади.

Тилимиздаги кўчма маъно ҳосил қилувчи ва умуман, сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лисоний ҳодисаларнинг табиати ҳақида гап бораркан, бу ўринда, айти шу масалаларни ўрганган С.Ҳожиёв, Б.Сулаймонов ва Г.Қобулжоноваларнинг илмий тадқиқотларини тилга олиш зарур. Масалан, С.Ҳожиёвнинг диссертациясида метафорик кўчиш ҳодисасининг когнитив- семантик, социолингвистик ва лингвомаданий йўналишлардаги назарий масалалар тадқиқ этилганлигини кузатамиз. Хусусан, мазкур диссертацияда тилшуносликнинг лексикология бўлимида сўзлар янги маъноларнинг манбаи сифатида, стилистика, риторика ва эстетикада метафора тилнинг бадиий ифода воситаси тарзида, прагматикада метафора нутқий фаолиятнинг алоҳида, ўзига хос кўриниши сифатида, психолингвистикада метафора, одатда, ассоциация билан боғлиқ ҳолатлар ва нутқни тушуниб олиш ҳамда таҳлил қилиш объекти сифатида, мантик, фалсафа, гносеология ва когнитив психологияда метафора тафаккур ва борлиқни билиш усули сифатида ўрганилиши таҳлил қилинган ва тилимиздаги метафоралар рус, француз, инглиз, испан тилларидаги метафоралар билан қиёсланган.

Юқорида тилга олинган иккинчи тадқиқот – А.Ҳасановнинг “Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар” (Тошкент, 2010) номли диссертациядир. “Ўзбек тилшунослигида метафоралар ўзининг назарий асосини топган бўлса- да, бироқ алоҳида олинган ёзувчи ижодида тўпланган метафораларнинг амалий жиҳати ҳали етарлича ўрганилган йўқ, – деб таъкидлайди олим. Зеро, метафоралар – ёзувчининг индивидуал услубини, асар бадииятини таъминловчи муҳим тасвирий воситасидир”¹²⁰. Мазкур муаллиф тадқиқотида метафораларни қўлланишига кўра икки турга

¹²⁰ Ҳасанов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар: Филол.фан.ном.дис. – Тошкент, 2010. – Б. 36.

бўлиб тасниф этади ва қуйидагиларни таъкидлайди: “Метафоралар ўз хусусиятларига кўра доимий ва индивидуал (хусусий–муаллифий) метафораларга бўлинади. Бизнингча, доимий метафораларга: а) бирламчи номинация жараёнида ҳосил бўлган лингвистик метафоралар; б) иккиламчи номинация жараёнида ҳосил бўлган, бироқ тилда қайта-қайта такрорланиши оқибатида узуал маъно доирасида тил ҳодисасига айланган бадий метафораларни киритиш мумкин”. Демак, уларни қисқароқ қилиб лингвистик метафоралар ва анъанавий бадий метафоралар деб номлаш мумкин¹²¹.

Б. Сулаймонов диссертациясининг иккинчи боби “Теорема” романида метафораллашув” масаласига бағишланган. Унда мазкур романдаги метофаризация, от, сифат, сон, феъл, равиш сўз туркумларига хос сўзларнинг метафоралашуви, мазкур романдаги кенгайган метафоралар, метафорик мазмундаги матнлар, антропонимик метафоралар, шунингдек, ёзувчининг метафорага ёндош ҳодисалардан фойдаланиш маҳорати махсус ўрганилган. Ёзувчи роман матнининг таъсирчанлигини, образлилигини ошириш мақсадида моҳиятан ранг-баранг метафораларни шакллантирган бўлиб, уларни семантик-структур ва функционал-стилистик жиҳатдан ўрганиш бу воситаларнинг тил тизимидаги онтологик хусусиятларини оидинлаштириш имкониятини беради¹²².

Илмий адабиётларда метафоралар бадий асар унинг бадииятини таъминловчи муҳим лисоний восита эканлиги, муайян маънода образлилик, ифодавийлик касб этиши, баъзи ҳолларда, экспрессивлик, таъсирчанлик кучига эга бўлиши каби қатор ўзига хосликлари ҳақидаги хилма-хил мулоҳазалар ҳам учрайди. Масалан, метафоранинг бадий адабиёт матнидаги ўрни ва ўзига хос жиҳатлари

¹²¹ Хасанов А. Абдулла Қаҳҳор хикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар: Филол.фан.ном.дис. – Тошкент, 2010. – Б. 36.

¹²² Сулаймонов Б. Темирбек Тўрабоевнинг “Теорема” романида “Т” товуши билан бошланувчи сўзларнинг метафоралашуви ва фраземалашуви. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. – Самарқанд. 2020. – Б. 40.

ҳақида услубшунос олим С.Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: “Шунинг учун ҳам бадиий услубда поэтик метафора фақатгина муҳим тасвирий восита бўлиб қолмасдан, балки бадиий тафаккур элементиға, эстетик ҳодисаға айланиб кетади. У нутқни безаш доирасидан чиқиб, ҳис-туйғуни, фикрни образли ифодалаш воситаси даражасига кўтарилади. Метафора кўмагида энди биз тасвир объектини фақатгина “кўриб қолмасдан”, балки ҳис қиламиз, уни гўё ўз бошимиздан кечирамиз. У бизнинг ҳиссиётимизға, онгимизға таъсир этиш билан бирға ёзувчини ҳам узундан-узоқ баёндан қутқаради”¹²³.

Метафоралар ҳар бир ижодкорнинг услуби ва маҳоратини, у яратган муайян асарнинг бадииятини таъминловчи муҳим тасвирий ҳодиса ҳақидаги хилма-хил қараш ва ёндашувларни фольклор асарлари лингвопоэтикасини ўрганган М.Якуббекова, Г.Жуманазарова каби олимларнинг тадқиқотларида ҳам кузатилади. Хусусан, ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик табиатини пухта ўрганган М.Якуббекова бадиий матннинг образлилиги, ифодалилиги, таъсирчанлиги, жозибадорлиги, тантанаворлиги ва кўтаринкилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этувчи метафора санъати ҳақида тўхталар экан, қуйидаги мулоҳазани илгари суради: “Метафоранинг поэтик моҳияти шахс, нарса, воқеа-ҳодиса, ҳаракат ва ҳолатни ўзига хос белги билан номлашдан иборат эканлигини айтиб, “янги метафорик ном “тапирувчи” бўлиши керак ва бадиий моҳият касб этиши учун: 1) одатдаги аталишлардан мақсадлилиги билан фарқланиши; 2) бу фарқ қабул қилиниши ва маъқулланиши; 3) метафоризация ҳодисаси завқ уйғотиши керак”¹²⁴.

Ўзбек халқ дostonларининг лингвопоэтикасини жиддий ўрганган олима Г.Жуманазарованинг ҳам тадқиқотларида дostonлар матнида қўлланилган метафораларнинг лисоний ва бадиий-услубий табиати ҳақида

¹²³ Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари.–Самарқанд: СамДУнашриёти,1994. -Б.18.

¹²⁴ Якуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол.фан.д-ри...дис. – Тошкент, 2005. – Б. 24

илмий-назарий мулоҳазалар мавжудлигини кузатамиз. У ёзади: “Фозил шоирнинг анъанавий дostonлари тилидаги метафораларнинг лисоний табиати ва бажарган услубий вазифалари хилма-хил: предмет маъносини билдирган метафоралар асосан аташ вазифасини бажаради; белги ва ҳаракат билан боғлиқ метафоралар эса экспрессивлик ва образлиликни ҳосил қилади. Метафораларнинг бажарган ғоявий-бадий вазифалари асосан иккита: *биринчиси* – дoston сюжети оқимиға дахлдор эпик воқеликка ёки қаҳрамонга хос хусусиятни бетакрор, фавқулodда тасвирлаш; *иккинчиси* – ана шу тасвир, ифода воситасидаги эпик воқелик ёки қаҳрамон фаолиятини баҳолаш, унга муносабат билдириш. Фозил Йўлдош ўғли эпик воқелик тасвирида ана шу икки мезонга амал қилган ҳолда юксак маҳорати ва бадихагўйлиги асосида метафораларнинг гўзал намуналарини яратган, жонли ижрода муваффақият билан қўллаган¹²⁵.

Халқ дostonлари тилида қўлланилган метафораларда денотат ва экспонент ўртасидаги занжирли лисоний муносабатни кўрсатиб бериш мақсадида таъкидланган ва берилган ҳаволалардаги фикр-мулоҳазаларни назарий асос сифатида қабул қилиб, биз қуйида Фозил шоир қуйлаган “Рустамхон” дostonи матнидаги метафораларнинг амалий жиҳатларини очишга ҳаракат қилдик.

Халқ бахшиси “Рустамхон” дostonини қуйлашда ва ундаги муайян воқеа-ҳодисаларнинг баёнини тасвирлашда, бу борадаги муайян эпик тафаккури натижаларини дoston тингловчиларига етказишда бутунлай янги маънодаги метафораларни қўллай олган. Аниқроқ қилиб айтганда, метафоралардан дoston сюжетидаги эпик қаҳрамонларнинг муайян характер–хусусиятлари, физиологик ҳолатини бадий тасвирлашда, уларнинг ижтимоий мавқеи, ташқи қиёфаси, руҳий ҳолатларига дoston тингловчиларини жалб этиш учун тасвирдаги ижобий ёки салбий баҳолашда, киноя усулини ҳосил қилишда, эпик қаҳрамон нутқини бахшиёна услубда баён этишда маҳорат билан фойдаланган. Бу борадаги кузатишлар

¹²⁵ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлар тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). Докторлик диссертацияси. Тошкент, 2017 йил, – Б. 268 .

ва фикр-мулоҳазаларимизни далиллаш мақсадида достон матнидаги баъзи сўз туркумларига хос сўзларнинг метафоралашуви ҳодисасини кўздан кечирамиз.

Достондаги от сўз туркумига хос сўзларнинг метафорик табиати. Достондаги *тўра* сўзини ва унинг матндаги метафорик мазмунда қўлланиш ҳолатини кузатайлик: “*От чопса гумбурлар тоғнинг дараси, // Ғариб бўлди Оқтош элнинг тўраси*” (427); “*Озод қилинг Оқтош элнинг тўрасин, // Ўлмай, бориб кўрсин бу ҳам энасин*” (367); “*Кўринг Оқтошнинг тўрасин, // Жаллодга берди иззасин*” (388). Достондан намуна сифатида олинган ушбу матнларда *тўра* лексемаси ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланилганини кузатдик. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *тўра* сўзининг қуйидаги генетик семемалар мавжудлиги кўрсатилган: 1) юқори табақага мансуб киши; зодагон, оқсуяк, аристократ; 2) хонлар даврида ва чор Россияси даврида Туркистонда катта амалдор, ҳоким; 3) ҳурмат юзасидан ёки улуғлаб, кишиларнинг номига, унвонига, мансабига, шунингдек, кўчма маънода баъзи нарсаларни билдирувчи сўзларга қўшиб ишлатиладиган сўз; 4) расмиятчи, расмиятпараст, бюрократ; 5) Тўра (эркаклар исми)¹²⁶. Келтирилган изоҳларда 1- ва 2- семалар *тўра* лексемасининг генетик семалари саналади. Берилган матндаги 3-сема эса метафорик маънони муайянлаштирувчи омил бўлиб, метафорик кўчма маъно ҳосил қилган ва образли ифода воситаси бўлиб келмоқда. Бахши достон сюжетини жўшиб куйлаш жараёнида этимологик жиҳатдан тарихий сўз ҳисобланган *тўра* лексемасидан моҳирона фойдаланиб, уни бадий мазмун ифодаловчи ва тингловчиларни жалб этувчи лисоний актуализаторга айлантирган. Мазкур лексема достоннинг асосий эпик қаҳрамонларидан бири Оқтош элининг подшоси Рустамхоннинг муайян хатти-ҳаракатлари, жангдаги кўрсатган қаҳрамонлик фаолиятларини тингловчиларга баён этишда кучли коннотацияли аффектив образли ифодани ҳосил қилган. Матннинг

¹²⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:4. Тошкент: ЎзбМЭ, 2008. – Б. 244.

учинчи мисолидаги *тўра* лексемаси “кучли”, “бақувват” маъносида қўлланилиб, жаллодларнинг таъзирини берувчи “моҳир жангчи” маъносидаги метафорик мазмунни ҳосил қилган.

Кўрамизки, бахши дostonни ижро этиш жараёнида *энинг тўраси*, *Оқтошнинг тўраси* каби лексик бирликларида *тўра* лексемасининг генетик семасидаги раҳбарликка хосликка урғу берган. Чунки тарихий жиҳатдан бу сўз фақат эркак зотиға нисбатан ишлатилгани, замирида “бошлиқ, раҳбар” семаси мавжудлиги халқ бахшиси бадий тафаккурида сақланиб қолган. Халқ дostonлари тилининг бошқа намуналарида ҳам айни лисоний ҳолат кўзға ташланади.

Халқ дostonлари матнидаги метафораларни жиддий ўрганган Г.Жуманазарова қайд этганидек, “От туркумиға хос метафоралар шаклан кенгайтирилган метафоралардаги сўз бирикмаларидан ташкил топади, матндаги одатий сўзларнинг маъно доирасини кенгайтириб, янги-янги семалар ҳосил қилишға хизмат қилади. От сўз туркумиға оид метафоралар вазифасида келган феъллар матнда отлашган бўлади ёки отли (объектли) бирикмалар ҳисобланади”¹²⁷. Олима ушбу мулоҳазаларни далиллашда Фозил шоир дostonларидаги от сўз туркумиға оид метафораларда экспрессивлик эпик қаҳрамоннинг нарса, белги, воқеликка бўлган ижобий ёки салбий муносабати нуқтаи назаридан зоҳир бўлганлигини кузатади.

Тилшунослигимизда от сўз туркумиға оид метафораларининг пайдо бўлиши ва объекти хусусида анчагина фикрлар билдирилган. Масалан, А.Абдуллаев: “Метафоралар от билан ифодаланганда жониворлар, ўсимликлар, осмон жисмлари, табиат ресурслари, нарса-қуроллар, озиқ-овқатлар, эпик қаҳрамонларни объект ўринда келтиради”¹²⁸, – деган мулоҳазани айтган.

М.Мамадалиева ўзининг диссертациясида тилимиздаги сўзларнинг

¹²⁷ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 20012. –Б. 231.

¹²⁸ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. Тошкент: 1983. – 29-30 б.

метафорик қўлланиш имкониятлари ҳақида сўз юритиб, ҳайвонларга хос “яширин” хусусиятларини инсонларга ўхшатиш орқали коннотатив маъно ҳосил қилишини таъкидлайди: “Метафора орқали маъно кўчишида коннотатив маъно ёрқинроқ акс этади. Масалан, от, эшак, қўй, ит, бўри, туя, тулки, йўлбарс, бойўғли, мусича, бургут, лочин, қалдирғоч, булбул каби ҳайвон ва қушларнинг номлари бўлган лексемалар мавжудки, бу сўзлар ўз маъносидан ташқари, кўчма маънода жуда кенг қўлланилади. Отнинг бақувватлиги, эшакнинг ақлсизлиги, қўйнинг ювошлиги, итнинг вафодорлиги, мушукнинг эпчиллиги, тулкининг айёрлиги, бургутнинг чангалашдаги кучлилиги, лочиннинг кўзи ўткирлиги каби типик хусусиятлари бошқа предметларга нисбатан метафорик усулда кўчирилади, натижада коннотатив маъно юзага келади ҳамда матннинг таъсирчанлиги ошади”¹²⁹.

“Рустамхон” достони матнида қўлланилган от сўз туркумига оид метафоралар ичида *гул, лола* каби ўсимликларни; *боғ, гулзор, қир, адир, тоғ* каби ўрин-жойларни; *ой, офтоб, юлдуз* каби осмон жисмларини; *эрта, шом, баҳор, куз, қиш* каби фасл ва пайт маъноларини; шунингдек, *пари, чўри, ҳур, фаришта* каби эпик қаҳрамонлар номларини ифодаловчи метафоралар анча фаол эканлигини кузатдик. От сўз туркумига оид метафораларнинг бошқа метафораларга нисбатан халқ достонларида кўп миқдорни ташкил этишининг туб сабаблари ва омиллари ҳақида Г.Жуманазарова куйидагиларни таъкидлайди: “Уларнинг миқдор жиҳатдан кўплиги ва матндаги фаоллиги, энг аввало, поэтик кўчимнинг образ, кўпинча достонларнинг эпик қаҳрамонлари ўрнида алмашланиб қўлланилганлиги билан боғлиқ. Жониворларни билдирувчи отлар эпик қаҳрамонларнинг у ёки бу хислатини янада бўрттириб кўрсатишга хизмат қилган. У ёки бу ҳайвонларга хос ижобий ёки салбий муносабатларнинг метафоралар орқали ифодаланиши ижодкор халқимизнинг тотемистик эътиқодига ва

¹²⁹ Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив birlikларнинг коннотатив аспекти: филол. фан. ном. дис.- Т., 1998. – Б. 12.

хайвонлар култига бўлган ишончига асосланганлигидан келиб чиққан”¹³⁰.

“Рустамхон” достонида *булбул* лексемаси метафорик мазмунда қўлланилиш ҳолатини кузатамиз. Аслида бу лексема тарихий-этимологик жиҳатдан форсча сўз бўлиб, тилимизга ўзлашган. Унинг тилимиз изоҳли луғатларида куйидаги генетик семалари мавжудлиги кўрсатилган: 1) чумчуқсимонлар туркумининг қораялоқлар оиласига мансуб сайроқи қуш; 2) хушовоз хонанда; моҳир нотик; 3) ошиқ, хуштор¹³¹. Шуларга асосланиб, энди дostonдан олинган куйидаги матнларга эътибор қаратамиз: “*Кўп юрдим, етмади, бемаҳал ўлим, // Қайси бир гулшанга кетди булбулим*” (439), “*Қани менинг борсам жонидилим, деб, // Чаманда сайраган у булбулим, деб, // Ўлдирса, ўлдирсин ёлғиз улим, деб // Тоғи қайтиб, Баҳра тоққа жўнади*” (438). Кўрамизки, *булбул* метафораси ўзакка қарашлилик маъносини ифодаловчи эгалик кўшимчалари орқали ифодаланган (*булбулинг, булбулим* каби). Мазкур бирликлар дostonдаги муайян эпик қаҳрамоннинг, хусусан, ота-онанинг ички кечинмалари, руҳияти, кайфияти, II шахсга нисбатан дил изҳорининг субъективлигидан келиб чиқаётганлигини кўрсатиб турибди. Бу ерда II шахс ўзича *булбул* бўла олмайди, у аслида ота-онанинг фарзанди: ўғли ёки қизи. Демакки, *булбул* лексемаси “фарзанд”, “ўғил” ёки “қиз” маъносини ифодалаш метафоризациялашган.

Гап *булбул* метафораси ҳақида борар экан, яна бир лисоний ҳолатга, яъни *гул* метафорасига эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки мазкур дostonда ушбу *гул* метафораси худди *булбул* метафораси каби фарзанд, болам, ўғлим лексемалари ўрнида қўлланилган ва метафоризация ҳосил қилган. Халқ дostonларида кўплаб учрайдиган айни лисоний хусусият тўғрисида Г.Жуманазарова муҳим илмий хулосани беради: “Халқ дostonлари матнида фаол қўлланилган от метафоралари ичида *гул* метафорасидаги *гулнинг* семантик жиҳатдан фарзанд, болам, ўғлим

¹³⁰ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – 231-232 б.

¹³¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – Б. 369.

тушунчаларини англантишда *гулдаги беғуборлик, гўзаллик, нозиклик, хушбуйлик каби мукаммал мутаносиблик хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Муҳими, мослик ва ўхшашлик яна шундаки, фарзанд ҳам, гул ҳам инсон (эпик қаҳрамон) учун энг қадрли, бебаҳо неъмат. Шунинг учун ҳам халқ дostonларида фарзандга нисбатан *гулим* деб мурожаат қилинади*¹³². Айни лисоний хусусиятни биз ўрганган “Рустамхон” дostonи матнида ҳам учраганлигини кузатамиз: “*Қандай қилди қайғу-зулми, // Хафа қилди сендай тоза гулимни*” (357); “*Хазон қилгин тар очилган гулимни, // Ўлсин дейсин Хуройим ҳам улини*” (357); “*Тор очилган тоза боғнинг гулисан, // Энанг ҳам отангнинг жони дилисан*” (377). Келтирилган мисоллардаги лисоний ҳолатдан аён бўладики, матндаги *гулим, гулисан, гулимни* каби метaфораларнинг таъсирчанлиги ниҳоятда кучли, ифоданинг ғоявий-бадий кучи бўрттириб ифодаланган. Бу метaфоралар ўғил ёки қизга нисбатан айрим- айрим ҳолида эмас, балки уларнинг жинсидан қатъи назар бир хил ҳолда, *фарзандим* маъносида қўлланилган, матнда метaфоризация ҳосил қилган.

Халқ дostonларида учрайдиган яна бир лисоний ҳолатни биз ўрганган “Рустамхон” дostonи матнида ҳам учратдик. Ҳайвонлардан *бўта, қўзи, қулун* каби лексемалар ҳам от метaфоралар сифатида метaфоризация ҳодисасини ҳосил қила олган, яъни муайян эпик қаҳрамонга, фарзандга нисбатан қўлланган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *бўта, қўзи, қулун* лексемаларининг; қуйидаги генетик семалари мавжудлиги кўрсатилган. **Бўта:** 1) туянинг бир ёшгача бўлган боласи, бўталок; 2) болаларни, ёшларни бўталокқа қиёс қилиб, эркалатиб айтиладиган сўз; 3) Бўта (эркаклар исми)¹³³. **Қўзи:** 1) қўйнинг ёшига етмаган, тўрт-беш ойлик боласи; умуман, қўйнинг боласи; 2) I шахс эгалик шаклидаги болаларни эркалатиб мурожаат этиладиган сўз,

¹³² Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 20012. – Б. 234.

¹³³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). – Т.:1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – Б. 420.

қўзичоғим; 3) Қўзи, Қўзибой (эркаклар исми)¹³⁴. **Қулун:** 1) отнинг бир ёшгача бўлган боласи; 2) ўғил эркалатиш ёки эркалаб мурожаат қиладиган шахс¹³⁵. Энди дostonдан намуна сифатида олинган қуйидаги матнларга эътибор қаратамиз: *Рустам ўликларни ағдариб юрган эди, қулогига: “болам Рустам, қўзим, бўтам! деган товуш келди” (390); Рустам қўзим, бўтам, келгин қошима, // Болам, деб босайин сени тушимма (389); Бери келгин болам, асов қулуним, энанг бунда сенинг учун меҳрибон (389)*. Матндаги от метафораларда имплицит ҳукм ифодаси мавжуд: *қўзим, бўтам, қулуним* метафоралари *ўғлим, фарзандим, болам* семантик маъносида қўлланган. Бундай лингвопоэтик ҳодиса матнда икки хил ҳукмни ифодалашга хизмат қилган: биринчиси *ўғил – болам, ўғлим – қўзим, ўғлим – бўтам, ўғлим – қулуним* тарзидаги ҳукм; иккинчиси *қўзи – меники, бола – меники, ўғил – меники, бўта – меники, қулун – меники* тарзидаги ҳукм. Матннинг учинчи жумласидаги биринчи шахс, эгалик шаклидаги *қулуним* лексемасида эпик қаҳрамоннинг боласини эркалатиш ёки эркалаб мурожаат қилиш маъноси ҳам мавжуд. Дoston матнида ҳар иккала ҳукмни ифодалашга хизмат қилувчи бундай от метафоралар жуда фаол қўлланилган.

Дostonдаги сифат сўз туркумига хос лексемаларнинг метафоралашув ҳодисаси. Бу типдаги сўзлар дoston тилида, умуман, адабиёт ва халқ тилида морфологик тизимдаги от, отлашган сўзлардан олдин келиб, бирор нарса ва ҳодисанинг айрим белгисини ифодалаш билан хилма-хил коннотатив маъноларни юзага чиқаришга хизмат қилади. Сифат туркумига хос лексемаларнинг дoston матнидаги услубий имкониятларини окказионал семаларни ифодалашда, яъни муайян эпик қаҳрамонларнинг бирор характерга хос ижобий ёки салбий хусусиятларини, дoston ижросида тасвирланаётган қаҳрамоннинг турли хил кайфияти, ички кечинмалари, жанг майдонидаги рухий изтиробларини моҳирона баён қилиш орқали дoston тингловчиларига турли хил метафорик ҳиссиётларни уйғотади. Ушбу услубий ҳосила

¹³⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). – Т.:5. Тошкент: ЎзбМЭ, 2008. – Б. 396.

¹³⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). – Т.:5. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – Б. 375.

натижаси ҳисобланган лисоний метафоралар ҳам бир жиҳатдан умумий ва ўхшашлик, иккинчи жиҳатдан бахшининг бадий маҳоратини, эпик репертуаридаги индивидуаллигини, ўзига хос услубига эга эканлигини белгиловчи воситалардан саналади.

“Рустамхон”да сифат сўз туркумига хос бир катор лексемаларнинг метафорик қўлланилиши кўплаб матнларда кузатилди: улар отга аниқловчи+аниқланмиш тарзида баҳоланиб, нарса-ҳодисаларнинг муайян жиҳатларини аниқлаштиришга ёки ўхшатишликка хизмат қилган. “Метафорани танлаш субъект ихтиёрида бўлгани учун метафорани тушуниш доим ҳам осон бўлавермайди. Чунки субъект ўхшашликни очадиган эмас, яратади ҳам”¹³⁶. Қуйидаги мисолни кўздан кечирайлик: *“Борса от сазриси тошиб ёки қулогидан ошиб, учадиган қушдай, ҳар кўзи таркашдай, юлдузни кўзлаб пароққос бойлаб, ўйнаб турибди (375); Кела шаштим қайтмасин, -деб тўқсон ботмон чўяндан бўлган калтак билан кампирни қўйиб юборди. Кампир тариқдай тирқираб кетди” (426)*. Ушбу матнларда бахши эпик қаҳрамонларнинг муайян хатти-ҳаракати ва физиологик ҳолатини баён этишда ўхшатиш усули орқали метафоризациялаштирган. *Тархаш* лексемасининг изоҳи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ўжар, қайсарлик маъносида, *тархашлик* – қайсарлик, терслик маъноларида¹³⁷ қўлланилиши қайд этилган. Лекин мазкур луғатда *тариқ* лексемасининг изоҳи берилмаган. Достон матндаги семантик маъно табиатига эга бўлган сифат лексемасига бахши достон куйлаш жараёнида ўзининг бахшиёна ижро услуби билан ёндашиб ифодалаган ва метафоризация ҳосил қила олган. Бинобарин, муайян “ижодкорнинг дунёқараши, ғояси, руҳий олами, стетик идеали унинг ҳар бир образи, ҳар бир тасвирий воситасида намоён бўлади”¹³⁸.

Достон матнидаги метафоризациялашган лексемаларнинг лисоний табиати ҳақида сўз юритилганда, дастлаб метафораланаётган

¹³⁶ Қобилжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: филол. фан. ном.... дис. – Тошкент, 2000. – Б. 53.

¹³⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:4. Тошкент: ЎзбМЭ, 2008. – Б. 5.

¹³⁸ Мамажонов С. Услуб жилолари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 82.

лексема ўзининг ёрқинлаштирувчи ҳосилани юзага чиқариш учун метафорик сўзни талаб қилганида ҳар иккала баҳоланаётган сўз орасида муайян ўхшашлик ва бир-бирига мос келувчи семаларнинг бўлиши шартлигини ҳисобга олиш зарур. Шу нуқтаи назардан баҳолаганда, бахши дoston куйлаш жараёнида оғзаки нутқдаги ёки анъанавий дostonларда фаол қўлланувчи метафоралардан самарали фойдаланиб, тингловчиларининг эътиборини янада яқинроқ жалб этиш мақсадида баёнда аффеktivликни кучайтиришга, ижрода эпик бадийликни таъминлашга ва охир-оқибатда ўзига хос ва мос услубни яратишга эришган. Дostonдан намуна сифатида берилаётган куйидаги матнлар бу борадаги қарашларимизни тўлиқ тасдиқлайди: “*Бир юртдан бир юртга оғишиб қолган, подшоларнинг назнида бетайин (тайинсиз) одам бўлса, бу бизнинг одамимиз деб йиғлаб олар эди*” (407); “*Қайсар Рустам ушлаб олиб, // Ўзга жаллоднинг барисин, // Қилич дамидан ўтқариб (388); Қилар Рустам гайрати // кегача бериб келсам, деб*” (396); “*Олтин тахтли кулбаларим вайрондир, // Ойимларнинг хаста кўнгли ҳайрондир*”. Матндаги қорайтириб кўрсатилган лексемаларнинг метафорик маъно қирралари лексик қуршовда ўзига хос услубда намоён бўлган. Халқ тилида ва анъанавий дostonлар матнида фаол қўлланувчи ушбу лексемалар “Рустамхон”да метафорик маънода қўлланганки, улар бахшининг импровизация жараёнидаги ғоявий-бадий мақсадини дoston тингловчиларига етказишда прагматик кўприк вазифасини бажарган.

Халқ бахшисининг дoston ижросидаги сўз қўллаш маҳорати шундан иборатки, метафорик лексеманинг асл ва кўчма маънолари ўртасидаги ўхшашликни ўз тингловчилари кўз ўнгида моҳирона гавдалантира олган. Айни шу жараёндан ўтиб ҳосил бўлган метафораларгина дoston тилининг бадий қийматини оширишга хизмат қилган. Бу ўринда биргина *ширин жон* лексемасининг метафоризациялашиб келган лисоний хусусиятларини кузатамиз:

*Ўтар дунё ўтарини ўйладинг, // Қиёмат деб, **ширин жонинг қийнадинг** (423); Қаттиқ кунда ҳолим тангдир // **Жон шириндир, бошим гангдир** (385). Достон матнида рух, ҳаёт, куч-қувват маъноларини ифодаловчи форсча *жон* лексемаси мазали, тотли, ёқимли маъноларидаги форсча *ширин* сўзи билан бирикмали метафора ҳосил қилган.*

Бахши достонни куйлаш жараёнида, хусусан, эпик қаҳрамонларнинг муайян хатти-ҳаракатлари, руҳияти ва ички кечинмаларини моҳирона баён этиш чоғида *ширин жон* бирикмасининг достон матнида оғзаки сўзлашув нутқидаги маъноси билан окказионал тарзда қўллар экан, у орқали “умр, ҳаёт” бебаҳо неъмат эканлигини таъкидлашга эришган: “**Жон ширин** Хуройим кўзини очган йўқ эди, тиг тегмаса ҳам, ўлим ҳалокатига келиб эди, ҳеч нима қулогига кирмай қолиб эди” (387); *Тўлган ўхшай паймона // **Ширин тандан** узилади, // Бирга юрган **ширин жон** – а* (384). Матндаги *ширин* лексемаси *жон* сўзи билан бирга келиб, “қувончли” коннотатив маънони юзага чиқарган. Бинобарин, “коннотатив маъно нутқий маъно бўлганлиги учун унга чегара қўйиб бўлмайди, яъни бир лексема бир нутқий вазиятда бир хил коннотатив маъно англатса, иккинчи бир нутқий вазиятда яна бошқа коннотатив маъно англатиши мумкин¹³⁹”.

Достонда эпик қаҳрамонларнинг маънавий дунёси, муқаддас динга бўлган эътиқодини юзага чиқарувчи исломий фарз-амалларини ифодаловчи сифат-метафоралар ҳам қўлланган: “*Бу подшомиз **набий раҳмат йигитдир***” (368); *Уч кун бўлди янги номоз бошладим, // Яхшилик йўллари маҳкам ушладим* (358); Бахши биринчи жумлада “*набий раҳмат*” бирикмасини метафоризациялаш орқали “авлиёсифат”, “пайғамбар” маъносини юзага чиқараётган бўлса, иккинчи матнда *номоз* лексемасининг генетик асосидаги 1) мусулмонларнинг кунига беш маҳал қилинадиган ибодатлари мажмуи

¹³⁹ Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: филол. фан. ном. дис. – Т., 1998. – Б. 82.

ва уларнинг ҳар бири; 2) умуман ибодат¹⁴⁰ семаларининг 2-семик маъносига кўра метафорик маъно ҳосил қилган.

Халқ бахшиси достондаги муайян воқеа-ҳодисаларнинг эпик баёнида, муайян эпик қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ташқи киёфасини тасвирлашда тингловчиларига қизиқарли бўлиши учун сифат метафоралардан ҳам жуда унумли ва мақсадли фойдаланган; “*Туновчи кўргани гавшиона қаландар, телпаги қаққайиб, эгасининг қошида ўтирибди (441); Мен ётарман очик зорларга кириб, // Ўликларман бу замон бирга бўлиб (428); Э, боланг қурсин! Ҳайбати-сиёсатига одам яқин бориб бўлмайди. Бир қаради, кўзи ёмон ўтқир экан, жоним чиқиб кетаёзди (426); Дорнинг остида дустаман ётган энаси бағрини кўтариб, қучогини ёзиб, “Рустам” деб чақуриб турибди*” (390). Достондан намуна сифатида олинган мазкур мисолларнинг дастлабкисида *гавшиона* лексемаси “бақувват” маъносини образли ифодалаш учун метафорик маъно қўлланган. Ушбу лексеманинг семемик қурилиши ҳақидаги маълумотлар “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг барча нашрларида берилмаган. Лекин шундай бўлса-да, бу лексеманинг оғзаки сўзлашув нутқида, анъанавий достонлар матнида “*қорувли*”, “*бақувват*”, “*тўлачадан келган*” каби маъноларни ифодалашга хизмат қилишини кўпчилик билишади. Матннинг иккинчи мисолидаги “очик” лексемасининг семантик қурилиши қуйидагича: **Очик**- 1) Ҳеч нарса билан беркитилмаган, тўсилмаган; 2) бекитилмаган, маҳкамланмаган, қулфланмаган; 3) яланғоч; 4) берк эмас, очик ҳолда; 5) ёрилган, очилган; 6) кўчма; равшан; аниқ; аён, кўриниб турибди; 7) тўғри, ҳақиқий¹⁴¹. Бу изоҳдаги 1-сема *очик* лексемасининг генетик семаси ҳисобланади. Матндаги метафорик ҳосила маъносининг юзага чиқишига 6-сема асос бўлиб хизмат қилган. Учинчи матндаги *ўтқир* лексемасининг генетик семасидаги 1) яхши кесадиған, кескир; 2) учи найзаланған, учли; 3) таъм билиш, ҳидлаш, эшитиш ва бошқа сезги

¹⁴⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:3. Тошкент: ЎзбМЭ, 2007. – Б. 14.

¹⁴¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:3. Тошкент: ЎзбМЭ, 2007. – Б. 164.

аъзоларига кучли таъсир этадиган, кучли; 4) руҳий ва бошқа жиҳатдан таъсир даражаси; кучи юқори: кучли; 5) қобилиятли, имконияти юқори даражали; 6) касб-ҳунар, билим ва шу кабиларда юқори даражага эга бўлган, юқори савияли: кучли; 7) Ўткир (эркак исми)¹⁴² каби семаларнинг 5-семик маъносига кўра метафорик маъно ҳосил қилган. Кўрамизки, бахши дostonнинг эпик баёнида тингловчиларга тушунарли ва таъсирли бўлиши учун тилнинг ифодавийлигини таъминлаш мақсадида сифат лексемалардан хилма-хил мазмундаги метафорик маънолар ярата олган. Дарҳақиқат, “сифат лексемаларнинг асосий хусусияти белги ифодалаш билан бирга матн таркибида кўчма маъно ҳосил қилиш ҳисобланади”¹⁴³.

“Рустамхон” дostonи матндаги сифат-метафораларни ўрганиш давомида уларнинг кенгайган тарздаги сўз бирикмаси ва ҳатто гап билан ифодаланиш мумкинлигига иқроп бўлдик. Уларда бахшининг дoston ижроси давомида метафорик маънони бўрттириб, эпик баёндаги муайян тасвирларнинг тингловчилар учун таъсирчанлик манерасини, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга янада қизиқишларини оширишга хизмат қилганлигини кузатдик. Бинобарин, “сифат лексемалардан нутқ жараёнида, жумладан, бадий матндаги ўринли ва оқилона фойдаланиш услубий таъсирчанликни ошириш, маънони кучайтиришнинг муҳим воситалардан бири саналади. Даврлар ўтиши билан тил воситаларининг нутқда қўлланиш имкониятлари кенгайиб борганидек, сифат лексемалар ҳам янги окказионал семалар билан нутқий таъсирчанлик доирасини оширади. Бу эса келгусида сифат лексемаларга оид кузатишларни янги материаллар асосида давом эттириш зарурлигини кўрсатади”¹⁴⁴.

Юқоридаги қисқача кузатишларимиздан шу нарса аён бўлдики, бахши эпик қаҳрамонларнинг муайян хатти-ҳаракатлари, руҳияти, нияти, ички ва ташқи қиёфасини эпик баён этишда сифат метафоралардан самарали

¹⁴² Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:5. Тошкент: ЎзбМЭ, 2008. – Б. 179.

¹⁴³ Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: филол. фан. ном. дис. – Т., 1998. – Б. 108.

¹⁴⁴ Пардаев З. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Филол. фан.ном.дис. Автореферат. – Самарқанд. 2004. – Б. 18.

фойдалана олган, ўзига хос услуб яратган. Натижада дostonнинг лексик бойлигини оширишга, ижро ва матнда бадийлик ва образликни таъминлашга эришган.

Дostonдаги феъл сўз туркумига хос сўзларнинг метафоралашув ҳодисаси. Халқ бахшиси метафорик маъно ҳосил қилишда мазкур лисоний усулдан фойдаланиб, дoston бадииятини янада юқори чўққига кўтаришда, эпик воқеани образли ва халқона тасвирлашда, экспрессивликни кучайтиришда таъсирчан омил сифатида қўллай олган. Бинобарин, “Феълларнинг метафоризациялашганини фақат матндагина аниқлаш мумкин бўлади. Чунки субъект, объект ва предмет ўртасидаги грамматик феълнинг қандай маънода қўлланилаётгани ҳақида ҳукм чиқариш мушкулдир”¹⁴⁵.

Ушбу илмий мулоҳазаларнинг амалий тасдиғини аниқлаш учун дoston матнидаги метафораларнинг лисоний хусусиятларига қисқача тўхталамиз. Дастлаб, қуйидаги матнга эътибор қаратайлик: *Мен тирилиб, қўзим билан келаман, // Қайтадан ўлдирма сендай муштипар (442).* Ушбу жумладаги *тирилмоқ* феъли ўзининг номинатив маъносидан чекиниб, эпик қаҳрамондаги муайян ҳолатнинг интенсивлиги нуқтаи назардан метафорик маъно ҳосил қилганлигини кузатамиз. Нуфузли луғатларда “*Тирилмоқ*” феълнинг генетик асосидаги семаларнинг курилиши қуйидагича изоҳланган: 1) диний тасаввурга кўра, жони кириб, қайтадан яшай бошламоқ; 2) ўлим ёқасидан қайтмоқ, ўлимдан қолмоқ; қайта жонланмоқ; 3) қайтадан кўкариб ўса бошламоқ; жонланмоқ; 4) қайта ишга тушмоқ, юришиб кетмоқ, жонланмоқ”¹⁴⁶. Кўринадики, “*Тирилмоқ*” феълнинг генетик асоси 2-семадаги “қайта жонланмоқ” семаси асосида дoston матнида метафорик маъно ҳосил қилган. Дostonдаги бош қаҳрамон Рустамхоннинг барча хатти-ҳаракатлари, руҳияти, шижоати ва бошқаларга бўлган муносабатининг эпик баёнида бахши уни юксак ғоявий-бадийлик ва анъанавийлик асосида ўта таъсирчан-образли

¹⁴⁵ Қаримов С. Зулфия асрлари лингвистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – Б. 136.

¹⁴⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:4. Тошкент: ЎзбМЭ, 2008. – Б. 110.

тасвирлашда феъл метафоралардан салмоқли фойдаланган. Бу ўринда *тошмоқ* лексемаси қатнашган куйидаги матнларга эътибор қиламиз: “**Тошиб** кетсин Рустамжоннинг зайрати, // Назарларда сенсан, боламнинг оти (375); Сен борасан йўлда кўнглимни хушлаб, // Бу йўлларда ўзинг дарёдай **тошиб**, // Қарамайсан жуда ақлинг шошиб (378); Отингни жоловидан ушлаб тўхтатганига жуда зайрати **тошиб**, аччиги келган эди (378); Ўтдай туташиб, отини қимчиб бобога яқинлашиб, Рустамнинг зайрати **тошиб** бир сўз айтиб турган экан (402)”. Ушбу матнлардаги *тошмоқ* лексемасининг генетик асосларини аниқлаш учун нуфузли луғатлардаги маълумотларга мурожаат қиламиз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да: 1) қирғоқдан ошмоқ, қирғоқдан ошиб, атрофга ёйилмоқ, атрофни босмоқ; 2) ўз қобиғи, идишидан тўлиб, ортиб, сиртга чиқмоқ; 3) жўш урмоқ, ошиб кетмоқ, ошиб тошмоқ, тўлиб тошмоқ; 4) тутақишмоқ, қизишмоқ; 5) баданда пайдо бўлмоқ, юзага тепмоқ, чиқмоқ¹⁴⁷ тарзида шарҳланган. Ўз-ўзидан маълум бўладигани, юқоридаги матнда *тошмоқ* лексемасининг генетик асоси 3-сидаги “жўш урмоқ, тўлиб тошмоқ” маъноларини кучайтириш учун метафоризациялашган. Бунинг сабаби шуки, халқ бахшиси дoston ижросида ўз тингловчиларининг қизиқишини янада орттириш, улар диққатини ўзига тобора жалб этишни асосий мақсад қилиб кўйганлигидир. Бу ҳол ижодкор халқимизнинг маънавий мероси бўлмиш анъанавий дostonлар ижросидаги етакчи усул ва зарурият саналадигани, ундан фольклоршунос мутахассислар яхши хабардор.

Ҳақ *тошмоқ* лексемасининг дoston матнида метафоризациялашув ҳодисаси сифатида қўлланганлиги ҳақида борар экан, “метафора нафақат ўхшашлик асосидаги кўчим сифатида, балки эллипсис натижасида ҳосил бўлишини¹⁴⁸ ҳам эътиборга олишимиз зарур. Таҳлил этилаётган юқоридаги матннинг 2-сида *тошиб* лексемаси ҳам

¹⁴⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:4. Тошкент: ЎзБМЭ, 2008. – Б. 161.

¹⁴⁸ Шукуров И. Эллиптик йўл билан нутқий метафораларнинг содир бўлиши. // Ўзбек тили тили ва адабиёти. – Т., 1974, №3. – Б. 69.

эллипсис натижасида кўчма маъно ҳосил қилган: аниқроғи, “ўхшатиш конструкцияси тобе компоненти билан кўмакчи сўз эллипсисга учраб”¹⁴⁹ метафорик кўчма маъно ҳосил бўлган.

Лексик мазмунига кўра *тошмоқ* сўзи муайян суyoқликка хос хатти-ҳаракат ифодаси саналади. Лекин бу матнда эпик қаҳрамон Рустамхоннинг хатти-ҳаракатидаги ҳолатнинг интенсивлиги ва бардавомлиги туфайли унинг фаолиятига кўчирилган ва бахши дoston тингловчилари учун кучли ҳиссий таъсирчан восита ясаган. Агарда матндаги мазкур гапни асл ҳолатига келтирсак, *сув каби тошди* шаклига эга бўлиши аниқ. Бу ўринда ўхшатиш объекти – *сув*, ўхшатиш воситаси – *каби* кўмакчиси тушириб қолдирилиб, *тошди* лексемаси нутқий метафорага айланиши муқаррар. Асл матндаги *ғайрати тошиб кетсин, дарёдай тошиб, ғайрати тошиб* тарзида эмас, балки нутқий метафорага хос *тошиб кетди, дарё каби тошди, ғайрати тошди* тарзида ифодаланиши мумкин. Халқ бахшисининг сўз танлаш маҳорати шундаки, дostonлар ижросидаги анъанавийликка таяниб, ўзига хос услубдаги импровизация асосида *тўлди* лексемасидан муайян ҳодиса, жараёнларнинг “яширин” хусусиятларини дoston тингловчилари кўз ўнгида қизиқарли ифодалаш мақсадида унинг ёрқин ва ишончли тасвир баённи бера олган, оқибатда, дoston ижросида юксак даражадаги бадий-эстетик таъсирчанликни оширишга эришган. Бинобарин, “ижодкор метафорик маъно ҳосил қилишда нарсалар, ҳодисалар, жараёнларининг ошкор ва яширин хусусиятларини турли томондан, турли мақсад ва нуқтаи назардан олиб бориш заруриятидан, уларга мумкин қадар аниқ, ёрқин, оригинал сифат бериш, чинакам эстетик қиммат бағишлаш мақсадини ўз олдига қўяди”¹⁵⁰. Бу ўринда алоҳида қайд этмоқ лозимки, дoston ижрочиси *тошди* лексемасини ўз

¹⁴⁹ Джалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: филол. фан.ном. дис. автореф. – Т., 2005. – Б. 275.

¹⁵⁰ Мирзаева Н.ХХ аср шеърлятида метафорик образ муаммоси. – филол.фан.ном.дис. – Тошкент 2006. – Б. 26; Сулоймонов Б.Н. Темирбек Тўрабоевнинг “Теорема” романида “Т” товуши билан бошланувчи сўзларнинг метафоралашуви ва фразеолашуви. – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, Самарқанд 2020. – Б. 64.

Ўрнида қўллаш орқали нафақат ўзи куйлаган асарига бадий-эстетик киммат бағишлаган, балки дostonнинг бош эпик қаҳрамони Рустамхоннинг душманлардан қўрқмаслиги, олдига қўйган мақсадга эришишдаги матонатлилиги, кучли, ғайратлилиги ва жўшқинлиги каби инсоний фазилатларни дoston тингловчиларига кизикарли қилиб етказа олган. Бундай лисоний омиллар бахшининг сўз танлашдаги маҳоратини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Халқ бахшисининг “Рустамхон” дostonида кўчма маъно ҳосил қилишдаги услубий маҳоратини феъл сўз туркумига оид метафоралардан унумли фойдаланган хилма-хил матнларда кузатиш мумкин, албатта. Бу ўринда, биз яна бир *тилади* феъл лексемасининг лисоний хусусиятларини кўздан кечириш билан чегараланамиз. Қуйидаги матнларга диққатни жалб қиламиз. “*Холисона қилган хизматингга мақсадингни тила мендан! –деди. Шунда Тоғай айтди: мен сендан нима тилайман! Бир нима оламан деб хизмат қилган бўлсам тиласам тузук эди. Сиз ҳам бир нима берсангиз холисона берсангиз менга. Бизга тила деманг (417); “Сўзини эшитиб Офтобой тонг ёришгунча йиглаб, ҳожатини тилаб, муножот қилиб ўтирди (431)”*. Матндаги *тиламоқ* лексемасининг генетик семасини бирданига аниқлаб олиш бироз баҳсталаб. Дастлабки жумладаги *тила* феъл лексемасининг генетик асоси “бирор истак, тилак, ният билдирувчи, сўз айтмоқ, гап айтмоқ” маъносини бўрттириш учун кўчма коннотатив маъно ҳосил қилган. Кейинги жумлалардаги *тилайман, тиласам, тила* лексемалар матндаги маъно-мазмунига кўра, юқоридаги кўчма маънога зидлик қиляпти. Охириги жумладаги *тилаб* феъл лексемасининг генетик асоси “хоҳламоқ, истамоқ” маъноларини ифодалашга хизмат қилган. “Ҳозирги ўзбек тилида *тиламоқ* семаси тингловчини “садақа” беришга ундаш амалини билдиради, – деб таъкидлайди тилшунос олим И.Кўчқортоев. Бу сема таркибида “садақа” семаси имплицит мавжуд. Гапирувчи (тингловчи) нутқ адресатини (тингловчини) қандай амалга ундаши бу феъл маъносидан

яққол сезилиб туради. Шунинг учун биз уни кеузациялашган амал турини имплицит кўрсатувчи нутқий даъват феъллари қаторига киритдик. Ҳозирги тилда *тиланмоқ* феъли ҳам “садақа” беришга ундаш амалини ифодалашга хосланган”¹⁵¹.

Кўрамизки, юқорида берилган матндаги дастлабки ва энг охирги жумлалар лексик қуршовда *тиламоқ* феъл лексемаси ўзининг генетик семасини бироз кенгайтириб, ифода семалари ҳисобига метафорик кўчма маъно ҳосил қилган.

“Халқдан йиғилган тўсат-тўсат, даста-даста лашкар тарқаб кетган. Элу халқ оч-ялангоч, бари **тентираб** қолган (356); Бир подшо отам бўлса, унинг зулмидан **тентираб** чиқиб кетган одамман (421); Иккови мунгайиб гоҳ ерда туриб, **тентираб** қолганди беэга бўлиб (428). Достон матнида олинган мисоллардаги *тентирамоқ* феъл лексемасининг генетик асоси: 1) бир аниқ мақсадсиз кезиб юрмоқ, бекорга санқиб, вақт ўтказмоқ, кезмоқ; 2) сарсон-саргардон бўлмоқ, саргардонликда юрмоқ; 3) кезмоқ; эсмоқ; изғимоқ; 4) чарчаш, касаллик ва шу каби натижасида чайқалиб юрмоқ, гандиркаламоқ; 5) нима қилишини билмай қолмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ, саросимага тушмоқ, эсанкирамоқ”¹⁵² семаларига тегишлидир. Аниқроқ айтганда, матннинг биринчи жумласидаги *тентираб* феъл лексемасининг генетик асоси “подшо лашкарлари сарсон-саргардон бўлмоқ” семасига суянган ҳолда “бекор юрибди” маъносидаги метафорик мазмун ҳосил қилмоқда, яъни лашкарларнинг тарқалиб кетишига ишора қилинган бўлса, 2-гапдаги *тентираб* феъл лексемасининг генетик асосидаги “бекорга санқиб юрмоқ” семасига асосан “изғиб юрмоқ” маъносида метафоралашган. Матннинг охирги гапида “*тентираб*” лексемасининг генетик асосидаги “санқиб юрмоқ” семасига асосан “ўзини йўқотиб қўймоқ” маъносида метафорик маъно ҳосил қилган. Матннинг биринчи жумласидаги *тўсат-тўсат* лексемаси адабий тилимизда жуда кўп қўлланади, унинг бошқа бир

¹⁵¹ Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Т.: Фан, 1977. – Б. 137.

¹⁵² Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.: 4. Тошкент: Ўзб МЭ, 2008. – Б. 66.

варианти–*тўсатдан* равиши тилимизда анча фаол. Мазкур лексеманинг генетик асосидаги 1) Хаёлга келмаган ҳолда, кутилмаганда; 2) ғайри ихтиёрий равишда; бехосдан, бирдан; 3) сездирмай туриб, бирдан, дабдурустдан¹⁵³ семасидаги “ғайриихтиёрий равишда” маъноларини кучайтириш учун метафоризацияшган. Матнда *тўсат-тўсат* лексемаси билан биргаликда қўлланилган *даста-даста* лексемасининг генетик асослари қуйидагиларга бориб тақалади: 1) дасталанган нарсанинг миқдордан кўплиги; 2) тўда-тўда, тўп-тўп; 3) устма-уст тахлаб пачкаланган нарсанинг миқдордан кўплиги; 4) устма-уст қилиб терилган, тахланган¹⁵⁴ семаларидир. Таҳлилга жалб этилган матндаги *даста-даста* лексемаси семалари 2-сидаги “тўда-тўда, тўп-тўп” маъносини кучайтириш орқали метафорик маъно ҳосил қилган, ҳолос. Кўрамизки, бахшининг дoston ижросида ўзининг халқона тафаккури ва имровизацияси натижасидаги сюжетнинг тафсилотларини эпик баён этишда муайян тушунчаларни ифодалаш учун сўз танлаш эркинлиги чекланмаган.

Умуман олганда, дoston куйловчиси ўз ижросидаги эпик баёнда хилма-хил коннотацияли оккозионал кўчма маънолар, метафорик маънолар ҳосил қилишда феъл метaфоралардан унумли фойдалана олган, бахшининг сўздан фойдаланиш маҳорати дoston матнининг бадий-эстетик қимматини оширишга, прагматик мақсадларни юзага чиқаришга хизмат қила олганлигидан далолат беради.

Достондаги феъл сўз туркумининг равишдош шаклига хос сўзларнинг метафорик табиати. Тилимизда муайян хатти-ҳаракатнинг бажарилиш тарзи, пайти, ўрни, мақсади ва шу кабиларни ифодаловчи бир гуруҳ сўзлар мавжудки, улар феъл сўз туркумининг равишдош шакли ҳисобланади. Биз ўрганган дoston матнида ҳам уларнинг кўплаб намуналари учради. Бу ўринда уларнинг ҳаммасини ўрганиш ва бу борадаги фикр-мулоҳазаларимизни баён этиш мақсадидан йироқмиз, фақатгина равишдошга хос сўзларнинг метaфоралашув ҳодисаси ҳақида қисқача тўхталдик.

¹⁵³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:4. Тошкент: ЎзбМЭ, 2008. – Б. 246.

¹⁵⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – Б. 571.

Достон матнидан танлаб олинган айрим намуналарга эътиборни жалб этамиз: “*Рустамнинг сўзини англаб жонивор, // Ўйлаб-ўйлаб Бужул қараб жўнади (428); Ўйнаб-кулиб юрсин Хуройим ули, // Кета бер, ойимлар, коринг қилмайман (358); Султонхоннинг ўзи тағи ўйнаб-кулиб, бу иккови Хуройимнинг дуосини олиб, мурод-мақсадига етди (446)*”. Келтирилган матндаги “ўйлаб-ўйлаб”, “ўйнаб-кулиб” равишдошлари метафорик маънони ифодалаган. Хусусан, 2- 3-гаптаги “ўйнаб-кулиб” лексемаси “ич-ичидан қувониб” маъносида, 1- гаптаги “ўйлаб-ўйлаб” лексемаси “фикр-мулоҳаза юритмоқ; бирор қарорга келмоқ” мазмунида метафорик маънолар ҳосил қилган. Достонда *ўйнаб-кулиб* равишдошининг синоними сифатида *ўйнаб-ўсган* лексемаси ҳам мақсадли қўлланилган: Буни биз эпик қаҳрамонлардан Султонхоннинг мусофир юртда юрган Рустамга қараб: – Болам, сен қайси мамлакатдан бўласан? – деб сўраган пайтидаги мулоқотида кузатамиз: “*Қайдан бўлар сенинг у мамлакатинг? // Ўйнаб-ўсган катта бўлган элатинг?*” (378). Матндаги *ўйнаб-ўсган* сифатдошига мансуб лексема ҳам “туғилган макон, киндик кони тўкилган жой, юрт, ватан” каби мазмундаги метафорик маънони ифодалашга хизмат қилган.

“*Нима кўрса, эгасининг қошида кўрса, эгасини ҳурмат қилиб зарар етказмас*”, – деб бу гапларни кўнглига олиб, уйни *сипириб-сидириб тўшанчи сола берди (358)*. Достондаги эпик қаҳрамонлардан Офтобойнинг хатти-ҳаракатларини баён этувчи ушбу матнда *сипириб-сидириб* равишдоши жуфт ҳолда қўлланган: тузилишига кўра, улар жуфт равишдош ҳисобланади. Нуфузли луғатларда *сипурмоқ* (супурмоқ) лексемасининг генетик асосидаги лисоний омиллар қуйидаги тартибда изоҳланган: **Супурмоқ**. 1) Супурги билан чанг- тўзон, ахлат ва ш.к.дан тозаламоқ, ахлат ва ш.к нарсалардан сидириб олмоқ, тўпламоқ; 2) таг-томири билан сидириб, орадан кўчирмоқ, сурмоқ; 3) йўқ қилмоқ, йўқотмоқ, барҳам бермоқ”¹⁵⁵. Энди ушбу лексеманинг иккинчи шакли

¹⁵⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:3. Тошкент: ЎзбМЭ, 2007. – Б. 589-590.

сидирмоқ лексемасининг генетик семалари қурилишини кўздан кечирайлик: Улар 1) қўл бармоқлари ёки кафтини босиб, бир томонга ҳаракатлантирмоқ; 2) қўл бармоқлари билан тортиб ёки супуриб туширмоқ, тозаламоқ; 3) артиб, кириб ёки кўчиртириб олиб ташламоқ; 4) олиб ташламоқ, холи қилмоқ; кеткизмоқ каби¹⁵⁶. Мазкур изоҳлардан шу нарса аён бўладики, юқоридаги матнда *сипириб-сидириб* лексемаси ўзининг генетик асосидаги “супурмоқ” лексемасига хос 1-семемасидаги “супурги билан чанг-тўзон тозаламоқ” семемасига асосан, яъни “тартибга солмоқ” мазмунидаги метафорик маъно ифодалаган. Унинг мазкур маъноси “сидирилмоқ” лексемасининг генетик асосидаги 3-семемасига бироз яқинлашади, лекин моҳиятига кўра ўзини оқламайди.

Рустам бораяпти, бориб-бориб йўл уч айрилиб кетди, қайси йўлга киришини билмай, отнинг жиловини тортди (322); Кўп фурсат оғзига томизиб турди, // Кам-кам қарар, тамшангандай бўлди, // Бориб-бориб бир замон жон энади. Мазкур матндаги *бориб-бориб* равишдош лексемаси жуфт-такрорий ҳолда қўлланган, у генетик асосидаги “охири, провардида, провард-натижада” семасига асосан “энг охири” маъносида метафоралашмоқда.

Рустам билан Офтобой Хуройимнинг қўлтигига кириб, суяб, аста-аста далага олиб чиқди. Шундан шамоллаб-салқинлаб ўзини ростлади (434) матнидаги “*шамоллаб-салқинлаб*” лексемаси ҳам тузилишига кўра жуфт равишдош саналади. Ҳар иккала равишдошнинг генетик асосидаги семемалар мазмун-моҳиятига кўра бир-бирига яқин, яъни деярли бир хил даражадаги маъно-мазмунни ифодалашга хизмат қилган. Хусусан, *шамоллаб* лексемаси генетик асосидаги 1) шамоллаш касалига дучор бўлмоқ, шамоллаш туфайли касал бўлмоқ; шабадаламоқ; 2) тоза ҳаводан нафас олиб юрмоқ¹⁵⁷ семемаларининг 2-сидаги “очик, тоза ҳаводан баҳраманд бўлмоқ” маъносида метафорик кўчма маъно ҳосил

¹⁵⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:3. Тошкент: ЎзбМЭ, 2007. – Б. 493-494.

¹⁵⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:4. Тошкент: ЎзбМЭ, 2008. – Б. 542.

қилган. Келтирилган мисолнинг иккинчи қисми – *салқинлаб* лексемаси ҳам генетик асосидаги “жазирама, иссиқ кунларда соя-салқин жойга бориб дам олмоқ, ҳордиқ чиқармоқ” семемаларига асосан “тоза ва салқин ҳаводан нафас олмоқ” маъносини ифодалаш учун метафоризациялашган. Кўрамизки, *шамоллаб-салқинлаб* равишдошларининг негизлари бошқа-бошқа бўлса-да, деярли бир-бирига яқин маъно-мазмунни ифодалаяпти, жуфтлик ҳолатларда улар “тоза ҳаво олмоқ” маъносида метафорик кўчма маъно ҳосил қилган.

Зулм билан қилсанг бунда сиёсат, // Бу қўрбоши сени туйраб отади (308) гапидаги *туйраб* лексемаси “ўлдиради” маъносини ифодалашга метафоралашган. Ушбу лексема сўзлашув нуткида “майдалаб” маъносида қўлланилади: масалан, *гўштни* гапи ўрнида *туйраб-туйраб ташла, майдалаб ташла* каби варианты қипчоқ шеvasида фаол қўлланилади. Достон матнида келган “*туйрамоқ*”, “*туйраб*” каби лексемаларнинг генетик асосидаги семемалар изоҳлари нуфузли луғатларнинг бирортасида берилмаган.

Бир жароҳат жигар бағрини тузлаб, // Йиғлайсан чўлларда бўтадай бўзлаб, // Ишинг бўлмай йиғлаб кетиб борасан (363); *Болам дейман, бағрим тузлаб, // Йиғладим бўтадай бўзлаб* (436) матнидаги *тузлаб, бўзлаб* равишдошлари метафорик маъно ифодалаб келган. *Бўзлаб* равишдошининг нуфузли луғатларда генетик семалари мавжудлиги кўрсатилган: *Бўзламоқ*: 1) ўкириб, уввос солиб, нола қилиб йиғламоқ, зор-зор йиғламоқ; 2) мунгли, дардли товуш чиқармоқ; нола қилмоқ каби¹⁵⁸. Матнда *бўзлаб* лексемаси 1-семага асосан “бўтадай бўзламоқ, яъни зор-зор йиғламоқ” маъносига кўра ҳосил қилинган”; 2-жумладаги *тузлаб* лексемаси “алам, ҳасрат, фалокат, жудоликка гирифтор бўлмоқ” семаларининг “қийналмоқ” маъносини кучайтириш учун метафоризациялашган.

Юқоридаги кузатишларимизга таяниб айтиш мумкинки, достонда

¹⁵⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – Б. 398.

асосан муайян хатти-ҳаракат ва ҳолатни ифодалаш мақсадида бир неча намунадаги равишдошлар метафоризациялашган. Бахшининг дoston ижроси жараёнида сўз танлаш маҳоратини эпик қаҳрамонларнинг муайян ҳолати ва хатти-ҳаракат бажарган ўринларнинг, айрим қаҳрамонларнинг образли қиёфасини, ички ва рухий ҳолатини баён этишда, дoston тингловчилари кўз ўнгида жонлантириш ва диққат-эътиборини сюжет тафсилотларига жалб этишда равишдошларга оид сўзларни метaфоралаштирганида кузатдик.

Дostonдаги содда ва мураккаб метaфораларнинг лисоний табиати.

Дoston матнидаги сўз туркумларига хосланган метaфораларни ўрганиш жараёнида уларнинг икки хил турдаги намуналарига дуч келдик: содда ва мураккаб метaфоралар. Содда метaфоралар шаклан бир лексемадан иборат бўлиб, биз юқорида кўриб чиққан от, сифат, феъл туркумига хос сўзлар ана шу гуруҳга киради.

Сулаймонов Бобур Нодир ўғли ҳам ўзининг диссертацион тадқиқотида айрим кузатишларида мураккаб, яъни кенгайган метaфоралар тузилишига кўра бир сўздан ортиқ бўлиб, асосан, сўз бирикмаси, ёйиқ бирикма, гап шаклида ҳам учраши мумкинлигини таъкидлайди ¹⁵⁹.

Кенгайган метaфораларнинг асосий қисмини бирикмали метaфоралар ташкил этади. Халқ дostonларининг лингвопоэтикасини махсус ўрганган тилшунос Г.Жуманазарова бирикмали метaфораларни тузилиш табиатига кўра, уч гуруҳга бўлиб ўрганган: сифатловчи, изофали ва қаратқичли бирикмалар ¹⁶⁰.

“Кенгайган метaфораларнинг характерли хусусияти шундаки, – деб таъкидлайди тилшунос Б.Умурқулов, – сўз метaфора ўзи боғланиб келаётган сўз билан мустаҳкам алоқага киришиши натижасида метaфорик маъно ифодалайди. Сўз метaфора ўзи боғланган сўз билан грамматик

¹⁵⁹ Сулаймонов Б.Н. Темирбек Тўрабоевнинг “Теорема” романида “Т” товуши билан бошланувчи сўзларнинг метaфоралашуви ва фразеололашуви: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, Самарқанд 2020. . – Б. 68

¹⁶⁰ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – Б. 241.

алоқага киришганида асл метафорик маъноси реаллашади. Кенгайган метафоралар, асосан, эргаш боғланиш йўли билан боғланиб, тобе бўлак метафорик маъно ифодалайди. Масалан, *баҳор юрар, дарё чопади, ел шивирлар, кураш оқади, поезд учади, қушлар сўйлар* каби кенгайган метафораларда бирикма тобе бўлагининг маъноси кўчган¹⁶¹.

“Рустамхон” достонини куйлаш жараёнида бахши анъанавийликка суянган ҳолда кенгайган метафораларнинг ажойиб намуналарини қўллай олган. Бунинг оқибатида, достон сюжетида образлиликни ва тасвирийликни таъминлаш, қисқа, ихчам жумлаларда чуқур маъно ифодалаш борасида ўзининг сўз танлаш маҳоратини яна кенгроқ намоён қила олган. Достон матнидан намуна сифатида олинган қуйидаги мисолларга эътибор берайлик: *Қай тарафда бунда келар аждаҳар? // Чирпиниб турибди мендайин шунқор* (399); *Очилган баҳорда боғнинг гулисан, // отанг ҳам энангнинг жони дилисан* (397); *Бирга юрсак ширин жон-а, // Гул юзим сўлди найлайин* (384); *Қаттиқ тунда ҳолим тангдир, // Жон шириндир, бошим тангдир* (385); *Қиз тугсанг, гул юзли, ўзинг биласан* (385).

Б.Умурқулов уқтирганидек, кенгайган метафораларнинг метафорик маъно ифодалашидеда метафоралашган сўз билан у бириккан сўз орасидаги боғлиқлик муҳим роль ўйнайди. Чунки кенгайган метафоранинг маъно ифодалаш хусусияти метафора бириккан сўзнинг характериға ҳам боғлиқ. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: а) агар метафорик маъно ифодалаётган сўзга бириккан сўз конкрет маъно ифодаласа, кенгайган метафоранинг маъноси ҳам кенгайган бўлади: *ел шивирлар, сен шошилдинг, поезд қичқирар, ўйнайди шалола* каби; б) метафорик маъно ифодалаётган сўзга, бириккан сўз абстракт маъно ифодаласа, кенгайган метафора ҳам абстракт маъно ифодалайди: *бахт қайнайди, кураш оқади* каби¹⁶². Кенгайган метафоралар бадий

¹⁶¹ Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси –Т.: Фан, 1990. – Б.64.

¹⁶² Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси –Т.: Фан, 1990. – Б.64.

адабиётда тўлиқ шеър, бандлар, тўлиқ гап шаклида¹⁶³ бўлиши мумкинлигини тилшунос Р.Қўнғуров ҳам таъкидлаган эди. Ушбу илмий мулоҳазаларнинг тасдиғини халқ дostonлари матнида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, биз ўрганган “Рустамхон” дostonи матнида ҳам айни лисоний ҳолга дуч келдик. Улардан бу ўринда айрим мисоллар келтириш билан чегараланамиз: *“Тўлган ўхшайди паймона (384): Давлатли кул улни гулаг эшади (380); Йиғласам, йўқ бўлди дардимга даво (379); Заминга беҳабар қолди болам, –деб (372); Олмос нўлат белда, эғнимда қалқон (363); Тил озорлар қайси гўрдан келдинг, – деб // Камтиримни алдаб йўлдан урдинг, – деб (358)* каби. Ушбу матнлардаги эпик қаҳрамонларнинг фикр-мулоҳазалари, бахшининг эпик баёндаги муайян таъкидлари дostonнинг бадииятида таъсирчанликни, образлиликни, қолаверса, дoston тингловчиларида қизиқишни янада оширишга хизмат қилган. Тилшунос Г.Жуманазарова таъкидлаганидек, халқ дostonларидаги метафоралар матнда мустақил ҳолатда келганда ҳам, шунингдек, аффикслар, лексемалар билан келганда ҳам, изофали, сифатловчи, ўхшатишли, фразеологик бирикмалар ҳосил қилиб келганда ҳам, сўз туркумлари асосида шаклланганида ҳам кучли эмоционал-экспрессивликни ифодалайди, лекин маъно нозикликлари билан бир-бирдан муайян даражада фарқланади. Уларда рухий жараён кўзга ташланмайди, аммо эпик замон ва макон тушунчаси доимийлик касб этади¹⁶⁴.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, бирикма ва гап шаклидаги кенгайган метафоралар биз ўрганган дoston бадииятини оширишга, ижодкор бахшининг эпик қаҳрамонлар фаолияти, руҳияти ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ тафсилотларни баён этишида, тингловчиларнинг қизиқишини оширишга, метафорик жумлаларнинг аффектив белгисини кучайтиришга хизмат қилган.

¹⁶³ Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси –Т.: Фан, 1990. – Б.16

¹⁶⁴ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 20012. – Б. 241 241.

Боб бўйича хулосалар

1. “Рустамхон” достонида ўз қатлам ва ўзлашма қатлам бирликларининг кўлланилиш қамрови жуда кенг. Айни лисоний ҳолат Фозил шоирнинг дoston ижросидаги сўзга бўлган масъулияти ва ундан фойдаланиш маҳоратини белгиловчи омил саналади. Бахши уларни дoston кўйлаш жараёнида самарали ва ижодий кўллай олганлигини, халқона экспрессивликнинг барча имкониятларидан унумли фойдаланганлигини кузатдик.

2. Дoston матнидаги кўпмаънолилик ҳодисаси сўзнинг семантик қурилишига оид лисоний хусусиятлар саналади. Матнда кўлланилган бирдан ортиқ маънога эгаллик (полисемия) деярли барча сўз туркумларга, хусусан, от, сифат, феълларга хос.

3. Халқ бахшиси “Рустамхон” достонини куйлашда ва ундаги муайян воқеа-ҳодисаларнинг баёнини тасвирлашда, бу борадаги муайян эпик тафаккури натижаларини дoston тингловчиларига етказишда бутунлай янги маънодаги метафораларни кўллай олган. Дoston сюжетидаги эпик қаҳрамонларнинг муайян характер – хусусиятлари, физиологик ҳолатини бадий тасвирлашда, уларнинг ижтимоий мавқеи, ташқи қиёфаси, руҳий ҳолатларига дoston тингловчиларини жалб этиш учун тасвирдаги ижобий ёки салбий баҳолашда, киноя усулини ҳосил қилишда, эпик қаҳрамон нутқини бахшиёна услубда баён этишда маҳорат билан фойдаланган.

4. Дostonдаги сифат сўз туркумига хос лексемаларнинг метафоралашуви ҳодисаси дoston тилида, умуман, адабиёт ва халқ тилида морфологик тизимдаги от, отлашган сўзлардан олдин келиб, бирор нарса ва ҳодисанинг бирор белгисини ифодалаш билан хилма-хил коннотатив маъноларни юзага чиқаришга хизмат қилади.

5. Дostonдаги феъл сўз туркумига хос сўзларнинг метафоралашуви ҳодисасини ҳосил қилишда халқ бахшиси мазкур лисоний усулдан фойдаланиб, дoston бадииятини янада юқори чўққига кўтаришда,

эпик воқеанинг образли ва халқона тасвирлашда, экспрессивликни кучайтиришда таъсирчан омил сифатида қўллай олган.

6. Достон матнидаги сўз туркумларига хосланган метафоралар структура жиҳатдан икки хил: содда ва мураккаб метафоралар. Содда метафоралар шаклан бир лексемадан иборат бўлиб, биз юқорида кўриб чиққан от, сифат, феъл туркумига хос сўзлар ана шу гуруҳга киради. Бирикма ва гап шаклидаги мураккаб метафоралар биз ўрганган достон бадииятини оширишга, ижодкор бахшининг эпик қаҳрамонлар фаолияти, руҳияти ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ тафсилотларни баён этишида, муҳими тингловчиларнинг қизиқишини оширишга, метафорик жумлаларнинг аффектив белгисини кучайтиришга хизмат қилган.

III БОБ. ДОСТОНДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК ВА ПАРЕМИОЛОГИК БИРЛИКЛАР ТАДҚИҚИ

3.1§. Достондаги фразеологик бирликларнинг структурал-семантик хусусиятлари

Ҳар бир халқнинг миллий тил бойлигини ва кўп йиллик тафаккурини намоён этувчи кўп қатламли ментал лисоний тузилма фразеологик бирликлар саналади. Бундай бирликларда халқ донолиги ва заковат эгаларининг лисоний мушоҳадалари мужассамлашган. Чунки улар генетик жиҳатдан муайян тилда узок даврлар давомида содир бўлган ижтимоий-тарихий воқеликлар, маиший турмуш тарзининг кўп қиррали тажрибаларини инсон томонидан образли тарзда акс эттириш эҳтиёжи натижасида юзага келган.

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда фразеологик бирликлар кенг қамровда: лексик-семантик, прагмалингвистик, лингвомаданий, лингвокогнитив ва психоллингвистик жиҳатдан ўрганилаёпти. Бу ўринда фақатгина ўзбек тилшунослигига назар солинса, бу борада қатор диссертациялар ҳимоя қилинган¹⁶⁵, илмий монографиялар ва

¹⁶⁵ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дис...автореф. – Тошкент, 1966. – 46 б.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилда фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. дис...автореф. – Тошкент, 1993. – 47 б.; Маматов А. Семантикостилистические особенности эмоционально-осеночных фразеологических единиц узбекского языка – Автореф. дис... канд. филол. наук. Ташкент, 1988; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фанл. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 56 б.; Рўзикулова М. Ўзбек тилида идиомалар: Филол. фан. д-ри. дис...автореф. – Тошкент, 1966. – 20 б.; Исаев А. Соматический фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дис... канд. филол. наук. Ташкент, 1976 – 21 с.; Рафиев А.Р. Структурно-функциональные свойства фразеологических единиц узбекского языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. Ташкент, 1982 – 20 с.; Ҳакимов Қ. Ўзбек тилида содда гап қолипиди фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол. фанлари. номзоди...дис.автореф. – Тошкент, 1994. – 27 б.; Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол. фанлари. номзоди... дис.автореф.– Тошкент, 1998. – 24 б.; Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (Шахс микромайдони). ДДА. –Т., 1999, – 56 б.; Бозорбоев К. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: : Филол. фан.ном.дис...автореф. – Самарқанд, 2000. – 22 б.; Абдуллаев Ш. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайпберганов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида): Филол. фан.ном.дис...автореф. – Тошкент, 2006. – 25 б.; Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол. фанлари. номзоди... дис.автореф – Тошкент, 2008. – 23 б.; Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили: Филол. фанлари. номзоди... дис.автореф. – Тошкент, 2006. – 23 б.; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантикпрагматик таҳлили (кўз, кўл ва юрак компонентли иборалар мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 27 б.; Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи: Филол. фанлари. номзоди... дис.автореф.– Тошкент, 2012. – 26 б.; Болтаева Б. Ўзбек тили фразеологик бирликларнинг трансформацияси (семантик-прогматик таҳлил): филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 56 б.

ўқув қўлланмалар нашр этилган¹⁶⁶, мақолалар чоп этилган¹⁶⁷, энг муҳими, фразеологик луғатлар¹⁶⁸ ҳам яратилган. Қилинган ишларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қилинса, тилшунослигимизда фразеологизмларнинг тил хусусиятлари, яъни тузилиши, семантик-прагматик, функционал-услубий жиҳатдан анча мукамал ўрганилганлигини кузатамиз, лекин биз бу ўринда улар ҳақида тўхталмаймиз.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, халқ достонлари тилида учрайдиган фразеологик бирликлар таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар ва илмий мақолалар ҳам чоп этилган, алоҳида луғат нашр этилган. Аммо мазкур соҳада ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, халқ достонларидаги эпик қаҳрамонларнинг тана аъзоларини ифодаловчи ибораларнинг структурал-семантик хусусиятларини ўрганиш масаласи шулар жумласига киради.

Тилшунослигимизда инсоннинг муайян тана аъзолари асосида шаклланган, халқ орасида кенг тарқалган ва умуман, бадиий адабиётда фаол қўлланадиган семантик иборалар бўйича махсус илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган¹⁶⁹. Уларда мазкур

¹⁶⁶ Маматов А. Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари. – Тошкент: Наврўз, 1996. – 54 б.; Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент: Фан, 1970. – 60 б.; Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. – Самарқанд, СамДУ нашри, 2002. – 37 б.; Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. – Тошкент, 1991. – 120 б.; Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – 123; Шомақсудов Ш., Долимов С. Қайроқи сўзлар (Халқ иборалари). – Тошкент: 1992. – 126 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (фразеологик бирликларда полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик). – Тошкент: Наврўз, 2016. – 200 б.; Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси. Библиографик кўрсаткич. – Тошкент: Наврўз, 2016. – 48 б.

¹⁶⁷ Маматов А. Лексик энергияси асосида фразеологизмларнинг шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – №6. – Б. 29-33; Умаров Э. Фразеологическая контаминатция в языке Алишера Навои // Сов.тюркология, 1974. №5. – С. 23-27; Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлилининг баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – №3. – Б. 16-21.

¹⁶⁸ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. – Тошкент: Фан, 1964. – 36 б. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 408 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар бош таҳрияти, 1992. – 380 б.; Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 288 б.; Минглиев Б., Худойбердиева М., Бойматова О. Ўзбек тили ибораларининг ўқув изоҳли луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007, 2007. – 39 б.

¹⁶⁹ Исаев А. Ўзбек тилида соматик фразеологизмлар: Филол. фанлари. номзоди... дис.автореф. – Тошкент, 1976. – 19 б.; Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларидасоматик фразеологизмлар: Филол. фанлари. номзоди... дис.автореф. – Тошкент, 1998. – 22 б.; Рашидова У. Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 27 б.

бирикмаларнинг инсон руҳий ҳолати, хилма-хил ички ҳис-туйғулари ва кечинмалари, муайян характер хусусияти, бошқаларга ва умуман, атроф-муҳитдаги ҳодисаларига бўлган муносабатларини юзага чиқаришида ўзига хос лисоний кўприк вазифасини бажарганлиги қайд этилган. Хусусан, ўзбек ва турк тилларидаги соматик ибораларни махсус ўрганган Ш.Усмонованинг “айнан соматик фразеологияда ҳар бир халқнинг кўп асрлик тажрибаси, турмуш тарзи, маданияти, маънавияти, урф-одатлари ва анъаналари ўз аксини топган бўлади”¹⁷⁰, -деган таъкиди ҳам муайян илмий-амалий асосларга эга.

Фозил шоир дostonлари тилидаги лексемаларнинг мавзуий гуруҳланиши ва лексик-семантик табиатини синчиклаб ўрганган олима Г.Жуманазарова ҳам қуйидагиларни алоҳида қайд этган¹⁷¹: Бадиий асарлар сингари ҳар қандай анъанавий дostonларнинг асосий мақсади инсон ҳаёти ва фаолиятини тасвирлашдан иборат. Мураккаб анатомик тузилишга эга бўлган инсон у ёки бу фаолияти давомида, муайян хатти-ҳаракатлари жараёнида ўзининг тана аъзоларидан бирор мақсадда фойдаланади (масалан, ўзаро мулоқотда шеригига рад жавоб бериш учун кўлини силтайди ёки калласини у ён-бу ёнга тез-тез қимирлатади; кечирим сўраш учун бошини эгиб туради ёки кўлини кўксига қўйиб ҳаракат қилади; бирор нотинч хабарни эшитганда бирданига афтини буриштиради; хурсандчиликни эшитганида кулади ёки қаттиқ қарсақ чалиб юборади; аччиғи келганда оёғи билан бирор нарсани тепади ёки синдиради ва ҳ.к.). Бинобарин, бу ўринда халқ дostonларидаги эпик қаҳрамон хатти-ҳаракатлари ҳақида гап кетар экан, унинг муайян образи яратилар экан, сўз заргари учун эпик баёнда унинг тана аъзоларидан бирининг ҳам тасвир объекти бўлиши табиий ҳол. Ижодкор бахши *калла, юз, юрак, тиш, тил, кўз, қўл, бош, оёқ, бурун, бўгин, биқин, тос, соч, қўлтиқ, елка, қош, қулоқ, бармоқ* каби сўзлардан муайян ҳолатни,

¹⁷⁰ Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол. фанлари номзоди... дис.автореф. –Тошкент, 1998. – 22 б.

¹⁷¹ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – 231 б.

олайлик, эпик қаҳрамонларнинг бирор хатти- ҳаракати, руҳий ҳолати, кўриниши ёки фаолиятидаги бирор тасвири баён қилиш, жонлантириш ва муболаға каби усулларни яратиш учун самарали фойдаланганлигини таҳлилга жалб этилган дostonлар мисолида кузатдик.

“Бош” узви фраземалар. Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазаларнинг илмий-амалий асосларини “Рустамхон” дostonи матнида кўлланилган кўпгина соматик иборалар мисолида ҳам кузатдик. Хусусан, бахши дoston куйлаш жараёнида эпик қаҳрамонларнинг ички руҳий ҳолатини, характер ва феъл-атворини, бошқалар ва атроф-муҳитга бўлган муносабатларини образли тасвирлаш мақсадида тана аъзоларини ифодаловчи иборалардан мақсадли ва унумли фойдалана олганлигини таъкидлаш жоиз. Бинобарин, дoston матнида тана аъзолари билан боғлиқ фразеологик ибораларнинг ичида “Бош” узви фраземалар энг фаол кўлланганлиги ва уларда асосан моддий оламни билишнинг ўхшатиш, метафора, таққослаш, қиёслаш каби халқона усуллари ўз ифодасини топганлигини аниқладик. Фикримизча, бундай ҳолатнинг муайян асослари бор: шулардан бири, ижодкор халқимиз, хусусан, бахши ҳам “мавхум нарсаларни тасвирлашда уларни моддийлаштириш ҳаракатида бўлади. Моддийлаштириш тана аъзоларига қиёслашдан ташқари, инсонга сингдирилган олам тасвири ҳамдир”¹⁷².

Ўзбек тилида ва сўзлашув нутқида жуда фаол кўлланадиган “бош” узви фраземаларнинг хилма-хил намуналари олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган. Хусусан, тилимиздаги фразеологик бирликларнинг луғавий хусусиятлари, тил бирлиги сифатида ўзига хос шаклланиш омиллари, маъно тузилиши, маъно тараққиёти, бирликларнинг трансформацияси ва шаклланиш босқичларини ўрганган А.Э.Маматовнинг ўқув кўлланмасида¹⁷³ “бош” соматик лексемаси иштирокида турли семантик, лексик-грамматик гуруҳларга тегишли ва

¹⁷² Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларидасоматик фразеологизмлар: Филол. фанлари. номзоди... дис.автореф.– Тошкент, 1998. – 22 б.

¹⁷³ Маматов А.Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув кўлланма, Т.,”Наврўз” нашриёти : 2019. – 78 б.

хилма-хил қурилишли фразеологизмлар шаклланганлигини лисоний далиллар орқали очиб берилган. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқини махсус ўрганган Ш.Ғаниева¹⁷⁴ эса “бош” узвли фразеологизмларнинг “инсоннинг маълум рухий ҳолати”, “оилавий ҳолати”, “жисмоний ҳолати”, “йўналиш”, “бирор ҳаракатга аралashiш, эргашиш”, “инкор этиш”, “тилак” каби мақсадлар учун экрессив маъно ифодалашини қайд этган. Бундай типдаги мулоҳазаларни бошқа ишларда ҳам кузатиш мумкин.

Таъкидланган ҳолатларнинг айрим бошқа кўринишларини халқ дostonлари тилига бағишланган бир қатор диссертацион тадқиқотларда, айрим луғат ва рисоаларда у ёки бу даражада ўрганилганлигини ҳам кузатдик. Хусусан, Б.Ўринбоевнинг К.Бозорбоевлар билан ҳамкорликдаги ишида¹⁷⁵ *бошлари айланиб, бошига бало бўлмоқ, бош олиб кетмоқ, бошига етмоқ, бошига савдо солмоқ, боши бўш, бошини айлантириб, бош олиб кетайин* каби фразеологик бирликлар тегишли лисоний матнлар асосида изоҳланган. “Алпомиш” дostonининг лингвокультурологик хусусиятларини махсус ўрганган Д.А.Ашуров¹⁷⁶ “*бош*” инсон танаси аъзоси сифатида *пешона, соч, қовоқ, соқол, бурун, оғиз, юз, қулоқ, тиш* кабилардан иборатлигини, уларнинг ҳар бири кўплаб ўхшатишлар ва фразеологик бирликларнинг юзага келтирганлигини дoston матнидан олинган мисоллар орқали шарҳлаб берган. И.Умаров¹⁷⁷ эса “Малика айёр” дostonи лексикасини ўрганишда *кўз, юрак, қон, ақл* лексемалари билан бирга “*бош*” узвли ибораларнинг семантик маъно хусусиятлари ҳақида ҳам муайян фикр-мулоҳазаларни билдирган. Халқ дostonларининг бошқа баъзи бир намуналари тили бўйича олиб борилган

¹⁷⁴ Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. Т., Фан, 2013, – Б. 73-75.

¹⁷⁵ Ўринбоев Б., Бозорбоев К. “Алпомиш” дostonи фразеологизмларининг таъбири. Самарқанд, СамДУ, 1998, – 40 б.

¹⁷⁶ Ашуров Д.А. “Алпомиш” дostonининг лингвокультурологик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Наманган, 2021.

¹⁷⁷ Умаров И. Фозил Йўлдош ўғлининг “Малика айёр” дostonи лексикаси (тарихий-этимологик, функционал-семантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. –110 б.

бошқа тадқиқотларда¹⁷⁸ ҳам мазкур фразема билан боғлиқ илмий кузатишлар бирмунча берилганлигини қайд этмоқ жоиз.

Бу ўринда, хусусан, халқ достонлари матнида “*бош*” узвли фраземаларнинг қўлланилишида бир қатор хилма-хил лисоний ҳолатларнинг кўзга ташланишини ҳам таъкидлаш лозим. Масалан, “Алпомиш” достони ва унинг айрим версияларида *боши бўш* фраземаси бўйи етган, турмушга чиқмаган қизларга нисбатан қўлланилганлиги, умуман, *боши бўш*, *боши очиқ*, *боши боғланмаган* кабилар *эрга тегмаган* ибораси билан синоним ҳисобланиши, *боши боғлиқ* (ўралган), *боши бўш* ибораларининг тарихи исломдан аввалги даврларга бориб тақалиши айрим тадқиқотларда¹⁷⁹ қайд этилган. Фозил шоирнинг “Алпомиш” достони матнидаги “*бош*” узвли фраземага хос бундай лисоний хусусиятлар мазкур ижодкор бахшининг биз ўрганган “Рустамхон” достонида эса мутлақо кўзга ташланмаган. Достондан олинган қуйидаги матнларга эътибор берамиз: *Ўлса кўр бўлсин-да золим бадбахтлар, // Рустам ҳаммасининг бошини олибди (389); Энамни излаб Мансур дорга бораман, // Етишсам жаллоднинг бошини оламан (380).*

Ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланиладиган “*фалончи бошингни олади*” фраземаси “*қаттиқ жазоламоқ*” маъносини ифодалайди, ваҳоланки, достондан келтирилган бу матнларда ҳам айна маъно ўз ифодасини топган. Аслида, моҳият эътиборига кўра, таъкидланаётган “*бошни олмоқ*” фраземаси компонентлари тилимизнинг муайян даври-босқичларида ўзаро эмас, алоҳида ҳолатда ҳам мустақил маъно англатишга хизмат қилган: яъни “*бошни кесиш*” маъносини ифодалаган. Миллий тилимиздаги айна лисоний ҳодиса “Рустамхон” достони матнидаги эпик қаҳрамонлар нутқида ҳам

¹⁷⁸ Хаджимусаева Н. “Орзигул” достонининг статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Жиззах, 2020. –120 б.; Эшмуратов А.М. “Холдорхон” достонининг лингвостилистик хусусиятлари (эргаш жуманбулбул ўғли варианти асосида). – Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Жиззах, 2021.–180 б.

¹⁷⁹ Ашуров Д.А. “Алпомиш” достонининг лингвокультурологик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Наманган, 2021. –122 б.

фаол қўлланган: *Олиб қўлига пўлатди, // Жаллоднинг бошини кесди (387); Қаландарсан, энди эшит нолишимни, // Қилич уриб, мен кесарман бошингни (441).*

Кўрамизки, дастлабки мисоллардаги “*бошни олмоқ*” ва кейинги мисралардаги “*бошни кесмоқ*” фраземалари “жазоламоқ” маъносини ифодалайди, айти ҳолат тилшуносликда “Квазиденотатив макон” деб номланиб, нарса ҳодисани ифодаловчи сўз ёки гап остида бу сўзлар билан боғлиқ тушунчалар аслида мавжуд бўлмайди. Бунда вербал бирлик симулятор вазифасини бажариб, инсон онгида “виртуал реаллик”ни гавдалантириб беради¹⁸⁰. Фразеологик бирлик узвлари эса луғавий бирлик эмас, символ мақомига ўтади.

Юқоридаги таҳлил қилинаётган фразеологик бирликларда *бош* лексемаси умумий нуқта бўлиб, у “калланинг қошдан юқори, соч ўсган қисми”ни ифодалайди. Яна қуйидаги мисолларга назар соламиз: *“Рустам бу сўзни эшитиб, ўзини ростлаб, бошини кўтариб, тиклаб, Султонхоннинг бетига қаради (379); Бу сўзни эшитиб, Офтобойга қараб, бошини кўтариб, Султонхон бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан (438)”*. Матнда *бош кўтариб* ибораси орқали “эътибор” ва “муносабат” семалари намоён бўлмоқда. Бу орқали дostonдаги эпик қаҳрамонларнинг муайян бир ҳолатга ҳозиржавоблик хислатлари кўрсатилиб, айти руҳий ҳолат ижодкор бахши томонидан дoston ижросида алоҳида таъкидланган. Қуйидаги матнда ҳам “*бош кўтариб*” ибораси қўлланган ва эпик қаҳрамоннинг муайян ўтмишидаги руҳий ҳолатига ва умуман келажак ҳаётга муносабат билдирган: *Ўлар вақтда ёлғиз болам етишиб //Бошимдан кўтариб гамим, кулфатим, // Ҳар ерда раҳбар бўлган фарзандим, Рустамжондан кўндир менинг умидим (442).*

Дoston матнида “*бош*” узвли фраземалар билан боғлиқ яна бир лисоний ҳолат мавжуд. Масалан, *“Тортинмайин аждаҳарга борайин; // Аждаҳарнинг танидан бошин юлайин” (399)* каби матндаги “*бошни*

¹⁸⁰ Воробьева Н.А. Русская сакральная фразеология как источник культурной информации // Лингвокультурология. Научное издание. Екатеринбург, 2016. – С. 100.

юлмоқ” фраземаси “бошни олмоқ”, “бошни кесмоқ”нинг синоними ҳисобланади ва эпик қаҳрамон нутқида “жазоламоқ” маъносини ифодалашга хизмат қилган. Булардан ташқари, дoston матнида *бош эгмоқ* фраземаси “уялмоқ, иккиланмоқ, бўйсунмоқ” каби маъноларни ифодалашга хизмат қилган: *Хуройим бир тихсиниб туриб кўнглида айтди: “Бу бирга юрган ёр эди, бизларга кўп зулм қилди, охири пушаймон бўлиб, бош эгиб келди, Рустамга товба қилди, Рустам уришиб қайтарган эди (440); Султонхон Хуройимга салом бериб, бош эгиб турди (440)”*. Келтирилган мисолларда “*бош эгиб турмоқ*” ибораси эпик қаҳрамонлардан бири Султонхоннинг умумий вазияти ва ички рухий ҳолатини (аҳволини) ифодалаган, *бошни эгиб турмоқ* “ўйланиш”, “рухий эзилиш” семалари билан бирга, “мутълик”, “бўйсунуш”, “қарам бўлиш” каби потенциал семаларга ҳам эга. Бунда эпик қаҳрамон (Хуройим) ўз кўнглидаги ўйларни билдириб қўймаслик учун ўз-ўзига ичида муайян хулосага келганлиги қайд этилган.

Дoston матнидан таҳлил учун келтирилган юқоридаги мисолларда ифодаланган коннотациялар прагматик жиҳатдан жуда қимматли. Чунки улар орқали матнда эпик қаҳрамонларнинг муайян мавҳум, теvarак-атрофдаги хилма-хил вазиятларга муносабат билдириш, баҳолай олиш ҳақидаги ўзига хос қарашлари ифодаланган. *Бош* узвли фразеологизмларнинг умумий коннотацияси салбий характер касб этиши қисқача таҳлилларимиз асосида юзага чиқмоқда.

Биз кўриб чиққан мисолларда *бош* лексемаси моҳият эътиборига кўра, “қошдан юқори, соч ўсган қисми”ни ифодалаган. Тадқиқ қилинган дoston матнида мазкур лексема ўрнида “*калла*” лексемаси синоним сифатида қўлланганлиги кузатилди, уларни ҳам “*бош*” узвли фраземанинг қипчоқ шеvasидаги бир намуна сифатида баҳолаш лозим. Қўйидаги матнларда ўхшатиш, қиёслаш ва таққослаш каби халқона усуллар ҳам қўлланилганлигини кўраимиз: *Бешови йўлда гапирсак дейди тили кесилган, гапираман деса, гулдураб қолади, нима деганига одам*

тушунмайди; қулоғи кесилган, тили бурни соғ, калласи кадидай бўлиб, гапирмоққа дами чиқмай, кўзи бўзариб, имлаб қолди (388); Оти Рустам, ўзи нор калла кўчқор, // Мен шунинг ишиқиди бўлдим қаландар (438).

“Рустамхон” достонида *бош* лексемаси ибора таркибида бошқа бирликлар билан келганида хилма-хил семаларни ифодалашга хизмат қила олган. Масалан, куйидаги матнда “халок қилмоқ” семасини юзага чиқарган: *Бу сўз билан сенинг жонинг қолмайди, // Бошинг кесиб, энди дорга тортайин! (383); Ҳийла билан қилди менинг ишимни, // Золим айёр энди кесар бошимни (425); Қаландарсан, энди эшит нолишимни, Қилич уриб, мен кесарман бошингни (441)* каби.

“Кўз” узвли фраземалар. *Кўз* ҳам инсон танасининг фаол аъзоси, халқимиз орасида бирор-бир муносабат, ҳис-туйғуларнинг аниқ кўрсаткичи, муайян ифодаси сифатида тушунилади. *Кўз* тана ўзоларининг бири сифатида, айниқса, инсон сезги органларининг биринчиси ва алданишга мойили сифатида хилма-хил таъриф-тавсифларига сазовор. Хусусан, мумтоз адабиётимиз шеърлятида *кўз-ишиқнинг дастлабки манзили* сифатида талқин этилса, халқ оғзаки ижодида “*жалб этувчи таъсир воситаси*” сифатида фаол қўлланади. Масалан, *Ёш кўздан чиқмайди-юракдан чиқади* каби халқ мақоли бежизга айтилмаган ва яратилмаган. Аслида, юрак суюнса, кўздан севинч ёшлари, юрак куюнса, кўздан ғам-алам ёшлари чиқишини доно халқимиз азалдан билишган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” номли асарида “*Булнар мени улас кўз, қора менгиз, қизил юз*”, – деб ёзилган. Ушбу матндаги *Улас* лексемасининг *алдовчи, мастона* маъносини ифодалаб келишидан мутахассис олимлар хабардор. Халқ дostonлари ва эртаклари сюжетиди эпик қаҳрамонлардан бири – *париларнинг* назари тушиши билан муайян киши (одам)ни тошга айлантириб қўйиши ҳақидаги айрим ишоралар, кароматгўй мўъжизалар баёни қайд этилганлигидан зийрак китобхонлар ҳам хабардор. Айрим манбаларда, “*кўз*” узвли фраземалар қўлланилиши сони ва хилма-хил намуналарга эгаллиги билан

Ўзбек тили фразеологик бойлигида алоҳида ажралиб туриши, биргина, “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”да мазкур лексема асосида шакллантирилган 59 та фразеологизм қайд этилган (вариантларсиз)¹⁸¹. Ушбу рақамли кўрсаткичнинг ўз асослари бўлганлигини ҳисобга олиб, биз ҳам тадқиқ қилган манбаларга мурожаат қилдик.

Достонда кўз узвли фраземалар намуналари жуда кўп қўлланилган, улар англатган умумий семаларини қуйидагича ифодалашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик:

1. Кўз – бехосдан, тўсатдан кўриб қолиш:

Офтобой абжирлик билан олдиға чиқди. Рустам Офтобойға қарайман деб ичкариға кўзи тушиди (440-441). Ушбу матндаги *кўзи тушмоқ* ибораси “*бехосдан, тўсатдан кўриб қолиш*” семасини ифодалаган. Ваҳоланки, битта кўз-битта нигоҳни билдиради, лекин разм солиб қараб туришни ифодаламайди. Достон матндаги “*кўзига кўринмоқ*” фраземаси эпик қаҳрамоннинг бу борадаги фикрини янада ойдинлаштирган, муайян ҳукмни ифодалаган: *Кўзима кўринди ёлғиз фарзандим, // Бу кўзи-қўчқорим, менинг роҳатим (389); Рустам кетиб бораётир эди, кўп қўшин кўзига кўринди (377)* каби.

2. Кўз – эътиборсизлик билан қараш:

Рустам йигит шоголмас, // Йўлни кўзга илмади (377). Мазкур матндаги *кўзга илмаслик* эпик қаҳрамоннинг муайян ҳодиса-муҳитга, аниқроғи, йўлнинг яқин-узоқлигига эътиборсизлик билан қарашини, натижада, дастлабки тасаввур алдамчилигини ифодалаган.

3. Кўз – руҳий ҳолат:

Зулмда ёд олиб энанг йиғлади, // Кўзи тўрт бўп сендайин фарзандига (373). Ушбу матнда эпик қаҳрамонлардан бири, яъни болам, дея йиғлаган онаизорнинг фарзандини кутиш оқибатида орттирилган чуқур руҳий ҳолатининг бир эпизодини ишонарли тасвирлаш учун бахши “*кўзи тўрт бўлмоқ*” иборасини ўринли ва мақсадли қўллай олган. Ибора таркибидаги

¹⁸¹ Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма, Т., “Наврўз” нашриёти: 2019, – 74 б.

тўрт рақами бахши томонидан бежизга келтирилмаган. Ижодкор халқимизнинг тасаввурича, бу рақамнинг халқона асослари мавжуд: яъни дунёнинг тўрт томони, тўрт фаришта, тўрт китоб ёки чор китоб, чор ёр ёки тўрт ёр, тўрт муча, тўрт фасл каби тўртликлар мавжуд.¹⁸² *Кўзи тўрт бўлмоқ* фраземасида “*интизорлик*”, “*интиқлик*” семалари мавжуд бўлиб, боласини кутаётган онаизорнинг чексиз руҳий ҳолатини ифодалаш учун фақатгина икки кўзнинг ўзи ҳам камлик қилиши, бошқа тана аъзоларининг ҳам *кўзга* айланганлигини алоҳида таъкидлаш учун *кўз* фраземаси бахши томонидан “*иккилантирилади*”. Айни лисоний ҳолат дoston куйловчисининг юксак маҳоратга эга эканлигини далилловчи биргина детал, холос.

4. *Кўз* – кўриш қобилиятини йўқотиш:

Мени, кўзи қўрқсин деган экан. Энди мени ечиб қўяр, –деб турди. Кампир бир қисим тупроқни олиб, дам солиб, Рустамнинг кўзига отди. Рустамнинг кўзи ҳеч ерни кўрмай чиппа битди. Девга айтди: “Кўзи йўқнинг юзи йўқ”, деган, энди қўрқмай уравер (426). Матндаги *кўзи йўқ* ибораси “*майиб*”, “*мажруҳ*”, “*ногирон*” семаларига эга. Бунда *кўз* – нигоҳни ифодаланлиги боис, муайян фаолиятга эга эмасликни билдиради, эпик қаҳрамоннинг ногиронлигини, аниқроғи, кўриш қобилиятини йўқотиши, кўрмайдиган бўлиб қолиш ҳолати баён этилган.

“Қулоқ” узвли фраземалар. “Одам ҳамда умуртқали ҳайвонларнинг эшитиш ҳамда мувозанат аъзоси ва унинг ташқи қисми”ни¹⁸³ ифодаловчи бу лексема ҳам инсон тана аъзоларининг номи саналади. “Рустамхон” матнидаги “*қулоқ*” узвли ибораларда эпик қаҳрамон қулоғининг эшитиш вазифаси, унинг муайян мурожаати ўз ифодасини топган: *Амалдорлар қулоқ солгин додима, // Мен куйиб ёнаман ўз ўтима (351); Қулоқ солиб яхши тингла арзимди, // Қанча бўлса дунё бермоқ лозимдир (358).* Ушбу матнлардаги “*қулоқ солмоқ*” фраземаси “*эшитмоқ*”, “*амал қилмоқ*” семаларини ифодалаган.

¹⁸² Ашуров Д.А. “Алпомиш” достонининг лингвокультурологик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Наманган, 2021. – 95 б.

¹⁸³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). – Тошкент: ЎзбМЭ, Т.5. – 2008. – 371 б.

Битта кўргон танҳо тегса бизларга, // Қулоқ солинг эр Тоғайнинг сўзларига (412); Қулоқ солинг эр Тоғайнинг сўзига, // Ўз кўнглида: “Аждаҳарга йўлиқиб”, // Учраб қайтай бу подшоҳнинг қизига (413). Ушбу матнларда *қулоқ солмоқ* фраземалари “тингламоқ”, эпик қаҳрамон (Тоғай)нинг фикрига амал қилиб “*иш тутмоқ*” семасини ифодалаган.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаш лозимки, дoston матнида “*қулоқ солмоқ*” узвли фраземалар бошқа намуна ва вариантларга, масалан, *қулоқ тутмоқ, қулогига етмоқ, қулогидан ошмоқ, қулогига кирмоқ, қулогини кесмоқ, қулоги соғаймоқ, қулоги битмоқ, қулогини бурамоқ, қулогига тегмоқ* кабиларга нисбатан анчайин фаол қўлланилганлиги кузатилди. Дostonдан олинган матнларнинг таҳлилий натижалари шуни кўрсатдики, “*қулоқ солмоқ*” узвли иборалар қуйидаги коннотатив маъноларни ифодалашга хизмат қилган: а) эшитиб эътиборини қаратмоқ; қулоқ тутмоқ; б) қулоқ тутиб эшитмоқ; тингламоқ; в) диққат билан тингламоқ ва уни ҳисобга олмоқ, унга амал қилмоқ.

Булардан ташқари, дoston матнида “*қулоқ эшитмаган*” (ҳеч ким эшитмаган, ҳеч кимга маълум бўлмаган); “*қулоқ қоқмай*” (ҳеч қандай эътирозсиз, гап-сўз қилмай); “*қулоққа олмоқ*” (эшитиб унга эътибор қаратмоқ, амал қилмоқ); “*қулоги битмоқ*” (эшитмайдиган бўлиб қолмоқ, асосан, вақтинча эшитмай қолмоқ); “*қулоги йўқ*” (гап уқмайдиган қулоқсиз); “*қулогига айтмоқ*” (ҳеч кимга эшиттирмай, фақат ўзига айтмоқ); “*қулогига етмоқ*” (эшитмоқ, эшитилмоқ); “*қулогига қуймоқ*” (эсидан чиқмайдиган қилиб тушунтирмоқ, уқтирмоқ); “*қулогим сенда*” (гапиравер, эшитаман) каби лисоний намуналар ҳам қўлланганки, улар ҳам хилма-хил маъноларни ифодалашга хизмат қилган.

Дostonдаги “*қулоқ*” узвли ибораларни ўрганиш давомида бир лисоний ҳодисанинг қўлланишидаги ўзгаришига дуч келдик: халқ бахшисининг дostonни куйлаш-пайтида айрим ибораларни маъносига путур етказмаган ҳолда бироз ўзгартириб қўллаганлиги кузатилди. Масалан, *Жон ширин, Хуройим йўқ эди, тиг тегмаса* ҳам, *ўлим*

ҳалокатиға келиб эди, ҳеч нима қулоғига кирмай қолган эди (387). Матнда халқ орасида машҳур ва фаол қўлланиладиган *қулоғига гап кирмай қолган* иборасини бахши томонидан ижро вазиятидан келиб чиққан ҳолда *ҳеч нима қулоғига кирмай қолган* каби ўзгартириш орқали фразеологик вариантни яратган. *Ҳеч нима* лисоний бирлиги бирор гап, товуш лексемалари ўрнида қўлланган. Энг муҳими, доно халқ тасавурида гап (товуш) ҳам моддийлик – қулоққа кириши мумкин бўлган предмет каби метафорик ва метонимик кўчим асосида тушунилади.

“Оғиз” узвли иборалар. “Икки жағ ўртасидаги, овқатланиш, сўзлаш ёки овоз чиқариш учун хизмат қиладиган бўшлиқ”ни ифодаловчи “оғиз” ҳам инсон танаси аъзоларининг энг фаол турларидандир. “Рустамхон” достони матнида “оғиз” узвли фразеологик birlikларнинг “*оғзи анграймоқ*”, “*оғзидан чиқмоқ*”, “*оғзинга олма*”, “*оғзи борганча*”, “*оғзига томизмоқ*” тарзида қўлланилганлиги кузатилди: *Аждаҳар деб сира оғзинга олма, // Қайта бер, ажали етган баччагар (414).* Мазкур матнда биз одатда, кундалик сўзлашув нутқида фаол қўллайдиган “*тилингга олма*” иборасининг бошқа хил варианты қўлланганлигини кўрамиз, унда “гапирмоқ”, “умуман гапирмаслик”, “эслатмоқ” маъноларини ифодалайди.

Достонда “оғиз” лексемаси ибора таркибида бошқа birlikлар билан келганида қуйидаги маъноларни ифодалаганлиги кузатилди:

1. “*оғзи анграймоқ*” –хайрон, ханг-манг бўлмоқ: *Султонхон отнинг бошини бурип, оғзи анграйиб, бурни танграйиб, Рустамнинг кетидан қараб турди (380);*

2. “*оғзига урмоқ*” – сўзлаш учун йўл қўймаслик, сўзлатмай қўймоқ: *Мен ҳаяллаб кетсам, подшоҳ сал катта одамлар билан ўтириб аждаҳарга кетган одамдан ҳеч хабар бўлмади”, деб оғзига урса гапиргич одам йўқ бўлиб қолади (413);*

3. “*оғзи борганча гапирмоқ*” – хоҳлаганча, кўнглига келгунча гапирмоқ: *У катта одамлар билан ошиб-тошиб, дунёнинг камчилигини кўрмаган, оғзи борганича гапириб ўтиб кетаётган одамлар (408);*

4. “*оғзига томизмоқ*” – бирор суюқлик, ичимликни ичказиб турмоқ: *Тўлдириб ичига новвотни солди, // Кўп фурсат оғзига томизиб турди (433).*

Достон матнида “*бир-икки оғиз сўз*” (ёки гап) озгина гап, қисқа гап маъносини ифодаловчи лисоний бирликлар жуда фаол қўлланган. Булардан ташқари, достон матнида фаол қўлланган “*оғиз очмоқ*” узвли фраземаси: а) гапирмоқ, сўзлай бошламоқ; б) шом пайтида бирор нарса (егулик) истеъмол қилмоқ; шунингдек, “*оғзига қарамоқ*”, “*оғзига тикилмоқ*” фраземалари:

а) шеригининг сўзини диққат билан тингламоқ; бировдан бирор гап кутмоқ; б) бировнинг бирор нарса дейишини пойламоқ; в) бировнинг гапига қараб иш тутмоқ каби коннотатив маъноларини ифодалаганлиги аниқланди.

“*Рустамхон*” достони матнида яна бир қатор фраземалар, жумладан, “*оғзи қулоғида*” (жуда хурсанд бўлмоқ); “*оғзига тегди*” (ейиш, ичишга муяссар бўлмоқ; еди, ичди, етишди); “*оғзига қаратмоқ*” (гапириб бошқаларнинг диққатини ўзига жалб этмоқ); “*оғзига ёғ*” (бирор яхши хабар келтирган кишига миннатдорчилик билдирмоқ); “*оғзингдан чиқарма*” (ҳеч кимга айтмаслик); “*оғзидан суви қочмоқ*” (бирор нарсани кўриб, ҳаваси келмоқ, кўнгли сус кетмоқ); “*оғзининг таноби қочмоқ*” (жуда хурсанд бўлмоқ, суюниб кетмоқ, илжаймоқ); “*оғиз бирлик*” (аҳиллик, иноқлик); “*оғиз жуфтламоқ*” (гапириш учун тайёрланмоқ, ҳаракат қилмоқ); “*оғзига тушмоқ*” (гап бўлмоқ, танилмоқ) “*оғизда*” (фақат тил учида, шунчаки; оғзаки); “*эллик оғиз гап*” (кўп гап, эзмалик) каби қатор лисоний бирликлар ҳам эпик қаҳрамонлар нутқида баъзи ҳолларда қўлланган. Булардан ташқари, бир авлоддан иккинчи авлодга оғзаки равишда етиб келмоқ, одамлар орасида тарқаб кетмоқ, гап бўлмоқ маъноларини ўзида ифодалашда хизмат қиладиган “*оғиздан оғизга ўтмоқ*” лисоний бирлиги ҳам фаол қўлланган.

Кўрамизки, таҳлил учун достондан келтирилган мисоллар асосида

айтилган қисқача мулоҳазаларнинг ҳаммаси “оғиз” узвли фраземаларнинг хилма-хил вариантлари ва версиялари оғзаки нутқда, хусусан, “Рустамхон” достони матнида фаол қўлланганлигини тасдиқлай олади.

“Бурун” узвли фраземалар. “Ҳидлаш, ҳид билиш аъзоси; шу аъзонинг ташқи қисми” бўлган бурун ҳам инсон танаси аъзоси саналади. Достонда *бурун* билан боғлиқ фраземалар жуда кам миқдорда учрайди: *Тирик ушлаб олган бешовининг бир нечасининг қулогини кесди, бир нечасининг бурнини кесди, бирининг тилини кесди (388); Бешови йўлда гапирсак дейди тили кесилган, гапираман деса, гулдураб қолади, нима деганини одам тушунмайди, гапирмоқ қадами чиқмай, кўзи бўзариб, имлаб қолади; бурни кесилган гапирайин деса, бу ҳам бўлмайдиган, минқаланиб, бунинг ҳам гапига одам тушунмайдиган (388)*. Мазкур матнлардаги “*бурни кесилмоқ*” ибораси “жабрланган”, “ногирон” семаларини ифодалаган. Ижодкор халқ орасида бу иборанинг пайдо бўлишида инсон танасининг энг нозик ва муҳим вазифани бажарадиган аъзоси – *бурун* эталон қилиб олинган.

“Рустамхон” достони матнидаги эпик қаҳрамонлар нутқида “*бурнидан чиқмоқ*” (татимади, зое бўлди), “*бурни кўтарилмоқ*” (мағрурланиб, кеккайиб кетмоқ); “*бурун суқмоқ*” (ўзига алоқаси бўлмаган ишларга аралашмоқ); “*бурнидан тортса йиқилгудек*” (ҳолдан тойган) каби лисоний бирликлар ҳам қўлланилганлиги кузатилди. Булардан ташқари, достонда *бурун* – инсон ташқи аъзоси сифатида эмас, унинг омонимик шакли ҳисобланган *бурун* (илгари, илгариги, ўтган вақтларда, ўтган замонларда олдин, илгари, муқаддам) ҳам фаол қўлланганки, бу тилдаги лисоний бирликларнинг ҳаммаси биз кўриб чиққан *бурун* (инсоннинг тана аъзоси) лексикасига мутлоқо алоқадор эмас.

“Тил” узвли фраземалар. Тил-анатомик жиҳатдан оғиз бўшлиғида жойлашган, таъм-маза билиш, оғизга овқат солиш, ялаш ва

ш.к.лар учун хизмат қиладиган мускулли аъзо¹⁸⁴. Инсон танаси аъзоларидан энг фаоли *тил* бўлиб, у билан боғлиқ фразеологик бирликлар инсоннинг нутқий фаолиятидаги муайян хатти-ҳаракатларни ифодалашга хизмат қилади. Қолаверса, мазкур лисоний бирлик ижодкор халқимизнинг дostonларида миллий қадриятларини ҳам ифодалаб беради. Биргина мисол келтирамиз: *Тилга энгандан мадрасадан бир мулла олиб келди, мулла билан Рустамхонни таги заминга солиб, ўқитиб ёта берди (356)*. Мазкур матндаги “*тилга энгандан*” лисоний бирлигида вақтга оид код вазифасини бажариб, инсоннинг нутқий салоҳиятига эга бўлиш, тили чиқиш нутқ фаолиятининг бошланиш вақтини ифодалашни кузатилмоқда.

“*Тил билганни – эл билади*” мақоли халқимиз орасида қадрият унсури саналади. Тил билмаган хароб бўлади, деган халқнинг ҳаётий хулосаси “Рустамхон” дostonидаги эпик қаҳрамонлар нутқида ҳам ўзига хос тарзда ифодаланганлигини кузатамиз: *Даладан келганни ҳайрон қиласан, // Тил билмаган баринг қандай балосан (402)*. Ушбу матнда “жуда ёмон”, “кутилмаганда” семалар кўзга ташланган, фраземада “салбий”, “инсонга хос” семалари ҳам сезилиб турибди.

Дoston матнида қўлланилган “*тилингни тортиб сўйламоқ*” иборасида эпик қаҳрамонлар нутқида бироз андиша, эҳтиёткорлик, мулоҳаза талаб қилишлик лозимлиги таъкидланган: *Сен тилингни тортиб сўйла, бобожон, Дарвозада қолар сенинг жасадинг! (403)*. Дostonда эпик қаҳрамонларнинг муайян мулоқотида бирор гап, кимса ёки нарса ҳақида гапирмоқ, умуман, бирор бир сўзни айтмоқ ифодаларини ўзида мужассамлаштирган баъзи лисоний бирликлар ҳам қўлланган: *Эшит, момо, ойимларнинг тилини, // вайрон қилсанг бунда Оқтош элини (357)*.

Дostonда эпик қаҳрамонларнинг тили келишмаслик (гунг ҳолатда), яъни талаффуз қила олмаслик, бирор гапни айта олмаслик каби нутқий фаолиятдан маҳрум бўлган жисмоний камчиликни ифодаловчи баъзи матнлар мавжуд: Рустам айтди: “*Кўлида таёғи бор, ҳам дарвозада*

¹⁸⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Тошкент: ЎзбМЭ, Т.4. – 2008. – 91 б.

турибди. *Ҳеч маҳалда қўрбоши гундан қилмайди. Шундан сўраб кўрайин, албатта, тили бордир*”, – деб *Рустам қўрбошига қараб бу саволларни сўраб турган экан* (402).

Достондаги баъзи матнларда эпик қаҳрамонлар танаси аъзоларидан тилига эмас, балки уларнинг энг яқин шериклари бўлмиш тозилари (уй ҳайвонлари) тилига тушунмаслик, охир-оқибатда, уларга муайян маънода ижобий баҳо берувчи матнлар ҳам учрайди: *Гапирмоққа тили йўқдир, тозилар // Рустамнинг бошида айланиб турар* (428); *Тозиларнинг кўзида ёши сел бўлар, // сўйламоққа тили йўқдир жонивор* (429). Ушбу мисолларда “гапира олмаслик” семаси устунлик қилади.

Хуллас, “Рустамхон” достони матнида қўлланилган “тил” узвли иборалар маъноларининг функционал хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари уларни қуйидагича гуруҳлаштиришга имкон берди:

а) Достон сюжетида дахлдор эпик қаҳрамонлар ўртасида ўзаро фикр алмашишнинг муҳим воситаси эканлиги; б) эпик қаҳрамонларнинг сўзлаш, гапириш, фикрини билдириш қобилиятини ифодалаш; в) фикр ифодалаш жараёни ва бу жараёнда юзага келувчи сўз, ибора, гап, нутқнинг ифодаси;

г) фикр алмашиш, алоқа қуроли бўлиб хизмат қиладиган товуш, сўз ва грамматик воситалар тузиш; д) кўчма маъно, инсоннинг бошқа нарсаларнинг ўзаро бир-бирини тушунишга хизмат қиладиган, аниқроғи, белгисиз ифода воситаси эканлигидир.

“Бўйин” узвли фраземалар. “Одам ва умуртқали ҳайвонлар гавдасининг бош билан танани бириктирувчи қисми”¹⁸⁵ бўлган *бўйин* лексемаси “Рустамхон” матнида кам қўлланилган: *Бир гап билан бойлаб бердим қўлимни, Бойлоглиман, бўйнимга олдим ўлимни* (428). Ушбу матнда “*бўйнига олмоқ*” фраземаси “рози бўлмоқ”, “кўнмоқ”, “кўникмоқ” маъноларини билдиради, унда “розилик” семаси ўз ифодаси

¹⁸⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – 401 б.

топган. “Анатомик жиҳатдан қўлнинг елка билан туташган еридан ҳосил бўлган бурчак, қўлости қисми”¹⁸⁶ бўлган *қўлтиқ* ҳам инсон танасида муҳим вазифани бажаради. “*Қўлтиқ*” узвли иборалар ҳам “*Рустамхон*” достони матнида жуда кам учради: *Бу сўзларни эшитиб, энаси билан кўришиб, сўрашиб, танишиб, энасининг аҳволини кўриб, ўзининг аҳволларини гапириб, Офтобойим билан энасини таништириб, Рустам билан Офтобой Хуройимнинг қўлтиғига кириб, суяб аста-аста далага олиб чиқди (434).* Ушбу матнда “*қўлтиғига кирмоқ*” фраземаси катнашган бўлиб, унда “*қўллаб-қувватламоқ*”, “*ёрдам бермоқ*” семаси ўз ифодасини топган.

“Қовоқ (қовоғ)” узвли фраземалар. Инсон танасининг кўз қосасини қопловчи, очилиб-ёпилиб турадиган тери қисмини ифодаловчи “*қовоқ (қовоғ)*” лексемаси ҳам дostonдаги матнда кам учраган. Хусусан, “*қовоғини уймоқ*”, “*қовоғи шишмоқ*” каби намуналар шулар жумласидандир: *Мулла сўйлаб, қовоғини уяди, // Қачон сарпосини берса кияди (372); Бир куни энаси айтди: – Болам, сен овда, тоғ-тошда кўп юрасан, яқин орада, келгудай жой кўринадими, бориб келсанг, усти бошимиз кир бўлиб кетибди, сатта тузсиз овқат еб, қовоқларимиз ҳам шишибди; Туз билан совун олиб келсанг (395).* Мазкур матндаги “*қовоқ солмоқ*” ва “*қовоғи шишмоқ*” фраземаларида эпик қаҳрамонларнинг норозилиги, хафалик ифодалаб хўмрайиши, авзойи бузуқлиги билан дахлдорлик ҳолати ўз ифодасини топган.

Юқорида таъкидланганлардан ташқари, “*Рустамхон*” достони матнида *тизза, қорин, бел, қўл, оёқ* каби инсон танаси аъзолари муайян даражада қўлланган. “*Оёқнинг букиладиган, болдир билан сон кўшиладиган жойи*”¹⁸⁷ бўлган *тизза* лексемаси билан боғлиқ фразема дostonда кам учрайди: *Кўргандан кўзини ёшлаб, гўрнинг ўзига ташлаб, Рустамга қараб, бошини тиззасига олиб, Рустамни ҳолини сўраб турибди (430).* Ушбу матндаги “*тиззага олмоқ*” иборасида “*чўккаламоқ*”, “*чўкка тушмоқ*” семаси мавжуд.

¹⁸⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – 401 б.

¹⁸⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ). (Беш томлик). –Т.:4. Тошкент: ЎзбМЭ, 2008. – 84 б.

Достонда *тизза, бел, қорин, биқин* каби инсон танаси аъзоларига нисбатан “*бел*” узвли иборалар анчайин фаол қўлланган. Улардан айрим намуналарнинг қўлланилиш ҳолатини кузатдик:

1. “*бел оғримас*” (жон койитмай, ишламасдан муайян бойликка эга бўлишлик): *Шосупанинг пастига эшакларни қўйиб, шосупанинг устида қопларнинг оғзини очиб, бели оғримай топган пул танга-тиллони қопга сенди (360).*

2. “*бел бойламоқ*” (бирор ишга астойдил киришмоқ, жазм қилмоқ): *Аждаҳар қасдига белимни бойлаб, // Шоҳим, берсанг от-асбобингни жойлаб (410); Мен отланиб қилдим бу кунни хизмат, // Орт-сиртимдан кўп гап бўлди маломат, // Ўлимга бел бойлаб мендай валломат (417).*

3. “*белини бугмоқ, бойламоқ*” (сафарга отланиш, тадоригини кўриш, янги кийимларни киймоқ): *Химча ойим: Султонхон келадиган кўчадаги дарвозани қулфлаб, маҳкам қилиб, калитини ёнига солиб, эркак либосини кийиб, белини бугиб, қундуз суяган телпакларни кийди (371). Бойлади белига курмали пўта, // Шундай қиб кийинтип бу валламатни (411).*

Кўрамизки, “*Рустамхон*” достони матнида қўлланилган “*бел*” узвли фраземаларда эпик қаҳрамонлар танасига дахлдор икки жиҳат: а) орқа суякнинг (умуртқа поғонаси) пастки қисми; б) гавданинг кўкрак қафаси билан бўкса ўртасидаги энг хипча қисми ҳисобланган *биқин* асосий объект сифатида тилга олинган ва муайян даражада тавсифланган.

“*Рустамхон*” достони матнида инсон танаси аъзоларидан ташқари, яна уларнинг, яъни эпик қаҳрамонлар руҳияти ва феъл-атворини табиий, халқона тарзда изоҳлашда, бадииятдаги образлиликни юзага чиқаришда ибораларнинг ўрни жуда катта. “*Рустамхон*” достони матнида қўлланган ибораларнинг кўчма маънога асосланиши, образлилиги унинг эпик тасвир имкониятларини кенгайтирилганлигини ҳисобга олсак, достон тилидаги ибора муайян бадиий тасвир воситаси сифатида муайян даражада хизмат қила олган. Достон тилидаги ибораларни мавзуй

жихатидан икки гуруҳга ажратиб ўрганиш масадга мувофиқ.

1.Рухий ҳолатни ифодаловчи иборалар. Ўз қатламга мансуб инсон танасига дахлдор бўлган *кўнгил (шевада кўнгли)* лексемасининг маъно хусусиятлари хилма-хил эканлиги тилшунослиқда аниқланган. Хусусан, ҳозирги адабий тилимизда бу лексеманинг “Кишиларнинг ҳис-туйғуси ва кечинмалари манбаи; “юрак, қалб, дил” (ЎТИЛ, 2, 457); қадимги туркий луғатида 1. “юрак, қалб”; 2. “хоҳиш”; 3. “ҳис”; 4. “тафаккур”; (ДТС, 351), шунингдек, Алишер Навоий асарларида “қалб, дил, кўнгил” (АНАТИЛ, II, 151) маъноларида фаол қўлланишда бўлган. Биз ўрганган дoston лексикасида *кўнгил (кўнгли)* лексемаси бир қанча сўзлар билан алоқага киришиб, руҳий ҳолатнинг турли хил кўринишларини ифодаловчи ибораларни ҳосил қилганлигини кузатдик

2.Муайян хатти-ҳаракат жараёни билан боғлиқ иборалар. Бундай иборалар дoston матнида оз миқдорни ташкил этади. *Қўлга тушмоқ* ибораси икки маънода ишлатилгани кузатилди:

а) “Муайян айби, қилган иши *ошкор* бўлиб тутилмоқ” маъносида: *Қўлга тушган катта девни // Силтаб ҳавога отди(146); Қирган билан адо бўлмайди // Қўлга тушиб бораётир (150);*

б) “Муайян айб қилишдан ёки фириб ейишдан огоҳлантириш” маъносида: *Албатта, хабардор бўлгин, Шозаргар // Қўлга тушса, Аваз ўғлон ўлади (163); Ўзингга бохабар бўлгин, Шозаргар // Қўлга тушсанг, ўлдиради бу девлар (164); Қўл солиб – “Муайян ҳаракатни бажарувчи аъзо (восита) сифатида”: Қўл солиб ўйнасанг қордай тўшима // Борайинми, тўрам, сенинг қошингга? (48); Кўзи тушмоқ – “Кўрмоқ, кўриб қолмоқ ёки кўриб қолишдан чўчимоқ” маъносида: Агар кўзи тушса подшоҳ отамнинг // Қандай бўлса бир хўшлашиб кетармиз (122); Бунга қора кўрсатмаклик не даркор // Кўзи тушса тайин бизни ўлдирар (193) каби.*

3.2§. Паремиологик бирликлар ва уларнинг стилистик

имкониятлари

Мақол, матал ва афоризм каби ҳикматли иборалар тизими жаҳон тилшунослигида паремиологик бирликлар (бундан кейин: ПБ) сифатида қаралади, улар инсон тафаккурининг энг сара дурдоналари саналади. ПБ тизимидаги бундай бирликлар “қоинот қонуниятларини кузатиш, турмуш тажрибаларига суяниш асосида чиқарилган хулосаларни ифодаловчи, халқнинг жамиятга муносабати, руҳий ҳолати, этик-эстетик туйғулари, ижобий фазилатларини мужассамлаштирган, авлоддан-авлодга оғзаки формада кўчиб юривчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмундор мантикий умумлашма сифатида пайдо бўлган...”¹⁸⁸.

Жаҳон тилшунослигида кўпгина олимлар фразеологизмнинг объектини икки хил (тор ва кенг) маънода талқин қилишган. Тор маънода талқин қилувчиларнинг фикрича, фразеологизмлар таркибига фақат иборалар қиради дейишса, иккинчи гуруҳдагилар эса иборадан ташқари яна мақол, матал, ҳикматли сўз, афоризмлар, метафорик ифода сингари барқарор сўз бирикмаларини киритишни таклиф этадилар. Энг сўнгги йилларда амалга оширилган тадқиқотларда фразеологик ва паремиологик бирликларнинг хилма-хил аспектлари, структур жиҳатлари, лингвомаданий хусусиятлари ўрганилганлигидан соҳа олимлари хабардор. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, хориж тилшунослигидаги амалга оширилган илмий тадқиқотларда мақол ва фразеологизмларнинг қуйидаги йўналишлари асосли ва пухта ўрганилган:

а) мақол ва ибораларнинг структур-семантик, бадиий-эстетик хусусиятлари; б) мақол ва ибораларнинг байналмилал ва миллий хусусиятларнинг қиёсий таҳлили; в) мақол ва ибораларга хос ментал хусусиятлар; г) мақолларнинг когнитив хусусиятлари шулар жумласидандир.

¹⁸⁸ Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – Б. 5.

Булардан ташқари яна хориж тилшунослигида биргина мақолнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқотларни шартли равишда қуйидаги тартибда тасниф этиш мумкин:

а) мақолларнинг диахрон ва синхрон ҳолати ҳамда уларнинг нутқдаги кўринишларини ўрганишга бағишланган ишлар; б) мақолларни лингвомаданий ва психологик аспектда ўрганишга бағишланган ишлар; в) хилма-хил тиллар фондидаги мақолларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганишга бағишланган ишлар; г) мақолларни педагогик, дидактик, методик ёки филологик мақсадларда ўрганишга бағишланган ишлар.

Таъкидланган мулоҳазаларни айнан ўзбек тилшунослиги аспекти мисолида қараладиган бўлса, реал ва ҳақиқий аҳвол қониқарли эмас. Очиги, яқин вақтгача ўзбек тилшунослигида мақолларнинг лисоний мавқеи, шаклланиш манбалари, пайдо бўлишининг интралингвистик ва экстралингвистик омиллари алоҳида-алоҳида махсус тадқиқот сифатида ўрганилмай келинди. Шунинг учун ҳам мақол ва унга ёндош ҳодисалар орасидаги умумий ҳамда хусусий жиҳатларини атрофлича очиб бериш, шу йўсинда мақолларнинг лисоний мавқеини белгилаш, ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг илмий асосларини белгилаб бериш каби вазифалар тилшунослигимизнинг энг долзарб муаммоларига айланди. Ушбу назарий муаммоларга истеъдодли тилшунос, профессор Б.Жўраева биринчилардан бўлиб қўл урди. Олиманинг докторлик диссертацияси ва эълон қилган монографиясида¹⁸⁹ мақолларнинг лисоний мавқеи ҳамда шаклланишининг интралингвистик (лисоний бирликлар, фольклор жанрлари, диний манбалар) ва экстралингвистик (ҳайвон номлари, касб-ҳунар номлари, диний тушунчалар, уй-рўзғор тушунчалари, вақт номлари, ўсимлик номлари, ўзбек халқи турмуши воқелиги, табиат ҳодисалари) асослари, шунингдек, ҳайвон номлари иштирок этган ўзбек халқ мақолларининг

¹⁸⁹ Жўраева Б.М. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари. Филология фанлари доктори (DSc) дис. автореферати– Самарқанд-2019. – 73 б.; Мақолларнинг ёндош ҳодисаларга муносабати ва маъновий хусусиятлари. Монография. – Тошкент: Фан., 2007. – 66 б.; Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари. Монография. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 224 б.

ижтимоий шартланган маънолари ҳақида фикр юритилган.

Энг муҳими, мақолларнинг ёндош ҳодисаларга муносабати ва лисоний мавқеи масалалари билан боғлиқ мазкур олиманинг илмий-назарий мулоҳазалари, хусусан, мақолнинг идиомага муносабати, мақол ва ибора, мақол ва матал орасидаги муносабатлар, мақол-матал типидagi паремалар таҳлиллари бизнинг тадқиқотимиздаги ушбу фасл учун назарий асос бўлади, деб ҳисобладик. Бунинг учун Б.Жўраеванинг илгари сурган учта илмий хулосаларига суянамиз. Улар: а) улар ўз маъносида қўлланувчи бўлак (матал) умумий кўчма маъно ифодаловчи қисм (мақол)нинг мазмунини реаллаштиради, аниқлаштиради, ундаги мазмунни тезроқ ва аниқроқ илғаб олишга кўмаклашади; б) грамматик жиҳатдан тугалланган фикрни билдирувчи, ўткир мазмунли, кўчма маънода ишлатилувчи қисқа, ихчам халқ ҳикматлари мақоллар; фақат ўз маъносида – тўғри маънода қўлланувчи қисқа, ихчам халқ ҳикматлари маталлар; бир қисми ўз маъносида, иккинчи қисми кўчма маънода қўлланилувчи қисқа, ихчам халқ ҳикматлари мақол-матал типидagi паремалар ҳисобланади; в) мақол, матал, мақол-матал типидagi паремаларни афоризмлар билан бирга “ҳикматлар” ёки “паремалар” номи остида бирлаштириб ўрганиш ўзини оқлайди¹⁹⁰.

ПБлар жаҳон халқларида ўрганилганидек, ўзбек филологиясида муайян даражада тўпланиб, махсус луғатлар шаклида нашр қилинган¹⁹¹.

Уларнинг лисоний хусусиятлари илмий жиҳатдан таҳлил этилган¹⁹², айрим луғатларда уч гуруҳ (мақол, матал, афоризм)га бўлиниб

¹⁹⁰ Жўраева Б.М. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари. Монография. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 42 б.

¹⁹¹ Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 288 б; Абдурахимов М. Фольклорная афористика и словарь. Т.:Фан.1989. – 96 с.; Ўзбекча-русча афоризмлар луғати. – Т.1976; Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Нега шундай деймиз (ўзбек мақолларининг изоҳли луғати). – Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти., 1987. – 352 б.; Ҳикматнома (ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати). – ЎМЭ, Т.:1990. – 235 б.

¹⁹² Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц. АКД. – Т., 1964; Мақоллардаги боғловчисиз кўшма гаплар структурасининг баъзи хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. Т. 1962, №6. – 32-38 б; Мақоллардаги боғловчисиз кўшма гапларда айрим гап бўлаklarининг такрорланиши. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1962, №3. – 28-31 б; Ўринбоев Б. Ўзбек халқ мақолларида трансформациялаш // Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Самарқанд, 2001, 38-42 б.; Холиқов А. “Гўрўғлининг туғилиши” достонида мақолларнинг ўрни. Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2002. – №4. – 76-77-б; Бакиров П. Ўзбек тилида

шарҳланган¹⁹³. Фольклор матнларида бундай тил бирликларининг жуда кўплаб намуналари учрайди, тадқиқотчилар томонидан улар муайян тарзда мақол-матал-афоризмлар тизимида ўрганилди¹⁹⁴. “Ўзбек тилининг паремиологик луғати” (бундан кейин: ЎТПЛ)да мақол-матал типигаги паремалар тузилишига ва семантик хусусиятига кўра тасниф этилган ва “Паремалар бадиий тасвирлаш воситаларига классификация қилинса ҳам бўлади, яъни қофиясига, эвфоник воситаларига кўра, ўхшатишни (метафора), таққослашни (антитеза), параллелизм, анафора, киноя, пичинг, кесатикни ифодалашига кўра ҳам турларга ажратиш мумкин”¹⁹⁵, –деган мулоҳаза ҳам берилган.

А.Ҳолиқовнинг диссертациясида¹⁹⁶ “Тўрўғлининг туғилиши” достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари ўрганилган бўлиб, унда дoston тилидаги барқарор бирикмаларнинг мавзуй гуруҳлари алоҳида тадқиқ этилган. Муаллиф мазкур дostonда ўз ифодасини топган ибораларни ҳам гуруҳлар (умумтил иборалари ва лаҳжавий, яъни диалектал иборалар)га бўлиб тадқиқ қилган. Булардан ташқари, А.Ҳолиқов “Тўрўғлининг туғилиши” дostonида учраган мақолларни уч гуруҳга: 1) адабий тилда, шунингдек, ўзбек халқ шеваларининг аксариятида ишлатиладиган мақоллар; 2) мақолларнинг дoston тилидаги вариантлари ва уларнинг маъновий хусусиятлари; 3) дostonнинг ўзидагина учрайдиган, оғзаки нутққа хос мақоллар тарзида тасниф қилади¹⁹⁷.

икки бўлакки содда гап шаклидаги номинацентрик мақоллар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. - №4. – Б.78; Жўраева Б. Мақол-матал типигаги паремалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2005. – №5. – Б.88; Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари. Филология фанлари доктори (DSc) дис. автореферати– Самарқанд. –2019. – 73-б.; Мақолларнинг ёндош ҳодисаларга муносабати ва маънавий хусусиятлари. Монография. – Тошкент: Фан., 2007. – 66 б.; Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари. Монография. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 224 б.

¹⁹³ Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 11-12-б.

¹⁹⁴ Абдурахмонов Х. Мақол ва маталларда такрор компонентларнинг қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1974. - №3. - Б. 60-63; Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок. АКД. Ташкент, 1985; Соатов Б. Мақолларнинг матал ва топишмоқларга муносабати. // Ўзбек тили ва адабиёти – 1987. – №5. – 37-40 б.; Паремиологик жанрларнинг ўзаро муносабатлари масаласига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 1998, №3. – 36-38 б.; Жўраева Б. Мақол-матал типигаги паремалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2005. –№5. – 88-89-б.; Тошпўлатов З.Д. Афоризмларнинг жанр хусусиятлари ва бадиияти. НДА – Т., 2006. – 22 б.

¹⁹⁵ Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984. –15-19 б.

¹⁹⁶ Холиқов А.А. “Тўрўғлининг туғилиши” дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди...дис. автореф. – Т. 2009. – Б. 24.

¹⁹⁷ Халиков А.А. “Тўрўғлининг туғилиши” дostonида мақолларнинг ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2002. – №4. – 76-77-б.

Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тили масалаларини махсус ўрганган олима Г.Жуманазарованинг тадқиқотларида¹⁹⁸ паремиологик бирликлар ва уларнинг лингвопоэтик имкониятларига алоҳида ўрин ажратилган. Олима анъанавий дostonлардаги ПБларни қўлланишига кўра икки гуруҳга ажратган: а) адабий тил доирасида ва шеваларда фаол ишлатиладиган ПБлар; б) шаклан дostonлар тилида учрайдиган, лекин мантиқан ҳозирги ПБларга тенг келадиган лисоний бирликлар. Олима мазкур ишда ПБларни тузилишига кўра содда ва мураккаб намуналарга бўлиб ўрганган. Шунингдек, паремиологик бирликларнинг семантик хусусиятларини таҳлил этишда а) фақат кўчма маънода қўлланувчи; б) фақат ўз маъносида қўлланувчи; в) ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланиладиган ПБлар намуналари атрофлича ўрганилган.

Сўнгги даврларда, аниқроғи, 2-3 йил ичида “Алпомиш”, “Орзигул”, “Малика айёр”, “Холдорхон” каби анъанавий халқ дostonларининг тили муаммоларига бағишланган диссертацион тадқиқотларда¹⁹⁹ фразеологик ва паремиологик бирликлар ҳам муайян даражада ўрганилди, тегишли илмий- назарий хулосалар илмий жамоатчилик назарига ҳавола этилди. Хусусан, И.Умаров “Малика айёр” дostonининг лексикасини ўрганар экан, иборалар ва уларнинг услубий хусусиятларига алоҳида эътибор берди. Дostonдаги ибораларнинг кўчма маънога асосланиши, образлилиги унинг эпик тасвир имкониятларини кенгайтирганлигини, ибора бадий тасвир воситаси сифатида хизмат қилганлигини ҳисобга олган тадқиқотчи ибораларни мавзу моҳияти жиҳатидан кичик гуруҳларга ажратиб ўрганган. Масалан, рухий ҳолатни ифодаловчи ва муайян ҳаракат жараёни билан боғлиқ иборалар таҳлиллари шулар жумласидандир. Дoston лексикасидаги *кўз, бош, юрак, қон, ақл* лексемалари билан боғлиқ ибораларнинг хилма-хил

¹⁹⁸ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлар тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филол фанлари... д-ри дис. Тошкент, 2017, – 268 б.

¹⁹⁹ Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” дostonи лексикаси (тарихий-этимологик, функционалсемантик ва стилистик таҳлил): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Фарғона, 2020. –134 б.

семантик маъноларини ҳосил қилишдаги лисоний омилларнинг ёритилганлиги тадқиқотчининг кузатишларини тасдиқлашга хизмат қилган.

Н.Хаджимусаеванинг “Орзигул” достони тилининг тадқиқига бағишланган диссертациясида²⁰⁰ достон тилига хос фраземаларнинг семантик-стилистик табиатига алоҳида тўхталган. Унда “*бино бўлмоқ*”, “*шабгир тортмоқ*”, “*сарпороз қилмоқ*”, “*куяси тутмоқ*”, “*от тортмоқ*”, “*кўнгли қабармоқ*”, “*қўл қовуштирмоқ*”, “*чияси чиқмоқ*” каби ибораларнинг семантик-стилистик хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Ислом шоирнинг ижодий манерасига хос оригинал қўлланишларни ҳам намойиш этувчи юксак бадиий-эстетик қийматга эга бўлган достон эканлигини тегишли лисоний далиллар орқали таҳлил қилиб берилганлиги муҳимдир.

А.Эшмуродовнинг диссертациясида²⁰¹ “Холдорхон” достони тилидаги фразеологик бирликлар ҳам бирмунча ўрганилган. Тадқиқотчи Эргаш шоир маҳоратини белгилайдиган, достон поэтикасининг асосий ўлчовларига мос келадиган ва унинг бадиий-эстетик даражасини юқори мақомда ушлаб туришга хизмат қилган ФБ (иборалар)га тўхталиб ўтган ва қуйидаги гуруҳга ажратиб ўрганишни лозим топган:

1. Китобий иборалар (*байъат қилмоқ, дасти алиф лом қилмоқ, итоб қилмоқ, мағлуба қилмоқ, мазмун қилмоқ, тажя қилмоқ, шабгир тортмоқ, шоҳабун урмоқ* кабилар);

2. Сўзлашув нутқига хос иборалар. Диссертацияда бундай иборалар қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилган:

а) адабий тилдаги ФБларга шаклан ўхшайдиган, аммо мазмунон улардан фарқ қиладиган ФБлар (*талаб қилмоқ, тараф бўлмоқ, ҳам қилмоқ, чоқ бўлмоқ, ҳозир бўлмоқ* каби);

б) халқ тилида мавжуд бўлган, аммо турли сабабларга кўра,

²⁰⁰ Хаджимусаева Н. “Орзигул” достонининг статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Жиззах, 2020. . –110 б.

²⁰¹ Эшмуратов А.М. “Холдорхон” достонининг лингвостилистик хусусиятлари (Эргаш Жуманбулбул ўғли варианти асосида). - Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Жиззах, 2021. –180 б.

масалан, импровизация ва бошқа поэтик талабларга кўра ўзгаришсиз учраган, баъзан трансформация ФБлар (*анги узилмоқ, анг қамоқ, ов пойламоқ каби*);

в) халқ тилидаги мавжуд фразеологик моделлар асосида дoston ижрочиси томонидан яратилган ФБ (*арз қилмоқ, босим қилмоқ, дам тортмоқ, кўнгли якдил бўлмоқ тузни ҳақламоқ, чикка-чуппа бўлмоқ, юзни туман қилмоқ каби*);

г) диалектал ФБ лар (*бой тикмоқ, фидо қилмоқ, бағишламоқ, бой бермоқ, иргал тортмоқ, мустар бўлмоқ, мункир келмоқ, сон бўлмоқ, ўлиб юрмоқ, бағри эзилмоқ*) кабилар.

“Алпомиш” дostonининг лингвомаданий табиатини ўрганган Д.Ашуровнинг диссертациясида²⁰² мақол ва маталларнинг лингвомаданий хусусиятларига алоҳида бўлим ажратилган ва таҳлил қилинган. Тадқиқотчи лингвомаданий таҳлилни икки босқичда амалга оширган.

Биринчи босқич: Ифода жиҳатидан “*Ўзимдан чиққан балога, қайга бораи даъвога*” мақоли зидлик асосига қурилган бўлиб, унинг образли мотивлашган ички қурилиши зидлик иштирокчиларининг бир мантикий асосдан келиб чиқишига асосланган. Мақол қофияли жуфтлик кўринишда бўлиб, асосий зидлик жуфтликнинг биринчи қисмида ифодаланган, иккинчи қисми импровизация маҳсули сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Ҳукмнинг ифодаланишига кўра, мақолда зидлик кучли тарзда намоён бўлган. Зидлик иштирокчилари образи мақолда аниқ ифодаланмаган, яъни унда андиша, нутқ одоби хусусияти яққол кўринади. Зидлик учун таянч сўз вазифасини *бало* бажармоқда.

Иккинчи босқич. Юқорида келтирилган бирликларда архетипик тасаввур излари сезилади. Бунда ташқи ва ички жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги, инсон ички организмида юз бераётган ўзгаришларнинг ташқи жиҳатдан ҳам намоён бўлишига асосланган. Ғам-ташвиш, дard

²⁰² Ашуров Д.А. “Алпомиш” дostonининг лингвокультурологик хусусиятлари: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Наманган, 2021. – 20-21 б.

тушунчасининг концептуаллашув илдизлари оламнинг мифологик манзарасига, «ташқи» ва «ички» оламларни зидлашдек архетипик зиддиятга асосланган.

Ю.Хаджиевнинг диссертациясида²⁰³ “Алпомиш” достонида ўзбек маънавиятини акс эттирувчи катта миқдордаги лексик-фразеологик ва паремиологик бойлик мужассам этганлиги таъкидланган. Хусусан, достонда қўлланилган қуйидаги паремиологик бирликлар бевосита шахс маънавий сифатларини ифода этади:

1) изоҳ учун сўзнинг адабий варианты ёки синонимини келтириш: **БИДАҲАТ** – бидъат, ёмон иш. Мисол: *Бойбўридан бизга маҳрам келибди, Закот дебди, бир **бидахат** қилибди.*

Бу ўринда қўлланган бидаҳат сўзи *бидъат* лексемасининг шевага хос орфоэпик варианты ҳисобланади. Бу лексема асл шаклида (*бидъат*) айтилганда мисраларнинг вазни бузилиб кетган, кейинги мисра бир бўғинга қисқариб, поэтик ифодага путур етган бўлур эди;

2) сўзнинг бир маъноси учун илмий изоҳ бериш, иккинчиси учун адабий тилдаги муқобилини келтириш: **ШУНҚОР** – Ботир, паҳлавон. Мисол: *Оҳ тортиб, инграниб Бойсарини **шунқор**, Бойбўридан кўнгли оғриб одамлар;*

3) бир маъноси учун сўзнинг ўзбек тилидаги муқобили (варианти, синоними) ни келтириш ва иккинчи маъноси учун росмана изоҳ бериш: **ДИЛОВАР** – 1.Қўрқмас, ботир. 2.Кўнгилга ўт солувчи дилбар, чиройли, келишган қиз ёки аёл. Достонда биринчи маъносида қўлланган. Мисол: *Бўлиб Барчинга хизматкор, Яқин бўлар узоқ йўллар, Бораётган ўн **диловар**, Шуйтиб йўл тортди чопарлар;*

4) “маъносида” сўзини келтириш асосида изоҳланган: **КЎЗ КУЮГИ** – “қуруқ савлат”, “қўлидан ҳеч бир нарса келмайдиган киши” семаларига ишора қилади. Мисол: *Айтган сўзнинг паёнини билсанг-чи, Кўз куюги, эй,*

²⁰³ Хаджиев Ю.Н. “Алпомиш” достонидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятлари.: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020. – 28-29 б.

нар-мода, ўлсанг-чи.

Юқоридаги барча фикр-мулоҳазаларга суянган ҳолда “Рустамхон” достони тилидаги ПБларнинг баъзи намуналарининг қўлланиши ва семантик хусусиятларини қисқача таҳлил қилишда назарий асос бўлади, деб ҳисобладик.

“Кўзи йўқнинг юзи йўқ” паремаси халқимиз орасида қадимдан қўлланиб келинган. Унинг **“кўзи йўқнинг ўзи йўқ”** варианты ҳам анча қадимий намуна сифатида халқ орасида кенг қамровда тарқалган ва умумистеъмолда жуда фаол ишлатилган. Буни махсус тўпламлардан жой олганлик далили тасдиқлайди (ЎТПЛ. 131; ЎХМ. II, 288). **“Кўзи йўқнинг - юзи йўқ”** паремаси дoston матнида **“қўлидан иш келмас, имконияти тор”** семасини ифодалаб келган. Эпик қаҳрамонлардан бири айёр кампирнинг муайян хатти-ҳаракатларида ва девга қарата айтган нутқи орқали кузатамиз: **“Кампир бир қисим тупроққни олиб, дам солиб, Рустамнинг кўзига отди. Рустамнинг кўзи ҳеч ерни кўрмай чиппа битди. Девга айтди: “Кўзи йўқнинг юзи йўқ” деган, энди кўрқмай урабер”** (426).

“Бетга айтган гапнинг захри йўқ” паремаси халқ орасида **“Бетга айтганнинг захри йўқ”** тарзида фаол қўлланилади (ЎХМ, I, 76; ЎТПЛ, 42). Бу парема “агар биров сенинг айбингни, камчилигингни тўғри юзингга айтса, бундан хафа бўлма, ундан гина ҳам қилма, чунки унинг бу гапи сенга фойдадан ҳоли бўлмайди”, деган маънони ифодалайди. “Рустамхон” достонида амалдорларнинг Султонхонга қарата айтган нутқида ҳам таъкидланаётган ПБ айна шу маънода қўлланилган: **Эй подшоҳи олам, Ўн тўрт яшар йигит шундай бўларми? Ҳали ҳам сизнинг юрагингиз бор экан, шунча гапиришиб турдингиз; сўз қотмоқ тугул, гайрати, сиёсати, бетига одам қараб бўлмайди. Энди “Бетга айтган гапнинг захри йўқ” деган гап бор. Қаранг, тўлғаб отгудай қуввати борми?...”**(381).

Кўриб чиқилган паремалар қўлланишига кўра, асосан, адабий тил доирасида ва муайян шеваларга мансуб аҳоли орасида анча фаол

ишлатилади. Уларнинг баъзи намуналари дoston ижроси давомида бахши томонидан қисман ўзгартирилган ҳолда қўлланилганлигини кузатдик. Улар мантиқан ҳозирги ПБлар намуналарига тенг келади, бахши дostonчиликка хос услубда моҳирлик билан мақсадли фойдалана олган. Масалан, *“Дунёда бир қўрққан ёмон, бир қувонган ёмон”, “Мард йўлбарс изидан бурилмайди”, “Мард сўзидан, йўлбарс изидан бурилмайди”* каби паремиологик намуналар шулар жумласидандир.

“Мард сўзидан, йўлбарс изидан бурилмайди”. Бу парема ҳам шаклан дostonлар тилида учрайдиган, лекин ҳозирги ПБларга тенг келадиган лисоний бирликлар намунасига киради. Унинг *“Мард сўзидан қайтмас, йўлбарс – изидан”* каби халқона варианты ЎТПЛда ҳам қайд этилган (139-б.). Мазмун-моҳияти жиҳатидан бир хил маънони англатадиган *“Йигит сўзидан қайтмас, йўлбарс –изидан”* ёки *“Йигит сўзидан қайтмас, арслон изидан қайтмас”* каби вариантлари ҳам халқ орасида кенг тарқалган. Шунинг учун уларнинг ҳар бир намуналари махсус луғатларда ва тўпламларда ҳам қайд этилган (ЎХМ, I, 215; ЎТПЛ, 139-140). Тузилишига кўра икки компонентдан иборат бўлган мазкур ПБнинг биринчи қисмидаги семантик маъно матнда етакчилик қилганлиги боис унинг ҳам хилма-хил вариантлари халқ орасида учрайди, шу боисдан, улар адабий тил доирасида ҳам, шеваларнинг аксариятида ёки кундалик турмушда ҳам фаол даражада қўлланаверади. Масалан, *“Мард туғилган – мард ўлар”, “Мард элим деб майдонга кирар”* каби ПБлар (ЎТПЛ, 139-140) ёки *“Йигит сўзи битта”, “Йигит сўзи бир бўлур, Бир бўлса ҳам тин бўлур”, “Йигит –сўзидан, қўй – бўғзидан”* (ЎХМ, I, 215) каби халқ мақолларининг кўплаб намуналари юқорида таъкидланган фикрларнинг тасдиғи бўла олади.

ПБнинг халқ орасида кенг қамровда тарқалиши ва қўлланилиши “Рустамхон” дostonида айрим жузъий ўзгаришларга учраган ҳолда иштирок этишига сабаб бўлган. Буни дostonдаги эпик қаҳрамонлардан Рустамнинг Офтобойга *“Мард йўлбарс изидан бурилмайди”* паремаси орқали мурожаатида қўлланилганлигида кузатамиз:

Шунда ҳам Рустам: – “Мард йўлбарс изидан бурилмайди”, деган гап бор, аждаҳар дамига тортади, мени ютади деб ваҳм қилмайман; қайишмай аждаҳарнинг йўлини айтгин, –деди” (399). Мазкур дostonнинг яна бир ўрнида бошқа эпик қаҳрамонлардан Тоғайнинг аждаҳор илонини ахтариб юрган пайтидаги маҳрамларга қилган мурожаатида “Мард сўзидан, йўлбарс изидан бурилмайди” каби анъанавий дostonлар тилига хос ПБ қўлланилганлиги кузатилди: *“Тоғай айтди: – Сизларда бир гап бор. “Мард сўзидан, йўлбарс изидан бурилмайди”, деган гап бор. Ўзим талаб қилдим. Ҳеч ким менинг бўйнимга завлим солгани йўқ. Сўзидан қайтмайдиган камбагалдан чиқади, – деб ўрнидан тура берди”* (409). Мисол сифатида келтирилган ҳар иккала матнда дostonдаги эпик қаҳрамонлар (Рустам, Тоғай)нинг мардлиги, бир сўзлиги, ҳар қандай хавф-хатардан чўчимаслиги ва энг муҳими, олдига қўйилган олижаноб мақсадларга эришиш йўлидаги фидойиликларини баён қилиши орқали сўз зарғари дostonлар тилига хос паремаларни мустақил равишда ижод қилган. Бундай намуналарни ижро жараёнида ўринли, самарали қўллай олганлиги бахшининг юксак маҳоратга эга эканлигидан далолат бера олади.

Мақол, матал, афоризм тизимидаги ПБларни семантик хусусиятига кўра тасниф қилишда, энг аввало, улардаги маънонинг кўчма маънога эга бўлиш – бўлмаслиги, яъни маъноларнинг қандай ифодаланиши асос сифатида мезон қилиб олинади. Ана шу хусусиятига кўра, таҳлилга жалб этилган “Рустамхон” дostonида фаол қўлланилган ПБларнинг айрим намуналарини ўрганиш асло фойдадан ҳоли эмас. Бу ўринда фақат кўчма маънода қўлланилган ПБларнинг айрим намуналарини таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. Бундай лисоний бирликлар синтактик жиҳатдан гап бўлақларига ажратилмайди. Агарда борди-ю, улар гап бўлақларига ажратилса, матнда ифодаланган кўчма маъно бутунлай йўқолади, оқибатда улар оддий гапга–эркин бирикмага айланиб қолади. Масалан: *“Эгилган бўйинни кесмайди ханжар”* намунасини олайлик.

“Эгилган бўйинни кесмайди ханжар” паремасининг “Эгилган бошни қилич кесмас”, “Эгилган бўйинни қилич кесмас” каби халқ вариантлари ҳам бор (ЎТПЛ, 229; ЎХМ, II, 159). Таъкидланаётган вариантларнинг кейинги намунаси Гулханийнинг “Зарбулмасал”ида ҳам қўлланилган (ЎТПЛ, 23). “Эгилган бошни қилич кесмас” мақолида “киши мағрурлик, такаббурлик билан кеккайиб, “айтганим – айтган, деганим – деган” деб, ўжарлик қилмасдан сал “пастроққа тушса”, яъни ўзини нечоғли камтар тутса, ширинсўз ва хушмуомала бўлса, бировнинг айтганини бажарса, ҳар қандай қаҳри қаттиқ инсоннинг ҳам кўнглини ўзига жалб қила олади ва ҳар қандай вазиятда туғилган хавfli ҳолат ёки хатти-ҳаракатдан эсон-омон қутулиб олади”, – деган мажозий маъно ифоданган. Бу маъно билан “Сунган бўйинни сузурилган қилич кесмас” варианты ҳам яратилган ва халқ орасида кенг тарқалган (ЎХМИЛ, 436). Бундай паремаларнинг вариантлари асосида Фозил шоир “Рустамхон” достони ижросидаги эпик қаҳрамонлардан бири Хуройим онанинг ўз боласи – Рустамга қилган мурожаат нутқи орқали “Эгилган бўйинни кесмайди ханжар” тарзидаги дostonлар тилига хос янги паремани ишлатган: *Бунча ҳам дарқаҳр бўлма, Рустамжон, / Қурудимга кетган отанг келганди(р). / Қандай фарзанд отасига тиз тортар, / «Эгилган бўйинни кесмайди ханжар» (441) каби.*

Хуллас, Фозил шоирнинг “Рустамхон” достонида анъанавий дostonларида қўлланилган ва таҳлилга жалб этилган паремаларнинг хилма-хил вариантлардаги намуналари адабий тил доирасида ҳам, шеваларда ҳам, кундалик жонли сўзлашув нутқида ҳам фаол. Сўз заргарининг дostonлари тилида қўлланилган паремалардаги вариантлик масаласида проф.Г.Жуманазарова қуйидаги мулоҳазаларни берган: “Шу ўринда таъкидламоқчимизки, халқ бахшиси дostonларнинг ижроси жараёнида қўлламоқчи бўлган муайян паремадаги бирор сўзнинг ўрнига ўшанга ўхшаш бошқа бир сўз билан ёки улардаги грамматик кўрсаткичларни вариантлари билан алмаштириш орқали янги-янги

вариантларини ярата олганлигини кузатдик. Бундай усул орқали паремаларнинг хилма-хил вариантлари таҳлилга жалб этилган дostonлар матнида ўз-ўзидан ҳосил бўлган. Улар: а) сўз алмаштириш натижасида ҳосил бўлган лексик вариантлар; б) сўз яшаш элементларини алмаштириш натижасида ҳосил бўлган вариантлар; в) грамматик кўрсаткичларни алмаштириш натижасида ҳосил бўлган вариантлар; г) шаклий-тузилишидаги вариантлар. Яна таъкидлаш лозимки, паремаларнинг янги вариантлардаги намуналари унинг аслиятидаги асосий мазмундан фарқланмайди. Бу ўринда, айtilган фикрларни далиллаш учун халқ бахшисининг ижросидаги сўз алмаштириш орқали ҳосил қилган янги лексик вариантларидан биттасини олайлик: “*Эгилган бошни қилич кесмайди*” тарзидаги халқона паремани “*Рустамхон*” дostonида она-бола ўртасидаги мулоқотда дostonлар тилига хос “*Эгилган бўйинни кесмайди ханжар*” тарзидаги вариантда кўллаган (441). Демак, умумхалқ паремаси (*эгилган бошни қилич кесмайди*) билан индивидуал-хусусий парема (*эгилган бўйинни кесмайди ханжар*) вариантлари ўртасидаги асосий мазмун кескин фарқланмайди. Лекин ижодкор бахшисининг маҳорати шундаки, халқона вариантдан ижодий фойдаланиб, дostonлар тилига хос ва фикр оқимида мос янги вариантдаги ПБ намуналарини ярата олган, бу далил унинг катта бадиҳагўйлик маҳоратига эгаллигини тасдиқлайди²⁰⁴.

Паремаларнинг умумхалқ варианты ёки ўзгартирилган янги вариантини аниқлаш муаммоси бўйича тилшуносликда бошқа мулоҳазалар ҳам бор. Биз даставвал, бу ўринда “Ўзбек тилининг паремиологик луғати” муаллифларининг фикрларини назарда тутамиз. Уларнинг таъкидлашича, “а) умумхалқ паремасидаги бирор сўз синоним бўлмаган бошқа сўз билан, шунингдек, унинг бир неча сўзи алмаштирилган бўлса, сўзларнинг ўринлари қисмлар орасида алмаштирилса ёки грамматик формалар, феъл замонлари алмаштирилган

²⁰⁴ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлар тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филол.фанлари... д-ри дис. Тошкент, 2017 йил. – 52 б.

бўлса, бундай паремалар муаллиф томонидан ўзгартирилган вариант деб караш керак; б) агарда умумхалқ паремасидаги бирор сўз синоними билан алмаштирилса, парема таркибидаги олмошлар алмаштирилган бўлса, баъзи грамматик шакллар ўзгартирилса, паремадаги қисмлар орасида боғловчилар ишлатилса, сўзларнинг тартиби алмаштирилган бўлса, пареманинг бирор қисми эллиптик тушиш ёки экспрессив (ўзгаришга) қисқаришга учраган бўлса, бундай паремалар умумхалқ паремалар вариантлари бўлади”²⁰⁵.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, паремаларнинг ҳар иккала намуналари қай тарздаги шаклда бўлишидан қатъи назар, ҳар бир парема дастлаб муайян шахс томонидан яратилади ва муайян давр маҳсули ҳисобланади. Халқ оғзаки поэтик ижоди намуналарининг яратилиши ва оммалашishi қонуниятларига кўра, биз назарда тутаётган паремаларнинг ҳар бир намунаси халқ орасида дастлаб оммалашади, даврлар ўтиши билан силлиқланади, сўнгра сайқал топади, муайян барқарор бирикма сифатида “қуйма” ҳолатга келиб яна халқ орасида қўллана бошлайди. Бундай жараёндан дoston қуйловчиси ҳам баҳраманд бўлиб, “асл ҳоли”да ёки улардан ижодий фойдаланган ҳолда ижрода қўллаш мумкин. Демак, дostonда қўлланилган барча паремиологик бирликлар ҳам ана шу жараённи бошидан кечирган, “қуйма”, “халқона ҳолатда” оммалашиб ва қўлланилиб келган, охир-оқибатда ижодкор халқнинг маънавий мулкига айланган, деган хулосага келдик.

Халқ мақоли ибратни ўргатади, ибратли фикрни ифодалаб келади. Бу фикр ПБ тизимидаги кирувчи халқ афоризмларига ҳам тааллуқли, деган фикрдамиз. Чунки афоризмлар фольклорнинг фалсафий-маърифий ва дидактик тизимидаги жанри бўлганлиги учун унда ижодкор халқнинг ҳаёт, инсонлар, табиат ва турмуш ҳақидаги ибратли, асосли ва доно хулосаларини ўта умумлашган ҳолда ифодалаш билан характерланади. Афоризмларда ифодаланган доно, ибратли фикр бир кишига

²⁰⁵ Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – Б. 22.

эмас, балки барчага тенг бўлиши керак. Демак, афоризмга хос иккинчи хусусият шуки, ундаги ҳар қандай фикр-хулоса ҳеч қандай истисносиз умумбашариятга тааллуқли бўлади. Афоризмга хос учинчи хусусият доно, ибратли фикрнинг қисқа, аммо, тугал бўлишида кўзга ташланади²⁰⁶. Бундай лисоний бирликларга нисбатан шартли равишда афористик паремалар (бундан кейин: АП тарзида) атамасини қўллашни маъқул топдик.

Ғоявий мазмуни, маънавий-ахлоқий хулосасига кўра хилма-хил, ранг-баранг бўлган АПлар услубий вазифаси жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Улардаги кенг ва теран маърифий ғояни қисқа, ихчам шаклларда ифодалаш ҳар бир инсонни нутққа алоҳида эътибор бериш ва талабчан бўлишга ўргатади, тўғри ва мантиқий фикрлашига ёрдам беради. Энг муҳими, ҳар бир ижодкорнинг сўз бойлигини орттиришга, унинг нутқини ўткир ва таъсирли қилишга, унга бадиий жиҳатдан сайқал беришга хизмат қилади²⁰⁷. Ушбу мулоҳазаларга таяниб, Фозил Йўлдош ўғлининг “Рустамхон” достонидаги АПларга эътибор берсак, улар умумлаштирувчи фикрни ифодаловчи ва дидактик характерга эга бўлган халқона намуналар эканлигига иқрор бўлдик. Халқ орзу-умидларини мужассамлаштирган, ҳаётий тажрибаларни ифодаловчи АПлар дostonдаги эпик тасвирнинг янада ёрқинроқ чиқишига, дoston ижросида айtilган фикр чуқур ва равон ифодаланишига хизмат қилганлигини, уларнинг ҳар бири матнда маълум мақсадни кўзлаб ишлатилганлигини кузатдик. Масалан, ҳамма учун тушунарли, оммавий тарзда кенг қўлланиладиган лисоний афоризмлар: *Дунёда бир қўрққан ёмон, бир қувонган ёмон (Р.:352); Ёмон одам қону зардоб ичирар (Р.:359); Бетга айтган гапнинг захри йўқ (Р.:381); Кўзи йўқнинг ўзи йўқ (Р.:426); Эгилган бўйинни кесмайди ханжар (Р.:441)* каби. Бундай лисоний бирликлар ҳаётий асосга, бадиий заминга асосланган ҳолда дoston матнида ўринли қўлланилган, деган фикрга келдик. Халқ дидактикаси ва дostonларида

²⁰⁶ Тошпўлатов З.Д. Афоризмларнинг жанр хусусиятлари ва бадиияти: НДА – Т., 2006. –Б. 10.

²⁰⁷ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлар тилининг лингвопoeтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филол.фанлари... д-ри дис.. Тошкент, 2017 йил. – 58 б.

учрайдиган бундай халқона ПБларнинг яратилишига, кенгрок тарқалиши ва халқ орасида кўпроқ яшашига муайян омиллар сабаб бўлган. Г.Жуманазарованинг фикрича, бундай омиллар иккита: *биринчиси* – таълим-тарбия мавзуси, умуман, дидактик йўналиш ҳар доим инсон ҳаётининг туб моҳиятини ташкил этганлиги учун ҳам ПБлар тарихида ва фольклор намуналари орасида энг етакчи ўринни эгаллайди. *Иккинчиси* – инсон бутун ҳаёти давомида доимо ўзига керакли нарсани мукамал эгаллаб олиши, ўз шахсий фаолиятида ундан унумли ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилганлиги учун ҳам ПБларда таълим-тарбиянинг инсон ҳаётида, жамиятнинг тарихий тараққиётида тутган ўрни алоҳида талқин қилинади²⁰⁸. Ушбу фикр-мулоҳазалар “Рустамхон” достони тилида фаол қўлланилган халқона паремаларга ҳам бевосита дахлдор.

Хулоса тариқасида қисқача қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

1. “Рустамхон” достони тилида ПБларнинг икки хил намуналари учрайди: а) адабий тил доирасида ва шеваларида фаол қўлланадиган намуналар; б) дostonлар тилида учрайдиган, лекин мантиқан ҳозирги ПБларга тенг келадиган намуналар. Ҳар иккала намуна мазкур дoston тилининг хилма-хил, ўзига хос ва мос имкониятларини очиб беришда бирламчи манба саналади.

2. “Рустамхон” достони тилидаги ПБлар тузилишига кўра содда ва мураккаб компонентлардан иборат. Бундай паремаларни семантик хусусиятига кўра, фақат кўчма маънода қўлланадиган, ўз маъносида ҳам, кўчма маънода ҳам қўлланадиган, шунингдек, фақат ўз маъносида қўлланадиган намуналарга ажратиш мумкин.

3. Умуман, келгуси йилларда ўзбек халқ дostonлари тилидаги ПБларни тўплаш, уларнинг лексик-семантик ва прагматик маъноларини изоҳлаш, матндаги контекстуал ва ситуатив услубий хусусиятларини таҳлил қилиб берувчи қатор илмий-назарий

²⁰⁸ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлар тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филол.фанлари... д-ри дис.. Тошкент, 2017 йил. – 62 б.

тадқиқотлар яратиш, ПБларнинг ҳар хил вариантларини, синоним ва антонимларини кўрсатувчи, диахроник ва синхроник йўналишдаги маъноларини изоҳлаб берувчи махсус луғатлар тузиш, уларни нашр қилиш ишларини амалга ошириш тилшуносларимиз олдида турган энг долзарб вазифалар саналмоғи лозим.

Боб бўйича хулосалар

1. Халқимизнинг миллий тил бойлигини ва кўп йиллик тафаккурини намоён этувчи кўп қатламли ментал лисоний тузилма фразеологик бирликлар саналади. Достонда қўлланилган бундай бирликларда халқ донолиги ва заковат эгаларининг лисоний мушоҳадалари мужассамлашган. Бунинг сабаби шуки, улар генетик жиҳатдан муайян тилда узоқ даврлар давомида содир бўлган ижтимоий-тарихий воқеликлар, маиший турмуш тарзининг кўп қиррали тажрибаларини инсон томонидан образли тарзда акс эттириш эҳтиёжи натижасида юзага келган.

2. “Рустамхон” достонида ижодкор бахши *бош, тил, кўз, қўл, соч, қош, қулоқ, бармоқ* узвли фраземаларни қўллаш орқали эпик қаҳрамонларнинг муайян хатти-ҳаракати, руҳий ҳолатининг кўриниши ёки фаолиятига бирор таъсирни баён қилган, улардан жонлаштириш ва муболаға каби усулларни яратиш учун самарали фойдаланган.

3. Достондаги паремеологик бирликлар қўлланишига кўра адабий тил доирасида ва қипчоқ шеваларига мансуб аҳолиси ўртасида фаол ишлатилади. Уларнинг баъзи намуналари достон ижроси давомида бахши томонидан қисман ўзгартирилган ҳолда қўлланилганки, бу, албатта, унинг бадиий маҳорати билан боғлиқ омил саналади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Фозил Йўлдош ўғли куйлаган “Рустамхон” достони ўзбек тили, маданияти ва миллий қадриятларининг ўзига хослигини, ижодкор халқимизнинг ижтимоий-маиший турмуш тарзи, ижтимоий-маданий тараққиёти, урф-одатларини ифодаловчи бой бадиий манбадир. Мазкур дoston сўз бойлигининг миқдори: сўзшакллар 6337 тани, жами кўлланилиш ҳолати 21672 тани ташкил этди.

2. “Рустамхон” достони сўз бойлиги фольклор концептини ўзида мужассам қилган муҳим манба сифатида ўзбек лингвомаданий концептининг дostonлар услубига хос кўриниши саналади ва миллий ўзликнинг тарихий илдиэларини, умуммаданий концептдан фарқли жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради.

3. Дoston тили бўйича тузилган лексикографик манбаларнинг афзаллиги бошқа типдаги луғатларнинг биронтасида, ҳатто диалектал луғатларда ҳам учрамаган янги-янги луғавий бирликларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Дostonда нофаол ва кам истъеъмолдаги сўзлар, адабий орфоэпик меъёрдан фарқланувчи ва адабий нутқда муқобили бор сўзлар, адабий нутқда муқобили йўқ сўзлар, шунингдек, кипчоқ шевасига хос сўзлар намуналари учрайди. Аслида бу элементлар ҳам умумхалқ тилининг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Дoston сўз бойлигини ифодаловчи лисоний бирликлар генетик жиҳатдан: 1) ўз қатлам бирликлари; 2) ўзлашма қатлам бирликларидан ташкил топган. Дostonдаги ўзлашган бирликларнинг кўлланилиш қамрови кенг. Бахши уларнинг ижрода ўз ўрнида кўллаганлигини, халқона экспрессивликнинг лисоний имкониятларидан самарали фойдалана олганлигини, энг муҳими, дoston лингвопоэтикаси тақозо этадиган барча талабларга тўлиқ риоя қилганлигини кузатдик.

5. Дoston матнидаги кўпмаънолилик ҳодисаси сўзнинг семантик курилишига оид лисоний хусусиятлар саналади. Матнда кўлланилган бирдан ортиқ маънога эгаллик (полисемия) деярли барча сўз туркумларига

хос. Умуман, халқ дostonлари тилидаги кўпмаънолилик ҳодисасини семантик, лексик-грамматик ва услубий жиҳатдан ўрганиш бугунги ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан биридир.

6. “Рустамхон” дostonи тилидаги луғавий бирликларнинг метафоралашув ҳодисаси таркибий жиҳатдан хилма-хил. Улар грамматик жиҳатдан, асосан от, сифат, феъл сўз туркумларига мансуб, тузилишига кўра содда ва мураккаб метафоралардан ташкил топган. Метафоралашув ҳодисаси дoston бадииятини оширишга, ижодкор бахши Фозил шоирнинг эпик қаҳрамонлар фаолияти, руҳияти ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ тафсилотларни баён этишида, муҳими, тингловчиларнинг кизиқишини оширишга, метафорик жумлаларнинг аффектив белгисини кучайтиришга хизмат қилган.

7. “Рустамхон” дostonи матнида қўлланилган фразеологик бирликлар таркибидаги *марказий узв, семантик марказ* эпик қаҳрамонларга оид ахборотларни тўлиқ ва ёрқинроқ тасвирлаб бериш, шунингдек, миллий-маданий – ментал концепларнинг халқона ифодаси сифатида алоҳида вазифа бажариш учун хизмат қилган.

8. “Рустамхон” дostonидаги ибораларнинг кўчма маънога асосланиши ва образлилиги унинг эпик тасвир имкониятларини кенгайтиришга, халқ бахшисининг сўз санъатидан қай даражада фойдалана олганлигини белгилашда, қолаверса, алоҳида тасвир воситаси бўлиб қўлланилганлиги муҳим омил сифатида хизмат қилган.

9. “Рустамхон” матнидаги лисоний узвлар, нутқий воситалар Фозил бахшининг ижроси таъсирида ҳам айрим ифодавий ўзгаришларга учраган. Хусусан, мақолларнинг ҳудуд ҳамда ижрочи билан боғлиқ индивидуал вариантлари натижасида ёндош паремиологик бирликларни (мақол, матал ва иборалар) юзага келтирган. Тилнинг ареал хусусиятларига асосан, дostonда ўзига хос ҳудудий унсурларнинг ифодаланиши ҳам дostonнинг сўз бойлигини ва бадиий қимматини оширишда муҳим омил бўла олган.

10. Ўзбек халқ дostonлари тилидаги лексик бирликларни қўлланилган матнлар билан тўплаш, уларнинг маъноларини изоҳлаш, матндаги контекстуал ва ситуатив услубий хусусиятларни таҳлил қилиб берувчи қатор илмий-назарий тадқиқотлар яратиш, уларнинг ҳар хил вариантларини, синоним ва антонимларини кўрсатувчи, диахроник ва синхроник йўналишдаги маъноларини изоҳлаб берувчи махсус луғатлар тузиш, уларни нашр қилиш ишларини амалга ошириш ҳозирги тилшунослигимиз олдида турган энг долзарб вазифалар саналмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга

молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019, 7 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ4997-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида” ги қарори.
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш Департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори.

II. Илмий-назарий адабиётлар

1) Миллий нашрлар

8. Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлар лексикаси, –

Тошкент: Фан. 2016. 149 б.

9. Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. – Т.: Фан, 1979. –119 б.

10. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. Тошкент: 1983. –Б. 29-30.

11. Абдурахимов М. Фольклорная афористика и словарь. Т.: Фан. 1989. – 96 б.

12. Абдурахмонов Д., Бектемиров Х. Ўзбек халқ дostonлари ономастикаси // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1964. – 186-191 б.

13. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси – Тошкент: Фан, 1979. –243 б.

14. Дониёров Х. Қипчоқ шеваларини ўрганишда халқ дostonларининг роли // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – 162-166 б.

15. Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – 291 б.

16. Жуманазарова Г.У. Ўзбек халқ дostonлари матнининг лингвостатистик таҳлили, Тошкент: Тафаккур, 2011. – 72 б.

17. Жуманазарова Г.У. Халқ дostonларида саяж ва такрорнинг лингвопоэтик имкониятлари. Тошкент: Тафаккур, 2011. – 36 б.

18. Жуманазарова Г.У. Фозил шоир дostonлари тилининг лексик-стилистик қатламлари. Тошкент: Тафаккур, 2012. –109 б.

19. Жуманазарова Г.У. Халқ дostonларида ўхшатишнинг лингвопоэтик имкониятлари. Тошкент: Тафаккур, 2011. – 56 б.

20. Жўраева Б.М. Мақолларнинг ёндош ҳодисаларга муносабати ва маънавий хусусиятлари. Монография. – Тошкент: Фан, 2007. – 66 б.

21. Жўраева Б.М. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари. Монография. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 42 б.

22. Иброҳимов А. Бобур “Девон”и тилидаги ўзлашма лексика. – Т., 2006. – 13 б.

23. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –236 б.
24. Ишаев А. Халқ дostonлари лексикасидан // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. –167-177 б.
25. Ишаев А. Дostonлар тилининг баъзи бир хусусиятлари // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликда ўрни. – Тошкент: Фан, 1971. –173-179 б.
26. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлил асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – 78 б.
27. Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. – Самарқанд: СамДУ, 2002. – 37 б.
28. Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси. Библиографик кўрсаткич. – Тошкент: Наврўз, 2016. – 48 б.
29. Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари.– Самарқанд: СамДУ, 1994. – 18 б.
30. Каримов С. Зулфия асрлари лингвистикаси. – Самарқанд: СамДУ, 2006. – 136 б.
31. Мамажонов С. Услуб жилолари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 82 б.
32. Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. – Тошкент, 1991. – 120 б.
33. Маматов А. Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари. – Тошкент: Наврўз, 1996. – 54 б.
34. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма, – Тошкент: “Наврўз” нашриёти: 2019. – 119 б.
35. Мирзаев Т. Дostonлар гултожи // Ўзбек халқ ёдгорликлари. 1-жилд, – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2015. – 28 б.
36. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан. 1975. – 3 б.
37. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Фан, 2010. – 89-95 б.
38. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент, 1962. –

20-25 б.

39. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. –Тошкент: Фан, 1976. 11-15 б

40. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент: Фан, 1970. – 60 б.

41. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (фразеологик бирликларда полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик). – Тошкент: Наврўз, 2016. – 200 б.

42. Ризаев С. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари. – Тошкент: ФАН, 2006, – 78 б.

43. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. – 126 б.

44. Тўйчибоев Б. “Алпомиш” ва халқ тили. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. – 160 б.

45. Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. –Т.: Фан, 1990. – 16 б.

46. Хаджимусаева Н. Ислом шоирнинг “Орзигул” достонининг лисоний тадқиқи. – Т.: “Innovatsiya-ziyo”, 2019. – 112 б.

47. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари.– Тошкент: ЎЗРФА нашриёти, 1962. – 371 б.

48. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шеваларидаги мосликлар ва уларнинг адабий тилга муносабати // Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент, 1966. 17-18 б.

49. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.

50. Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” достонида бадиий фонетика элементлари // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – 23-30 б.

51. Шомақсудов Ш., Долимов С. Қайроқи сўзлар (Халқ иборалари). – Тошкент, 1992. – 126 б.

52. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – 209 б.

53. Ўринбоев Б., Бозорбоев К. “Алпомиш” достони фразеологизмларининг таъбири. – Самарқанд: СамДУ, 1998. – 40 б.

54. Ўринбоев Б. Ўзбек халқ мақолларида трансформациялаш // Ўзбек

тилшунослиги масалалари. – Самарқанд, 2001. 38-42 б.

55. Ўринбоева Д. Ўзбек халқ оғзаки дostonлари тилининг лингвостатистик таҳлили. Самарқанд, 2009. –136 б.

56. Ўринбоева Д. Ўзбек фольклор матнларининг лингвостатистик тадқиқи. Тошкент: Фан, 2010. – 125 б.

57. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982. – 71-79 б.

58. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 15-19 б.

59. Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – 123 б.

2) Хорижий нашрлар

60. Бектаев К.Б. Пиотровский Р.Г. Математические методы в языкознании. Ч. 1. Теория вероятностей и моделирование нормы языка. – Алма-Ата, 1973. – 53 с.

61. Будагов Р.А. Введение в наука о языке. – М.: Учпедгиз, 1958. – 39-50 с.

62. Воробьева Н.А. Русская сакральная фразеология как источник культурной информации // Лингвокультурология. Екатеринбург: Научное издание, 2016. – 110 с.

63. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – 520 с.

64. Кассирер Э. Сила метафоры // Теория метафоры. – М.: 1990. 33-43 с.

65. Путилов Б.Н. Эпическое сказительство: Типология и этническая специфика. – М.: Издательская фирма “Восточная литература” РАН, 1997. – 295 с.

66. Райхл Карл. Тюркский эпос. – М.: Вост. литер., 2008. – 139 с.

67. Радлов В.В. Образцы народной литературы тюркских племен, живущих в Южной Сибири и Дзунгарской степи наречия османские. Ч. 8. – Санкт-Петербург, 1899. 63-71 с.

68. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М. – Просвещение, 1975. – 7-20 с.
69. Dor Remy. Nourali ou les aventures lyriques d'un heros epique. – Paris, 1991. – 128 p.
70. Dor Remy. Nourali le Preux et Marghoumon Peri. Bilingue ouzbek-francais. IFEAC. – Paris, 2005. – 23-25 p.
71. Karl Rechl. Rawsan. Ein uzbekisches mundliches Epos. Otto Harrassowitz, Wiesbaden, 1985. – 108 p.
72. Reichl Karl. Turkic oral epic poetry: tradition, forms, poetic structure. – New York & London, 1992. – 395 p.

Ш. Луғатлар

73. Абдурахимов М. Ўзбекча-русча афоризмлар луғати. – Т.1976. – 148 б.
74. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремнологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 288 б.
75. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли “Ширин билан Шакар” достонининг изоҳли луғати. – Жиззах: Сангзор, 2007. – 118 б.
76. Жуманазарова Г.У. “Малика айёр” достонининг лексикографик манбалари. – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2009. – 494 б.
77. Жуманазарова Г.У. “Рустамхон” достонининг лексикографик манбалари. – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2009. – 330 б.
78. Жуманазарова Г.У. “Зевархон” достонининг лексикографик манбалари. – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2010. – 270 б.
79. Жуманазарова Г.У. “Баҳром ва Гуландон” достонининг лексикографик манбалари. –Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2010. – 308 б.
80. Жуманазарова Г. У. “Балогардон” достонининг лексикографик манбалари – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2010. – 330 б.
81. Жуманазарова Г.У. “Лайли ва Мажнун” достонининг лексикографик манбалари. –Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2011. – 256 б.

82. Жуманазарова Г.У. “Нурали” достонининг лексикографик манбалари манбалари. – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2011. – 276 б.

83. Жуманазарова Г.У. “Фарҳод ва Ширин” достонининг лексикографик манбалари. – Тадқиқот-луғат. Жиззах: “Сангзор” нашриёти. 2011. – 264 б.

84. Минглиев Б., Худойбердиева М., Бойматова О. Ўзбек тили ибораларининг ўқув изоҳли луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007, – 39 б.

85. Мирзаев Т., Эшонкул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: ELMUS-PRESS-MEDIA, 2007. – 162 б.

86. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 408 б.

87. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. – Тошкент: Фан, 1964. – 36 б.

88. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 380 б.

89. Ризаев С. Статистическая структура лексики языка “Дивана” Хамзы Хаким-заде Ниязи (частотный словарь и конкорданс). – Ташкент: ФАН, 1989. – 89 с.

90. Хаджимусаева Н. “Орзигул” достони тилининг луғати (сўзлик, алфавитли луғат, частотали луғат, терс луғат).–Тошкент: Фан ва технологиялар, 2012. – 387 б.

91. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Нега шундай деймиз (Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати). – Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 352 б.

92. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома (Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати). – ЎМЭ, Т.: 1990. – 98 б.

93. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (Беш томлик). – Т.: 1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – 120 б.

94. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (Беш томлик). – Т.: 2. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – 120 б.

95. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (Беш томлик). – Т.: 3. Тошкент: ЎзбМЭ, 2007. – 14 б.

96. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (Беш томлик). – Т.: 4. Тошкент: ЎзбМЭ, 2008. – 244 б.

97. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (Беш томлик). – Т.: 5. Тошкент: ЎзбМЭ, 2008. – 396 б.

98. Yo‘ldoshev B., O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlarining chastotali izohli fraziologik lug‘ati. – Toshkent; O‘ME, 2008. – 98 b.

99. O‘rinboyeva D., Umurzoqov U. O‘zbek xalq dostonlari tilining alfavit-chastotali lug‘ati. – Toshkent, 2006. – 395 b.

100. O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlari tilining chastotali lug‘ati.–Toshkent, 2006. – 244 b.

IV. Бадиий адабиётлар

101. Рустамхон. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони // Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи: Махмуд Зарифов. – Тошкент: Шарқ, 1998.

102. Қундуз билан Юлдуз. Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли, нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф. – Тошкент, 1963. – 275 б.

V. Диссертация ва авторефератлар

103. Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Т., 1964. – 79 с.

104. Абдуллаев Ш. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайпберганов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида): Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2006. – 25 б.

105. Авеличев А. К. Метафора внепоэтического контекста: Автореф. дисс... канд.филол.наук. – М., 1970. – С.30

106. Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2008. – 23 б.

107. Ашуров Д.А. “Алпомиш” достонининг лингвокультурологик хусусиятлари: Филол.фан.б.фалс.док. ...дисс.автореф. – Наманган, 2021. – Б. 7-8.
108. Бозорбоев К. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Самарқанд, 2000. – 22 б.
109. Болтаева Б. Ўзбек тили фразеологик бирликларнинг трансформацияси (семантик-прагматик таҳлил): Филол.фан.б.фалс.док. ...дисс.автореф. – Самарқанд, 2019. – 29 б.
110. Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2006. – 23 б.
111. Джалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Т., 2005. – 35 б.
112. Жуманазарова Г. “Ширин билан шакар” достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли варианти асосида): Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2008. – 22 б.
113. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). Филол.фан. д-ри...дисс. – Тошкент, 2017. – 58 б.
114. Жўраева Б. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари: Филол.фан. д-ри...дисс (DSc) автореф. – Самарқанд, 2019. – 73 б.
115. Ингён О. “Алпомиш” ва “Жумўнг” достонларининг қиёсий- типологик таҳлили. Филол.фан.д-ри...дисс. – Тошкент, 2014. – 92 б.
116. Исаев А. Соматический фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дисс...канд.филол.наук. Ташкент, 1976. – 21 с.
117. Исаев А. Ўзбек тилидасоматик фразеологизмлар: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 1976. – 19 б.
118. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон

сифатида ўрганиш (Шахс микромайдони): Филол.фан. д-ри.дисс...автореф. –Т., 1999, – 56 б.

119. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилда фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фан. д-ри.дисс...автореф. – Тошкент, 1993. – 47 б.

120. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол.фан. д-ри.дисс...автореф. –Тошкент, 1993. –28 б.

121. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти. Филол.фан. номз...дисс. – Т., 1998. – 82 б.

122. Маматов А. Семантикостилистические особенности эмоционально-осеночных фразеологических единиц узбекского языка: Автореф. дис...канд.филол.наук. Ташкент, 1988. – Б. 88.

123. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2000. – 56 б.

124. Мирзаева Б.Т. Ўзбек фольклоршунослиги шаклланиши ва тараққиётида Ходи Зарифовнинг ўрни: Филол.фан.б.фалс.док. ...дисс.автореф. Т., – 2022. –12 б.

125. Мирзаева Н. XX аср шеъриятида метафорик образ муаммоси. Филол.фан. номз...дисс. – Тошкент 2006. – 26 б.

126. Оллоёров Қ.М. Хоразм дostonлари ономастикаси (“Гўрўғли” ва “Ошиқнома” туркум дostonлари асосида): Филол.фан.б.фалс.док. ...дисс.автореф. – Самарқанд, 2018, – 46 б.

127. Пардаев З. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Самарқанд. 2004. – 18 б.

128. Рафиев.А.Р. Структурно-функциональные свойства фразеологических единиц узбекского языка: Автореф. дисс...канд.филол.наук. Ташкент, 1982. – 20 с.

129. Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг

семантик- прагматик таҳлили (кўз, кўл ва юрак компонентли иборалар мисолида): Филол.фан.б.фалс.док. ...дисс.автореф. – Самарқанд, 2018. – 27 б.

130. Раҳимов А.С. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида): Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Самарқанд, 2002. – 37 б.

131. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 1966. – 46 б.

132. Ризаев С.А. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи. Филол.фан. д-ри...дисс. – Т., –2008. – 97 б.

133. Рўзибоев С.С. Жанубий Хорзм дostonлари тилининг луғавий- маъновий таҳлили: Филол.фан.номз...дисс.автореф. –Тошкент, 2001. – 15 б.

134. Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили («Шаҳриёр» ва «Маликаи Завриё» дostonлари мисолида): Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2000. – 37 б.

135. Рўзикулова М. Ўзбек тилида идиомалар: Филол. фанлари доктори.дисс...автореф. – Тошкент, 1966. – 20 б.

136. Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок. Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1985. – 47 с.

137. Сариев С.М. Хоразм “Гўрўғли” дostonларининг кўлэзма вариантлари: . Филол.фан. номз...дисс. – Тошкент, 2007. – 133 б.

138. Сулаймонов Б. Темирбек Тўрабоевнинг “Теорема” романида “Т” товуши билан бошланувчи сўзларнинг метафоралашуви ва фраземалашуви: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. – Самарқанд, 2020. – 77 б.

139. Тошпўлатов З.Д. Афоризмларнинг жанр хусусиятлари ва бадиияти: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Т., 2006. –10 б.

140. Турсунов С. Лексические особенности дастана “Алпамыш”: Автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1990. – 27 с.

141. Умаров И. Фозил Йўлдош ўғлининг “Малика айёр”

достони лексикаси (тарихий-этимологик, функционал-семантик ва стилистик таҳлил): Филол.фан.б.фалс.док. ...дисс.автореф. – Фарғона, 2020. – 17 б.

142. Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 1998. – 24 б.

143. Хажиев С. Сўз маъносининг кўчиши билан боглик лингвистик ҳодисалар: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2007. – 37 б.

144. Хаджимусаева Н. “Орзигул” достонининг статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.б.фалс.док....дисс.автореф. – Жиззах, 2020. – 127 б.

145. Хаджимусаева Н. “Орзигул” достонининг статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.б.фалс.док. ...дисс.автореф. – Жиззах, 2020, – 35 б.

146. Хасанов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар. Филол.фан. номз...дисс. – Тошкент, 2010. – 36 б.

147. Ходжиев Ю.Н. “Алпомиш” достонидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятлари. Филол.фан.б.фалс.док...дисс. – Тошкент, 2020. – 121 б.

148. Ходжиев Ю.Н. “Алпомиш” достонидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятлари: Филол.фан.б.фалс.док. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 7-8.

149. Холиқов А.А. “Тўрўғлининг туғилиши” достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари. Филол.фан. номз...дисс. – Тошкент, 2009. – 152 б.

150. Холиқов А.А. “Тўрўғлининг туғилиши” достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент,

2009. – 6 б.

151. Холманова З. “Шайбонийхон” достони лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида). Филол.фан. номз...дисс. – Тошкент, 1998. – 98 б.

152. Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари. Филол.фан. номз...дисс. – Тошкент, 2000. – 108 б.

153. Шоабдурахманов Ш. О художественных средствах язык поэмы “Равшан”: Автореф. дис.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1949. – 8 с.

154. Эшмуратов А.М. “Холдорхон” дostonининг лингвостилистик хусусиятлари (Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты асосида). Филол.фан.б.фалс.док. ...дисс. – Жиззах, 2021. – 180 б.

155. Эшмуратов А.М. “Холдорхон” дostonининг лингвостилистик хусусиятлари (Эргаш Жуманбулбул ўғли варианты асосида): Филол.фан.б.фалс.док. ...дисс.автореф. – Жиззах, 2021. – Б. 7-8.

156. Якуббекова М.М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. Филол.фан. д-ри...дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 144-181.

157. Ўринбоева Д. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари. Филол.фан. д-ри...дисс. – Самарқанд, 2019. – 111 б.

158. Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол.фан. номз...дисс. – Тошкент, 2000. – 108 б.

159. Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмларнинг структур тадқиқи: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.

160. Ҳакимов Қ. Ўзбек тилида содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 1994. – 27 б.

161. Хасанов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар. Филол.фан. номз...дисс. – Тошкент, 2010. – 36 б.

VI. Илмий тўплам, журнал ва газеталардаги мақолалар

162. Аликулов Т. Яна маъно кўчиш усуллари ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1974, № 1. 76-78 б.
163. Абдурахмонов Х. Мақоллардаги боғловчисиз кўшма гаплар структурасининг баъзи хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1962, №6. 32-37 б.
164. Абдурахмонов Х. Мақоллардаги боғловчисиз кўшма гапларда айрим гап бўлақларининг такрорланиши. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1962, №3. 28-31 б.
165. Абдурахмонов Х. Мақол ва маталларда такрор компонентларнинг қўлланиши. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1974, №3. 60-63 б.
166. Бакиров П. Ўзбек тилида икки бўлакли содда гап шаклидаги номинацентрик мақоллар. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004, №4. 78 б.
167. Дониёров Х. Халқ дostonлари тили ва қипчоқ шеваларининг адабий тилимизга муносабати // СамДУ профессор-ўқитувчиларининг XXIV илмий-назарий конференцияси материаллари. Филология серияси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1969. 14-19 б
168. Жўраева Б. Мақол-матал типидagi паремалар. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2005, №5. 88-89 б.
169. Ишаев А. Халқ дostonлари лексикасига оид кузатишлар. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970, № 5. 56-63 б.
170. Маматов А. Лексик энергияси асосида фразеологизмларнинг шаклланиши. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1999, №6. 29-33 б.
171. Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлилининг баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986, №3. 16-

21 б.

172. Ризаев С. Ўзбек тили машина фондининг яратилишига доир // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. IV. – Тошкент: ЎзМУ нашри, 2008, 94 б.

173. Соатов Б. Мақолларнинг матал ва топишмоқларга муносабати. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987, №5. 37-40 б.

174. Соатов Б. Паремнологик жанрларнинг ўзаро муносабатлари масаласига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998, №3. 36-38 б.

175. Тохиров З. Метафора лексема-семемасининг прагматик семаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1983, №1. 74-77 б.

176. Умаров Э. Фразеологическая контаминация в языка Алишера Навои. // Сов.тюркология. 1974, №5. 23-27 с.

177. Усмонов С. Метафора. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1964, №4. 34-36 б.

178. Холмуротова Ж. “Қирқ минглар” достони лексикасининг адабий тилга муносабати. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996, № 4. 64-66 б.

179. Холиқов А. “Тўрўғлининг туғилиши” достонида мақолларнинг ўрни. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002, №4. 76-77 б.

180. Худойберганова Д.С. Матннинг мазмуний таркибида метафоралар. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012, №1. 35-39 б.

181. Шоабдурахмонов Ш.О поэтических особенностях языка поэмы “Равшан” Эргаша Джуманбулбул оглы. // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент: 1970, № 10, 24-27 с.

182. Шоабдурахмонов Ш. Эргаш Жуманбулбул дostonларида ифода ва тасвирийлик. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970, № 5. 43-50 б.

183. Шоабдурахмонов Ш., Мирзаев Т. Улкан олим. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985, №4. 30 б.

184. Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” дostonининг тили ҳақида. // “Эргаш шоир ва унинг дostonчилиқдаги ўрни” тўплами. – Тошкент: 1971, 2-китоб. 146-172 б.

185. Шукуров И. Эллиптик йўл билан нутқий метафораларнинг содир

бўлиши. // Ўзбек тили тили ва адабиёти. 1974, №3. 69 б.

186. Ўринбоева Д. Достонлар тилида фразеологик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, №6. 87-90 б.

VII. Интернет сайтлари

187. <https://elib.rgo.ru/handle/123456789/218012>

www.ziyouz.com